BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI 1930

# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI




12/2024

https://buxdu.uz

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

12/2024

E-ISSN 2181-1466
9 772181 146004

ISSN 2181-6875
9 772181 687004

@buxdu_uz @buxdu1 @buxdu1 www.buxdu.uz

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI**
**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY**
**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**Ilmiy-nazariy jurnal**
**2024, № 12, dekabr**

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo‘yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo‘yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo‘yicha, **tarix** fanlari bo‘yicha 2023-yil 29-avgustdan boshlab O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar Vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo‘lgan zaruriy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan. Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O‘zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro‘yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**
**Tahririyat manzili:** 200117, O‘zbekiston Respublikasi,Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko‘chasi, 11-uy.
Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

**TAHRIR HAY’ATI:**

**Bosh muharrir:** Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
**Bosh muharrir o‘rinbosari:** Rasulov To‘lqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor
**Mas’ul kotib:** Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

**Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich**, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)
**Danova M.,** filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)
**Margianti S.E.,** iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)
**Minin V.V.,** kimyo fanlari doktori (Rossiya)
**Tashqarayev R.A.,** texnika fanlari doktori (Qozog'iston)
**Mo‘minov M.E.,** fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)
**Mengliyev Baxtiyor Rajabovich,** filologiya fanlari doktori, professor
**Adizov Baxtiyor Rahmonovich,** pedagogika fanlari doktori, professor
**Abuzalova Mexriniso Kadirovna**, filologiya fanlari doktori, professor
**Amonov Muxtor Raxmatovich**, texnika fanlari doktori, professor
**Barotov Sharif Ramazonovich**, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a’zosi (akademigi)
**Baqoyeva Muhabbat Qayumovna**, filologiya fanlari doktori, professor
**Bo‘riyev Sulaymon Bo‘riyevich**, biologiya fanlari doktori, professor
**Jumayev Rustam G‘aniyevich**, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent
**Djurayev Davron Raxmonovich**, fizika-matematika fanlari doktori, professor
**Durdiyev Durdimurod Qalandarovich**, fizika-matematika fanlari doktori, professor
**Olimov Shirinboy Sharofovich**, pedagogika fanlari doktori, professor
**Qahhorov Siddiq Qahhorovich**, pedagogika fanlari doktori, professor
**Umarov Baqo Bafoyevich**, kimyo fanlari doktori, professor
**Murodov G‘ayrat Nekovich**, filologiya fanlari doktori, professor
**O‘rayeva Darmonoy Saidjonovna**, filologiya fanlari doktori, professor
**Navro‘z-zoda Baxtiyor Nigmatovich,** iqtisodiyot fanlari doktori, professor
**Hayitov Shodmon Ahmadovich**, tarix fanlari doktori, professor
**To‘rayev Halim Hojiyevich**, tarix fanlari doktori, professor
**Rasulov Baxtiyor Mamajonovich**, tarix fanlari doktori, professor
**Eshtayev Alisher Abdug‘aniyevich,** iqtisodiyot fanlari doktori, professor
**Quvvatova Dilrabo Habibovna**, filologiya fanlari doktori, professor
**Axmedova Shoira Nematovna**, filologiya fanlari doktori, professor
**Bekova Nazora Jo’rayevna**, filologiya fanlari doktori (DSc), professor
**Amonova Zilola Qodirovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
**Hamroyeva Shahlo Mirjonovna,** filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
**Nigmatova Lola Xamidovna,** filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
**Boboyev Feruz Sayfullayevich**, tarix fanlari doktori
**Jo‘rayev Narzulla Qosimovich**, siyosiy fanlar doktori, professor
**Xolliyev Askar Ergashovich**, biologiya fanlari doktori, professor
**Artikova Hafiza To‘ymurodovna**, biologiya fanlari doktori, professor
**Norboyeva Umida Toshtemirovna**, biologiya fanlari doktori, professor
**Hayitov Shavkat Ahmadovich**, filologiya fanlari doktori, professor
**Qurbonova Gulnoz Negmatovna**, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor
**Ixtiyarova Gulnora Akmalovna**, kimyo fanlari doktori, professor
**Rasulov Zubaydullo Izomovich,** filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent
**Mirzayev Shavkat Mustaqimovich**, texnika fanlari doktori, professor
**Samiyev Kamoliddin A’zamovich**, texnika fanlari doktori, dotsent
**Esanov Husniddin Qurbonovich**, biologiya fanlari doktori, dotsent
**Raupov Soyib Saidovich**, tarix fanlari nomzodi, professor
**Zaripov Gulmurot Toxirovich**, texnika fanlari nomzodi, professor
**Jumayev Jura**, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent
**Klichev Qybek Abdurasulovich**, tarix fanlari doktori, dotsent
**G‘aybulayeva Nafisa Izattullayevna**, filologiya fanlari doktori (DSc), professor

## MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS


| | | |
|---|---|---|
| **FALSAFA VA HUQUQ, SIYOSATSHUNOSLIK *** PHILOSOPHY, LAW AND POLITICAL SCIENCES *** ФИЛОСОФИЯ, ПРАВО И ПОЛИТОЛОГИЯ** | | |
| **Mamatqulova D.Y.** | Dunyoviy bilimlar va diniy e’tiqod birligiga erishishning ahamiyati | 3 |
| **Rashidov R.R.** | Afg‘onistondagi jamoat tuzilmalari va ularning jamiyatda tutgan o‘rni | 7 |
| **Ro‘ziqulov A.O‘.** | O‘tgan asr so‘nggi choragida Afg‘onistondagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar tahlili | 12 |
| **Раупов С.С.** | Шўролар ҳокимияти йилларида махалла институти | 17 |
| **Akramova Sh.A.** | Huquqiy madaniyat – harbiy xizmatchilarni jamiyatda inson huquqlarini ta’minlashdagi oliy ko‘rinishi sifatida | 23 |
| **Битураев У.Б.** | “Zeitenwende”дан сўнг Германиянинг Марказий Осиёга нисбатан янги нигоҳи: геосиёсатдан геоиқтисодга ўтиш | 29 |
| **Бозоров З.З.** | Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида | 34 |
| **TARIX *** HISTORY *** ИСТОРИЯ** | | |
| **Aymatova Z.G‘.** | XIX asr oxiri - XX asr boshlarida Markaziy Osiyo musulmonlarning haj ziyorati yo’l va yo‘nalishlari | 37 |
| **Boltayev A.X.** | Buxoro tarixini o‘rganayotgan jamiyatlar (“Qadim Buxoro” ilmiy-tadqiqot markazi misolida) | 42 |
| **Jo’rayev I.I.** | 1950-80-yillarda O’zbekistonda qishloq xo’jaligi tarmoqlarini ixtisoslashtirilishi tarixidan | 46 |
| **Nasilloyev S.Sh.** | O’zbekiston SSR qishloq xo‘jaligi fanlarida aspirantura orqali ilmiy kadrlar tayyorlashning muammo va yechimlari (1960-1970 yillar misolida) | 51 |
| **Nivedita D.K.** | Timur Statehood and its role in shaping Central Asian regionalism | 55 |
| **Qandov B.M.** | Turkistonda kadrlarni mahalliylashtirish siyosatida Turor Risqulovning roli (XX asrning 20-30-yillari) | 60 |
| **Ubaydullayev O‘.Q.** | O‘zbekistonda “Qosimovchilik” guruhi qatag‘oni va uning keyingi bosqichlari | 66 |
| **Utepbergenova A.K.** | Qoraqalpog‘iston Respublikasi teleradiokompaniyasi faoliyatining shakllanishi | 71 |
| **Xolmuminov X.E.** | Buxoro amirligi janubiy hududlari tarixiy demografik jarayonlarini o‘rganish mavzusining nazariy-uslubiy asoslari (XIX asrning ikkinchi yarmi – XX asr boshlari) | 75 |

| | | |
|---|---|---|
| **Жумаев А.А.** | Бухородаги меъморий обидалар ва зиёратгоҳлардаги битикларнинг тарихий таҳлили | 79 |
| **Karimov A.** | Mustaqillik yillarida Surxondaryo viloyati yoshlarining tadbirkorlik faoliyati | 83 |
| **Mamurov A.A.** | Development of pottery and pottery techniques in the Timurid empire | 88 |
| **Mardiyeva G.K.** | O‘zbekistonda 1945-1990-yillarda xotin-qizlarining o‘rta maxsus va oliy ta’lim sohasidagi ulushi | 92 |
| **Sulaymanova S.B.** | Historical development of ancient statues and their role in human civilization | 96 |
| **Tursunov A.S.** | Shaharlarda urbanizatsion jarayonlar taraqqiyotida turizm sohasining tutgan o‘rni (Surxondaryo viloyati misolida) | 102 |
| **Tursunov J.N.** | Surxondaryo viloyati aloqa ishlab chiqarish korxonasi tarixidan | 106 |
| **Tursunov O‘.S.** | Mustaqillik yillarida Surxondaryo viloyatida ijtimoiy soha - sog‘liqni saqlash tizimidagi o‘zgarishlar | 110 |
| **Umarov J.S.** | Ikkinchi jahon urushidan keyingi yillarda Surxondaryo viloyati maktablari moddiy-texnik bazasidagi ahvol | 114 |
| **Камолов И.Н.** | Жемчужина дворца Бабура или принцесса Тимуридов Хонзодабегим | 118 |
| **Турсунов С.Н.** | Ер-сув ислоҳоти вақтида қатағон қилинган юртдошларимиз | 122 |
| **Ҳаётова Н.З.** | Бухоро воҳаси ўрта аср шаҳар маданияти тарихшунослиги | 127 |
| **Diyarov A.A.** | Markaziy sug‘dning antik va o‘rta asrlar davri shishasozligini o‘rganish | 134 |
| **Tilavova Sh.S.** | Turkiston mintaqasida oila-nikoh munosabatlarida ayollarning o‘rni masalalarining yoritilishi (XIX asr oxiri – XX asr boshlari) | 141 |
| **IQTISOD *** ECONOMY *** ЭКОНОМИКА** | | |
| **Tursunov A.R., Axmedov A.A., Toshboboyev Sh.M.** | Mahsulot sifatini baholash texnologiyasi | 145 |


https://buxdu.uz

**UO‘K 87.717.7**

# DUNYOVIY BILIMLAR VA DINIY E'TIQOD BIRLIGIGA ERISHISHNING AHAMIYATI

***Mamatqulova Dilrabo Yo'ldashevna,***
*Muhammad al Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti*
*Qarshi filiali mustaqil tadqiqotchisi*
*mydilrabo@gmail.com*

***Annotatsiya.*** *Ko'plab jamiyatlar bir nechta etnik guruhlarlardan, millatlardan tashkil topadi. Tabiiyki, ularning dinlari ham turlicha bo'ladi. Ana shunday jamiyatlarda eng ahamiyatli narsa shundan iboratki, insonlar bir-biriga nisbatan tolerantlik, diniy bag'rikenglikni namoyish etish, bir hududda yashab turgan boshqa xalqlarning urf- odatlarini, an'analarini hurmat qilishi ushbu jamiyat rivoji uchun asos bo'ladi.*

***Kalit so'zlari:*** *din, diniy bag'rikenglik, jamiyat, millat, elat, qadriyat, tolerantlik, dinlararo totuvlik, xulq-atvori, urf- odat, an'analar*

## ЗНАЧИМОСТЬ ДОСТИЖЕНИЯ ЕДИНСТВА СВЕТСКИХ ЗНАНИЙ И РЕЛИГИОЗНЫХ УБЕЖДЕНИЙ

***Аннотация.*** *Многие общества состоят из нескольких этнических групп и наций. Естественно, их религии также различны. Самое главное в таких обществах то, что люди проявляют терпимость друг к другу, проявляют религиозную толерантность, уважают обычаи и традиции других народов, проживающих на одной территории, что является основой развития этого общества.*

***Ключевые слова***: *религия, религиозная толерантность, общество, нация, народ, ценности, толерантность, межрелигиозное согласие, поведение, обычаи, традиции.*

## THE IMPORTANCE OF ACHIEVING UNITY OF SECULAR KNOWLEDGE AND RELIGIOUS BELIEFS

***Abstract.*** *Many societies consist of several ethnic groups and nations. Naturally, their religions are also different. The most important thing in such societies is that people show tolerance to each other, show religious tolerance, respect the customs and traditions of other peoples living in the same territory, which is the basis for the development of this society.*

***Keywords:*** *religion, religious tolerance, society, nation, people, value, tolerance, interreligious harmony, behavior, customs, traditions*

**Kirish.** Din qadim-qadimdan insoniyat uchun zarur bo'lgan ma'naviy qadriyatlarni o'zida aks ettirib, ezgulik, mehr-oqibat, poklik, halollik, do'stlik va birodarlik g'oyalarini amalga oshirishga xizmat qilib keladi. Ko'pgina milliy qadriyatlarning zavol topmasdan yashab kelayotgani ham dinning ana shu xususiyatlari bilan bog'liq. Dunyodagi barcha dinlar ezgulik g'oyalariga asoslanadi. Ular odamlarni to'g'rilik, soflik, shafqat va bag'rikenglikka undaydi, birovga ozor bermaslikka, yomon ishlardan tiyilishga, nafs ko'yiga tushib, adashmaslikka chaqiradi.

Diniy bag'rikenglik g'oyasi barcha dinlarga xos ana shu umumiy tamoyillarni anglagan holda, ular o'rtasida hamkorlik o'rnatishga va shu tariqa butun insoniyatning orzusi bo'lgan adolat tantanasiga erishishga da'vat etadi.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** Dinlararo bag'rikenglik deb, xilma-xil din va mazhab egalarining bir-birining e'tiqodini o'zaro hurmat qilib, tushunib, yagona zamin, yagona vatanda, olijanob g'oya va niyatlar yo'lida hamkor va hamjihat bo'lib yashashiga aytiladi.

Bugungi kunda dinlararo bag'rikenglikka erishish uchun ular o'rtasida madaniy muloqot, ezgulik yo'lidagi hamkorlik aloqalari yo'lga qo'yilmoqda. Ayniqsa, keyingi asrda insoniyat boshiga tushgan xatarlar — yadro urushi xavfi, ekologik halokatlar, terrorchilik va diniy ekstremizm kabi ofat-balolar dinlarni ezgulik, barcha insonlar uchun yagona bo'lgan sayyoramizni saqlab qolish yo'lida birlashish va hamkorlik qilishga undamoqda. Barcha dinlarning mohiyatini ezgulik, do'stlik va birodarlik, mehr-shafqat kabi tushunchalar tashkil qiladi. Aynan ana shu tushunchalar turli din vakillarini muloqotga, hamkorlikka da'vat etadigan umumiy zamin bo'lib xizmat qiladi. Bugungi kunda bashariyat bu haqiqatni tobora chuqurroq



https://buxdu.uz

anglamoqda.

Diniy bag'rikenglik g'oyasi muayyan jamiyatda, butun dunyoda turli din va mazhabga e'tiqod qiladigan xalqlar, odamlar o'rtasida do'stona aloqalarni o'rnatish, ularning kuchi va iste'dodini bunyodkorlik ishlariga safarbar etishga xizmat qiladi.

Tinchlik va barqarorlikning muhim sharti bo'lgan bu g'oya bugungi kunda nafaqat dindorlar, balki butun jamiyat a'zolarining hamkorligini ham nazarda tutadi, hamjihatlikka erishishning muhim omillaridan biri hisoblanadi.

Jamiyat – bu odamlar birlashuvining barcha shakllari va ularning o’zaro aloqalari va o’zaro ta’sirlalarining barcha usullari majmuyidir.

Jamiyat paydo bo’lgan beri din eng muhim ijtimoiy omillardan biri hisoblanadi. Dinning ijtimoiy fenomen sifatida talqin qilinishi, uning jamiyat hayotidagi real vazifalarini bajarishi hamda muayyan talablarga javob berishni anglatadi. Din ijtimoiy fenomen sifatida obyektiv omil sanalib, tashqi va majburiy tarzda kishilarga har qanday jamoatchilik instituti sifatida ta’sir o’tkazadi. Dinning jamiyatda bajaradigan bir qancha funksiyalar mavjud. Ba’zi mualliflar fikriga ko’ra dinning muhim funksiyalardan biri bu boshqaruv-nazorat funksiyadir [1]. Din ham jamoatchilik ongining boshqa shakli sifatida kishilar xulq-atvoriga ta’sir ko’rsatadi. Din mazkur funksiyani muayyan qadriyat va me’yorlar tizimini yaratish asosida amalga oshiradi. Kishilar xulq-atvori boshqaruviga odat va an’analarni shakllantiruvchi diniy ibodatlar ham ta’sir ko’rsatadi. U ma’naviy va axloqiy qadriyat, marosim va udumlar tizimini o’z me’yoriga moslashtirib boradi. Boshqaruv-nazorat funksiyasining hayotiyligi muqarrardir. Mavjud funksiya doirasida asrlar davomida diniy axloq asoslari yaratilgan. Dinning ikkinchi muhim funksiyasi bu jipslashtiruvchi (integrativ) funksiyasidir. Dinning integrativ vazifasi jamiyat a’zolarini – ijtimoiy kelib chiqishi, mavqei, millati kabi xususiyatlaridan qat’i nazar – birlashtiruvchi kuch ekanligida namoyon bo‘ladi. Integrativ yoki funksionalistik yondashuvning asoschilaridan biri E. Dyurkgeymning fikricha, din xuddi yelim kabi kishilarni umumma’naviy qadriyatlar, e’tiqod, urf-odat va an’analar asosida birlashtirishga, yaxlit bir majmuaga aylantirishga xizmat qiladi. E. Dyurkgeym, ayniqsa, diniy sig‘inish masalasiga alohida e’tibor beradi. Uningcha, din sig‘inish orqali jamiyatni bir butun qiladi, shaxsni ijtimoiy hayotga tayyorlaydi va itoat etishga undaydi, ijtimoiy yaxlitlikni mustahkamlaydi,an’analarni qo‘llab-quvvatlaydi, kishida qanoat hosil qiladi [2].

Ushbu funksiyalarni to’liqligicha amalga oshirishi uchun jamiyatda birdamlik, hamjihatlik, o’zaro hurmat kabi umuminsoniy qadriyatlar shakllangan bo’lishi kerak. Bunday qadriyatlarni shakllantirishda esa diniy bag’rikenglik hal qiluvchi ahamiyatga ega. Ayniqsa, ko’p millatlik mamlakatlarda dinlararo totuvlik va diniy bag’rikenglik jamiyat taraqqiyoti uchun birlamchi omillardan biri hisoblanadi.

Diniy bag’rikenglik jamiyat hayotida rivojida betakror rol o’ynashi hech kimga sir emas. Bunga bir nechta sabablar bor. Jamiyat barqaror rivojlanishi va unda tinch- totuv hayot ta’minlanishi uchun davlat nafaqat chegaralar daxlsizligi, shu bilan birga mamlakat ichidagi etnik mojarolarni oldini olish uchun diniy bag’rikenglikka alohida e’tibor berishi zarurdir. Chunki mojarolarning eng xavfli va tez avj oladigan diniy va etnik mojarolar hisoblanadi. Ularning yechimi uzoq vaqt talab etishi mumkin.

**Muhokama.** Ko’plab jamiyatlar bir nechta etnik guruhlarlardan, millatlardan tashkil topadi. Tabiiyki, ularning dinlari ham turlicha bo’ladi. Ana shunday jamiyatlarda eng ahamiyatli narsa shundan iboratki, insonlar bir-biriga nisbatan tolerantlik, diniy bag’rikenglikni namoyish etish, bir hududda yashab turgan boshqa xalqlarning urf- odatlarini, an’analarini hurmat qilishi ushbu jamiyat rivoji uchun asos bo’ladi.

Aks holda shaxlarlar o’zaro iqtisodiy, siyosiy, madaniy va boshqa munosabatlarga kirisha olmaydilar. Bu holat esa jamiyatning bir nuqtada qotib qolishga olib kelishi mumkin.

Dunyoning eng dolzarb muammolaridan biri bu – xalqlar va dinlar o‘rtasidagi bag‘rikenglik, tolerantlik g‘oyasidir. Ushbu tushuncha atrofida yer kurrasining barcha xalqlari, elatlarining jipslashish zaruriyati tug‘ildi. Chunki, faqat bag‘rikenglikkina dunyoni halokatdan, bo‘lajak fojealardan asraydi. Shu boisdan, YUNESKO 1995- yili Parijda «Bag‘rikenglik tamoyillari Deklaratsiyasi» ni qabul qildi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan esa 1996- yildan buyon har yilning 16- noyabr sanasi «Bag‘rikenglik kuni» deb e’lon qilindi. Ushbu deklaratsiyada diniy bag’rikenglikning ijtimoiy jihatlariga alohida urg’u berilgan. Xususan, unda shunday deyilgan: “Bag’rikenglik bugungi kunda har doimgidan ham muhimroqdir. Biz iqtisodiy globallashuv jarayoni, aloqa vositalari tez rivojlanayotgan, integratsiya va o’zaro aloqadorlik, katta miqyosdagi migratsiya va aholining ko’chishi, urbanizatsiya va ijtimoiy tuzilmalar qayta shakllanayotgan asrda yashamoqdalar. Har bir mintaqa serqirradir va shuning uchun murosasizlik va nizolarning ko’payishi dunyoning barcha nuqtalariga tahdid qiladi. Bu tahdid global xarakterga ega bo’lgan sababli, uni milliy chegaralar doirasida cheklanib qolishi mumkin emas” [3].

Dinlararo totuvlik, diniy bag’rikenglik, vijdon erkinligi kabi tushunchalar o’zaro uzviy bog’liqdir. Vijdon erkinligi masalasi ijtimiy hayotda har doim muhim va murakkab hodisa bo’lib kelgan. Binobarin,

uning zamirida shaxsning huquqi, demokratiya, adolatparvarlik va insonparvarlik kabi katta ijtimoiy, siyosiy, huquqiy va axloqiy tushunchalar yotadi.Vijdon erkinligi kishilarning ruhiy olamiga, uning barkamolligiga bevosita ta’sir ko’rsatadi. Shu bois bu masalaning ijtimoiy hayotdagi o’rni va bajaradigan vazifalari g’oyat muhim. Birlashgan Millatlar Tashkilotining ustavidan tortib barcha xalqaro hujjat va shartnomalarda, hamma mamlakatlarning konstitutsiya va qonunlarida vijdon erkinligi o’z ifodasini topgan. 1948- yil 10-dekabrda qabul qilingan Inson Huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasiga muvofiq har bir inson fikrlash, vijdon va din erkinligi huquqiga ega. Bu huquq o’z dini yoki e’tiqodini o’zgartirish erkinligini, o’z dini yoki e’tiqodiga o’zicha shuningdek, boshqalar bilan birgalikda amal qilish kafolatini, ibodat qilishda va diniy marosimlarda yakka tartibda yoki odamlar orasida birga qatnashish erkinligini o’z ochiga oladi. Xususan, ushbu normativ hujjatda: Har bir inson biror bir kamsitishlarsiz, irqi, tili, jinsi, dini, siyosiy qarashlaridan, milliy yoki ijtimoiy kelib chiqishidan, moddiy ahvoli, qaysi tabaqaga mansubligi va boshqa holatlardan qat’iy nazar mazkur Deklaratsiyada e’lon qilingan barcha huquqlar va erkinliklar sohibi bo’lishi kerak[4].

Bundan tashqari bu masala yana bir murakkab hodisa – turli dunyoqarash, etiqodda bo’lgan kishilar o’rtasidagi, davlat bilan din, diniy tashkilotlar bilan davlat o’rtasidagi munosabatlarning amalda huquqiy ta’minlanishini ham nazarda tutadi. Zero, odamlar doim turli dunyoqarash va e’tiqod bilan yashaganlar va yashadiylar. Har kimning o’z ichki dunyosi, o’z etiqodi bo’ladi.

Vijdon erkinligi qandaydir bir mavhum tushuncha emas, u ma’lum ijtimoiy vaziyatda albatta namoyon bo’ladi. Shuning uchun uni konkret tarixiy, ijtimoiy sharoitsiz, obyektiv va subyektiv omillarsiz tasavvur etish qiyin.

O’zbekiston Respublikasi Konstitusiyaning 31-moddasida "Hamma uchun vijdon erkinligi kafolatlanadi. Har bir inson xohlagan diniga e’tiqod qilishi yoki hyech qaysi dinga e’tiqod qilmaslik huquqiga ega. Diniy qarashlarni majburan singdirishga yo’l qo’yilmaydi", deb yozib qo’yilgan. Demak, dinga e’tiqod qilish yoki qilmaslik har kimning shaxsiy ishidir.

O’zbekiston hududi qadimdan turli dinlarga e’tiqod qiluvchi ko’p millatli mamlakat sifatida ajralib turgan. Yurtimizda zardushtiylik, yahudiylik, xrisitianlik va islom diniga e’tiqod qiluvchi aholi emin erkin yashab kelgan. Tarixiy manbalarda ta’kidlanishicha, yurtimiz hududida diniy sabab bois birorta nizolar bo’lmaganligi xalqimizning diniy bag`rikenglik borasida katta tajriba to’plaganidan dalolat beradi.

Tarixiy sharoit, jarayonlar bu zaminda tom ma’nodagi bag`rikenglik tamoyillarining barqaror shakllanganligi, uning natijasida tinch, osuda hayot, ilmiy ma’rifiy yuksalish, taraqqiyot ta’minlanganligini ko’rsatadi.

Diyorimizdan yetishib chiqqan allomalarning asarlarida ham diniy bag`rikenglik targ`ib qilingan g`oyalarni uchratamiz. Jumladan, alloma Abu Mansur al-Moturudiyning “Tilovat ahli sunna” asarida Qur’oni karim oyatlaridan birini tafsir etib, “Cherkov va sinogoglarni vayron etish man etiladi. Shuning uchun ham musulmon o’lkalarda shu davrgacha ular saqlanib qolgan. Bu masalada ilm ahli orasida ixtilof yo’qdir”, degan fikrni bildirgan.

XV asr boshlarida Temur saroyida bo’lgan Kastiliya elchisining guvohlik berishicha, Temur Samarqandda turli din vakillarini yig`adi, ularga iltifot ko’rsatadi hamda xristian diniga e’tiqod qiluvchi mehmonlarning turli ehtiyojlarini bajarish uchun alohida mas’ul shaxs tayinlaydi. Ular bilan do’stona aloqalarni mustahkamlashni tayinlaydi.

Qadim-qadimdan din aksariyat milliy qadriyatlarni o’zida mujassam etib keladi. Milliy qadriyatlarning asrlar o’sha bezavol yashab kelayotgani ham dinning ana shu tabiati bilan bog`liq. Chunki, dunyodagi dinlarning barchasi ezgulik g`oyalariga asoslanadi, yaxshilik, tinchlik, do’stlik kabi fazilatlarga tayanadi. Odamlarni halollik, poklik, mehr-oqibat va bag`rikenglikka chorlaydi.

**Natijalar.** Mustaqillik sharofati bilan 130 dan ortiq millat va elat vakillari yashaydigan O’zbekistonda turli din, millat va elat vakillari farovon yashashi uchun qulay sharoitlar yaratilgan bo’lib, islom, xristianlik, yahudiylik, bahoi jamoalari va krishnani anglash jamiyati, bular bilan birgalikda ularning turli oqimlari va yo’nalishlari vakillari tinch, osoyishta va farovon hayot kechirib kelmoqda. Mustaqillik sharoitida etnik munosobatlar va din sohasida olib borilayotgan izchil va qat’iy siyosat tufayli mamlakatimizda millatlararo totuvlik va konfessiyalararo hamkorlik qaror topdi. Konstitustiyamizda «O’zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo’lib, jinsi, irqi, millati, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e’tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeidan qat’i nazar, qonun oldida tengdirlar», degan tamoyilning mustahkamlab qo’yilishi esa, bu boradagi ishlarning qonuniy asosi bo’lib xizmat qilmoqda.

Milliy qadriyatlar tolerantlikni rivojlantirishda muhim o’rin tutadi. Tolerantlik – o’zligini anglagan millat vakillarining boshqa millat vakillari tomonidan kamsitilishiga yo’l qo’ymaslik, ular bilan tinch, farovon hayot kechirishidir. Tolerantlik tuyg`usi insonning xulq atvori, odob axloqi, siyosiy – ma’naviy pokligi, o’z xalqi va milliy merosi boyligi hamda milliy qadriyatlarga bo’lgan munosabatini belgilab beradi. Bu xususiyatlar esa har bir insonda bag`rikenglik, baynalmilallik tuyg`ularini uyg`otadi.



https://buxdu.uz

O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 8-moddasida "O'zbekiston xalqini millatidan qat'iy nazar O'zbekiston Respublikasining fuqarolari tashkil etadi", deb aniq belgilab qo'yilgan. Konstitusiyasining 4-moddasida esa "O'zbekiston Respublikasi o'z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf- odatlari va an'analari hurmat qilinishini taminlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi", deyilgan.

Dinlararo totuvlik jamiyatda tinchlik va barqarorlikning kafolati bo'lib xizmat qiladi. Diniy bag'rikenglik g'oyasi xilma-xil diniy e'tiqodga ega bo'lgan kishilarning bir zamin, bir Vatanda, g'oya va niyatlar yo'lida hamkor va hamjihat bo'lib yashashini anglatadi.

Dunyodagi dinlarning barchasi ezgulik g'oyalariga asoslanadi va yaxshilik, tinchlik, do'stlik kabi xususiyatlarga tayanadi. Odamlarni halollik va poklik, mehr- shafqat, birodarlik va bag'rikenglikka da'vat etadi. Azal-azaldan ona yurtimizda islom, xristian, hinduiylik, buddaviylik kabi din vakillari yonma-yon yashab kelgan. Asrlar mobaynida yirik shaharlarda masjid, cherkov va sinagogalarning mavjud bo'lishi, turli millat va dinga mansub qavmlarning o'z diniy amallarni erkin ado etib kelayetgani buning tasdig'idir. Tariximizning eng murakkab, og'ir davrlarida ham ular orasida diniy asosda mojarolar bo'lmagani xalqimizning dinlararo bag'rikenglik masalasida ulkan tajriba to'plaganidan dalolat beradi.

**Xulosa.** Hozirgi kunning eng asosiy vazifalaridan biri xalqimizning diniy e'tiqodiga zid bo'lgan zararli oqimlarning yurtimizga kirib kelishining oldini olish, an'anaviy, ma'rifiy, mo'tadil islomni yot g'oyalar ta'siridan saqlashdan iborat.

Dinlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik ta'minlanishini belgilaydigan sohalar juda ko'p. Ta'lim-tarbiya sohasi, shubhasiz, ular orasida alohida ahamiyatga ega. Chunki millatimizning, xalqimizning ertangi kuni bugun voyaga yetayotgan avlod taqdiri bilan uzviy bog'liqdir.

Dinlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik, eng avvalo, boy tarixiy-ma'naviy meros, milliy qadriyat, urf-odat va an'analar asosida milliy o'zligini anglagan, milliy g'urur-iftixori yuksalgan, umuminsoniy qadriyatlar, zamonaviy texnologiyalar, ilm- fan yutuqlari asosida dunyoqarashi shakllangan barkamol avlodni tarbiyalashni ko'zda tutadi.

***ADABIYOTLAR:***

1.*O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi,Toshkent-2012;*
2.*Bag'rikenglik tamoyillari deklaratsiyasi,1995;*
3.*Inson Huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasi,1948;*
4.*"Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar" to'g'risidagi qonun,1998;*
5.*Yovqochev Sh.A "Siyosat va din"o'quv qo'llanmasi;*
6.*Narbekov A.V "Dinshunoslik asoslari", Toshkent-2007*
7.*Mo'minov A, Yo'ldoshxo'jayev H "Dinshunoslik",Toshkent-2003*



https://buxdu.uz

**UO‘K 328.2**

**AFG‘ONISTONDAGI JAMOAT TUZILMALARI VA ULARNING JAMIYATDA TUTGAN O‘RNI**

***Rashidov Rustam Rasulovich,***
*Alfraganus universiteti dotsenti, siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)*
*rustamrr20@mail.ru*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada Afg'onistondagi jamoat tuzilmalarining tarixiy asoslari va zamonaviy afg'on siyosiy tizimidagi o'rni va roli yoritib berilgan. Afg'onistondagi jamoat tuzilmalari faoliyatini tadqiq etish, ularning davlat tuzilmalari bilan munosabatlari va o'zaro aloqadorligini tahlil qilish, shuningdek, siyosiy tizim shakllanishi va rivojlanishiga ta'sirini o'rganish afg'on jamiyatida kechayotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni tushunish, ulardan tegishli xulosalar chiqarish imkonini beradi. Mazkur maqolada Afg'onistondagi bir necha yillik urush va mojaro nafaqat davlat institutlari faoliyatiga raxna soldi, balki afg'on jamiyatida ustun bo'lib kelgan hamda siyosiy tizimning tarkibiy qismlari bo'lmish an'anaviy qarashlar, o'zaro munosabatlar tartibi, jamiyat negizlariga ham salbiy ta'sir qilganligi, tarixan afg'on jamiyatida yakka shaxsdan ko'ra butun jamoa, qabila, urug'ning manfaatlari ustun bo'lib kelgan va shu bois ushbu ijtimoiy guruhlar jips, jamoaviylik an'analari mustahkam hamda kattalarga hurmat (paternalizm) kuchli bo'lgan fuqarolarning jamoasi ekanligi yoritib berilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *jamoat tuzilmalari, fuqarolik jamiyati tashkilotlari, nodavlat (nohukumat) tashkilotlari, ijtimoiy-siyosiy tuzilmalar, fuqarolik jamiyati, madaniyatli jamiyat, jirg'a, mintaqa, mahalla.*

**ОБЩЕСТВЕННЫЕ СТРУКТУРЫ В АФГАНИСТАНЕ И ИХ РОЛЬ В ОБЩЕСТВЕ**

***Аннотация.*** *В данной статье освещаются исторические основы общественных структур Афганистана, их место и роль в современной афганской политической системе. Исследование деятельности общественных структур Афганистана, анализ их связей и взаимосвязей с государственными структурами, а также изучение влияния на формирование и развитие политической системы позволяет понять социально-политические процессы, происходящие в афганском обществе, и сделать соответствующие выводы. В данной статье освещается многолетная война и конфликт в Афганистане, и их влияние на деятельность государственных институтов, на традиционные взгляды, порядок взаимоотношений и устои общества, которые доминировали в афганском обществе и являются составляющими. Влияние политической системы исторически сложилось так, что в афганском обществе интересы всей общины, племени и клана были более важными, чем интересы отдельной личности, и поэтому эти социальные группы являются более важными. Поясняется, что это сообщество граждан с сильными традициями коллективизма и сильным уважением к старшим (патернализм).*

***Ключевые слова:*** *общественные структуры, организации гражданского общества, негосударственные (неправительственные) организации, общественно-политические структуры, гражданское общество, цивилизованное общество, джирга, регион, махалля.*

**COMMUNITY STRUCTURES IN AFGHANISTAN AND THEIR ROLE IN SOCIETY**

***Abstract.*** *This article highlights the historical foundations of social structures in Afghanistan, their place and role in the modern Afghan political system. The study of the activities of social structures in Afghanistan, the analysis of their connections and relationships with state structures, as well as the study of the influence on the formation and development of the political system allows us to understand the socio-political processes taking place in Afghan society and draw appropriate conclusions. This article highlights the long-term war and conflict in Afghanistan and their impact on the activities of state institutions, traditional views, the order of relationships and the foundations of society that dominated Afghan society and are components. The influence of the political system has historically developed in such a way that in Afghan society the interests of the entire community, tribe and clan were more important than the interests of an individual, and therefore these social groups are more important. It is explained that this is a community of citizens with strong traditions of collectivism and strong respect for elders (paternalism).*

***Keywords:*** *public structures, civil society organizations, non-governmental organizations, socio-political structures, civil society, civilized society, jirga, region, mahalla.*



https://buxdu.uz

**Kirish.** Afg‘onistondagi jamoat tuzilmalari faoliyatini tadqiq etish, ularning davlat tuzilmalari bilan munosabatlari va o‘zaro aloqadorligini tahlil qilish, shuningdek, siyosiy tizim shakllanishi va rivojlanishiga ta’sirini o‘rganish afg‘on jamiyatida kechayotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlarni tushunish, ulardan tegishli xulosalar chiqarish imkonini beradi.

Afg‘onistondagi bir necha yillik urush va mojaro nafaqat davlat institutlari faoliyatiga raxna soldi, balki afg‘on jamiyatida ustun bo‘lib kelgan hamda siyosiy tizimning tarkibiy qismlari bo‘lmish an’anaviy qarashlar, o‘zaro munosabatlar tartibi, jamiyat negizlariga ham salbiy ta’sir qildi. Tarixan afg‘on jamiyatida yakka shaxsdan ko‘ra butun jamoa, qabila, urug‘ning manfaatlari ustun bo‘lib kelgan va shu bois ushbu ijtimoiy guruhlar jips, jamoaviylik an’analari mustahkam hamda kattalarga hurmat (paternalizm) kuchli bo‘lgan fuqarolarning jamoasi hisoblangan.

Zamonaviy bosqichda Afg‘onistonda kechayotgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlarda ham jamoat tuzilmalarining muhim o‘rni va roli borligini e’tirof etgan holda, ularni tegishlicha tasniflash, faoliyatining o‘ziga xos jihatlarini va davlat tuzilmalari bilan o‘zaro aloqadorligini yoritish maqsadga muvofiqdir. Shu bilan birga, Afg‘onistondagi siyosiy jarayonlarda muhim rol o‘ynab kelayotgan va siyosiy jarayonlarga kuchli ta’sir etayotgan muxolifatni ijtimoiy-siyosiy institut sifatida tadqiq etish ham muhim ahamiyat kasb etishini ta’kidlash joiz. Shuningdek, afg‘onlararo muloqot va konsensus asosidagi kelishuv jamiyat barqarorligini ta’minlashning garovi ekanligi hamda ushbu hodisa afg‘on jamiyatida ro‘y berishi va uning ijtimoiy-siyosiy tayanchi jamoat tuzilmalarida ekanligini qayd etish lozim.

Afg‘oniston jamoat tuzilmalari – bir necha rasmiy va norasmiy hamda davlatga tegishli bo‘lmagan tashkilotlar bo‘lib, ular alohida shaxslar yoki guruh tomonidan ixtiyoriy ravishda tashkil etiladi va qonunda belgilangan doirada tegishli maqsad va vazifalarni amalga oshirish uchun foyda olishga yo‘naltirilmagan holda faoliyat yuritadi.

Zamonaviy bosqichda Afg‘onistonda mavjud jamoat tuzilmalarini faoliyat turi, davlat bilan munosabatlariga ko‘ra quyidagi uchta yirik guruhga bo‘lish mumkin:

– fuqarolik jamiyati tashkilotlari (civil society organizations – CSO);

– nodavlat (nohukumat) tashkilotlari (nongovernment organizations – NGO);

– ijtimoiy-siyosiy tuzilmalar (masalan, siyosiy partiyalar).

Shuningdek, tarixan afg‘on jamiyatida kuchli ta’sirga ega bo‘lib kelgan diniy tashkilotlar ham jamiyatda muayyan fikrni shakllantirishda va muayyan munosabatlarni tartibga solishda muhim rol o‘ynaydi.

Afg‘onistonda 2014- yil holatiga 4700 dan ortiq turli jamoat tuzilmalari faoliyat olib bordi va mazkur tuzilmalar faoliyat yo‘nalishiga qarab turli vazirliklarda tegishli tartibda ro‘yxatga olingan [1; p. 12]. Ushbu tuzilmalarni faoliyat turiga qarab tasniflash, bir necha guruhlarga bo‘lish mumkin. Jumladan, AQShning Xalqaro Taraqqiyot Agentligi (USAID) hamda Xalqaro Nusxa (Counterpart International) tashkiloti mutaxassislari Afg‘onistondagi jamoat tuzilmalarini quyidagicha tasniflashgan:

– tashkiliy tuzilmasiga ko‘ra (qabila yoki jirg‘a/kengashlar);

– aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlari (yoshlar, xotin-qizlar, kambag‘al, kam ta’minlanganlar) bilan ishlovchi tuzilmalar;

– faoliyatining asosiy yo‘nalishiga ko‘ra (inson huquqlarini himoya qiluvchi, ta’lim berishga yo‘naltirilgan, ijtimoiy infratuzilmalarni takomillashtirishga yo‘naltirilgan) tuzilmalar va h. [2; p. 21-23].

**Adabiyotlar sharhi.** Afg‘onistonda jamoaviylik an’analari, fuqarolik jamiyati haqidagi qarashlar hamda uning amalda qo‘llanilishi bevosita demokratik qarashlar bilan bog‘liq va ta’kidlash joizki, afg‘on jamiyati uchun demokratiya tushunchasi butunlay yot emas. Bu xususda tadqiqotchi A.Ayrapetyantsning “Afg‘oniston fuqarolik jamiyatini baholash va afg‘onlar fuqarolik jamiyatiga qanday qaraydilar” nomi bilan AQShning Xalqaro taraqqiyot bo‘yicha Agentligi (USAID) ko‘magida nar etilgan o‘ziga xos tadqiqot ishida atroflicha ma’lumot beriladi [3; p. 116]. Xususan, dariy tilida “Mardoom Salari” va pushtu tilida “Woleswaki” tushunchalari orqali ifoda etiladigan demokratiya afg‘on jamiyatida o‘ziga xos ravishda namoyon bo‘ladi va u fuqarolik jamiyati tushunchasi bilan, xususan, fuqarolik jamiyatining sharqona ko‘rinishi bilan chambarchas bog‘liqligi to‘g‘risida mazkur tadqiqot ishida ma’lumot berilgan [3; p. 81-82].

Afg‘on jamiyatida fuqarolik jamiyati haqidagi qarashlar ilgaridan mavjud bo‘lgan va fuqarolik jamiyati tushunchasi “odobi jirg‘a”, (adabi jirga) ya’ni “madaniyatli jamiyat” (har qanday masalani kengash (jirg‘a)da hal etuvchi madaniyatli jamiyat) tushunchasi orqali ifoda etilganligi xususida Afg‘oniston tahlilchilar tarmog‘i tomonidan olib borilgan tadqiqot ishlarida ma’lumot beriladi [4; p. 2]. Shuningdek, pushtu tilida “Madani Tolana” va dariy tilida “Jamia-e Madani” tushunchalari ham “madaniyatli jamiyat” tushunchasi orqali ifoda etiladigan fuqarolik jamiyatiga nisbatan qo‘llanilib kelinadi [3; p. 81-82].

**Natijalar va ularning muhokamasi.** Afg‘onistondagi fuqarolik jamiyatiga oid ijtimoiy-siyosiy tuzilmalar va tashkilotlar xususida fikr yuritganda quyi jamoat tuzilmasi sifatida mahalliy darajadagi jirg‘alar va sho‘rolar haqida to‘liqroq ma’lumot berish o‘rinli bo‘lar edi.



https://buxdu.uz

Afg‘on jamiyatida alohida bir oila kundalik hayotidan ustun turuvchi, oilaning vakolatidan yuqori bo‘lgan barcha masalalar muhokamasi va ular yuzasidan chiqariladigan qarorlar sho‘ro – muayyan hudud doirasida yig‘iladigan mahalliy kengashda [5; p. 10] yoki jirg‘a – jamoaning barcha a’zolari ishtirokidagi yig‘ilishda [6; p. 41-42] amalga oshirilgan.

Ba’zan jirg‘alarda hatto, ayollar ham ishtirok etgan. Jamoa yig‘ilishlarida ishtirok etuvchilarning soni cheklanmagan va har bir oilaning voyaga yetgan a’zolari (ota va bolalar, ba’zida uch avlod – bobo, ota va farzandlar – R.R.) jirg‘ada ishtirok etishgan. Mazkur yig‘ilishlarda har bir ishtirokchi o‘z fikrini ochiq bayon qila olgan va muhokama etilayotgan masala yoki muammo bo‘yicha barcha ishtirokchilarda yagona fikr va qarashlar yuzaga kelguniga qadar muhokama davom ettirilgan.

Jirg‘ada muhokama va qaror qabul qilish jarayonining e’tiborli jihati shundaki, qaror qabul qilishda demokratik qadriyatlarga xos ko‘pchilik ovoz bilan emas, balki barchaning hammaslak bo‘lishi orqali yagona fikrga kelishi va qaror qabul qilishi muhim ahamiyat kasb etgan. Bunda turli fikr va qarashlarga ega tomonlarning bir-biriga nisbatan bosim o‘tkazish, do‘q-po‘pisa qilish, majburlash emas, balki ishontirish, o‘zaro murosa yo‘lini tanlash va yon berish kabi xususiyatlarga amal qilinishini demokratiyaning sharqona an’ana va qadriyatlardan kelib chiqib, o‘ziga xos shaklda namoyon bo‘lishi sifatida talqin etish mumkin.

Agar muhokama va qaror qabul qilish jarayonida ishtirokchilar bir necha guruhga bo‘linib ketsa hamda keskin vaziyat vujudga kelsa, ishtirokchilar orasidan hayotiy tajriba va notiqlik qobiliyatiga ega yoshi ulug‘ oqsoqol (spingiri yoki spinjiri)lar mavjud vaziyatni yumshatish, tomonlarni murosaga keltirish uchun o‘ziga xos moderatorlik vazifasini bajargan. Shuningdek, mabodo jamoaning muayyan bir yig‘ilishida aniq bir to‘xtamga kelinmasa, mazkur masala yoki muammoning muhokamasi keyingi muddatga qoldirilgan [6; p. 42].

Sho‘roning jirg‘adan farqli xususiyati shundaki, jirg‘a faoliyatida jamoaning barcha a’zolari ishtirok etsa, sho‘ro ishida ishtirok etuvchilar jamoa a’zolari ichidan muayyan muddatga saylanadi yoki tanlab olinadi [5; p. 10].

Tarixda sho‘roning muayyan bir qishloq yoki aholi punkti doirasida yig‘iladigan Oqsoqollar sho‘rosi, Qo‘mondonlar sho‘rosi, Tinchlik yoki kelishuv sho‘rosi, Ta’lim sho‘rosi va Diniy ulamolar sho‘rosi [2; p. 14, 22] kabi turlari mavjud bo‘lganligini ham ko‘rsatib o‘tish mumkin. Sho‘roning mazkur shakllarini ularning yig‘ilishdan maqsadi va faoliyatiga qarab tahlil qilish o‘rinlidir. Xususan, Oqsoqollar sho‘rosi muayyan bir qishloq yoki aholi punkti doirasida yig‘iladigan asosiy va ta’sirli yig‘ilish bo‘lsa, Qabilaviy sho‘ro aynan bir qabila doirasida yig‘ilgan. Tinchlik yoki kelishuv sho‘rosi ikki va undan ortiq qishloq yoki aholi punkti o‘rtasidagi muammoli vaziyat yuzasidan chaqirilgan hamda unda o‘ziga xos moderatorlar (jirg‘ada bo‘lgani kabi – R.R.) xizmatidan ham foydalanilgan. Mazkur yig‘ilishlarda ba’zida hatto, umummamlakat miqyosidagi muammo (urush, sulh va shu kabi)lar ham muhokama qilingan. Qo‘mondonlar sho‘rosi deb ataluvchi sho‘rolar ham mavjud bo‘lib, u Jihodiy deb ham nomlangan. Qo‘mondonlar sho‘rosi asosan Sovet qo‘shinlariga hamda Afg‘oniston Xalq Demokratik Partiyasi (AXDP) rejimiga qarshi kurash davrida, so‘ngra mujohidlar hokimiyatda bo‘lgan va mamlakatda siyosiy tarqoqlik hukm surgan davrda mavjud bo‘lganligini ta’kidlash joiz va ularda muayyan hududni nazorat qilib turgan harbiy qo‘mondonning ta’siri juda kuchli bo‘lgan. Ta’lim sho‘rosi aholiga muayyan masala yuzasidan tushuncha va ma’lumot berish masalasida yig‘ilgan. Shuningdek, afg‘on jamiyatida Diniy ulamolar sho‘rosining ham o‘rni va ta’siri katta bo‘lgan. Aynan mazkur sho‘rolarda muayyan diniy masala yuzasidan yetakchi diniy ulamolar tomonidan qaror (fatvo) qabul qilinganligini hamda jamoaning barcha a’zolari tomonidan qo‘llab-quvvatlanganligini ta’kidlash joiz.

AXDP hokimiyatda bo‘lgan davrda afg‘on jamiyatining quyi tuzilmasi bo‘lmish jirg‘a/sho‘rolarga katta tayziq o‘tkazildi va ular “feodal munosabatlarga xos tuzilmalar” deb e’lon qilindi [7; p. 7]. Mazkur say-harakat joylardagi mahalliy boshqaruv tizimiga barham berish maqsadida amalga oshirilganligi va bu markazlashgan davlat hokimiyatini yaratish yo‘lidagi yirik loyihaning bir qismi bo‘lganligini ta’kidlash joiz.

Afg‘on jamiyatidagi asosiy kuchlar va ularning davlatchilik shakllanishidagi o‘rni haqida gap ketganda, shuni ta’kidlash joizki, barcha jamoat institutlari qatori fuqarolik jamiyatiga xos an’anaviy tuzilmalar ham mamlakatda ro‘y bergan mojaro va urush natijasida tashkiliy, moliyaviy hamda ma’naviy jihatdan juda yomon deformatsiyalashuv holatiga kelib qolgan edi. Xususan, afg‘on jamiyatining muhim tarkibiy qismi hisoblangan “qavm” (qawm) va “mintaqa” (manteqa) kabi jamoat institutlarining [8; p. 1-3] ijtimoiy-siyosiy bazasiga birmuncha putur yetdi.

“Qavm” – afg‘on fuqarolarini qarindosh-urug‘chilik munosabatlari asosida birlashtiruvchi an’anaviy jamoa shakli bo‘lib, uni tashqi urushlar va xavflarga qarshi turuvchi hamda davlat boshqaruvidagi inqiroz paytida ham barqaror faoliyat yurituvchi o‘ta muhim “ijtimoiy markaz” sifatida ta’riflash mumkin [8; p. 1-3].

Qon-qarindoshchilik munosabatlariga asoslanuvchi “qavm”ning mahalliy hududlarida, ya’ni qishloqlarda ta’siri kuchliligi [9; p. 5-6] bois davlat tomonidan amalga oshiriladigan barcha yangiliklar va

islohotlarga qarshi boʻlib kelgan boʻlsa, turli hududlardan kelgan va turli kasb egalari istiqomat qiluvchi shaharlarda ushbu tuzilmaning taʼsiri sezilmaydi.

“Mintaqa” – afgʻon fuqarolarining istiqomat qilayotgan yoki kelib chiqqan (tugʻilib oʻsgan) hududi boʻyicha birlashtiruvchi jamoasi boʻlib, oʻzida jamoaviy jipslik va hamjihatlik xususiyatlarini mujassam etadi. “Mintaqa” odatda qishloq joylarda “deh” (deh), “qalay” (kalay), “qishloq” (qishlaq) deb nomlanuvchi hamda shaharlarda “nohiya” (nahya), “guzar” (guzar), “mahalla” (mahalla) deb ataluvchi bir necha aholi punktlarini birlashtiradi va ayni paytda Afgʻonistonda 3-4 ming ta bu kabi “mintaqa”lar mavjud. Eʼtiborli jihati shundaki, ushbu “mintaqa”larning oʻz maslahat organi mavjud boʻlib, u “mintaqa kengashi” (shura-e manteqa), baʼzi hududlarda “mahalliy kengash” (shura-e mahalli), “mintaqa oqsoqollari kengashi” (rish safedan-e manteqa), “mintaqa vakillari kengashi” (nomayendagan-e manteqa) yoki “jamoa kengashi” (mojtamay-e khidamatee) nomlari bilan yuritiladi hamda mazkur “mintaqa” tarkibiga kiruvchi aholi punktlari vakillaridan iborat tarkibda “mintaqa” hayotiga tegishli masala va muammolarni muhokama qilish maqsadida shakllantiriladi [8; p. 1-3].

Afgʻon jamiyatining yuqoridagi ikki tuzilmasi oʻz faoliyatida davlat tuzilmalari (tuman maʼmuriyati va b.) bilan oʻzaro munosabatlarga sust darajada kirishganligini taʼkidlash joiz.

**Nodavlat (nohukumat) tashkilotlari** (NT) – zamonaviy davlatchilik shakllanishi jarayonida afgʻon jamiyatida vujudga kelgan va muayyan vazifalarni bajarib kelayotgan ijtimoiy tuzilmalar hisoblanadi.

NTlar Afgʻonistonda sogʻliqni saqlash, taʼlim, insonparvarlik yordami, qochoqlar masalasi kabi asosiy yoʻnalishlarda faoliyat olib boradi.

XX asrning soʻnggi ikki oʻn yilligi davomida afgʻon jamiyatida NTlar faoliyatiga talab oshganligini taʼkidlash lozim. Bu mojaroning davom etishi, normal faoliyat yurituvchi davlat (tuzilmalari)ning yoʻqligi bilan izohlanadi. Ana shunday sharoitda NTlar afgʻon jamiyatiga yordam koʻrsatish hamda turli xizmatlarni amalga oshirish boʻyicha eng maqbul tuzilmalar sifatida maydonga chiqdi va bu bilan NTlar davlatning baʼzi funksiyalarini bajara boshladi [10; p. 140-142].

Afgʻonistonda faoliyat olib borayotgan yetakchi xalqaro NTlar qatorida Islomiy Koʻmak Fondi (Islamic Relief Fund), Xalqaro gumanitar Yordam (International Humanitarian Aid), Kanadaning Afgʻonistonga Xalqaro Koʻmak Tashkiloti (Afghanistan Relief International), Buyuk Britaniyaning Afgʻon Yordami (Afghan Aid), AQShning Afgʻon Bolalariga Yordam (Help The Afghan Children) va shu kabilarni sanab oʻtish mumkin [11; p. 19].

Mazkur tashkilotlar asosan Afgʻonistonga yordam maqsadida xayriya mablagʻlari yigʻish, inson huquqlari himoyasi bilan shugʻullanadi hamda davlat siyosatiga taʼsir oʻtkazmaydi. Shu oʻrinda taʼkidlash joizki, Afgʻonistonga koʻrsatilayotgan xalqaro yordamning atigi 9 %i NTlar orqali toʻgʻridan-toʻgʻri mamlakatga yoʻnaltirilsa, qolgan katta miqdordagi yordam BMT tuzilmalari va agentliklari orqali taqsimlanadi [11; p. 19].

Ayni paytda Afgʻonistondagi mahalliy va xalqaro NTlarning faoliyati kam samarali boʻlib, buni mamlakatdagi xavfsizlik darajasining pastligi hamda ular hamkorlik qilishi mumkin boʻlgan davlat tuzilmalari ishidagi kamchiliklar bilan bogʻlash mumkin.

Shu oʻrinda Afgʻonistondagi nodavlat tashkilotlari bilan davlat tuzilmalari oʻrtasidagi munosabatlarning tahlili natijasida aytish mumkinki, qaysi bir davlat tuzilmasining faoliyati qoniqarsiz ravishda (tashkiliy tuzilma va kadrlar bilan ishlashdagi kamchiliklar, ishni samarali tashkil etilmaganligi) olib borilayotgan boʻlsa, ushbu yoʻnalishda faoliyat yuritayotgan NTlarga ham ehtiyoj sezilmaydi hamda mazkur davlat tashkilotlari tomonidan NTlar faoliyatiga oʻta salbiy baho beriladi. Aksincha, mehnat tartibi nisbatan yaxshi darajada yoʻlga qoʻyilgan hamda tajriba va malakali mutaxassislar ishlaydigan davlat tuzilmalarida NTlarga nisbatan fikr ham ijobiy ekanligi, davlat tuzilmalari NTlar bilan hamkorlikka doim tayyor ekanligi namoyon boʻladi [12; p. 19-20].

Zamonaviy bosqichda Afgʻonistonda muhim **ijtimoiy-siyosiy tuzilmalar** sifatida siyosiy partiyalar faoliyati ham qayta tiklangan va bir qator yangi siyosiy partiyalar tuzilib, ular tom maʼnoda zamonaviy siyosiy tizimning muhim bir qismi boʻlishi koʻzda tutilgan edi. Xususan, 2005- yil iyuniga qadar Afgʻonistonda 80 dan ortiq siyosiy partiyalar faoliyat olib borgan boʻlsa [13; p. 116], 2009- yil avgustiga kelib roʻyxatdan oʻtgan partiyalar soni 108 taga yetgan edi [14; p. 24-25].

**Xulosalar.** Afgʻonistonda ayni paytdagi ichki siyosiy vaziyatni kuzata turib aytish joizki, ushbu mamlakatda qurol kuchi vositasida siyosiy tizim barqarorligiga erishish mushkulligi toʻgʻrisida yetakchi siyosiy, ilmiy doiralarda fikr bildirib kelinmoqda. Bu borada, ayniqsa, afgʻon xalqining oʻzaro kelishuvi orqali tinchlik va osoyishtalikka erishishi masalasi ustuvor ahamiyat kasb etmoqda va bunda jamoat tuzilmalarining oʻrni va roli yuqoriligini qayd etish lozim.

Afgʻonistonda ayni paytda hukumat tepasida turgan “Tolibon” harakati mamlakatdagi jamoat tuzilmalarining afgʻon jamiyati, afgʻon davlati va qolaversa butun siyosiy tizimdagi oʻrni va rolini yaxshi



https://buxdu.uz

anglagan holda, undan mamlakat ahamiyatidagi masalalarning muhokamasi va ijrosida foydalanishlarini tavsiya etish joizdir. Zero, ayni paytda afg‘on jamiyatining butun mamlakatni jipslashtiruvchi bir siyosiy institutga ehtiyoji borligi namoyon bo‘lmoqda.

Xulosa qilib aytganda, Afg‘onistondagi jamoat tuzilmalari mamlakat tarixida shu kungacha, ayniqsa, XX asrning ikkinchi yarmidan hozirgi damgacha ro‘y bergan o‘ta mushkul ijtimoiy-siyosiy jarayonlar va siyosiy voqeliklarda gohida faol, gohida sust ravishda ishtirok etib, mamlakat siyosiy maydonida mavjud ekanliklari va faoliyat olib borayotganliklarini namoyish qilib keldilar.

**_ADABIYOTLAR_:**

*1. Mirahmadi, H., Ziad, W., Farooq, M. Afghanistan 2014 and Beyond: The Role of Civil Society in Peacebuilding and Countering Violent Extremism. – Washington D.C.: World Organization for Resource Development and Education (WORDE), February 2014.*

*2. 2011 Afghanistan Civil Society Assessment / United States Agency for International Development (USAID) & Counterpart International. December 2011.*

*3. Ayrapetyants, A. Afghanistan Civil Society Assessment & How Afghans View Civil Society / USAID, 2006. – 116 p.*

*4. The Nation’s Voice? Afghanistan’s Loya Jirgas in the historical context / Afghanistan Analysts Network (AAN). 9 March 2020. https://www.afghanistan-analysts.org/en/reports/context-culture/the-nations-voice-afghanistans-loya-jirgas-in-the-historical-context/*

*5. Brown, S. Review of Previous Research and Studies of Afghan Civil Society. Lists of Civil Society Organisations and Summary of Reports in preparation for Tawanmandi Stakeholder Mapping / Komak Ltd (UK), November 2011. – P. 10.*

*6. Катков И.Е. Социальные аспекты племенной структуры пуштунов / Афганистан. История, экономика, культура. Сборник статей Института Востоковедения АН СССР. – М.: Наука, 1989. – С. 42.*

*7. Wardak, A. and Braithwaite, J. Crime and War in Afghanistan / British Journal of Criminology. December 2012. – P. 7. http://bjc.oxfordjournals.org/azs066.pdf*

*8. Favre, R. Interface between State and Society in Afghanistan. Discussion on Key Social Features affecting Governance, Reconciliation and Reconstruction. – Addis Abeba (Ethiopia): AIZON, February 2005. – P. 1-3.*

*9. Shahrani, N. Afghanistan’s Alternatives for Peace, Governance and Development: Transforming Subjects to Citizens & Rulers to Civil Servants / Ottawa Centre for International Policy Studies (CIPS). Afghanistan Papers №2, 2009. – P. 5-6.*

*10. Murtazashvili, J.B. & Murtazashvili, I. Land, the State, and War. Property Institutions and Political Order in Afghanistan. – New York: Cambridge University Press, 2021. – P. 140-142.*

*11. Политические системы современных государств. Т.2. Азия. (гл. редактор А.В. Торкунов; науч. редактор А.Ю. Мельвиль; отв. редактор М.Г. Миронюк). – М: Аспект Пресс, 2012. – С. 19.*

*12. Jelinek, E. A Study of NGO Relations with Government and Communities in Afghanistan. – Kabul: ACBAR, November 2006. – P. 19-20.*

*13. Искандаров К. Политические партии и движения Афганистана накануне парламентских выборов 2005 г. // Афганистан и безопасность Центральной Азии. Вып.2. – Бишкек: Илим, 2005. – С.116.*

*14. The 2009 Presidential and Provincial Council Elections in Afghanistan. – Washington, D.C.: National Democratic Institute (NDI), 2010. – P. 24-25.*



https://buxdu.uz

UO‘K 328.2

# O‘TGAN ASR SO‘NGGI CHORAGIDA AFG‘ONISTONDAGI IJTIMOIY-SIYOSIY JARAYONLAR TAHLILI

***Ro‘ziqulov Aziz O‘skanovich,***
*Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti mustaqil tadqiqotchi*
*aziz.rozqulov@outlook.com*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada o‘tgan XX asrning 70-yillari oxiri va 80-yillaridan boshlab Afg‘onistonda ro‘y bergan turli jarayonlarning borishi atroflicha tahlil etiladi. Jumladan, o‘zaro urush va mojaro natijasida mamlakatning parokanda bo‘lishi, Sovet qo‘shinlarining Afg‘onistonga kiritilishi, qurolli qarshilik harakatlarining vujudga kelishi kabi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar ketma-ketlikda yoritib beriladi. Ushbu kurash va mojarolar mamlakat tarixida salbiy iz qoldirganligi, uning oqibatlari hozirgi kunga qadar Afg‘onistonning kundalik hayotida namoyon bo‘layotganligini ko‘rsatish orqali Afg‘oniston taraqqiyotdan bir necha yillar ortda qolganligi xususida so‘z yuritiladi.*

***Kalit so‘zlar:*** *afg‘on urushi, mojaro, parokandalik, qurolli muxolifat, qochoqlar, Sovet qo‘shinlari okkupatsiyasi, xalqaro bosim.*

# АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В АФГАНИСТАНЕ В ПОСЛЕДНЕЙ ЧЕТВЕРТИ ПРОШЛОГО ВЕКА

***Аннотация.*** *В данной статье подробно анализируется развитие различных процессов, происходивших в Афганистане с конца 70-х и 80-х годов прошлого XX века. В частности, последовательно освещаются такие общественно-политические процессы, как распад страны в результате междоусобной войны и конфликта, ввод советских войск в Афганистан, возникновение движений вооружённого сопротивления. Также раскрывается, что эта борьба и конфликты оставили негативный след в истории страны, показывая, что их последствия всё ещё заметны в повседневной жизни Афганистана и что Афганистан на несколько лет отстаёт в развитии.*

***Ключевые слова:*** *афганская война, конфликт, хаос, вооружённая оппозиция, беженцы, советская оккупация, международное давление.*

# ANALYSIS OF SOCIAL AND POLITICAL PROCESSES IN AFGHANISTAN IN THE LAST QUARTER OF THE LAST CENTURY

***Abstract.*** *This article analyzes in detail the development of various processes that took place in Afghanistan since the late 1970s and 1980s. In particular, it consistently covers such socio-political processes as the collapse of the country as a result of internecine war and conflict, the introduction of Soviet troops into Afghanistan, and the emergence of armed resistance movements. It also reveals that these struggles and conflicts left a negative mark on the history of the country, showing that their consequences are still noticeable in everyday life in Afghanistan and that Afghanistan is lagging behind in development for several years.*

***Keywords:*** *Afghan war, conflict, chaos, armed opposition, refugees, Soviet occupation, international pressure.*

**Kirish.** XX asrning 70-yillari ikkinchi yarmiga kelib Afg‘onistonda turli ijtimoiy harakatlar va siyosiy guruhlarning faoliyati yana jonlana boshladi. Ushbu guruhlarning tashkillashtirilishi va moliyalashtirilishida Eron, Saudiya Arabistoni kabi Pokiston ham asosiy rol o‘ynadi.

Bu davrda Afg‘oniston siyosiy sahnasida yetakchi muxolifat tashkiloti sifatida shubhasiz Afg‘oniston Xalq Demokratik Partiyasi (AXDP)ni ko‘rsatib o‘tish mumkin. Ikki oqimga bo‘lingan partiya Muhammad Dovud hukmronligi davrida o‘z imkoniyatlarini birlashtirish va umumiy ravishda mavjud tuzumga qarshi faol kurash olib borish yo‘lini tanladilar. Jumladan, AXDP yetakchilari sekin-asta afg‘on armiyasi saflariga kirib borib, o‘rta va quyi darajadagi zobitlarni o‘z g‘oyalari bilan yaqindan tanishtira bordilar. Biroq, AXDPning ko‘plab say-harakatlariga qaramasdan Muhammad Dovud rejimi o‘z muxoliflariga qarshi murosasiz bo‘lib keldi.



https://buxdu.uz

Afg‘onistonda Muhammad Dovud boshqaruviga barham bergan inqilobning boshlanish nuqtasi sifatida 1978- yil 17- aprelida mamlakat poytaxti Kobul shahrida boshlangan katta norozilik chiqishini aytish mumkin.

1978-yil 26-aprelida AXDPning yetti nafar yetakchi rahbarlari, shu jumladan, N.M.Tarakiy va B.Karmal qamoqqa olindi. Uy qamog‘ida saqlanishi lozim bo‘lgan partiyaning yana bir yetakchisi Hafizulla Amin o‘z o‘g‘li orqali afg‘on armiyasidagi AXDPga sodiq zobitlarga qurolli qo‘zg‘olonni boshlash rejasini yetkazdi. Mazkur reja hukumat tomonidan partiya yetakchilariga qilinadigan har qanday tajovuzli (favqulodda) holatlarda harakat qilish uchun Hafizulla Amin tomonidan ishlab chiqilgan hamda partiya rahbariyati tomonidan ma’qullangan edi [1; p. 404].

1978- yil 27- aprelida afg‘on armiyasining AXDPga sodiq zobitlari o‘z harbiy qismlari bilan prezident saroyini shturm qilishni boshladi. Mazkur davlat to‘ntarishiga afg‘on armiyasi zobitlari – podpolkovnik Abdul Qodir va kapitan Aslam Vatanjar boshchilik qilishdi. Bu paytda Muhammad Dovud hukumat a’zolari bilan yig‘ilish o‘tkazayotgan edi va nima bo‘layotganligini anglab yetmaydi. Muhammad Dovud soqchilari bilan bo‘lgan qisqa to‘qnashuvdan keyin prezident saroyi egallandi va to‘qnashuvda Muhammad Dovud hamda oila a’zolari o‘ldirildi. Shu kuni kechki paytga qadar poytaxtning barcha strategik nuqtalari inqilobchilar qo‘liga o‘tdi hamda AXDP yetakchilari qamoqdan ozod etildi. Hukumat Nur Muhammad Tarakiy boshchiligidagi Inqilobiy Kengash qo‘liga o‘tdi. Uning o‘rinbosari sifatida Babrak Karmal, to‘ntarishning faol ishtirokchilari – Abdul Qodir – mudofaa vaziri, Hafizulla Amin – tashqi ishlar vaziri, Aslam Vatanjar – aloqa vaziri lavozimlariga tayinlandi.

Shu tariqa 70-yillar davomida Afg‘oniston ichki siyosatidagi xatolar 1978- yili 27- aprel kuni navbatdagi davlat to‘ntarishining amalga oshirilishiga olib keldi. Mazkur to‘ntarish Afg‘oniston tarixida “Savr inqilobi” nomini oldi. “Savr” – Afg‘onistonda qabul qilingan hijriy-qamariy yil hisobi bo‘yicha 22-apreldan 21- maygacha bo‘lgan davrni o‘z ichiga oladi va shu sabab oy nomiga bog‘liq holda mazkur harbiy to‘ntarish “Savr inqilobi” deyiladi.

Sovet Ittifoqi tomonidan “Aprel inqilobi” deb talqin etilgan mazkur qurolli to‘ntarishni Afg‘oniston Xalq Demokratik Partiyasi amalga oshirdi. Bu to‘ntarishdan keyin mamlakatning rasmiy nomi Afg‘oniston Demokratik Respublikasi (ADR) deb o‘zgartirildi. Yangi hukumat mamlakatda Sovet Ittifoqi manfaatlariga mos bo‘lgan sotsialistik jamiyat qurish dasturini e’lon qildi [2; p. 68].

AXDP hukumati islom dini ruhoniylariga ham qarshi targ‘ibot-tashviqot kampaniyasini boshlab yubordi va bunday salbiy harakat diniy qadriyatlar kuchli bo‘lgan afg‘on jamiyatida partiyaga nisbatan norozilikning shakllanishiga sabab bo‘ldi.

**Adabiyotlar sharhi.** V.Korgun “Afg‘oniston tarixi. XX asr” nomli asarida Afg‘oniston tarixiga oid batafsil ma’lumotlarni keltiradi. Xususan, olim o‘tgan XX asr davomida afg‘on davlatida ro‘y bergan yirik tarixiy voqealar va siyosiy jarayonlarni kompleks tarzda tahlil etishga harakat qilgan [1; p. 528].

Y.V.Bosin esa qabilaviy-urug‘chilik munosabatlari kuchli bo‘lgan afg‘on jamiyati hamda nisbatan kuchsiz markaziy hokimiyat o‘rtasidagi munosabatlarning tarixiy ildizlarini o‘z monografiyasida yoritishga harakat qilgan [3; p. 232].

T.Barfildning “Afg‘oniston: madaniy va siyosiy tarix” nomli asarida afg‘on xalqining madaniyati, turmush tarzi, yashash sharoitlariga to‘xtalish bilan birga afg‘on davlatchiligi tarixida muhim iz qoldirgan Ahmadshoh Durroniy, Do‘st Muhammadxon, Abdurahmonxon, Omonullaxon kabi hukmdorlar hukmronligining o‘ziga xos jihatlarini ochib berishga intiladi [4; p. 389].

Fransiyalik afg‘onshunos olim J.Dorronsoro “Tugamagan inqilob. Afg‘oniston: 1979 yildan hozirga qadar” nomli ilmiy-ommabop asarida mamlakatda ro‘y bergan 1978 yilgi inqilobning davlatchilikka ta’siri, oqibatlariga to‘xtalishdan oldin afg‘on davlatchiligi shakllanishining tarixiy asoslari va shart-sharoitlari haqida fikr yuritadi hamda Britaniya imperializmining afg‘on davlatchiligiga ta’siri va undan keyin Afg‘onistonda vujudga kelgan “yangi patrimonializm” (Neo-patrimonialism) ya’ni “vorisiylik” an’analariga tayanuvchi davlat taraqqiyoti to‘g‘risida bahs yuritadi [5; p. 370].

O‘zbekistonlik olim, afg‘onshunos R.Rashidovning “Afg‘onistonda davlatchilik masalasi: tarix va hozirgi zamon” nomli monografiyasida Afg‘onistonning zamonaviy tarixi, ushbu mamlakatda kechgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlar hamda davlatchilik masalalari atroflicha yoritib berilganligi bilan diqqatga sazovordir [6; p. 264].

**Natijalar va ularning muhokamasi.** Savr inqilobidan so‘ng Afg‘onistonning Bolgariya, Germaniya Demokratik Respublikasi, Chexoslovakiya, Polsha, Vengriya, Mongoliya, Kuba va Vetnam kabi sotsialistik blokdagi davlatlar bilan aloqalari rivojlanib bordi. Bunga teskari ravishda Saudiya Arabistoni, Misr, Eron va Pokiston bilan esa munosabatlar salbiy tus ola boshladi va mazkur davlatlar Savr inqilobini “islom diniga tahdid” va “g‘ayriislomiy kommunistik g‘oya ta’sirining oshishi” sifatida kutib oldilar.



https://buxdu.uz

Bu vaqtga kelib xalqaro vaziyat ham murakkablashib borayotgan edi. Xususan, Ikkinchi jahon urushidan keyingi o‘n yilliklar davomida jahondagi geostrategik raqobatda Buyuk Britaniya o‘rnini Amerika Qo‘shma Shtatlari egallay boshladi. Bir tomondan Sovet Ittifoqi, ikkinchi tomondan AQSH ikki qutbli dunyodagi qarama-qarshilik taraflari sifatida jahonning eng muhim mintaqalaridan bir-birini siqib chiqarish va o‘sha joylarda o‘z ta’sirini o‘rnatishga harakat qildilar. Tabiiyki, bu ziddiyat Yaqin va O‘rta Sharqning uglevodorodli xom ashyoga boy va strategik jihatdan muhim hududlarini, shuningdek ularga qo‘shni mintaqalarni ham chetlab o‘tmadi.

1970-yillar so‘nggidan 1990-yillar boshiga qadar Afg‘oniston uchun olib borilgan kurash XIX asrdan buyon davom etib kelayotgan “Katta o‘yin” siyosatining navbatdagi bosqichi bo‘ldi. Afg‘oniston uchun kurashga ikkala blok ham juda kata resurslarni safarbar etdi [5; p. 131].

J.Karter rahbarligidagi AQSH hukumati Afg‘onistondagi 1978- yil aprel inqilobini “dunyodagi xavfsizlikka nisbatan xavf” deya baholadi. Shunday bo‘lsa-da, dastlabki bosqichda AQSH ADR bilan munosabatlarni buzmaslikka va muayyan darajada hamkorlik qilishga intildi. Biroq, AQSH Afg‘onistonda ADR hukumatiga qarshi tobora kuchayib borayotgan muxolifat kuchlarni yashirin tarzda qo‘llab-quvvatlashni boshlab yubordi.

1979 -yilning fevralida Kobulda noma’lum sabablarga ko‘ra AQShning Afg‘onistondagi elchisi A.Dabs o‘ldirildi. Mazkur voqeadan so‘ng rasmiy Vashington va ADR o‘rtasidagi munosabatlar salbiy tomonga o‘zgara boshladi. AQShning Afg‘onistonga nisbatan strategiyasini butkul o‘zgartirish tashabbuskori Prezident J.Karterning milliy xavfsizlik masalalari bo‘yicha maslahatchisi Z.Bjezinskiy edi.

AXDP hokimiyatda bo‘lgan davr diniy ulamolar faoliyati cheklanishi, diniy qadamjo va markazlar faoliyatini to‘xtatilishi va davlat tomonidan islom diniga qarshi ateistik siyosat yuritilishi bilan xarakterlidir. Yangi hukumatning islohotlar o‘tkazishdagi shoshma-shosharligi va qo‘pol xatolari, savodsiz xalq orasida islohotlarning ahamiyati to‘g‘risida tushuntirish ishlarini olib borilmaganligi hamda aholi orasida hali-hamon kuchli ta’sirga ega din ulamolariga nisbatan tayziq va qatag‘onlar din ulamolarining xalqni hukumat siyosatiga qarshi qayrashiga va ommaviy noroziliklar boshlanishiga olib keldi [4; p. 148].

1979- yilning mart oyida Hirotda boshlangan xalq qo‘zg‘olonidan so‘ng, norozilik harakatlari shu yilning aprel-may oylarida Bag‘lon, Uruzgon, Faroh, Bodg‘is, G‘ur va Lugar kabi viloyatlariga ham tarqaldi.

1979- yil bahoridan boshlab AXDP rahbariyati o‘z tuzumining har tomonlama xavfsizligini ta’minlash maqsadida Sovet Ittifoqidan Afg‘onistonga qo‘shin kiritishni so‘rab bir necha marta rasmiy ravishda iltimos qila boshlaydi.

1979- yil iyunda AXDP hukumati tomonidan M.Dovud davridan beri afg‘on qamoqxonalarida o‘tirgan 100 nafardan ortiq islom rahnamolari otishga buyurilgan. Qatl etilganlar orasida mamlakatda juda katta obro‘ga ega bo‘lgan Mujaddadiy, G‘iloniy kabi diniy birlashmalar yetakchilari ham bor edi. [5; p. 96]

1979- yil avgustida asosan hazoriy millatiga mansub aholi istiqomat qiladigan mamlakatning markazidagi Hazorajot o‘lkasida AXDP tuzumiga qarshi 3 ming nafar jangchini birlashtirgan kuchli xalq harakati boshlandi va “Mustaqil Islomiy Hazorajot” tuzilganligi e’lon qilindi .

1979- yil yozi va kuzida mamlakat janubi va sharqiy hududlarida ham sho‘roparast AXDP hukumatiga qarshi harakatlar avj oldi va markaziy hokimiyat ushbu harakatlarni bostirishga butkul layoqatsiz ekanligi namoyon bo‘la boshladi [5; p. 108].

1979- dekabr to‘ntarishi va Sovet qo‘shinlarining kiritilishidan so‘ng Afg‘onistonda muxolifat harakati tez sur’atlarda o‘sib bordi. Bunga 1978 -yil aprel to‘ntarishidan so‘ng olib borilgan noto‘g‘ri ichki siyosat ham turtki bo‘ldi. Shunday qilib, afg‘on zaminida beqaror vaziyatning avj olishi va AQShning zimdan aralashuvi bois 1979- yilning 25- dekabridan boshlab Sovet qo‘shinlarining cheklangan kontingenti (SQCHK) yoki boshqacha qilib aytganda 40-armiyaning harbiy qism va bo‘linmalari Afg‘onistonga kiritildi [6; p. 41].

1980- yil boshlaridan Sovet qo‘shinlari mamlakat ichidagi harbiy harakatlarga aralasha boshladi, bu esa keyinchalik juda katta salbiy oqibatlarga olib keldi. Chunki, Afg‘oniston Demokratik Respublikasi armiyasi jangovorlik ruhiyatini yo‘qotgan va armiya saflaridan qochish (dezertirlik) juda yuqori darajada edi.

1985- yil martidan M.Gorbachyov (1985-1991)ning Sovet Ittifoqi rahbari sifatida faoliyat boshlashi bilan Afg‘onistonda tinchlik o‘rnatish, Sovet qo‘shinlari tomonidan olib borilayotgan harbiy harakatlarni qisqartirish va kelgusida SQACHKni butunlay afg‘on zaminidan olib chiqish haqida fikrlar bildirila boshlandi. Mazkur qarash 1985- yil oktabrida M.Gorbachyov va Afg‘onistonning bo‘lajak rahbari Muhammad Najibulla (1986-1992) o‘rtasida bo‘lib o‘tgan ilk uchrashuvda ham o‘z aksini topgan hamda Najibulla Sovet rahbariyatining mazkur qarashini ma’qullagan edi [1; p. 427-429].

1986- yil mayida Najibullo Afg‘oniston rahbari lavozimiga kelgan vaqtda mamlakatning siyosiy holati ayanchli holga kelib qolgan bo‘lib, muxolifat mamlakatdagi iqtisodiy-ijtimoiy vaziyatga har tomonlama ta’sir o‘tkazayotgan edi. Muxolifatning asosiy maqsadi mamlakatdan Sovet qo‘shinlarining olib chiqilishi va



https://buxdu.uz

sho‘roparast hukumatning barham topishi edi. Shu sababli ular mamlakatda keng ko‘lamli urush olib borar, ijtimoiy-siyosiy holat esa izdan chiqib ketgan edi.

Afg‘on muxolifatining umumiy soni qarshilik harakati boshlanishidan boshlab o‘sib bordi. Jumladan, muxolifat saflarida harakat qilgan jangchilar soni 1980-1981- yillarda 90-120 ming nafardan 1983- yilda 250-300 ming nafarga yetdi. ADR hukumatining bergan ma’lumotiga ko‘ra esa, 1984- yilda 744 ming nafar muxolifat jangchisi bo‘lgan [7; p. 23].

1987- yilning yanvar oyida Najibullo o‘zining “Milliy yarashuv” siyosatini e’lon qildi. Uning mazkur dasturi mazmun-mohiyatiga ko‘ra, mamlakat ijtimoiy-siyosiy hayotida ulkan voqea edi. Chunonchi, dasturda mamlakatdagi fuqarolar urushini to‘xtatish, ijtimoiy-siyosiy holatni yaxshilash va mujohidlar bilan koalitsion hukumat tuzish kabi bir qator islohotchilik xarakteriga ega jihatlar qamrab olingan edi. “Milliy yarashuv” siyosati negizida mamlakat ijtimoiy-siyosiy hayotini liberallashtirish yotar edi. “Milliy yarashuv” siyosatidan kelib chiqib rasmiy Kobul mamlakatdagi siyosiy holatni yaxshilash hamda urushni to‘xtatish bo‘yicha mujohidlar bilan muzokaralar olib borish uchun olti oy davomida harbiy harakatlarni to‘xtatib turish haqida e’lon qildi. Ammo, bu hech qanday natija bermadi hamda afg‘on muxolifati Najibulloning chaqirig‘ini rad etdi va qurolli kurashga zo‘r berdi [8; p. 120]. Shunday bo‘lsa-da, Najibullo hukumati “Milliy yarashuv” siyosatida barcha afg‘on fuqorolari siyosiy partiyalarga birlashishi va siyosiy hayotda ishtirok etishlari mumkin ekanligini e’lon qildi va bu bilan muxolifatga nisbatan bir qancha jiddiy yon berishlarga borishni ma’qul ko‘rdi.

1987- yilning iyunida “Milliy yarashuv” siyosatidan kelib chiqib, Afg‘onistonda ko‘ppartiyaviylik tizimi e’lon qilindi va mamlakat siyosiy hayotini leberallashtirish boshlandi.

Najibullo mamlakatda tinchlik va barqarorlikni ta’minlash uchun milliy-etnik totuvlikka erishishni ham asosiy vazifalardan biri deb bildi hamda “Milliy yarashuv” siyosatida Afg‘onistonda istiqomat qilib kelayotgan barcha millat va elatlar bilan yaqinlashish siyosatini olib bordi. Turli millat va elatlar yetakchilarining ko‘pchiligi markaziy hokimiyatning bunday siyosatiga xayrixohlik bildirib, rasmiy Kobul bilan aloqa bog‘ladilar.

1988- yil 14- aprelda Jenevada Sovet Ittifoqi, AQSH, Afg‘oniston va Pokiston vakillari tomonidan afg‘on muammosini siyosiy hal qilish borasida bitim imzolandi. Uning asosida 1988 yil 15 mayda Afg‘onistondagi SQACHKning harbiy qism va bo‘linmalarini olib chiqib ketish boshlandi.

1988- yilning 15- may kuni Sovet qo‘shinlarining mamlakatdan olib chiqishining ilk kuni edi. Bu kunni Najibullo “Milliy ozodlik kuni” deb e’lon qildi. Bu kun afg‘on xalqi uchun muhim sana edi. Najibullo hukumati davrida Sovet kuchlarining olib chiqilishi ko‘pgina rahbarlar tomonidan ma’qullandi. Va nihoyat, 1989- yilning 15- fevralida oxirgi sovet soldati Afg‘onistonni tark etdi.

1979-1989- yillardagi Afg‘onistondagi urush davomida 50 ming nafarga yaqin afg‘on askarlari hamda 1 million nafardan ortiq tinch aholi qurbon bo‘ldi. Bundan tashqari, urush davomida o‘sha davrda mamlakat aholisining qariyb chorak qismini tashkil etgan 5 mln. nafar aholi Pokiston hududiga, 1,5 mln.dan ortig‘i esa Eronga qochishga majbur bo‘ldi.

O‘n yillik urush mamlakat iqtisodiyotiga ulkan zarar etkazdi. Yuzlab qishloqlar, 2 ming maktab vayron etildi, o‘nlab elektrostansiyalar buzib tashlandi, yuzlab sanoat korxonalari faoliyati to‘xtab qoldi.

**Xulosalar.** Afg‘onistondagi sovetparast tuzum o‘z ichki siyosatida aholining har bir noroziligini qurolli kuch vositasida bostirishga tayana boshladi va ushbu holat mamlakatda osoyishtalikka olib kelmadi, aksincha – markaziy hokimiyatga qarshi vujudga kelgan harakatning ijtimoiy bazasi kengayishiga yo‘l ochib berdi. Shuningdek, afg‘on aholisi o‘z joylaridan siljib Pokiston va Eronga qochishga majbur bo‘ldi. Ushbu davlatlar hukumatlari qochoqlarni muhojirlar, deb tan oldilar. Tez kunlarda Eron va Pokiston hududida qurolli oppozitsiyaning o‘quv markazlari paydo bo‘la boshladi va bu kabi maskanlar keng yoyilib katta tarmoqqa aylandi.

Sovet qo‘shinlari Afg‘onistonga kiritilgan bo‘lsa-da, dastlabki bosqichda Sovet davlati rahbariyati, xususan Sovet Armiyasi qo‘mondonligi o‘z oldiga bevosita Afg‘onistonda harbiy harakatlar olib borish hamda ADR hukumati va unga muxolifatda bo‘lgan kuchlar o‘rtasidagi kurashga aralashish maqsadini qo‘ymagan edi. Sovet qo‘shinlari Afg‘onistonga mavjud AXDP tuzumini qo‘llab-quvvatlash hamda yirik shaharlar (Kobul, Qandahor, Hirot, G‘azni, Mozori Sharif, Qunduz, Jalolobod) va muhim strategik obektlar (davlat hokimiyatiga tegishli boshqaruv organlari, sanoat korxonalari, avtomagistral yo‘llar)ni qo‘riqlash maqsadida kiritilgan edi. Biroq, ADR armiyasining muxolifat kuchlari bilan kurash olib borishga layoqatsizligi va afg‘on armiyasi saflaridagi dezertirlikning o‘sishi tufayli Sovet Armiyasi Afg‘onistonda bevosita harbiy harakatlar olib borishga majbur bo‘ldi.

Ushbu davr mobaynida Afg‘onistondagi siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy holatga afg‘on jamiyatidagi mafkuraviy (kommunistik mafkuraning kirib kelishi va odamlar dunyoqarashining o‘zgarishi), etnik hamda diniy omillar juda katta ta’sir o‘tkazdi. Ta’kidlash joizki, aynan mafkuraviy, etnik va diniy omillar tadqiq



https://buxdu.uz

etilayotgan davr mobaynida Afg'onistonda yuzaga kelgan barcha muammolar hamda kelishmovchiliklarning negizi bo'lib keldi.

***ADABIYOTLAR:***

*1. Коргун В.Г. История Афганистана. XX век. М.: ИВ РАН, Крафт+, 2004. - 528 с.*

*2. Arnold, A. Afghanistan: The Soviet Invasion in Perspective. – Stanford: Hoover Institution Press, 1981. – 287 p.*

*3. Босин Ю.В. Афганистан: полиэтническое общество и государственная власть в историческом контексте. Монография. – М.: Гуманитарий, 2002. - 232 с.*

*4. Barfield, T. Afghanistan: a Cultural and Political History. – New Jersey: Princeton University Press, 2010. - 389 p.*

*5. Dorronsoro, G. Revolution Unending. Afghanistan: 1979 to the Present. – London: Hurst & Co., 2005. - 370 p.*

*6. Rashidov R.R. Afg'onistonda davlatchilik masalasi: tarix va hozirgi zamon / Monografiya. – Toshkent: "Navro'z" nashriyoti, 2017. - 264 b.*

*7. Isby, D.C. Russia's War in Afghanistan (Men-at-arms series; 178). – London: Osprey Publishing Ltd, 1986. – P. 23.*

*8. Rubin, B. The Fragmentation of Afghanistan: State Formation and Collapse in the International System. – London: Yale University Press, 2002. – P. 120.*

**УЎК 32**

## ШЎРОЛАР ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАХАЛЛА ИНСТИТУТИ

***Раупов Сойиб Саидович,***
*Бухоро давлат университети “Ижтимоий–сиёсий фанлар”*
*кафедраси профессори, тарих фанлари номзоди*
*s.s.raupov@buxdu.uz*

***Аннотация.*** *Мақолада махалла институтининг тарихда тутган ўрни ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органи сифатида жамиятни бошқаришдаги ролига алоҳида эътибор қаратилган. Қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг фуқароларни ўзини – ўзи бошқариш органлари сифатидаги фаолияти очиб берилган. Шунингдек, собиқ Шўролар ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати йилларида махаллий ўзини – ўзи бошқариш органлари – махаллаларга бўлган салбий муносабатини атрофлича таҳлил қилиниб, улар фаолиятини советлаштириш сиёсатининг моҳияти ва бу сиёсатда районлаштириш ва коллективлаштиришнинг ўрни ва роли кўрсатилиб, илмий хулосалар беришга ҳаракат қилинган.*
***Калит сўзлар:*** *шўролар ҳокимияти, мустамлакачилик сиёсати, махалла, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши, махалла раиси (оқсоқоли), қишлоқ жамоаси, кўчманчи жамоалар, қишлоқ ва овул советлари, коллективлаштириш.*

## ИНСТИТУТ МАХАЛЛИ В ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ

***Аннотация.*** *В статье рассматривается роль института махалли в истории и его значение в управлении обществом как органа самоуправления граждан. Раскрывается деятельность сельских общин и общин кочевников как органов самоуправления граждан. Также в годы колониальной политики бывших советских властей была всесторонне оценена негативная позиция органов махаллинского самоуправления по отношению к махаллям, была сделана попытка научно обосновать значение политики советизации их деятельности и роль районирования и коллективизации в этой политике.*
***Ключевые слова:*** *советская власть, колониальная политика, махалля, самоуправление граждан, председатель (старейшина) махалли, сельская община, кочевые общины, сельские и поселковые советы, коллективизация.*

## THE MAHALLA INSTITUTE DURING THE SOVIET ERA

***Abstract.*** *The article examines the role of the mahalla institute in history and its importance in the management of society as a self-governing body of citizens. The activities of rural communities and nomadic communities as self-governing bodies of citizens are revealed. Also, during the years of the colonial policy of the former soviet authorities, the negative position of the makhalla self-government bodies in relation to the makhallas was comprehensively assessed, and they tried to scientifically substantiate the importance of the policy of sovietization of their activities and the role of zoning and collectivization in this policy.*
***Keywords:*** *the power of the Soviets, colonial policy, Mahalla, self-government of citizens, Mahalla chairman (elderman), village community, nomadic communities, rural and ovul Soviets, collectivization.*

*«Маҳалла халқ билан давлат*
*ўртасидаги кўприк бўлиши керак.*
*Одамларнинг қувончу ташвишидан*
*доимо хабардор бўлиш*
*маҳалланинг асосий вазифасидир»[1]*
*Шавкат Мирзиёев.*

**Кириш.** Бугун мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислоҳотлар амалга оширилиши натижасида фуқаролик жамияти ва нодавлат нотижорат ташкилотлари учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш бўйича қонунчилик ташаббусларига фуқаролик жамиятини янада фаол жалб қилиш ҳамда ушбу йўналишда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда Жумладан, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик



https://buxdu.uz

жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. “Учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат, жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътиборининг ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг муҳим воситасига айланди.

**Адабиётлар шарҳи.** Сиёсатшуносларнинг фикрича, “ўзини-ўзи бошқариш” тушунчаси давлатга нисбатан фуқаролар жамоалари мустақиллигининг шаклланиши билан боғлиқдир. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихига назар ташласак махаллий ўзини-ўзи бошқариш вазифасини махалла институти бажарганлигининг гувохи бўламиз.

Маҳалла – (арабча “маҳалла” – ўрин, жой, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитида, асрлар давомида шаклланиб фаолият кўрсатаётган аҳоли яшаётган маъмурий-ҳудудий бирлик, уюшма. Маҳаллалар 1917 йилгача бўлган даврда жуда кенг иш олиб бориб маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи уюштирувчи ташкилий тузилма бўлганлар. Маҳалла ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда излаб топган ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш кўриш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазилатларини акс эттиради. Маҳаллалар аҳолини аҳл-тотув яшашга, ситқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечиришни енгиллаштиришга чақиради.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиб, турмуш тарзи, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар жамоаси- бирлигидир. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб Маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган. Маҳалланинг асосий вазифалари: маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудини батартиб сақлаш ва ободонлаштириш, ёш авлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меъёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф-одатларга риоя қилиш ва уларни бузган, жамоат мажбуриятларидан бўйин товлаганларни жазолашдан иборат бўлган. Маҳалла раҳбарияти ариқ-ҳовузларни тозалаш, кўчалар, йўллар қуриш ва Маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишларини уюштирганлар. Бу ишларнинг барчаси биргаликда ҳашар йўли билан амалга оширилган.

**Методология.** Ана шундай узоқ тарихга ва жуда бой анъаналарга эга бўлган махалла - маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими дастлаб чор Россиясининг, кейинчалик шўролар ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўз мавқеини йўқотиб мустамлакачилик сиёсатига хизмат қиладиган ташкилотга айлатирилди.

Собиқ шўролар ҳокимияти ўз ҳукумронлигининг дастлабки йилларироқ миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни йўқотишга қаратилган сиёсат юргизди. Жумладан, маҳалла институтининг ҳам асл моҳиятини йўққа чиқаришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинди.

Совет ҳукумати Маҳаллага ўз умрини яшаб бўлган ўтмиш сарқити сифатида қаради. Шундан келиб чиқиб, у анъанавий миллий бошқарувларни бекор қилиш йўли билан бу ерда саноатлашган «илғор» жамиятни қарор топтириш сиёсатини жорий этишга киришди. 20-йиллар бошлариданоқ совет ҳукумати маҳаллалар вазифасини чеклаш, ўзига бўйсундиришга интилди, бу ҳол махалла фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Шунга қарамай Маҳалла ўзининг яшовчанлигини намоён этиб, анъанавий хаёт ва алоқа тарзига қарши ҳар қандай ҳужумларга ва уларни йўқотиш йўлидаги уринишларга дош берди. У илгариги ҳаёт тарзи, урф-одат ва расм-русумларни саклаб қолди.

XX асрнинг 20—30-йилларда Маҳалла эски турмушга қарши «ҳужум»да — паранжи ташлаш ва хотин - қизларни озодликка чиқариш ҳаракатида иштирок этди. Шу билан бирга Маҳалла саводсизликни тугатиш, оммани маърифатли қилиш, жойларни ободонлаштириш (йўл, чойхона, мактаблар қурилиши) да муҳим аҳамият касб этди.

**Муҳокама.** 1932-йил апрель ойида қабул қилинган “Шаҳар маҳалла қўмиталари тўғрисида”ги низомга асосан маҳаллаларнинг фаолият доираси анча чеклаб қўйилди [2]. Гап шундаки, шўролар ҳокимияти йилларида демократиянинг ҳар қандай кўриниши, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувига ҳам салбий муносабатда бўлиниб, жойларда маҳаллалар зиммасида бўлган ишлар эндиликда маҳаллий давлат ҳокимиятлари зиммасига юклатилди. Маҳаллий ҳокимиятлар қишлоқ, овул, пасёлка советлари (кенгашлари) кўринишида жамиятнинг энг қуйи бўғинларигача етиб борди.

Шуниси диққатга сазоворки, Шўродар ҳукумати махаллаларни бутунлай тугата олмади. 1935 — 36 й.ларда  Маҳаллаларда оқсоқол бошчилигида Маҳалла қўмиталари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган барча ишларни раис бошқарадиган  бўлди.

2-жаҳон уруши йилларида эса Маҳалла байналмилалчилик табиатини намоён этди. Уруш даврида Маҳалла қўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, аҳолидан посилка жўнатиш, кўчириб келтирилган аҳолини, болаларни жойлаштиришда фаол иштирок этди.

Амалга оширилган ушбу ҳизматларга қарамасдан Шўролар ҳокимияти Махалланинг тарихий роли – фуқароларнинг  махаллий ўзини - ўзи бошқариш вазифасини  қайтаришни  инкор этиб келди ва Маҳаллага юридик шахс мақоми бермади. Шўролар замонида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида бирорта қонун бўлмаган. Маҳалла - совет тузумига ёт институт эди. Маҳалла фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга доир ягона ҳужжат – “Маҳалла қўмитаси тўғрисидаги низом” бўлиб, у 1961 йилда республика олий қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинганди.[12]

«Маҳалла қўмиталари бирон бир молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, улар олди-сотди, ижарага беришишларини бажаришда қатнашишлари мумкин эмас» эди. Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган эди. Низомнинг 12-моддасида жумладан, қуйидагилар ёзилган: “Маҳалла (квартал) комитетлари бирон молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланишлари (ошхоналар, қизил чойхоналар, сартарошхоналар ва шу кабиларни ташкил қилишлари ва улардан фойдаланишлари) мумкин эмас, улар олди-сотди, ижарага бериш ишларини бажаришда, квартираларни  ижарага қўйиш ишларини амалга оширишда қатнашишлари мумкин эмас”.[8]

Шўролар ҳокимияти йилларидақишлоқларда Маҳалла – фуқароларнинг ўзини – ўзи бошқариш органлари вазифасини бажарган қишлоқ жамоаси мавқеига хам путур етказишга ва унинг ваколатларини йўқотишга қаратилган сиёсат юритилди. Қишлоқ жамоасининг асл моҳиятини йўқга чиқаришга қаратилган турли қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бу орқали демократиянинг ҳар қандай кўриниши, шу жумладан, қишлоқ жамоаларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувига ҳам салбий муносабатда бўлиниб, жойларда қишлоқ жамоалари зиммасида бўлган ишлар қишлоқ советлари - маҳаллий давлат ҳокимиятлари зиммасига юклатилди.

Қишлоқ биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти-чорвачиликдан деҳқончиликнинг ажралиб чиқиш махсули бўлиб, кишиларнинг тарихан шаклланган оиладан кейинги бирлигидир. Дастлабки қишлоқлар кўчманчи чорвадорларнинг қишни ўтказиш учун тайёрлаган жойлари шаклида шаклланган. Қишлоқ сўзининг ўзагида “қиш” сўзининг туриши фикрларимизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Жуда қадимий тарихга эга бўлган қишлоқ жамоалари жамият тарақиётининг турли босқичларида такомиллашиб, янгича моҳият билан бойиб борган. Бу нарса қишлоқ жамоаларини бошқариш тизимида ҳам, ўзининг ифодасини топган. Қишлоқ жамоаси ҳуқуқий, хўжалик ва ижтимоий меъёр ва мажбуриятларга амал қилинишини мувофиқлаштирган ва назорат қилган.

Тарихий манбаларнинг  гувоҳлик беришича катта қишлоқлар маҳаллаларга бўлинган ва уларни амин бошқарган. Кичик қишлоқлар эса қишлоқ оқсақоли томонидан бошқарилган.  Ўзбек қишлоқ жамоаси маслаҳат кенгаши томонидан бошқарилган. Бу кенгаш оқсақоллар, мироблар ва дин пешволаридпан  иборат сайлаб қўйиладиган маъмуриятдан иборат бўлган. “Маслаҳат” жамоа бошқарувининг асосий органи ҳисобланган. Жамоанинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим муаммо ва масалаларни муҳокама қилиб, тегишли ечимга келиш унинг ваколатига кирган. Маслаҳат иштирокчилари муаммо ечимини топишда тарихан шаклланган урф-одат ва ананаларга таянганлар. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинган ва у сўзсиз адо этилган. Жамоа урф-одатларини бузганлар ер-сув улушидаш махрум қилинганлар. Қуйи Зарафшон вохасининг кўпгина ҳудудларида маслаҳат билан боғлиқ қоидаларнинг айрим кўринишларини ҳозиргача учратиш мумкин. Масалан, яқин яқинларгача (айрим жойларда ҳозиргача) тўй ва шунга ўхшаш катта маросимлардан олдин “Маслаҳат оши” маросимининг ўтказилганлиги фикримизнинг исботи бўлади.

Қишлоқ жамоасида ҳамқишлоқлар фаолиятига талуқли муаммолар ҳал қилинган. Бу муаммолар орасида ер-сув манбаларидан фойдаланиш муаммолалари ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Ер-сув улуши жамоада балоғат ёшига етган кишиларга, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса фақат уйланган ва ирригация мажбуриятларини бажаришга қодир эркакларга берилган. Бу деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқган. Маълумки, Шарқда суғорма деҳқончилик мавжуд бўлиб, бу деҳқончилик сув иншоотлари қуриш ва уни сақлаш билан боғлиқ жуда кўплаб муаммоларни ҳал қилишни талаб этган. Шунинг учун бу юмушларни бажара олишга қодир эркакларга улуш берилган ва бу  ишларни барча жамоадошлар бирлашиб амалга оширганлар. Қуйи Зарафшон воҳасининг кўпгина ҳудудларида сув иншоатларини, ариқ ва каналларни таъмирлаш ва



https://buxdu.uz

тозалаш билан боғлиқ тадбирларнинг ҳозиргача “ҳашар” деб юритилиши ҳам айнан шу билан боғлиқ.

XIX асрнинг охирларигача қишлоқ жамоасининг хўжалик соҳасидаги вазифаларидан яна бири меҳнат тақсимоти, меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилиш каби масалаларни назорат қилишдан иборат бўлган. Йиғиб олинган ҳосил ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнатга қараб тақсимланган.

Чўл ва дашт ҳудудларидаги кўчманчи аҳоли бошқарувини халқ томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар – Элбегилар амалга оширган. Элбегиларнинг фаолияти эл таркибидаги уруғларнинг чорваси учун ажратилган яйловлардан фойдаланиш, уларнинг уруғлар ва жамоалар ўртасидаги тақсимоти, чорва ҳисобидан солиқ йиғини ташкил этиш каби ишлардан иборат бўлган.

Шундай қилиб, энг қуйи маҳаллий бошқарув тизими демократик тамойиллар асосида ташкил этилган бўлиб, халқ орасида ижтимоий адолат, юрт ободонлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилган.

Ана шундай катта хизматларни бажариб келган қишлоқ жамоаси ҳамда чўл ва дашт худудларини бошқариб келган ўзини ўзи бошқариш органлари Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ советлаштирила бошланди. Бу йўналишдаги энг самарали ишлардан бири районлаштириш сиёсати бўлди.

Ўзбекистонда районлаштириш сиёсатини узил-кесил ўтказишга 1926 йилижиддий киришилди.

**Натижалар.** 1926 йил 25 – 29 сентябрда Самарқандда Ўзбекистон ССР Советлари МарказийИжроия Қўмитасининг V сессияси бўлиб, унда районлаштириш лойиҳаси, давлат бюджети ва иқтисодиёт аҳволи каби масалалар кўриб чиқилди ва тасдиқлади. V сессия 1926 йил 29 сентябрь куни районлаштириш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди. Бу қарор 1926 йил 18 октябрда “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарида босилди. Бу қарорга кўра Ўзбекистон ССРда маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилди ҳамда вилоятлар, уездлар ва волостлар тугатилди. Бу пайтда Ўзбекистон ССРда мавжуд бўлган 7 та вилоят, алоҳида Конимех қозоқ району, 23 та уезд, 241 та волость ва 1163 та қишлоқ жамоаси ўрнига янги маъмурий бирликлар: 10 та округ, 87 та туман ва 1720 та қишлоқ шўроси (сельсовет) тузилди[9].

Шундай қилиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

кабул қилингунча фаолият юритган махаллий вакиллик органларининг уч бўғинли тизими шаклланди ва фаолият юритди. Улар:

1) вилоятлар хамда Тошкент шахар халк депутатлари Советлари (Кенгашлари)— юқори бўғин ҳисобланарди;

2) туман, шахар халк депутатлари Советлари (Кенгашлари) — ўрта бўғин;

3) қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Советлари (Кенгашлари) — қуйи бўғин.

Кейинчалик Ўзбекистон ССРМарказий ижроя комитети Советларининг “Қишлоқ советлари ҳақида Низом” (1926 йил 26 октябрь)ва бошқа қарорлари қабул қилинди.[9]

Амалга оширилган чора тадбирлар натижасида қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш ваколатларига путур етказилди.

Қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш ваколатларига путур етказган оммавий тадбирлардан яна бири коллективлаштириш сиёсати бўлди.

1927 йил декабрда бўлиб ўтган ВКП(б)нинг XV съезди мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалиги ривожининг паст даражаси қайд этилган ҳолда, Сталин томонидан қилинган Марказий Комитет ҳисоботида ва В.М. Молотов томонидан қилинган “Қишлоқдаги ишлар тўғрисида” маърузада “деҳқон хўжаликларини босқичма-босқич кооперациялаштириш орқали майда, тарқоқ деҳқон хўжаликларини йирик ишлаб чиқариш жамоаларига бирлаштириш, бунинг учун ерга ишлов беришни машиналаштириш ва интенсивлаштириш асосида ерлардан коллектив асосда фойдаланишни ташкил этиш, умумлашган қишлоқ хўжалик меҳнатини рағбатлантириш” биринчи навбатдаги вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Шунингдек, деҳқон хўжаликларини кооперациялаштириш “мулоқот жараёни орқали ҳам, ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва бирлаштириш йўли билан – янги технологиялар (машиналаштириш, электрлаштириш) асосида катта давлат иқтисодиётига айлантирилиши” таъкидланди. Айни пайтда, йирик коллектив хўжаликларга ўтилиши “фақат меҳнаткаш деҳқонларнинг розилиги билангина амалга ошиши” [5] алоҳида қайд этилган эди. Коллективлаштириш суръати, уни якунлаш муддатлари ҳақида съезд қарорларида белгиланмаган эди. Партия съездида коллектив хўжалик қурилиши ва умуман, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга кўмаклашиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар, жумладан, пудрат шартномаси, қишлоқ хўжалиги кредити ва машиналар билан таъминлаш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан режали тартибга солиб бориш кўзда тутилган. Кооперация

қурилишига – ҳам истеъмол, ҳам ҳунармандчилик-саноат, айниқса, қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта аҳамият берилди. Бу кооперацияларга барча камбағаллар ва ўрта ҳол деҳқонларнинг аксариятини жалб этилишини англатарди. Бошқа чора-тадбирлар ҳам ушбу вазифаларга бўйсундирилди, чунончи, солиқ сиёсати, ер тузиш ва ердан фойдаланиш, маданий-маърифий ишлар, деҳқонларнинг ўзаро ёрдам жамиятларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланишда қонун ҳужжатларига риоя қилиш кабиларга эътибор кучайтирилди.

Лекин минг афсуслар бўлсинки, бу чиройли гаплар қоғозларда қолиб кетди. Коллективлаштириш сиёсатининг жуда катта салбий оқибатларидан тарих гувоҳлик беради.

Хусусан, коллективлаштириш сиёсатининг салбий оқибатида қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг қарийб барча ваколатлари колхоз ва совхозларга олиб берилди. Бу қишлоқ жамоаси ва кўчманчи жамоаларнинг иқтисодий асосларини емирилишига олиб келди.

Шундай қилиб, қишлоқ жамоалари ва кўчманчи жамоаларнинг барча ваколатларига зарба берилиб, қишлоқлар ва овуллар маъмурий буйруқбозлик усули билан бошқарила бошланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина маҳаллаларни ривожлантириш борасида тарихий янги давр бошланди. Жумладан:

– миллий давлатчилик тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди;

– 1993 йил 2 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Маҳалла институтини янада такомиллаштириш, унинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнини тубдан ошириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ушбу қонун кейинчалик икки марта, яъни 1999 йил 14 апрелда ҳамда 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди.

Сўнгги йилларда маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маҳалланинг “фаол” моделини жорий этиш орқали маҳалла тизимини ривожлантириш ва маҳаллабай ишлашда давлат органлари, маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги қатий белгилаб қўйилди.

Тараққиёт стратегиясининг 1-мақсадида ҳам маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш бўйича йўналишлар белгиланди.

Маҳаллаларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, уларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди.

Маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланди.

Барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилди.

Аҳолининг маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ҳозирги пайтда Маҳаллаларнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосида, ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар яратилди. Улар, тўймаъракa маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш каби кўплаб хайрли ишлари билан шуғулланади.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Чоризим ва Шўролар ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати йилларида Маҳалла институти фаолиятига катта зарба берилдики, маҳалла ўзининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги демократик функциясини йўқотиб, айрим диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга оширадиган қўшнилар уюшмаси сифатида сақланиб қолган эди, холос.

### *АДАБИЁТЛАР:*

*1.Шавкат Мирзиёев Маҳалла халқ билан давлат ўртасида кўприк бўлиши керак.// https://president.uz/uz/lists/view/409*

*2. “Шаҳарлардаги Маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом” , 1932 й. 17 апрел, // https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalla-uz/*



https://buxdu.uz

*3.Абашин С. Н. Империя и местное самоуправление. Идеология реформ в русском Туркестане в конце XIX начале XX веков. //https://mytashkent.uz/2014/01/29/imperiya-i-mestnoe-samoupravlenie/*

*4. Абдуллаев М.Ғ. Қулоқларнинг синф сифатида тугатиш сиёсати ва амалий методларининг ишлаб чиқилиши.// Илмий хабарнома, АДУ, №2 2011 йил.*

*5. Ахмедов Д. Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларига қарши совет ҳукумати иқтисодий босимининг кучайиши (1927–1929 йиллар) // https://www.researchgate.net/publication/352858384_*

*6. Бобоев Ҳ., Хидиров З. ва бошқалар. “ Ўзбек давлатчилиги тарихи.(II китоб)”.”Фан ва технология” нашриёти, Тошкент – 2009. , 448 бет.*

*7.Иброхимов А. Ўзбек махалласи. Тошкент, “Маьнавият” нашрёти. 2007 й.,47 бет.*

*8. Махалла // https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalla-uz.*

*9. Норматов О. М. Ўзбекистонда районлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижалари. // https://journals.uz/wp-content/uploads/2019/07/tarix-2019-02/283-289.pdf*

*10. Раупов С.С. Фуқаролик жамияти: кеча ва бугун. Бухоро, “Дурдона” нашрёти, 2016 й., 60 бет.*

*11. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва махаллий бошарув тарихи. “Янги аср авлоди”, Тошкент-2012й., 556 бет.*

*12. Яқубов У. Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари. // https://xorazm.adliya.uz/main/uz/publikatsii/detail.php?ID=30279)*



https://buxdu.uz

UO‘K 32

## HUQUQIY MADANIYAT – HARBIY XIZMATCHILARNI JAMIYATDA INSON HUQUQLARINI TA’MINLASHDAGI OLIY KO‘RINISHI SIFATIDA

***Akramova Shaxnoza Abrorovna,***
*O’zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti,*
*Harbiy-vatanparvarlik, ma’naviy-ma’rifiy tarbiya va yoshlar*
*bilan ijtimoiy ishlash kafedrasi boshlig’i o’rinbosari,*
*pedagogika fanlari doktori, professor, podpolkovnik*
*xabibasevinch@mail.ru*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada harbiy sohada inson huquqlarini ta’minlanishining normativ-huquqiy asoslari va ularning xalqaro hamjamiyatdagi muvofiqligi, xavfsizlik masalalarida amalga oshirilayotgan islohotlar bayon etilgan. Shuningdek, globallashuv sharoitida harbiy xizmatchilarda huquqiy madaniyatni rivojlantirishning zaruriyati yoritilgan.*
***Kalit so’zlar:*** *inson huquqlari, huquqiy madaniyat, huquqiy tarbiya, motiv, shaxs, harbiy xizmatchilar.*

## ПРАВОВАЯ КУЛЬТУРА КАК ВЫСШЕЕ ПРОЯВЛЕНИЕ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В ОБЩЕСТВЕ

***Аннотация.*** *В данной статье описываются нормативно-правовые основы обеспечения прав человека в военной сфере, их совместимость с международным сообществом, а также реализуемые реформы в вопросах безопасности. Также подчёркивается необходимость развития правовой культуры среди военнослужащих в условиях глобализации.*
***Ключевые слова:*** *права человека, правовая культура, юридическое воспитание, мотив, личность, военнослужащие.*

## LEGAL CULTURE AS A HIGH VISIBILITY OF MILITARY SERVANTS IN THE ENFORCEMENT OF HUMAN RIGHTS IN SOCIETY

***Abstract.*** *This article describes the legal framework for ensuring human rights in the military sphere, their compatibility with the international community, and the reforms being implemented in security matters. It also emphasizes the need to develop a legal culture among military personnel in the context of globalization.*
***Keywords:*** *human rights, legal culture, legal education, motive, personality, military personnel.*

**Kirish.** Huquqiy demokratik davlat sifatidagi O‘zbekistonning eng ulug‘ maqsadi xalq manfaatlari ko‘zlangan islohotlarni amalga oshirishga qaratilgani bilan ahamiyatlidir. Bu jihatlar, eng avvalo, Bosh Qomusimizda ham mustahkamlab qo‘yilgan. Jumladan, Konstitutsiyaning II bob, 13 moddasida “O‘zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy prinsiplarga asoslanadi, ularga ko‘ra inson, uning hayoti, erkinligi, sha’ni, qadr-qimmati va boshqa daxlsiz huquqlari oliy qadriyat hisoblanadi. Demokratik huquq va erkinliklar Konstitutsiya va Qonunlar bilan himoya qilinadi”[1] degan huquqiy asoslar bitilgan.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan barcha islohotlar ochiqlik, shaffoflik tamoyillari asosida olib borilayotgani va bu jarayonlarga inson huquqlari bo‘yicha xalqaro tashkilotlar ekspertlari keng jalb etilayotgani tahsinga sazovordir. Beshta ustuvor yo‘nalish bo‘yicha «O‘zbekiston – 2030» strategiyasining[2] qabul qilingani mamlakatimizning inson huquqlarini ta’minlashni yanada yuksaltirish va bu borada xalqaro majburiyatlarni bajarish tarafdori ekanini namoyon etadi. Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasi Inson huquqlari bo‘yicha 80 dan ortiq asosiy hujjatga qo‘shildi, BMT tomonidan ushbu sohada qabul qilingan 10 ta xalqaro shartnoma ishtirokchisiga aylandi. Jumladan, 2023- yilning 12- may kuni Prezidentimizning “Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi qabul qilinganligining 75 yilligini keng nishonlash to‘g‘risida”gi farmoniga muvofiq bir qator vazifalar belgilandi[3].

Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi O‘zbekiston istiqlolga erishganidan so‘ng tasdiqlangan ilk xalqaro-huquqiy hujjat hisoblanadi. Fuqarolik jamiyatini qurish yo‘lini tanlagan O‘zbekiston inson huquqlari va manfaatlarini jamiyatni rivojlantirish va davlat qurilishining, ichki va tashqi siyosatining, xususan harbiy sohaning ham eng ustuvor yo‘nalishi sifatida belgiladi.


https://buxdu.uz

**Asosiy qism.** Qurolli kuchlar – istalgan demokratik davlat va jamiyatning tarkibiy qismi hisoblanadi. Harbiylar mudofaa va milliy xavfsizlik sohasidagi oʻz vazifalarini bajarishda insonnning barcha daxlsiz huquq va ozodligidan foydalanishimiz uchun imkoniyat yaratadigan xavfsiz muhitni taʼminlashda asosiy oʻrinni egallaydi. Ular davlat vakillari sifatida oʻz majburiyatlarini bajarishlarida inson huquqlari va xalqaro insonparvar huquq qonunlarini hurmat qilishlari shart. Biroq, ular oʻz vazifalari ijrosini (tinchlik va urush paytida ham bir qatorda) oʻzlarining tashkilotlari doirasida ularning shaxsiy huquqlari kafolatlangan taqdirdagina soʻzsiz amalga oshiradilar.

Koʻpgina davlatlar xavfsizlik sharoitlarini shiddatli oʻzgarib borishiga javob tariqasida oʻz qurolli kuchlari tuzilmasini oʻzgartirishlariga toʻgʻri keldi. Koʻpgina Yevropa xavfsizligi va hamkorligi tashkiloti (YEXXT/OBSE) qatoriga kiruvchi davlatlar umumiy harbiy majburiyat tizimidan butunlay ixtiyoriy shartnoma asosida toʻplanadigan professional qurolli kuchlar tizimiga oʻtmoqda [4]. Shuningdek, koʻpgina ishtirokchi-davlatlarning tinchlikni saqlash va gumanitar missiyalarni bajarish boʻyicha xalqaro operatsiyalarida faol ishtiroki bilan bogʻliq holda harbiylarning oʻrni va vazifalari ham oʻzgarib bormoqda. YEXXT ishtirokchi-davlatlari tomonidan oʻz qurolli kuchlari ustidan demokratik nazoratini taʼminlash, shuningdek, qurolli kuchlar tuzilmasini inson huquqlari sohasida halqaro majburiyatlarga muvofiqlashtirish maqsadida uni qayta koʻrib chiqish zaruriyati ortib bormoqda.

Bu oʻzgarishlar "harbiy kiyimdagi fuqarolar" sifatidagi harbiy xizmatchilar – ular xoh professional harbiylar boʻlsin, xoh muddatli chaqiruvdagi askarlarning inson huquqlari va asosiy erkinliklardan boshqa fuqarolar kabi foydalana olishlarini muvofiqlashtirishga olib keladi. Bu esa Qurolli kuchlarda inson huquqlarini taʼminlashdagi ahamiyati quyidagilarda namoyon boʻladi:

- inson huquqlari boʻyicha barcha xalqaro shartnomalar barcha insonlar kasbiy mavqei yoki jamiyatdagi holatidan qatʼi nazar oʻzlarining daxlsiz huquq va erkinliklariga egadirlar;
- harbiy xizmatchilarga nisbatan inson huquqlarining rioya etilishi qurolli kuchlarning jamiyat tuzilmasiga mustahkam integratsiyasiga imkoniyat yaratadi;
- garnizonda inson huquqlariga rioya etilishi natijasida davlat tomonidan harbiy xizmatchilarga nisbatan suisteʼmolchilik, shuningdek, harbiylarni fuqarolikdagi aholiga nisbatan sovuq munosabatlarining oldini oladi;
- garnizonlarda inson huquqlarining rioya etilishi natijasida harbiy xizmatchilarni davlat va komandirlari tomonidan suisteʼmolchilik va jabr-zulmdan himoya qiladi;
- tinchlikni taʼminlash boʻyicha zamonaviy operatsiyalar sharoitida harbiylar tomonidan navbatdagi operatsiyalar paytida inson huquqlarini taʼminlash boʻyicha chora-tadbirlarni amalga oshirishga toʻgʻri keladi. Bunday tadbirlarni qanchalik mos muhitda amalga oshirsalar, shunchalik ularga nisbatan hozirligi yuqori boʻladi. Bunda ushbu muhitda inson huquqlari nafaqat taʼminlanib, himoya qilinadi, balki bu huquqlarga asoslangan qadriyatlarni ularning oʻzlari ham oʻzlashtirishlari lozim boʻladi.

Oʻzbekiston Respublikasi harbiy xizmatchilar huquqiy taʼlim va tayyorgarligining asosiy vazifasi harbiylar lavozim majburiyatlarini muvaffaqiyatlari bajarishlari uchun zarur huquqiy meʼyorlarni oʻzlashtirishi, qonunchilikni toʻgʻri qoʻllay olishlari, harbiy boʻlinma va qismlarda tashkiliy va tarbiyaviy ishlarni olib borishda huquqiy vositalardan samarali foydalanishi hisoblanadi.

Harbiy xizmatchilarni huquqiy taʼlimi va tayyorgarligi tushunchasi oʻz ichiga nafaqat amaldagi qonunchilik asoslarini oʻrganish oladi, balki ularning huquqiy ongi va madaniyatini shakllantirishni ham nazarda tutadi.

Bunda huquqiy ong harbiy xizmatchilarni huquqiy xatti-harakatlari bilan oʻzaro bogʻliq boʻlgan omillardan biri sifatida koʻrib chiqiladigan boʻlsa, huquqiy tarbiya esa harbiy intizomni mustahkamlash vositasi sifatida huquqbuzarliklarini oldini olish va huquqiy sohadagi harbiy xizmatchilar faol hayotiy pozitsiyalarini shakllantirishni nazarda tutadi.

Ayrim harbiy xizmatchilarni qonunga xilof xatti-harakatlarining bevosita sababi atrof muhit va shaxsiy sifatlarga taʼsir koʻrsatadigan qator salbiy omillar taʼsirida shakllanadigan huquqiy ongning nuqsonlari hisoblanadi. Huquqiy ong holatidan qonuniy yoki noqonuniy xatti-harakatlar turini tanlashdagi, shuningdek, huquqbuzarliklarni oldini olishdagi fuqarolarni huquqiy faolligiga qaragan inson pozitsiyasiga bogʻliq.

Huquqiy ong ostida yuridik bilim va ulardan foydalana olish, huquqqa nisbatan belgilangan munosabatlar va ularni amaliyotda qoʻllanilishi, yuridik ahamiyatga ega vaziyatlarda insonlar xatti-harakatlarini tartibga soladigan huquqiy yoʻl-yoʻriq va qimmatli yoʻnalishlar shakllaridagi huquqiy reallikni aks ettiradigan ijtimoiy, guruhiy, individual ong sohalari tushuniladi.

Ong bevosita insonlarni huquqqa va hayotda uni roʻyobga chiqarish nisbatan munosabatini ifodalaydi. Taʼlim va tarbiyada uning oʻrni u yoki bu huquqiy koʻrinishlarga nisbatan munosabatini namoyon etuvchi insonlardagi huquqiy tuygʻularini yuzaga kelishi bilan aniqlanadi. Huquqiy ong hayot sharoitlari


https://buxdu.uz

ta'sirida vujudga keladi. Huquqiy tuyg'ular ostida turli xil huquqiy ko'rinishlarni insonlar baholash chog'ida vujudga keladigan anglangan psixologik kechinmalar tushuniladi. Masalan, inson qonunlarning adolatliligi va insonparvarligiga amin bo'lsa, xursandchilik, qoniqish tuyg'usini his qilishi mumkin yoki aksincha zo'ravonlikka duch kelganda nafratlanish, g'azab tuyg'ularini boshidan kechiradi.

Huquqni anglashning intellektual, emotsional va irodaviy sohalari huquqiy ongning uch asosiy funksiyalarni ajratilishi uchun asos bo'lib hisoblanadi, ya'ni ma'rifiy, baxolash va boshqaruv funksiyalari bilan muvofiqlikda uning funksional komponentlarini ham aniqlanadi.

Ong va faoliyatning birligi tamoyilidan kelib chiqqan holda qonunga itoatgo'y yoki qonunga zid xatti-harakatlar o'zaro muvofiq kelishi va huquqiy ongning o'ziga hos xususiyatlari haqida xulosa qilish mumkin.

Huquqiy xabardorlik – bu huquqiy me'yorlar bilan boshqariladigan vaziyatlarda shaxsni o'zini tutishining dasturini bevosita shakllantiradigan huquqiy yo'nalishlarning majmuasidir. Individual xatti-harakatlarning o'ziga xosligi tashqi sabab va sharoitlari bilan bir qatorda uning ichki motiv va maqsadlari ham yuzaga keladi. Bunda tashqi muhitning omillari inson ongini o'zgartira olsagina xulq-atvorining qo'zg'atuvchi kuchiga aylanadi. unday holatda baholovchi munosabatlardan real xulq-atvoriga o'tish paytida undovchi rolni inson irodasi amalga oshiradi, bu esa huquqiy ongning intellektual, emotsional komponentlari ta'siri ostida ijobiy yoki salbiy yo'nalishni vujudga keltiradi.

Qonunga zid xulq-atvor quyidagi komponentlar bilan xarakterlanadi: harakatning motivi, maqsadi va aybning shakli (qasddan yoki ehtiyotsizlikdan); harakatning predmeti, uni amalga oshirishning usuli, vositasi va shart-sharoitlari; harakatning natijasi, shuningdek, uning oqibatlari.

Shaxs ongida qonunni buzishga tayyorgarlik xatti-harakatning hayoliy modeli motivatsion, tayyorgarlik bosqichini tashkil etadi. U motivni anglash va harakatlanishning maqsadidan tortib to motivlar kurashi va harakat qilish qarorini qabul qilishni o'z ichiga oladi. Harakat qilishning manbai bo'lishi uchun shaxs tomonidan mayl motiv sifatida anglangan bo'lishi darkor, ya'ni motiv – bu mayl, uni anglashning o'tgan bosqichidir.

Motivatsiya pallasida qarama-qarshi mayllarning ichki ziddiyatlarda ko'p hollarda yuzaga keladi. Odatda raqobatlashuvchi motivlar turli xil psixologik va ijtimoiy darajadagi mayllar hisoblanadi. Ular qatoriga o'zgarmas tuyg'ular va idrokning dalili, shaxsiy individual ehtiyojlar va harbiy burch, g'arazli manfaatlar va lavozim majburiyatlari kirishi mumkin.

Motivlar kurashi mazmunida tarkibiga ijtimoiy foydali va qonunga qarshi xulq-atvor motivlarining kurashi kiradi. Ba'zida bu jarayon yetarli darajada uzoq davom etadi va kishida ma'lum psixologik holatlar – tushkunlik, odamovilik, g'amginlik – yuzaga keladi.

Shaxsning vujudga kelishi va shakllanishida tarbiya yetakchi kuch bo'lib hisoblanadi. Bu inson sivilizatsiya rivojining barcha davrida o'z isbotini topgan. Jamiyatimizdagi sezilarli o'zgarishlar sodir bo'lganligi tufayli mazmunan avallgi tarbiyaning poydevori ham inqirozga yuz tutdi. Yangi tizim uchun bugungi zamon hamnafasiga javob beruvchi metodologik asoslar, vazifalar, yo'nalishlar zururiy ehtiyoj hisoblanadi. Ma'lumki, yaxlit tarbiya tizimi muammolarini aniqlash, g'oyaviy asos va o'zagini ishlab chiqish armiya sohasida jiddiy tus olgan. Hamma vaqtlarda armiya muhim ijtimoiy-siyosiy institutlardan biri bo'lgan va bo'lib qolmoqda. Uning faoliyatining sifati sezilarli darajada davlat faoliyatining samaradorligi, qonunchilikdagi barqarorlik va mamlakatdagi huquqiy tartib-intizomga bog'liq bo'ladi.

O'zbekistonda huquqiy davlatni vujudga kelishining muhim sharti ahaolining huquqiy madaniyati darajasini oshirish, undan tashqari alohida bir fuqaroning, harbiy xizmatchining va yaxlit holdagi jamiyatning huquqiy onglilik darajasi hisoblanadi.

Jamiyatning ijtimoiy tuzulmasi, iqtisodiy tartibi, siyosiy tizimini isloh qilish 2021-yil 15-apreldagi "Jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida professional kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori asosida qayta tashkil topgan O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti oldiga chuqur o'qitish, jangovar va jismoniy tayyorgarlikni oshirish orqali jamoat xavfsizligini samarali tashkil etishga qodir malakali mutaxassislarni tayyorlash [5] masalalari qo'ymoqda.

Islohotlar sharoitida O'zbekiston Milliy gvardiyasi qo'shini hal qiluvchi yangidan-yangi vazifalar harbiy xizmatchilar, ularning kasbiy jangovor mahoratiga nisbatan talablarni qo'ymoqda. Harbiy xizmatchilar xizmat vazifalarini ijro etishda jamiyat xavfsizligini ta'minlash, huquqiy tartibni qo'riqlash, qonunchilikni qo'llab-quvvatlash bilan bog'liq natijalarga sezilarli ta'sir ko'rsatishi ularning yuksak huquqiy madaniyati mavjudligidan darak beradi.

Huquqiy madaniyat, huquqiy onglilikni shakllantirish uchun olimlar bilan bir qatorda amaliyotchilarning jiddiy e'tiboridagi predmeti bo'lib hisoblangan huquqiy tarbiya muhim ahamiyatga ega. Bu masala bugungi kunda ham o'ta dolzarb bo'lib qolmoqda. Jahonda tarbiyaviy ishlar o'zgacha sharoitlarda olib borilishiga to'g'ri kelmoqda: jamiyatda siyosiy qarama-qarshiliklar davom etmoqda, aholining mulkka



https://buxdu.uz

oid tabaqalanishi ortib bormoqda, millatchilik kayfiyati pasaymayapti, insoniyatga borgan sari kuchli ta’sir ko‘rsatib borayotgan ijtimoiy taranglik, millatchilik, diniy aqidaparstlik kuchayib bormoqda.

Huquqiy tarbiya Milliy gvardiya tizimi harbiy xizmatchilari huquqiy faolligining tashkil topishning zaruriy sharti bo‘lib qolishi zarur. Bu yerdagi tarbiya – ko‘pgina vazifalarni hal qilishga yo‘naltirilgan murakkab, uzluksiz jarayondir: ijtimoiy ongning asosiy qismi sifatida huquqiy onglilikni yuqori darajasini shakllantirish va rivojlantirish; huquqiy onglilikni hosilasi sifatidagi huquqiy madaniyatning ilmiy bilimi va huquqni tushunishi; oliy harbiy ta’lim muassasalari kursantlari belgilangan huquqiy me’yorlarni so‘zsiz bajarishlari, ular tomonidan huquq va huquqiy tartibotning ijtimoiy ahamiyatliligini tushunib yetishishlari uchun ma’suliyat tuyg‘usini tarbiyalash; huquqiy ko‘rsatmalarni to‘g‘riligi va adolatliligiga bo‘lgan ishonch hamda huquqqa oid xulq-atvorlarni tarbiyalash.

Milliy gvardiya tizimidagi harbiy ta’lim muassasalari bitiruvchilari oldiga jamoat tartibi, fuqarolar huquqlari va erkinliiklarini asrash, jinoyatchilik bilan kurashish bo‘yicha murakkab vazifalar qo‘yiladi. Bu vazifalarni bajarish ulardan yuqori darajada tayyorgarlikni, ta’limning turli xil shakllarida qo‘lga kiritiladigan kasbiy majburiyatlarini yaxshi bilishi talab etiladi. Afsuski, zamonaviy sharoitda harbiy intizom bilan bog‘liq muammolar ayrim mamlakatlarda kamayish o‘rniga, oxirgi paytlarda harbiy xizmatchilar o‘rtasida huquqbuzarlikning turli xil ko‘rinishlari sonini o‘sishi kuzatilmoqda. Hozirgi kunda biz harbiy xizmat ma’naviy-axloqiy asoslarining ijtimoiy ahamiyatga ega qadriyatlarini tubdan isloh qilinishi natijasida g‘oyaviy fikrlarning xilma xilligiga, noaniqliklarga duch keldik. Keyingi paytlarda harbiy xizmatchilarni huquqiy bilimlari darajasini oshirish zarurati keskin sezilmoqda. Binobarin, huquqiy tarbiya tizimini takomillashtirilishi natijasida harbiy xizmatchilarda mustahkam huquqiy bilimlarni hamda huquqiy xulq-atvor ko‘nikma va malakalarini shakllantirishini ta’minlashga erishilgan bo‘lardi.

Ushbu talabga rioya etilgan taqdirda Milliy gvardiyaning jangovor tayyorgarlik va professionalligidagi harbiy intizomlilik, qonuniylikning yuqori darajasini qo‘lga kiritish mumkin. Jamiyat umumqabul qilingan ma’naviy qadriyatlar tizimiga Milliy gvardiya ayniqsa, ehtiyoj sezadi. Milliy gvardiya tizimi tabiatiga ko‘ra, ma’naviy hayotning aniq, barqaror va rasmiy me’yorlari, qadriyatlarini qabul qilinishini talab etadi. Jamiyatning ma’naviy yemirilishi va noaniqliklari har qanday harbiy tizim yaxlitligiga putur yetkazadi, vatanparvarlik tuyg‘usini qadrsizlanishiga imkon beradi, harbiy jamoalar jipsligini pasaytiradi.

Mamlakatimizda yangi ma’naviy qadriyat tizimi shakllanish sharoitida yangi madaniy paradigmalar, totalitar jamiyat huquqiy qadriyatlarini tanqidiy tahlili va umuminsoniy qadriyatlarga qaytish natijasida jamiyatning, xususan harbiy xizmatchilar huquqiy madaniyati darajasini oshirish masalalari dolzarb bo‘lib bormoqda. Milliy gvardiya faoliyatini tashkil etish sharoitida tizim uchun oliy harbiy ta’lim muassasasida harbiy kadrlarni yuqori harbiy-kasbiy va huquqiy tayyorgarligi, tinchlik va harbiy davrdagi xizmat faoliyatining ma’lum o‘ziga xosliklarini shakllantirilish zarurati bo‘lajak ofitserlariga nisbatan qo‘yilgan talablarni kuchayganligini ko‘rsatadi.

Kursantlarni harbiy-kasbiy tayyorgarligini oshirish masalalarini hal qilish oliy harbiy ta’lim muassasasining o‘quv jarayoni orqali yuridik ta’limni olish bilan parallel ravishda sodir bo‘ladi, bunda harbiy mutaxassislar ta’lim va tarbiyasida yangi yondashuvlar zarurati natijasida yuqori malakali yuristlar yetishib chiqilishiga muvaffaq bo‘lish mumkin[6]. “Huquqiy tarbiya” tushunchasini talqin qilishga milliy pedagogika va yuridik adabiyotlarda yetarli darajada e’tibor qaratilgan, biroq hozirgi kunga qadar o‘zbek davlatining zamonaviy bosqichi sharoiti uchun huquqiy tarbiyaning umumqabul qilingan ta’rifi mavjud emas. Umuman olganda, harbiy xizmatchilarning huquqiy tarbiyasi – bu yuqori huquqiy onglilik, faol huquqiy xulq-atvorning ko‘nikma va malakasini shakllantirish maqsadida ularning ongiga, ruhiyatiga maqsadga qaratilgan, tizimli ta’sir ko‘rsatish, deya ta’rif berish mumkin.

Huquqiy tarbiyaning vazifalari – a) huquq me’yorlariga nisbatan hurmatni tarbiyalash; b) zarurat bo‘lganda ulardan foydalana olishga ishonch; v) huquqiy xulq-atvor ko‘nikmalarini singdirish; g) ijtimoiy-huquqiy faollikni tarbiyalash – kabilar hisoblanadi.

Harbiy xizmatchilarni huquqiy tarbiyasining ob’ekti ijtimoiy ongning turli ko‘rinishlari sifatida harbiylarning huquqiy ongi hisoblanadi. Huquqiy ong - insonlar, ijtimoiy guruhlarning huquqqa, qonunga, adolatga nisbatan munosabatini, nima qonuniy yoki noqonuniy ekanligi haqidagi tasavvurlarini ifodalovchi qarashlar, g‘oyalar majmuyini o‘zida ifodalaydi.

Harbiy tizimda huquqiy tarbiyani ta’minlash bo‘yicha ijtimoiy jihatdan asosiy muammolarni quyidagi guruhlarga birlashtirish mumkin:

- Harbiylar - kursantlar bilan birga huquq-tartibot organlari xodimlari huquqiy madaniyatining past darajasi bilan bog‘liq;
- Huquqbuzarlik profilaktikasining rivojlanmagan tizimi bilan o‘zaro bog‘liq;
- Huquq-tartibot organlari faoliyatida barqaror huquqiy an’analarining yo‘qligi sabab bo‘lgan holatlar.



https://buxdu.uz

Shunga bog‘liq holda harbiy xizmatchilarni huquqiy tarbiyalash zaruriyatining tahlilida zamonaviy sharoitlarda uni takomillashtirish bo‘yicha amaliy chora-tadbirlarni ishlab chiqish bilan to‘ldirish darkor. Bu esa harbiy xizmatchilar huquqiy madaniyatini oshirishga real hissa qo‘shadi, ya’ni Milliy gvardiya va huquq-tartibot organlarida harbiy-huquqi islohotlar maqsadi va tamoyillarini amalga oshirishga yordam beradi.

Huquqiy tarbiyaning samarali metodlaridan ishontirish va majburlash hisoblanadi. Bunda ishontirish metodi boy vosita va usulari xazinasiga ega bo‘lgan huquqiy tarbiyaning maqsad va vazifalarini amalga oshirishning muhim bir uslubi sifatida xizmat qiladi. Bu metodni qo‘llashda ofitserlar nafaqat ishontirish texnikasini bilishi, balki huquqiy tajribaga oid ma’lumotlardan foydalanish, ishontirish predmetiga xos barcha ma’lumotlarning majmuasini bayon qilishda ob’ektivlik va tizimlilik tamoyiliga yondashish kerak.

Majburlash metodi huquqiy tarbiyaning yetarli darajada ta’sirli metodlaridan hisoblanadi. Bu harbiy xizmatchilarda o‘ziga xos huquqiy holat va xizmat bo‘yicha ular vazifalarni bajarishidagi huquqan qat’iy belgilab qo‘yilganligi bilan izohlanadi. Majburlash metodidan amaliy chora sifatida uni boshqa metodlar, eng avvalo ishontirish metodi bilan birgalikda qo‘llash lozim.

Harbiy xizmatchilar huquqiy tarbiyasini yaxshilashda harbiy faoliyat, tartib va ularni bajarishdagi vositalarning o‘ziga xos normativ-huquqiy talablarni, shuningdek, ushbu talablar asosida harbiy xizmatchilar va huquq-tartibot organlari xodimlari majburiyatlarini to‘liqroq inobatga olish zarur[7]. Zamonaviy sharoitda harbiy xizmatchilarni huquqiy tarbiyalash samaradorligini oshirishda quyidagi asosiy yo‘nalishlar nazarda tutilishi tavsiya etiladi:

- Harbiy xizmatchilar huquqiy me’yorlarni buzishining profilaktikasini yaxshilash va kundalik harbiy hayotda tashkil etilishida ularni muntazaam bajarilishini ta’minlash;
- Huquqiy tarbiyalash, uni qo‘llashning shakl va metodlari samaradorlik tahlilini takomillashtirish;
- Qonunga qarshi xulq-atvor oldini olish bo‘yicha amaliy chora-tadbirlarni qo‘llash.

**Xulosa.** Huquqiy tarbiya O‘zbekiston ta’lim tizimining strategik yo‘nalishlari qatoriga kiritilishi darkor. Huquqiy madaniyat bir vaqtning o‘zida fuqarolik jamiyati va huquqiy davlatning dastlabki sharti va natijasidir. Shu nuqtai nazardan huquqiy madaniyatni shakllantirish zamonaviy ta’lim tizimining ahamiyatli vazifalaridan biri bo‘lib qoldi. Huquqiy tarbiya harbiy xizmatchilar o‘zlarining shaxsiy tajribalariga tayansagina samarali bo‘lishi mumkin, bunda real harbiy-siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy voqelik, uning qarama-qarshiliklari va rivojlanishiga murojaat qilishni taqazo qiladi.

Qonunga hurmati bo‘lmagan, huquqiy ongi rivojlanmagan, qonuniy xulq-atvor namunasiga intilmagan fuqaro bo‘lishi mumkinmi? Bu savolga javob ravshan. Harbiy xizmatchilar va jamiyatning huquqiy madaniyatini rivojlanishi adolatli, ozod va mukammal insonparvar jamiyatni barpo etishga yordam beruvchi ma’naviy qadriyatlarni huquqiy ongda yuqori darajada mavjud bo‘lishiga bundan keyin ham tartib va qonun hamma uchun, har doim qoida bo‘lib qolishiga imkon berib keladi.

Milliy gvardiya shaxsiy tarkibini yuksak huquqiy ongini tarbiyalashda tarbiyaviy chora-tadbirlarning majmuasi asosida erishiladi. Tarbiyaning majmuaviy yondashuvi va huquqiy, jangovar, ahloqiy tarbiyaning birligini ko‘zda tutuvchi ishlarning to‘g‘ri tashkil etilishi harbiy xizmatchilarni yuksak axloqiy fazilatlarni shakllanishi, qonunga hurmat, huquqiy davlat sifatida O‘zbekiston Respublikasi qonunlarini haqqoniyligiga va adolatligiga, zaruriyat tug‘ilganda ularga so‘zsiz itoat etilishini ta’minlaydi. Huquqiy tarbiyaviy ishlar harbiylarni xizmat faoliyatida, xulq-atvorida qonunlarga qat’iy va aniq rioya etish ko‘nikma, odatlarini tarbiyalashga, huquq me’yorlarini kundalik bajarilishiga o‘rgatib boradi. Shundagina abadiy qadriyatlar – Vatan, burch, or-nomus, vatanparvarlik – o‘z ahamiyatini yo‘qotmaydi, hamma va har bir inson uchun muqaddas bo‘lib qoladi.

***ADABIYOTLAR:***


1. O’zbekiston *Respublikasi Konstitutsiyasi. 2023-yil 1-may. O’RQ-837. Elektron resurs: https://lex.uz/docs/6445145 Murojaat qilingan sana: 10.10.2024*

2. *O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi PF-158-son “O’zbekiston-2030” strategiyasi to’g‘risida”gi Farmoni. Elektron resurs: https://lex.uz/ru/docs/6600413 Murojaat etilgan sana: 15-aprel 2024-yil.*

3. *O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 12-may PF-70-son “Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi qabul qilinganligining 75 yilligini keng nishonlash to’g’risida”dagi Farmoni – Elektron resurs: https://lex.uz/uz/docs/6464217 Murojaat qilingan sana: 30.05.2024 y.*

4. *Руководство по правам человека и основным свободам военнослужащих. Перевод с английского: Виктор Стегний и Елена Харлеман – Варшава: Бюро ОБСЕ по демократическим институтам и правам человека, 2008. – 304с. – С.11.*




https://buxdu.uz

5. *Prezident Jamoat xavfsizligi universitetini ko'zdan kechirdi. Elektron resurs: https://kun.uz/kr/news/2024/08/29/prezident-jamoat-xavfsizligi-universitetini-kozdan-kechirdi Murojaat qilingan sana: 10.10.2024*

6. *Правовое воспитание курсантов. Готовится приказ. – Москва: Воениздат, 1999. – 256с. С. 58.*

7. *Mamurov U.I. Harbiy qismda tarbiyaviy ishlar metodikasi. – Toshkent: O'zbekiston, 2008. – 55b. B.35.*



https://buxdu.uz

УЎК 32

# “ZEITENWENDE”ДАН СЎНГ ГЕРМАНИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА НИСБАТАН ЯНГИ НИГОҲИ: ГЕОСИЁСАТДАН ГЕОИҚТИСОДГА ЎТИШ

***Битураев Уктамжон Базарбаевич,***
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*
*“Халқаро муносабатлар” катта ўқитувчиси*
*uktamjon@mail.ru*

***Аннотация.*** *Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган мураккаб геосиёсий ўзгаришлар шароитида, Россия-Украина мажораси фонида 2022 йилда Германия ташқи ва хавфсизлик сиёсатига ўзгаришлар киритилди. Мақолада Германиянинг Россияга қарши санкциялар ва Украинадаги уруш туфайли ўзгариб бораётган ташқи сиёсати ва Марказий Осиёга бўлган муносабатларини таҳлил қилади. Мақолада Германиянинг Марказий Осиёдаги янги стратегик манфаатлари, хусусан, энергетика, инфратузилма ва савдо соҳаларидаги ҳамкорликка асосланган геоиқтисодий ёндашувининг аҳамияти кўрсатиб берилади. Шунингдек, мақолада Германиянинг Марказий Осиёдаги таъсирини кучайтириш учун қўллаётган дипломатик ва иқтисодий чора-тадбирлари таҳлил қилинади.*

***Калит сўзлар:*** *Марказий Осиё, Германия, Европа Иттифоқи, Zeitenwende, Россия-Украина можароси, “Марказий Осиё-Германия” саммити, геосиёсат, геоиқтисод, энергетика хавфсизлиги, ҳамкорлик.*

# НОВЫЙ ПОДХОД ГЕРМАНИИ К ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ПОСЛЕ “ZEITENWENDE”: ПЕРЕХОД ОТ ГЕОПОЛИТИКИ К ГЕОЭКОНОМИКЕ

***Аннотация.*** *Статья анализирует изменения во внешнеполитическом курсе Германии и её отношениях с Центральной Азией в контексте санкций против России и войны в Украине. В ней рассматривается новый стратегический интерес Германии к региону, основанный на геоэкономическом подходе с акцентом на сотрудничество в области энергетики, инфраструктуры и торговли. Также анализируются дипломатические и экономические меры, предпринимаемые Германией для укрепления своего влияния в Центральной Азии.*

***Ключевые слова:*** *Центральная Азия, Германия, Европейский Союз, Zeitenwende, Российско-украинский конфликт, саммит “Центральная Азия – Германия”, геополитика, геоэкономика, энергетическая безопасность, сотрудничество.*

# GERMANY'S NEW APPROACH TO CENTRAL ASIA AFTER ZEITENWENDE: TRANSITION FROM GEOPOLITICS TO GEOECONOMICS

***Abstract.*** *The article examines the shift in Germany's foreign policy and its relations with Central Asia in the context of sanctions against Russia and the war in Ukraine. It explores Germany's new strategic interest in the region, grounded in a geoeconomic approach and emphasizing cooperation in energy, infrastructure, and trade. The article also assesses the diplomatic and economic measures Germany is implementing to strengthen its influence in Central Asia.*

***Keywords:*** *Central Asia, Germany, European Union, Zeitenwende, Russia-Ukraine conflict, “Central Asia – Germany” summit, geopolitics, geoeconomics, energy security, cooperation.*

**Кириш.** Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги иштирокини анъанавий равишда “масофада ушлаб туриш” ёки “барқарор ўрта даражада” ўсиб бораётган иштирок сифатида баҳолаш мумкин. 2022 йилда Европа Иттифоқи юқори мартабали мансабдор шахсларининг Марказий Осиёга икки муҳим ташрифи амалга оширилди. Улардан бирида, Европа кенгаши Президенти Шарл Мишел Марказий Осиё етакчилари билан илк бор учрашувни “мустаҳкамланаётган ҳамкорлигимизнинг кучли рамзи ва ЕИнинг ушбу минтақага содиқлигининг кучли белгиси”[1] деб атади.

Россиянинг Украинадаги уруши натижасида юзага келган геосиёсий вазиятнинг ўзгариши Европа Иттифоқига минтақадаги энг йирик ёрдам донори мақомидан кўра муҳимроқ бўлган сиёсий роль ўйнаш имкониятини беради. Мавжуд халқаро вазият Шарқ-Ғарб қарама-қаршилигининг кучайиши сабаб бўлаётган бир даврда Марказий Осиё мамлакатларининг халқаро профилини



https://buxdu.uz

ошириш, янги сармоя манбаларини жалб қилиш ва Европа Иттифоқи каби янги шериклардан хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни кучайтиришни сўраш имкониятларини оширади[2].

Россия 2022 йил февралда Украинага қарши кенг кўламли ҳужумни бошлашга қарор қилганидан буён Европа ҳукуматлари ва корхоналари учун кўп нарса ўзгарди. Ўшандан бери эътибор Марказий Осиёга қаратилди. Бу Марказий Осиё раҳбарлари учун ижобий ҳодиса саналади, чунки улар Европа пойтахтлари ва Брюсселга таклиф этилди ҳамда минтақага янги иқтисодий ёки сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ўрганиш мақсадида келган Ғарбнинг юқори мартабали амалдорларини кутиб олдилар[3].

Ғарбнинг бу амалдорлари минтақа халқларининг меҳмондустлигидан баҳраманд бўлиш учун эмас, балки геоиқтисодий манфаатлар ва оғир шароитда қўлга киритиладиган геосиёсий натижаларни учун келганликларини деярли яширмайдилар. Германия президенти Франк-Валтер Штайнмаернинг идораси 2023 йил ёзида Қозоғистон ва Қирғизистонга ташрифи олдидан тарқатган пресс-релизда шундай дейилган: “Президентнинг сафарлари Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамиятини таъкидлайди. Россия ва Хитойга қўшни бўлган бу мураккаб минтақада у Германиянинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини намойиш этмоқда.”[4]

Владимир Путин 2022 йилда Киевга қўшин юборишга қарор қилганидан сўнг, Германия канцлери Олаф Шолс Германия Бундестагида сўзлаган нутқида бу воқеанинг таъсирини ички ва ташқи сиёсий таҳлилчиларга чуқур таъсир қолдирган ибора билан таърифлади. 2022 йилнинг 27 февралида, уруш бошланганидан бир неча кун ўтиб, канцлер Олаф Шольц ўз нутқида Германиянинг хавфсизлик ва ташқи сиёсатидаги туб бурилишни эълон қилди. Немисча *“Zeitenwende”* сўзи “давр ўзгариши” ёки “бурилиш нуқтаси” деган маънони англатади. Мазкур бурилиш, биринчи навбатда, мудофаа, иқтисодиёт ва энергетика сиёсатига таъсир кўрсатди[5].

Мазкур нутқи доираси Германия ўзи учун аҳамиятли бўлган уч йўналишни ажратиб кўрсатди:

Биринчиси мудофаа соҳасида: Германия ҳарбий харажатларни сезиларли даражада ошириш ва армиясини кучайтириш ҳақида эълон қилди.

Иккинчиси иқтисодиёт соҳасида: Германия янги савдо шерикларини фаолроқ излаш ва иқтисодий алоқаларини диверсификация қилишга киришди.

Учинчиси энергетика соҳасида: Германия Россия газига бўлган боғлиқлигидан воз кечиб, альтернатив энергия манбаларини излашга киришди. Бу Германиянинг Марказий Осиёга бўлган бўлган қизиқишини кучайтиришига олиб келди.

Бироқ бир қатор таҳлилчи ва сиёсатчилар томонидан Германия ҳукумати мазкур ўзгаришларга самарали ва тўлиқ жавоб бермагани учун қаттиқ танқидга учради[6].

**Мақсад ва вазифалари.** "Zeitenwende"дан кейин Германиянинг Марказий Осиёга бўлган сиёсатидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ва унинг геосиёсатдан геоиқтисодга ўтиш жараёнини кўрсатишдир. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарурдир: "Zeitenwende"нинг Германиянинг Марказий Осиёга бўлган сиёсатига таъсирини аниқлаш, Германиянинг Марказий Осиёга бўлган геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларини таҳлил қилиш ҳамда бу жараёнда “Марказий Осиё-Германия” саммитининг ўрнини аниқлаш.

**Услублар.** Германиянинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатидаги сўнгги ўзгаришлар, айниқса, Россия-Украина низосидан кейинги вазиятни таҳлил қилиш ва у билан боғлиқ омилларни аниқлашда қиёсий тизимли ва  тарихий таҳлил услубларидан кенг фойдаланилди. Қиёсий таҳлил асосида Германиянинг Марказий Осиёга бўлган сиёсати "Zeitenwende"дан олдинги ва кейинги даврлар билан таққосланади. Бу Германиянинг минтақавий сиёсатига таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Тизимли таҳлил асосида Германиянинг Марказий Осиё билан ҳамкорлик қилишдаги геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлари, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка таъсири тизимли таҳлил қилинди. Бу Германиянинг Марказий Осиёга бўлган сиёсатидаги ўзгаришларнинг кенг контекстини тушунишга ёрдам беради.

**Натижалар ва мулоҳазалар.**

**“Марказий Осиё-Германия” (“Z5+Germaniya”) платформаси – ҳамкорликни кучайтириш воситаси сифатида**

Европа ва Германия ташқи сиёсатида Марказий Осиёга қизиқиш қайта жонланмоқда. 2007 ва 2019 йилларда кенг қамровли стратегиялар қабул қилинган бўлса-да, икки минтақа ўртасидаги муносабатлар бироз секин ривожланди. Аммо ҳозир Берлин ташаббус кўрсатиб, “Z5+Germaniya” форматида, Германия ташқи сиёсати учун анъанавий бўлмаган минтақа билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Ушбу форматдаги биринчи учрашув 2023 йил сентябрь ойида Берлинда бўлиб ўтди, бунда Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарларини канцлер Олаф Шолс ва Федерал Президент Франк-Валтер Штайнмаер қабул қилди. Иккинчи учрашув 2024 йилнинг 17 сентябрь ойида Қозоғистон


https://buxdu.uz

пойтахти Остонада бўлиб ўтди. Германия илгари ҳам Европанинг Марказий Осиё билан яқинлашувининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган бўлса-да, ҳозир у ушбу минтақа билан муносабатларни стратегик жиҳатдан кенгайтиришга ҳар қачонгидан кўра қатъийроқ интилмоқда. Бу, бир томондан, хавфсизлик сиёсатининг долзарб масалалари билан, иккинчи томондан эса, ташқи сиёсатнинг узоқ муддатли мақсадлари билан боғлиқ.

Минтақанинг энг йирик давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон хавфсизлик сиёсатининг долзарб масалаларини ҳал қилишда марказий роль ўйнамоқда. Олаф Шолс уларнинг давлат раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди. 2023 йилда тахминан 1,3 миллиард долларни ташкил этган икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми яқин келажакда сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Натижада Ўзбекистон Қозоғистон билан бир қаторда Германиядан алоҳида эътибор қаратилаётган асосий давлатлардан бирига айланди[7]. Ўзбекистон билан тузилган миграция шартномаси, жумладан, Берлин радикал исломий Толибон билан тўғридан-тўғри алоқада бўлмасдан, Германиядан жиноятчиларни Афғонистонга қайтариш мақсадига хизмат қилади. Бундай ҳолларда Ўзбекистон ҳукумати бу вазифани ўз зиммасига олади. Келажакда Афғонистон масаласида Германия ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликни бошқа мавзу ва йўналишларни қамраб олган ҳолда кенгайтириш мумкинлиги истисно этилмайди[8].

Ўзбекистонга қўшни бўлган Қозоғистон Россиянинг Украинадаги тажовузига барҳам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларда муҳим аҳамиятга эга. Яқинда, 2024 йил 8 сентябрь куни Германия канцлери ZDFга берган интервьюсида Украинадаги урушга дипломатик ечим излаш тарафдори эканлигини билдирди ва уруш ҳолатидан тинчликка ўтиш вақти келганини таъкидлади. У, шунингдек, бу сафар Россия иштирокида янги тинчлик конференцияси ташкил этилиши кераклигини қўшимча қилди[9]. Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев билан Остонада бўлиб ўтган учрашувда унинг можаро бўйича фикри аввалги баёнотларга нисбатан аниқроқ ифодаланди. У Россияни ҳарбий жиҳатдан мағлуб этиб бўлмаслигини қатъий таъкидлади. Бинобарин, урушнинг янада авж олиши бутун инсоният учун, энг аввало, Россия-Украина можаросида бевосита ёки билвосита иштирок этаётган барча давлатлар учун тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келишини айтди. У барча тинчлик ташаббусларини диққат билан кўриб чиқишга чақирди ва Хитой ҳамда Бразилиянинг тинчлик режасини қўллаб-қувватлади[10]. Тўқаевнинг бундай аниқ баёноти шуни кўрсатадики, Украинадаги вазиятнинг янада кескинлашуви Остонада ўта хавфли деб баҳоланади ва Россия билан 7600 километрлик чегарага эга Қозоғистон учун жиддий хавотир уйғотади.

Таъкидлаш жоизки, канцлернинг Қозоғистонга ташриф буюришидан уч кун олдин Қозоғистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Роман Вассиленко DW нашрига берган интервьюсида унинг мамлакати можарони ҳал қилишга ёрдам беришга ва урушаётган томонлар истаги бўйича воситачи сифатида ҳаракат қилишга тайёр эканлигини маълум қилган эди. “Келажакда бизнинг хизматларимиз керак бўлиши мумкин деб ўйлаймиз, шунинг учун эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиляпмиз,” - дея қўшимча қилди [11]. Остонанинг ташқи сиёсатдаги салмоғининг ўзи воситачилик роли учун етарли бўладими ёки йўқлигини вақт кўрсатади. Қозоғистон аллақачон Сурия музокаралари учун платформа вазифасини бажариб келгани боис, музокаралар учун модератор ёки мезбон сифатида кўриб чиқилиши мумкин, Озарбайжон ва Арманистон ташқи ишлар вазирларининг учрашуви ҳам 2024 йил май ойида Олмаотада бўлиб ўтган эди.

Гарчи Германия ва Қозоғистон позициялари уруш тезроқ тугаши керак, деган фикрга қўшилаётган бўлса-да, мавжуд вазиятни баҳолаш ва энг мақбул ечимларни топишда фарқлар яққол кўзга ташланмоқда - эҳтимол, бу Қозоғистон томони дастлаб режалаштирилган қўшма матбуот анжуманини бекор қилганининг сабабларидан биридир.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорликда муҳим келишув имзоланди: Қозоғистон аллақачон Германиянинг Норвегия ва АҚШдан кейинги учинчи йирик нефть етказиб берувчиси ҳисобланади ва Германияга етказиб беришни янада оширишга тайёр, гарчи бу нефть “Дружба” қувури орқали ва шу тариқа Россия ҳудуди орқали ўтади. Умуман олганда, Қозоғистон нефтининг қарийб 90 фоизи Россия ҳудуди орқали ўтади ва шунинг учун Москванинг ҳамкорликка тайёрлигини талаб қилади бу эса Остонанинг эҳтиёткорона позициясининг яна бир сабабидир.

Германия канцлерининг ташрифи Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янада фаолроқ стратегияси йўналишини белгилашга ёрдам бериши мумкин. 2024 йилнинг январь ойида Европа парламенти Европа Иттифоқини глобал миқёсдаги йирик ўзгаришлар фонида Марказий Осиёга нисбатан дипломатик стратегиясини қайта кўриб чиқишга чақирди [12]. Бунда минтақанинг хавфсизлик, ўзаро боғлиқлик, энергия ва ресурслар таъминотини диверсификация қилиш, низоларни ҳал этиш ҳамда кўп томонлама, қоидаларга асосланган халқаро тартибни сақлаб қолиш нуқтаи назаридан стратегик аҳамиятига урғу берилди.

Олаф Шолснинг сўнгги ташрифи Германиянинг Марказий Осиё минтақасига нисбатан сиёсатида изчиллик ортиб бораётганини акс эттиради. У 2023 йил сентябрь ойида келишилган Марказий Осиё билан стратегик шериклик (давлатлараро муносабатларнинг имтиёзли шакли)нинг мажбурийлигини яна бир бор тасдиқлайди, бунда энергетика, иқтисодиёт, иқлим ва атроф-муҳитга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, “яшил” энергетика ва саноат соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорлик истиқболлари жуда умидли. Германия ва ЕИ ўрта ва узоқ муддатли истиқболда яшил электр энергияси ва яшил водород импортига эҳтиёж сезади. Марказий Осиёда шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланиш учун зарур бўлган катта ресурслар мавжуд. Германиялик инвестор ва лойиҳа ишлаб чиқарувчиси “Svevind Energy” Қозоғистонда шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда яшил водород ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда.

Остона шаҳрида бўлиб ўтган Z5+1 учрашувида Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов Германия компаниялари билан энергетика ва инфратузилма соҳаларида шерикликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаб, бундай лойиҳалар нафақат иқтисодий ривожланишга, балки минтақавий барқарорликка ҳам ҳисса қўшишини айтиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия ўртасида “энергетика мулоқоти”ни йўлга қўйишни таклиф этди.

Стратегик шерикликни белгиловчи яна бир омил - бу муҳим хомашё манбаларидан фойдаланишдир. Марказий Осиёда титан, мис, кобальт, вольфрам, уран, литий каби металларнинг катта захиралари мавжуд. Германия ва Европа Иттифоқи аллақачон Қозоғистон ва Ўзбекистон билан хомашё бўйича шериклик тўғрисида келишувга эришган. Марказий Осиёда технологиялар ва инвестицияларга катта эҳтиёж мавжудлиги сабабли, Остона шаҳрида муҳокама қилинган “хомашё эвазига инвестициялар ва технологиялар” ҳамкорлик модели ушбу мамлакатлар учун айниқса жозибадордир. Германия эса инновациялар соҳасида юқори стандартларни ўрнатувчи, сифат ва ишончлилиги билан танилган фаол иштирокчи сифатида қабул қилинади. Германиянинг Қозоғистондаги элчиси яқинда таъкидлаганидек, Германиянинг барча минтақавий иштирокчилар ўртасида адолатли рақобат тамойилига асосланган тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таклиф қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам ижобий баҳоланмоқда. Ҳозирда “HMS Бергбау” компанияси Шарқий Қозоғистонда литий қайта ишлаш заводини қуриш учун геологик тадқиқотлар ўтказишни режалаштирмоқда - бу 500 миллион АҚШ доллари қийматидаги дастлабки аниқ инвестиция лойиҳаларидан биридир. Германия компаниялари Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам ўз иштирокини кенгайтириши кутилмоқда.

Ўзаро алоқаларни ривожлантиришда 2024 йилги саммитнинг асосий мавзуларидан бири бўлган транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш масаласи ҳам бор. Марказий Осиё, Хитой ва Европа Иттифоқи ўртасида Каспий денгизи ва Кавказ орқали ўтадиган, саноат маҳсулотлари, қазилма энергия ресурслари ва узоқ муддатли истиқболда яшил энергияни ташиш учун мўлжалланган Ўрта коридор ривожланиши Марказий Осиё ва Германия учун муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, йўлак инфратузилмаси ҳали етарли даражада ривожланмаган ва транспорт ҳажмининг сезиларли ўсишини кўтара олмайди. Германия энди *Global Gateway* ташаббуси доирасида Россия ва Эронни четлаб ўтиб, ушбу йўналишни ривожлантириш учун ўн миллиард евро сармоя киритишини эълон қилди.

**Хулоса.** Германия стратегик ҳамкорликнинг бир қисми сифатида Марказий Осиёда ўз мавқеини доимий ва кўзга кўринарли тарзда мустаҳкамлашга интилмоқда. 2024 йил 15-16 сентябр кунлари Ўзбекистонга ташрифи ва бир қатор соҳаларда кўплаб шартномаларнинг имзоланиши, Қозоғистон билан турли хажмдаги инвестиция лойиҳалари бўйича келишув имзолангани яхши натижа сифатида қабул қилиниши мумкин. Аммо стратегик ҳамкорлик йирик инвестиция лойиҳаларини эълон қилиш ва йилига бир марта йирик саммит ўтказишдан кўра кўпроқ нарсани англатади. Таҳлилий ва илмий нуқтаи назардан, стратегик ҳамкорлик деганда умумий манфаатлар ва ишончга асосланган узоқ муддатли, кўп қиррали ҳамкорлик тушунилади. Бу эса юқори даражадаги доимий сиёсий мулоқот, яқин маданий ва ижтимоий алоқалар ҳамда минтақавий ва глобал воқеаларга ўхшаш қарашга эҳтиёж борлигини англатади. Сўнгги масала - Украинадаги урушга бўлган муносабатдан кўриниб турибдики - ҳали ҳам яхшилаш учун кўп имкониятлар мавжуд.

Геосиёсий жиҳатдан тобора муҳим аҳамият касб этаётган минтақадаги воқеалардан хабардор бўлиш учун, пировард натижада, минтақадан доимий равишда журналистик ва таҳлилий хабарлар ҳамда ҳисоботлар бериб боришга эҳтиёж туғилади, бу эса ҳозирда етарли даражада амалга оширилмаяпти. Сўнгги уч йилдаги воқеалар, шунингдек, Остонада ўтказилган “Германия - Марказий Осиё” саммити шуни кўрсатмоқдаки, ўрта даражадаги кучга айланиб бораётган, фаол қўшничилик ва

хавфсизлик сиёсатини олиб бораётган минтақа сифатида Марказий Осиёга Европа фаолроқ эътибор қаратиши лозим.

***АДАБИЁТЛАР:***

*1. Remarks by President Charles Michel after his meeting with President of Kazakhstan Kassym-Jomart Tokayev in Astana /Yevropa Kengashi rasmiy sayti/ https://www.consilium.europa.eu/en/press/press-releases/2022/10/27/remarks-by-president-charles-michel-after-his-meeting-with-president-of-kazakhstan-kassym-jomart-tokayev-in-astana/*

*2. The EU Development Priorities in Central Asia //The Diplomatic Service of the European Union - https://www.eeas.europa.eu/eeas/eu-development-priorities-central-asia_en#:~:text=Assistance%20provided%20by%20the%20EU,for%20the%20period%202014%2D2020. - 16.03.2022*

*3. Ostermeier T., Gusseinov E. Germany's Zeitenwende: Turning Toward Central Asia? // The Diplomat - https://thediplomat.com/2024/05/germanys-zeitenwende-turning-toward-central-asia/ - 27 October 2022*

*4. Bundespräsident Steinmeier besucht Kasachstan und Kirgisistan /Germaniya Prezidenti rasmiy sayti/ https://www.bundespraesident.de/SharedDocs/Pressemitteilungen/DE/2023/06/230602-Reiseaufruf-KAS-KIR.html - 2. Juni 2023*

*5. Гусейнов Э. Саммит «Германия -Центральная Азия»: преимущества и недостатки сотрудничества с ФРГ / Central Asian Bureau for Analytical Reporting — региональная платформа IWPR в Центральной Азии / https://cabar.asia/ru/sammit-germaniya-tsentralnaya-aziya-preimushhestva-i-nedostatki-sotrudnichestva-s-frg - 6.10.2023*

*6. Huterer M, Pepe J.M., Schmitz A. Deutsche Zentralasienpolitik nach der "Zeitenwende" // Stiftung Wissenschaft und Politik. SWP-Aktuell 2024/A 30, 27.06.2024/ https://www.swp-berlin.org/10.18449/2024A30/*

*7.* Mehmet Fatih Oztarsu. Germany's Reliable Partnership Challenge in Central Asia // The Central Asia-Caucasus Analyst / *https://www.cacianalyst.org/publications/analytical-articles/item/13819-germanys-reliable-partnership-challenge-in-central-asia.html - 03 October 2024*

*8. O'zbekiston Prezidenti va Germaniya Kansleri ikki mamlakat ishbilarmon doiralari vakillari bilan uchrashuv o'tkazdilar// O'zbekiston Prezidentining rasmiyu veb-sayti // https://president.uz/oz/lists/view/7548 - 16.09.2024*

*9. Christos Katsioulis. Gipfelerfolg, oder? /Das IPG-journal/ https://www.ipg-journal.de/rubriken/aussen-und-sicherheitspolitik/artikel/gipfelerfolg-oder-7586/ - 18.06.2024*

*10. „Russland ist militärisch unbesiegbar", sagt der Präsident zu Scholz // https://www.welt.de/politik/ausland/article253536872/Kasachstans-Praesident-bei-Scholz-Besuch-Russland-ist-militaerisch-unbesiegbar.html - 18.09.2024*

*11. https://www.youtube.com/watch?v=_56UBDE74a0*

*12. BERICHT über die EU-Strategie für Zentralasien /Europäisches Parlament. Bericht - A9-0407/2023/ - https://www.europarl.europa.eu/doceo/document/A-9-2023-0407_DE.html - 6.12.2023*



https://buxdu.uz

**УЎК 32**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

***Бозоров Зуфар Зайниддинович,***
*Бухоро вилоят Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси*

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада халқаро шартнома тушунчаси, халқаро шартномаларнинг миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатидаги ўрни ҳамда аҳамияти борасида сўз юритилган. Шунингдек, мақолада халқаро шартномаларнинг давлатлар миллий қонунчилигидан устуворлик касб этиши ва ҳуқуқий давлат фаолиятининг муҳим элементи сифатидаги ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар**: халқаро шартнома, ҳуқуқий тизим, ратификация, конвенция, резолюция, халқаро ҳуқуқ.*

## МЕЖДУНАРОДНЫЕ ДОГОВОРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН КАК ЧАСТЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРАВОВОЙ СИСТЕМЫ

***Аннотация.*** *В данной статье рассматривается понятие международного договора, роль и значение международных договоров как составной части национальной правовой системы. Также в статье освещаются особенности международных договоров, имеющих приоритет над национальным законодательством государств и являющихся важным элементом деятельности правового государства.*

***Ключевые слова:*** *международный договор, правовая система, ратификация, конвенция, резолюция, международное право.*

## INTERNATIONAL AGREEMENTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AS PART OF THE NATIONAL LEGAL SYSTEM

***Abstract.*** *This article discusses the concept of an international agreement, the role and importance of international agreements as a component of the national legal system. Also, the article highlights the special aspects of international agreements gaining priority over the national legislation of states and being an important element of the activity of a legal state.*

***Keywords:*** *international agreement, legal system, ratification, convention, resolution, international law.*

**Кириш.** Ташқи сиёсат қуроли ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашнинг воситаси сифатида халқаро шартноманинг роли беқиёсдир. Халқаро шартномалар давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этиш билан бир қаторда, умуминсоний тинчлик ва хавфсизликни сақлашга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсад ва тамойилларига мувофиқ, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлатларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда халқаро шартномалар муҳим аҳамият касб этади. Халқаро шартномалар - халқаро ҳуқуқий тартиб ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар барқарорлигининг, ҳуқуқий давлат фаолиятининг муҳим элементидир.

Жамият ҳаётида мавжуд ҳар бир соҳанинг ҳуқуқий негизлари бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга оид муносабатларни ҳам тартибга солиб турувчи ўзига хос қонунчилик базаси мавжуд. Бу базани шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Булар миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар.

**Асосий қисм.** Мазкур соҳадаги **халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар** деганда, асосан, халқаро шартномаларни тузишга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро шартномаларни тушунишимиз лозим. Бу каби ҳужжатлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- БМТ Низоми;
- Халқаро шартномалар хуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси (1969 йил 23 май);

Халқаро ҳуқуқ назариясида халқаро шартномаларнинг халқаро ҳуқуқ манбалари сифатидаги турли қирралари қайд этилади. Айниқса, давлат манфаатларини ифодаловчи ва ҳар қандай давлат



https://buxdu.uz

қўшилиши учун очиқ бўлган универсал шартномалар муҳим ўрин тутади. Улар орасида БМТ Низоми халқаро шартномалар ичида олий юридик кучга эга бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

БМТ Низоми халқаро-ҳуқуқий тартиботнинг асосий мақсад ва принципларини мустаҳкамлаб қўйган ва уларга императив куч бағишлаган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Шу маънода, БМТ Устави аксарият ҳолларда халқаро ҳамжамият конституцияси деб аталиши бежиз эмас.

Хусусан, Низомнинг 103-моддасига мувофиқ, ташкилот аъзоларининг ушбу низомдан келиб чиқадиган мажбуриятлари уларнинг бошқа бирор халқаро битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларига зид бўлиб қолган тақдирда, ташкилот аъзоларининг ушбу низом бўйича олган мажбуриятлари устун кучга эга бўлиши белгиланган.

Шунингдек, Низомнинг 102-моддасида ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси билан тузилган ҳар қанақа шартнома ва ҳар қандай халқаро битим биринчи имконият бўлиши биланоқ БМТ Котибияти томонидан қайд қилиниши ва чоп этилиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу тартибга амал қилинмаслиги ташкилот аъзоларини ўзининг манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб БМТнинг органларидан бирортасига шартнома ёки битимни асос қилиб кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Содда тилда тушунтирадиган бўлсак, БМТ котибиятида рўйхатдан ўтказилмаган халқаро шартномалар ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Маълумот учун, 2024 йил 1 январь ҳолатида БМТ Котибиятида Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги 431 та халқаро шартнома рўйхатга олинган. Шулардан 233 таси икки томонлама халқаро шартномалар бўлиб, қолган 198 таси кўп томонлама халқаро шартномалар ҳисобланади.

1969 йил 23 майдаги “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенцияси ҳамда 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунга биноан, ***халқаро шартнома*** – бу шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усулларидан қатъи назар, хорижий давлат, халқаро ташкилот билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 06.02.2019 йилдаги ЎРҚ-518-сонли “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, шунингдек ушбу Қонунга ҳамда халқаро шартномаларнинг ўз қоидаларига мувофиқ тузилиши, бажарилиши, тугатилиши ва уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилиши лозимлиги белгиланган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий асоснинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Замонавий халқаро ҳуқуқнинг императив нормалари ҳисобланган умумэътироф этилган норма ва принциплар ҳам миллий, ҳам халқаро ҳуқуқий тизимнинг барча турдаги нормаларига нисбатан олий юридик кучга эга. Айнан шунинг учун ушбу хулқ-атвор қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг[1] 15-моддаси “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ***ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир***”, деган янги норма билан мустаҳкамланди. Мазкур ўзгаришнинг мазмуни билан танишиш учун, биринчи навбатда ҳуқуқий тизим тушунчасига таъриф бериб ўтиш лозим.

Ҳуқуқий тизим – бу ўзаро боғлиқ, мутаносиб ва бир-бирига таъсир қилувчи ҳуқуқий воситалардан иборат бўлган, ижтимоий муносабатларни, шунингдек, у ёки бу мамлакатдаги ҳуқуқий ривожланиш даражасини тавсифловчи таркибий қисмлар йиғиндисидир[2]. Америкалик ҳуқуқшунос олим Лоуренс Фридманнинг фикрича, ҳуқуқий тизим айнан ҳуқуқнинг тузилиш тизими қисмларининг бутун бир шаклидир[3]. Демак, ҳуқуқий тизим деганда ҳуқуқ соҳаларининг тузилиши, ўзаро алоқаси ва муносабатини тушуниш мумкин. Давлатимиз ҳуқуқий тизимини конституциявий, маъмурий, фуқаролик, оила, меҳнат, жиноят, ижтимоий ҳимоя каби қатор ҳуқуқ соҳалари таркибий қисм сифатида ташкил этади. Эндиликда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари ҳамда халқаро шартномалар ҳам ушбу рўйхатдан ўрин эгаллади ва бу факт конституция даражасида кафолатланди.

Халқаро шартномаларнинг миллий қонунчиликдан устуворлиги принципи БМТ Бош Ассамблеясининг 2001 йил 12 декабрдаги 56/83-сонли резолюцияси[4] билан тасдиқланган халқаро ҳуқуқбузарликлар учун давлатлар жавобгарлигининг 32-моддасида, шунингдек, 1969 йил 23 майдаги



https://buxdu.uz

“Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 27-моддасида тарафлар ўз ички қонунчилиги қоидаларини шартномани бажармаслик учун асос сифатида келтира олмаслиги қоидаси мустаҳкамланган. Бундан ташқари, Германия, Франция, Испания, Филиппин, Хорватия, Чехия, Словения, Россия, Қозоғистон ва бошқа бир қатор давлатлар конституциявий амалиётида ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари миллий ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми эканлиги, халқаро шартномаларнинг қонунлардан устунлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Хусусан, Германия Конституциясининг[5] 25-моддасида, халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидалари федерал ҳуқуқнинг бир қисми эканлиги, улар қонунлардан устун туриши ва тўғридан-тўғри федерал ҳудуд аҳолиси учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни яратиши белгиланган. Франция Конституциясининг[6] 55-моддасида ҳам белгиланган тартибда ратификация қилинган ёки тасдиқланган халқаро шартномалар ёки битимларнинг миллий қонунлардан устун туришини назарда тутувчи норма мустаҳкамланган.

Маълумки, халқаро шартномаларининг устуворлиги принципининг бевосита Конституция даражасида белгилаб қўйилиши Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига содиқлиги, халқаро ҳамжамият кўз ўнгида ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлиши, пировардида мамлакатнинг халқаро нуфузини оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида 130 дан ошиқ нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси эканлиги, 142 давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатганлиги, 4,5 мингдан ортиқ халқаро шартномаларга, инсон ҳуқуқларига оид 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилганлиги мазкур норманинг янада долзарблигини тасдиқлайди.

Юқорида назарда тутилган норманинг Конституцияда белгиланиши, ўз навбатида, халқаро шартномаларга амал қилишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, давлатлар орасидаги дипломатик алоқаларни янада кенгайтириш, жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик қилишнинг мутаносиб, кўп қиррали тизимини шакллантириш имконини ҳам беради. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, исталган халқаро шартнома Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси сифатида тан олинмайди. Яъни халқаро шартномани ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ёки қўшилиш орқали халқаро шартноманинг мажбурийлигига Ўзбекистон Республикасининг розилиги ифода этилган халқаро шартномаларгина Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий тизимига киради [3].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши тўғрисидаги нормани татбиқ қилишда, шуни ҳисобга олиш керакки, мазкур ҳолат миллий қонунчилик ҳужжатининг кучини йўқотишига сабаб бўлмайди, унинг амал қилишини тўхтатишга олиб келмайди. Аксинча, ўрнатилаётган қоида, ўз навбатида, ҳуқуқни қўлловчи органлар учун ўз ваколатлари доирасида халқаро ҳуқуқ нормаларини тўлақонли қўллашига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Хулоса.** Конституцияга Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида давлатимиз аъзо бўлган халқаро шартномаларнинг киритилиши давлатимиз чин маънода ҳуқуқ устуворлигига эришишига интилиши ҳамда республиканинг халқаро миқёсдаги нуфузи янада ошишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида ҳимояланишини таъминлайди.

***АДАБИЁТЛАР:***


1. *Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2023 й.*
2. *Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2001,— 48 б.*
3. *Б.Исмаилов, Ш.Аламонова. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида. https://oz.illp.uz/o%CA%BBzbekiston-respublikasining-xalqaro-shartnomalari-o%CA%BBzbekiston-respublikasi-huquqiy-tizimining-tarkibiy-qismi-sifatida/*
4. *Фридман Л. Введение в американское право. — М., 1992,— С. 10.*
5. *“digitallibrary.un.org” сайти маълумотлари. https://digitallibrary.un.org/ record/454412/files/A_RES_56_83-RU.pdf*
6. *“legalns.com” веб-сайти маълумотлари. https://legalns.com/ компетентные-юристы/правовая-библиотека /конституции-стран-мира/конституция-германии*




https://buxdu.uz

UO‘K 93/94

# XIX ASR OXIRI - XX ASR BOSHLARIDA MARKAZIY OSIYO MUSULMONLARNING HAJ ZIYORATI YO’L VA YO‘NALISHLARI

***Aymatova Zarnigor G’ulomovna,***
*Buxoro davlat universiteti*
*Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrasi o’qituvchisi*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada XIX asr oxiri va XX asr boshlarida O’rta Osiyo hududida yashaydigan musulmonlarning haj ziyoratiga borish yo’nalishlarlari, Makka va Madina shaharlariga yetib borish uchun qaysi shaharlardan o’tishlari kerak bo’lganligi, suv va quruqlik yo’llari va qanday qiyinchiliklarga duch kelganliklari bayon qilingan. Bundan tashqari, ziyoratni amalga oshirish kimlarning ruxsati orqali amalga oshirilagnligi bayon qilingan.*

***Kalit so’zlar:*** *Turkiston-general gubernatorligi, Rossiya imperiyasi, Jidda, Makka-Madina, O’rta Osiyo xonliklari, Hijoz, Eron, Botumi, Turkiya, “Elli”, “Germes”, “Abdul Qodir”, “Oleg” kemalar.*

## ПУТИ И НАПРАВЛЕНИЯ ПАЛОМНИЧЕСТВА ХАДЖ МУСУЛЬМАН СРЕДНЕЙ АЗИИ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКА

***Аннотация.*** *В данной статье рассмотрены направления паломничества мусульман, проживающих в Средней Азии в конце XIX- начале XX веков. Чтобы добраться до городов Мекки и Медины, через какие города им пришлось пройти, были описаны водные и сухопутные пути, и с какими трудностями они столкнулись. Кроме того, указывается, с чьего разрешения может быть совершено паломничество.*

***Ключевые слова:*** *Туркестанское генерал-губернаторство, Российская империя, Джидда, Мекка-Медина, ханства Средней Азии, Хиджаз, Иран, Ботуми, Турция, корабли “Элли”, “Гермес”, “Абдул Кадир” и “Олег”.*

## PILGRIMAGE ROADS AND DIRECTIONS OF MUSLIMS OF CENTRAL ASIA AT THE END OF THE 19TH CENTURY AND THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

***Abstract.*** *This article describes the routes of Muslims living in Central Asia in the late 19th and early 20th centuries for the Hajj pilgrimage. It describes which cities they had to pass through to reach Mecca and Medina, the water and land routes, and what difficulties they faced. In addition, it describes who authorized the pilgrimage.*

***Keywords:*** *Turkestan-General Governorate, Russian Empire, Jeddah, Mecca-Medina, Central Asian khanates, Hejaz, Iran, Batumi, Turkey, ships "Elli", "Hermes", "Abdul Kadir" and "Oleg".*

**Kirish.** O‘rta Osiyo musulmonlarining islom dinidagi besh farzidan biri hisoblangan haj ziyoratini ilk o‘rta asrlardan buyon ado etib kelganliklari tarixdan ma’lum. O‘rta Osiyo xonliklar hukmronligi yillarida (XVI-XIX asrlar) Makka va Madina haji safariga moddiy jihatdan ta’minlangan, yo‘l xarajatlarini ko‘tara oladigan, sog‘lom shaxslar xohlagan paytda jo‘nab ketar edilar. Taxtdan ag‘darilgan yoki hukmdorlik rutbasini vorisiga topshirgan shoh, xon va amirlar ham ko‘p hollarda haj safariga chiqishgan. Bu o‘rinda Muhammad Tarag‘ay-Ulug‘bek (1394; 1409-1449 yy), Qo‘qon xoni Xudoyorxon (1851-1882 yy) kabilarning taqdirini eslash kifoya. Ulug‘bek 1449- yil oktyabr oyi oxirida mutaasib ruhoniylar va uni Abdullatif tomonidan taxtdan tushirilganidan so‘ng, kuzatuvchilar bilan haj ziyoratiga yo‘lga chiqadi. Biroq Samarqand yaqinidagi qishloqlardan birida o‘ldirilgan. Xudoyorxon (1851-1882yy) Orenburgdan qochib, o‘z mulozimlari bilan haj safariga yo‘lga chiqqan, u haj arkonlarini bajarib, yurtiga qaytayotganida Afg‘onistonning Hirot shahri yaqinidagi Karrux qishlog‘ida kasallanib o‘ldi.

Ushbu maqolani yozishdan maqsad Rossiya imperiyasi O’rta Osiyoni istilo qilgandan keyin, insonlar muqaddas haj ziyoratini amalga oshirishga harakat qilganlarini aniq hujjatlar orqali isbotlab berish. Ziyortachilar haj arkonlarini bajarish uchun qaysi yo’llar va yo’nalishlar orqali Makka va Madina shaharlarga boorish uchun safarga chiqganliklari. Kimlar safarga chiqqanligi va hattoki, ular orasida ayollar bo’lgani tahlil qilish maqsad qillib olingan.



https://buxdu.uz

**Adabiyotlar tahlili va metodlar.** Maqolani yozishda bir qator tarixiy adabiyotlar va jurnal, gazeta, shuningdek, ayrim to‘plamlardagi ilmiy maqolalarga tayanishib ish ko‘rildi. Bu boradagi manba va adabiyotlarni shartli ravishda bir necha guruhlarga ajratish mumkin.

1. O‘zbekiston olimlari tomonidan chop etilgan ilmiy nashrlar.
2. Davriy matbuotda chop etilgan ma'lumotlar.
3. Internet ma'lumotlari.
4. Chet elda chop etilgan adabiyotlar.

O‘zbekistonlik tarixchi olimlardan D.A.Alimova, S.B.Shodmonova, Tog’ayeva A.Z, saudiyalik Sayid Mansur Olimiy va shuningdek, asar va maqolalaridan keng foydalanildi. Shuningdek,. ustozlarimiz Hayitov SH.A, Orziyev M.Z Ushbu mualliflarning asarlarida O‘rta Osiyo musulmonlarining haj ziyorati, uning yo‘l va yo‘nalishlari, haj ziyoratining musulmonlar hayotidagi o‘rni haqida qiziqarli ma'lumotlar keltiriladi.

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkistonda chop “Туркестанские ведомости”, “Окраина”, “Туркистон вилоятининг газети” kabilardagi maqolalardan ham foydalanildi. Chet ellik olim Y.Grigor'evning kitobida hamda D.Brauer maqolasida 4 mavzuga oid keltirilgan dalil va raqamlar kitobni materiallar bilan boyitishda muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. Ayrim o‘rinlarda internet ma'lumotlaridan ham foydalanildi.

Mazkur maqolani yoritishda tarixiy tahlil metodlaridan foydalanildi. Ma’lumotlarni to‘plash jarayonida tahlilning tarixiy va hujjatlar tahlili kabi uslublaridan foydalanildi.

**Muhokama va natijalar.** Markaziy Osiyoda uzoq asrlardan buyon istiqomat qilib kelayotgan musulmonlarning hayotida muqaddas shaharlar hisoblangan: Makkai-Mukarrama va Madinai-Munavvara shaharlariga aholi haj ziyorati nafaqat musulmonchilik farzi, qolaversa madaniyatlararo, dinlararo kommunikatsiyalararo munosabatlar rivojida ham muhim o‘rin egallaydi. Bu jarayon O‘rta Osiyo, Rossiya, Arab mamlakatlari va butun Sharq xalqlari tarixida yagona birlik kontekstida hanuzgacha kam o‘rganilgan tadqiqot sohasi bo‘lib qelayotganligi esa taajublanarlidir.

Ayniqsa, XIX asrning 2-yarmida Rossiya imperiyasi O‘rta Osiyo xonliklarini bosib olishi bilan mintaqada mustamlaka va yarim mustamlaka tartiblarining o‘rnatilishi bilan islomga munosabat va musulmon aholi yashaydigan hududlardagi qonun-qoidalar o‘zgardi. Qo‘qon xonligi bo‘ysundirildi, shuningdek, Buxoro amirligi va Xiva xonligi yarim mustamlaka bo‘lsa-da, tashqi aloqalarda Rossiya imperiyasi hukumati nazorat organlari ta’siri ostiga tushdi. Buxoro amirligi Kogon(Yangi Buxoro)dagi Rossiya imperiyasi siyosiy agentligi, Xiva xonligi faoliyati Aleksandro Petrapavlovskiydagi esa Amudaryo bo‘limi tomonidan qat’iy nazoratga olingan, hatto, hukumatlar boshqaruvidagi mansablar ham ular tavsiyasi bilan amalga oshirilardi. Bu xonliklarning tashqi siyosati Rossiya davlati ixtiyorida qaram, ya’ni mustaqil yo‘lga qo‘yilmagandi. Qolaversa, XIX asr oxirida musulmon aholi Rossiya imperiyasida yashovchi umumiy aholining 15 foizini tashkil etardi, yoxud musulmon aholining umumiy soni taxminan 19 million kishi atrofida edi[10].O‘rta Osiyoda 1897- yilda o‘tkazilgan aholi ro‘yxati bo‘yicha, salkam 10 million sonli aholining 95 foizi mahalliy musulmon millati aholisi edi. Qrim yarim oroli, Shimoliy Kavkaz, Kavkazorti, Volgabo‘yi,(boshqird va tatarlar) Sibir, Uraloldi xalqlari oldinroq Rossiya imperiyasi tarkibiga kiritilgan bo‘lib, bu mintaqalardagi musulmon aholi muqaddas haj ziyoratini - musulmonchilikning besh farzidan biri sifatida imperiya qonunlariga bo‘ysungan holda bajarib kelayotgan edi. Imperiya hukumati haj ziyorati va ziyoratchilarga e’tibor qaratishi, o‘z siyosatining eng muhim yo‘nalishlaridan biri sifatida qarashi tabiiy hol edi. XIX - XX asrlar chegarasida ziyoratchi musulmonlar soni Turkiston aholisi orasida keskin o‘sib borayotgan edi. Imperiya ma’muriyati ziyoratchilar ustidan nazorat o‘rnatish uchun maxsus idoralarni ishga soldi. Bu borada davlat kengashi, Ichki Ishlar Vazirligi, Moliya vazirligi kabi idoralarning mutassaddilari o‘zlarining dastur va xulosalarini imperator Nikolay II ga yubordilar. 1903- yilda Nikolay II musulmonlarning haj ziyorati haqida maxsus bir buyruq chiqarib, ushbu buyruqda Turkiston general - gubernatorligi hududida yashovchi musulmon ziyoratchilarga taalluqli bandlar bor edi[11]. Turkiston general -gubernatorligi ham bu masalada turlicha pozisiyalarda turgandi.

Imperator buyrug‘ida musulmon ziyoratchilarga nisbatan hukumatning siyosati belgilanib, dastlab musulmonlarga haj farzini bajarishga keskin qarshilik qilinmadi. Musulmon ziyoratchilar o‘zlarining moddiy ahvollaridan kelib chiqib, turli-tuman transport vositalari bilan (temir yo‘l, paroxod) haj ziyoratini ado etib o‘z yurtlariga keyin, qaytishlari mumkin edi. Umuman, bu borada yuritilgan siyosat, to‘lqinsimon, ziddiyatli xarakterga ega bo‘lib, Rossiya imperiyasida mazlum xalqlar ustidan yuritilayotgan siyosatga daxl yetkazmasligi e’tiborga olingandi.

XIX asrning oxirgi choragida Turkiston mintaqasida xalq ozodlik harakatlari kuchayib, imperiyaga dushmanlik kayfiyati oshgani sari, musulmon aholi ayniqsa, ta’sirchan kuchga ega bo‘lgan ruhoniy va ulamolar ustidan nazorat kuchaytirildi. Ayniqsa, 1878- yilda Yetimxon qo‘zg‘oloni vaqtida Qo‘qon xonligidan yo‘lga chiqadigan ziyoratchilar o‘tkazilmay qo‘yilgan. Keyingi bosqichlarda ziyoratchilarga



https://buxdu.uz

nisbatan ochiqdan-ochiq qarshi siyosat yuritildi, ayrim hollarda ma’lum bir muddat haj ziyoratini ado etish, ziyoratga borish ta’qiqlab qo‘yildi. Jumladan, 1898- yilda Madali Eshon (Dukchi Eshon 1846-1898 yy.) qo‘zg‘olonidan so‘ng 1900- yilgacha ziyortachilar ikki yil davomida muqaddas shaharlarga tomon yo‘lga chiqisha olmagan[12].

Ikkinchi tomondan, Rossiya imperiyasi hukumati ziyoratchilarni nazoratda tutish uchun hajga boruvchilarga qulayliklar yaratib berish yo‘lidan ham bordi. Avvalo, transport muammolarini hal etish, Rossiya – Jidda – Bombey (Mumbay) yo‘nalishida kema qatnovini yo‘lga qo‘yish, hojilar sonini ko‘paytirish, davlat tashkilotlari, xususiy kompaniyalar, musulmon jamiyatlari orqali hojilarni moddiy ta’minlash, yo‘l xarajatlarini yengillatish choralari ham ko‘rildi. Jiddadagi Rossiya vakolatxonasiga ziyoratchilarga shart-sharoitlar yaratib berish, Makkaga ularni sog‘-omon yetib borib ortga qaytishini ta’minlash bilan bog‘liq amaliy ko‘rsatmalar berilgan. Yevropa va mahalliy tillarda chop etilgan matbuot organlaridan: “Туркестанский голос” (Andijon), “Закаспийское обозрение” (Ashxobod); “Кавказ и Средняя Азия” (Boku); “Окраина” (Samarqand); “Среднеазиатский вестник” (Toshkent); “Средняя Азия” (Toshkent); “Xurshid”, “Samarqand”, “Sadoyi Turkiston”, “Sadoyi Farg‘ona”, gazetalari va “Oyna” (Samarqand) jurnallarida haj ziyorati, ziyoratchilar va ularning xotiralari keng miqyosda bosila boshlandi. Masalan, 1890-1898 yillarda Samarqand shahrida chop etib turilgan “Okraina” gazetasida turkistonlik musulmon ziyoratchilarning bosib o‘tgan yo‘llari haqida muqaddas haj safari bilan bog‘liq ma’lumotlar e’lon qilindi[13].

XIX asr oxiri XX asr boshlarida musulmon ziyoratchilari uchun murakkabliklar vujudga kelib, ularning ziyoratga borishi qat’iy ruxsat bilan mustamlaka ma’muriyati nazoratida amalga oshishi to‘la rasmiylashtirildi[14]. Turkiston general-gubernatorligining harbiy boshqaruvida general-gubernator, viloyatlarning harbiy gubernatorlari uyezd boshliqlari, uchastka pristavlari, mahalliy boshqaruv bo‘g‘inida bo‘lgan volost boshliqlari, qishloq oqsoqollari, mingboshi, yuzboshi, ellikboshilar tomonidan haj ziyoratiga ketadigan har bir musulmonni nazoratga olish tizimi shakllantirildi.

Turkiston Rossiya imperiyasi tomonidan istilo qilinib, 1867- yilda Turkiston general - gubernatorligining tashkil topishi, 1868- yilda avval Buxoro amirligi, 1873- yilda esa Xiva xonligining yarim mustamlakaga aylantirilishi bilan Makka va Madina haj ziyoratiga boruvchilar imperiya ma’muriyati tomonidan qat’iy nazorat ostiga olindi. Turkistonliklarning Makka va Madinaga haj safari Rossiya imperatorligining Osiyo departamenti bo‘limi maxfiy maslahatchisi, direktor Strelyuxov ma’lumoticha: O‘rta Osiyodan kelib chiqqan shaxslar Konstantinopol va Fors (Eron)ga shaxsiy ishlari uchun hamda haj ziyoratiga jo‘nab ketish uchun yo‘lga chiqadilar. 1869- yilda, ayniqsa Buxoro va Qo‘qondan kelganlar Turkiya va Eronda ko‘pchilikni tashkil qilib, bu ma’lumotlarni Istanbuldagi rus elchisi va Tehrondagi rus vakolatxonasi ham tasdiqlaydi. Yuqoridagi ma’lumotlardan ko‘rinib turibdiki, turkistonliklar haj ziyoratiga asosan Turkiya va Eron davlatlari orqali jo‘nab ketishgan.

1867 -1869 yillardayoq rus hukumati organlaridan Ichki Ishlar Vazirligi, Savdo - sanoat Vazirliklari birgalikda bu masalada yagona tartib -qoidalar ishlab chiqishga harakat qilishgan. 1867- yil 15- avgustda Turkiston general -gubernatori K.Fon Kaufmanga Peterburgdan yo‘llangan maktubda: Makkaga qarab yo‘lga chiqqan Turkiston o‘lkasi vakillariga Konstantinopol (Turkiya)ga jo‘nash uchun sotilgan yo‘l chiptalari Rossiya savdo ishlari idorasi ruxsatidan o‘tmaganligi, bu masalani gubernatorlik nazoratga olishi bilan bog‘liq ko‘rsatma beriladi.

Konstantinopol (Istanbul)ga yetib kelgan ziyoratchilar Kichik Osiyo orolining gavanlari orqali Misrning Suvayish kanalidan o‘tib, Aleksandriya shahriga yetib borishgan. U yerdan Jidda yoki Hijoz orqali Makka va Madinaga yo‘l olishardi. Konstantinopol (Istanbul) orqali haj ziyoratiga ketish ommaviy tus olishiga sabab, Istambulda musulmon ziyoratchilar uchun tekke(takya- musofirxona)lar bor edi. Ular soni 8 ta bo‘lib bunday tekkelar Adana, Izmir, Ko‘nya, Izmet kabi shaharlarda ham bo‘lgan. Shuningdek, Turkistonni O‘rta Osiyolik ziyoratchilarni moddiy jihatdan ham qo‘llagan. XIX asrda 8 ta elchilik Qo‘qon xonligidan Istanbulga haj masalasida kelgandi.

Ikkinchi yo‘l esa, Toshkent-Orenburg temir yo‘li orqali avval Kaspiyorti viloyatiga borilar edi. So‘ngra Kaspiy dengizidagi kemalarga o‘tirilib, Fors ko‘ltig‘iga, undan keyin Mesopotomiya (Iroq) orqali Hijoz shahriga borilgan.

Jiddadagi rus konsuli O‘rta Osiyolik musulmon ziyoratchilarning soni bir yilda 3-4 ming kishi atrofida bo‘lganligi, hamda ularning ko‘pchiligi Farg‘ona vodiysidan ekanligini qayd qiladi. Birinchi jahon urushidan oldin Makka va Madina hajiga borganlarning 3/4 qismi Farg‘ona vodiysidan bo‘lgan. 1909- yil paxtadan kam hosil olinganligi tufayli 1500 kishi, yuqori hosil yetishtirilgan 1910- yilda esa 5 ming kishi haj ziyoratida bo‘lgan[3].

Ma’lumki, Turkiya va Eron davlatlari hududiy hamda chegaralar masalasida Rossiya imperiyasi bilan o‘zaro dushmanlik munosabatlarida bo‘lishgan. Shuning uchun Rossiya hukumati Turkiston aholisi



https://buxdu.uz

vakillarini mumkin qadar bu mamlakatlar hududidan o‘tishining oldini olishga harakat qilgan. Holbuki, XX asr boshlarida ham ziyoratchilar manzillariga asosan turk, yunon, fors floti kemalarida yetib borishgan.-1903 yillarda turkistonlik ziyoratchilar Makka va Madinaga yunon kemalaridan “Elli”, “Germes” larda va turk kemasi “Abdul Qodir”da yetib borganligi haqida ma’lumot beriladi. O‘sha paytda ziyoratchilar xizmatida rus flotining “Oleg” nomli kemasi ham bo‘lgan. “Germes” nomli yunon kemasida 1901- yilning 1- iyunida Makka va Madina haji ziyoratidan Odessa portiga qaytib kelgan Buxoro amirligi fuqarolari haqida kuyidagicha ma’lumot beriladi[4].

1901- yilda “Elli” va “Abdul Qodir” kabi kemalarda (poroxodlar) Odessa portiga yetib kelgan ziyoratchilarning ham ro‘yxatlari shu tarzda qat’iy qilib tuzilib, har bir shaxs tibbiy ko‘rikdan o‘tkazilgan. Ularning pasporti va hujjatlari tegishli rus idoralari tomonidan qayta-qayta tekshirilgan. Haj ziyoratiga borgan musulmonlarning safari paytida yo‘lda va haj qoidalarini bajarib turgan kunlarda vafot etib qolishi, bedarak yo‘qolishi, yo‘lto‘sar va qaroqchilar tomonidan talanishi, yoki Turkistonga qaytmay Arabistonda va boshqa biror - bir boshqa Sharq mamlakatida muqim yashab qolishlari bilan bog‘liq ma’lumotlar ham to‘plab borilgan. 1902- yilning 30- avgustida Odessa portidagi karantin okrugi boshlig‘i Mossanskiy tomonidan Buxoro amirligi Rossiya siyosiy agenti nomiga yuborilgan xabarda: “Buxoro fuqarolari bo‘lgan Odilboy Fozilboyev va Bekmurodboy Boymurodboyevlar Makka hajidan qaytib kelayotganlarida “Abdul Qodir” nomli turk kemasi kapitanining ma’lumoticha, Suvayish kanalidan Feodosiyaga qarab yo‘lga chiqilgan paytda vafot etishgan. Ularning jasadlari dengizga tashlangan, vafot etganlardan hech qanday pul va qimmatbaho buyum qolmaganligi ma’lum qilinadi. Ikkinchi bir haj safariga vafot etganlar bilan bog‘liq hujjatda: 1904- yilda Jidda shahrida vafot etgan hojilardan Oyguloy Qobulboy qizi, Xudoberdi Rahimberdi o‘g‘li, Ostonqul Dubilboy o‘g‘li, Hoshim Abdulaziz o‘g‘li, Hoji Xudoyberdi Rahmonberdi o‘g‘li, To‘xtamurod Abdulxoliq o‘g‘li, Xojixon Murod So‘fi Haqberdi o‘g‘li, Hoji Ahmad Sharifboy o‘g‘li singari 8 kishining ism-sharifi qayd qilinadi [9].

Sirtdan qaraganda Makka va Madina hajini ixtiyor qilgan turkistonlik ziyoratchilarga chor Rossiyasi hukumatining “maxsus portlar ochish”, “maxsus kemalar qo‘yish” hojilarni “yo‘lto‘sar va qaroqchilardan himoya qilish”, “puli, buyumlari va mol-mulki, jonini asrash” kabilar bizga g‘amxo‘rligidek bo‘lib ko‘rinadi. Biroq, masalaga chuqur mushohada bilan fikr yuritib yondoshsak, Rossiya imperiyasi va mustamlakachilar ma’muriyatining bu sohadagi faoliyati ham mazlum xalqlarni asoratda saqlashga qaratilganligiga guvoh bo‘lamiz. Avvalo, turkiy xalqlar bilan uzoq asrlardan buyon iqtisodiy va madaniy aloqalarda bo‘lgan Turkiya va Eron orqali haj ziyorati o‘tib qaytishning oldini olish orqali Rossiya imperiyasi xavfsizligini mustahkamlash hamda mustalakalarda ozodlik va mustaqillik uchun kurash g‘oyalarini tarqalishiga yo‘l qo‘ymaslik maqsadi ko‘zlangan edi. Qolaversa, Rossiya o‘zi bilan do‘stona munosabatlarda bo‘lmagan bu ikki davlat O‘rta Osiyo xalqlari ozodlik uchun kurash maydoniga kirgan paytda ularga moliyaviy, harbiy yordam beradi, deb hisoblardi. Turkiya va Eron hududlari orqali o‘tib, haj ziyoratiga borib kelishga uringan ayrim shaxslarning rasmiy hujjatlaridan mumkin qadar kamchiliklar qidirish, ularga jarima solish kabi choralar ko‘rilgan. 1905- yilda Buxoro fuqarolaridan 11 kishi Bag‘dod- Karbalo-Fors qo‘ltig‘i- - Krasnovodsk yo‘nalishi bo‘ylab, haj ziyoratidan qaytib kelganlar. Ular vabo kasalini keng tarqalganini bila turib, haj ziyoratidan qaytishda Feodosiya portidagi karantin bo‘limiga kirmaganliklari va o‘zboshimchalik qilganliklari uchun har biri 5 so‘mdan, jami: 11 kishi 55 so‘m jarima to‘lashga majbur qilindi. XX asrning boshlarida Rossiya - Angliya munosabatlaridagi ziddiyatning bosh tuguni hamon O‘rta Osiyo masalasi bo‘lib kelayotgan edi. 1907- yilning avgustida Rossiya, Angliya va Fransiyani birlashtirgan Antanta harbiy ittifoqiga a’zo bo‘lib kirgan bo‘lsada, ushbu mamlakatlar o‘rtasidagi ziddiyatlar to‘la bartaraf etilmagan edi. O‘rta Osiyolik ziyoratchilar 1910- yillarda haj ziyoratidan Jidda -Bombey (Hindiston) qulay va arzon suv yo‘li bilan o‘z yurtlariga qaytish harakatida bo‘lganliklari ham Rossiya hukumatini tashvishga solgan. Jiddadagi Rossiya bosh elchisi “Konstantinopol va Feodosiyaga yo‘l olgan rus kemalarining chipta narxi 5 va 8 lira, turk kemalarniki esa, 2,5 va 6 lira, Bombey Jiddadan 10 kunlik yo‘l bo‘lishiga qaramay bor-yo‘g‘i chipta narxi 2 rupiya... Ba’zi bir moddiy jihatdan qiynalgan ziyoratchilar Bombeyga tekin ham yetib boradilar. Ularga ingliz kemalarida yetarli shart -sharoitlar yaratilgan. Inglizlar yaqinda (1905 yil) har bir ziyoratchidan Bombeygacha bor -yo‘g‘i 2 rupiya oladigan yetti sakkiztagacha kemalar qatnovini yo‘lga qo‘ydilar... Ziyoratchilar kutib turmasdan tezda yo‘lga chiqadilar. Jiddada inglizlarning ta’siri kuchli... Rus kemalari qatnovini tezlashtirib, yo‘l chiptalari narxini 100 rubldan 70 rublga tushirish kerak” degan taklifini bildiradi. Hindiston o‘sha paytda Angliya qo‘l ostida mustamlaka bo‘lganligi, bu mamlakat orqali O‘rta Osiyolik ziyoratchilarning o‘tib-qaytishi ham chor Rossiyasi hukumatini tavishga solgan. Shu tariqa nuqul o‘z siyosiy maqsadlari va imperiya manfaatlarini o‘ylagan Rossiya mustamlaka boshqaruvining musulmon ziyoratchilarga ko‘rsatgan “g‘amxo‘rligi” majburiylik hamda zaruratdan kelib chiqqan soxtakorlikdan iborat siyosat edi[8].



https://buxdu.uz

**Xulosa.** Xullas, Rossiya imperiyasi hukumati musulmon ziyoratchilar masalasiga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo‘lgan va ziyorat yo‘llari va yo‘nalishlarini nazoratda ushlagan. Ziyoratchilar haj ziyorati arkonlarini bajarib yurtlariga qaytishi ham qat’iy nazorat ostiga olingandi.

### *ADABIYOTLAR:*


*1. Алимова Д. Шодмонова С. Из истории паломничества мусульман Центральной Азии в Мекке (конец XIX – начало XXI вв.)// O`zbekiston tarixi; 2011. - № 1. – S. 49 – 61.*

*2.Odilov A. Sovet hukumronliginning dastlabki yillaridagi diniy siyosat tarixidan // O‘zMU xabarlari. 2008. - № 2. B. 62 – 63.*

*3.Тогаева А.З. Железная дорога Ташкент – Оренбург и ее место в социально-экономической жизни Туркестана – Автореф дисс.... канд. ист. наук. Т-: 2010; - С. 19-22.*

*4. Sayid Mansur Olimiy. Buxoro – Turkiston beshigi. – Buxoro: “Buxoro” nashriyoti, - 2004.(fors-tojik tilidan t.f.n.dos.H.H.To‘rayev tarjimasi) – 144 b.*

*5 Hayitov Sh. O‘zbek muhojirligi tarixi. T.: “Abv matbvot konsalt”; 2008. – 208 b.*

*6. Mirjonovna Y. B. Question About the Environment: Has the Historian Studied the Environmental Problem? //Academicia Globe. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 10-17.*

*7. Юлдошева Б. М. XX асрнинг 80-йилларида атроф-муҳит масаласига ёндашувлар тарихидан (Бухоро вилояти мисолида) //взгляд в прошлое. – 2020.*

*8. Aymatova Z. XIX asrda O ‘rta Osiyo musulmonlarining haj ziyorati //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2023. – Т. 40. – №. 40.*

*9. Aymatova Z. Туркистон минтақасидаги мусулмонларнинг ҳаж зиёрати тарихидан (1867-1917йй) //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2022. – т. 20. – №. 20.*

*10. Aymatova Z. XX аср бошларида Бухоро амирлиги аҳолисининг ҳаж зиёрати //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2022. – т. 20. – №. 20.*

*11.Grigoriev E. Russian Muslim Pilgrimages to Makkali in the Early Twentieth Century // Kington of Saudi Arabia in 100 years: / studies and Rescarches. Rieadih; 2008. P.46*

*12. Grigoriyev E. Russian Muslim Pligrimages to Makkah… P.67.*

*13.Шумилов В. Поломничества мусульман // “Туркестанские ведомости”. 1913. № 28-С.3.*

*14. Возвращение поломников //Окраина. 1897 - № 21, стр 1 – 2.*

*15. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-23фонд, 1-рўйхат,987-йиғма жилд,115,117,119,121,123-варақлар.*

UO‘K 93/94

## BUXORO TARIXINI O‘RGANAYOTGAN JAMIYATLAR
## (“Qadim Buxoro” ilmiy-tadqiqot markazi misolida)

***Boltayev A’zam Xomidovich,***
*Buxoro davlat universiteti*
*Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrasi dotsenti*
*azam.boltaev.2015@mail.ru*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada Buxoro tarixini o‘rganayotgan “Qadim Buxoro” ilmiy-tadqiqot markazi haqida so‘z boradi. Ushbu nodavlat notijorat tashkiloti sifatida 2016-yilda tashkil topgan bo‘lib, hozirgi kunga qadar Buxoroning yoshi, mudofaa devorlari, shaharning XX asr boshiga qadar suv ta’minoti masalalarida jiddiy tadqiqot ishlarini olib bormoqda. Bu jamiyat Buxoro shahridagi Amir Olimxon madrasasida joylashgan bo‘lib, ko‘plab tashkilot va Buxoroni o‘rganayotgan jamiyatlar bilan hamkorlikda ish olib bormoqda. Jamiyatning Buxoro vohasi topografiyasi sohasida olib borgan tadqiqoti natijasi sifatida Buxoro vohasi va shahri maketining tayyorlanganini ko‘rishimiz mumkin. Tadqiqotda shu kabi masalalalar yuzasidan fikr yuritilgan va jamiyat faoliyati atroflicha yoritilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *Buxoro tarixi, madrasa, tadqiqot, jamiyat, nodavlat notijorat tashkilot, “Qadim Buxoro”, madaniy va ma’naviy meros, qo‘lyozma, mudofaa devori, “Afrosiyob”, “Alp er To‘nga”,* Devori *Kampirak.*

## ОБЩЕСТВА, ИЗУЧАЮЩИЕ ИСТОРИЮ БУХАРЫ
## (на примере научно-исследовательского центра “Древняя Бухара”)

***Аннотация.*** *В этой статье рассказывается о научно-исследовательском центре “Древняя Бухара” изучающем историю Бухары. Эта некоммерческая организация, основанная в 2016 году, по сей день проводит серьёзную исследовательскую работу по вопросам возраста Бухары, оборонительных стен, водоснабжения города до начала XX века. Это общество базируется в медресе Амира Алимхана в Бухаре и работает в сотрудничестве со многими организациями и обществами, изучающими Бухару. Результатом исследований общества в области топографии Бухарского оазиса можно считать составление макета Бухарского оазиса и города. В исследовании рассматривались аналогичные вопросы, и подробно освещалась деятельность общества.*

***Ключевые слова:*** *история Бухары, медресе, исследования, общество, НПО, “Древняя Бухара”, культурное и духовное наследие, рукопись, оборонительная стена, “Афросиаб”, “Альп ер Тунга”, стена Кампирак.*

## SOCIETIES STUDYING THE HISTORY OF BUKHARA
## (using the example of the scientific research center “Ancient Bukhara”)

***Abstract.*** *This article tells about the scientific research center “Ancient Bukhara” which studies the history of Bukhara. This non-profit organization, founded in 2016, is still conducting serious research on the age of Bukhara, defensive walls, and the city's water supply before the beginning of the 20th century. This society is based at the Emir Alimkhan Madrasah in Bukhara and works in collaboration with many organizations and societies studying Bukhara. The result of the society's research in the field of topography of the Bukhara oasis can be considered the creation of a layout of the Bukhara oasis and the city. The study examined similar issues and covered the activities of the society in detail.*

***Keywords:*** *history* of *Bukhara, madrasah, research, society, non-profit organization, “Ancient Bukhara”, cultural and spiritual heritage, manuscript, defensive wall, “Afrosiab", “Alp er Tunga”,* Campirak *wall.*

**Kirish.** Yurtimizda fuqarolik jamiyati institutlari faoliyat yuritishi uchun normativ-huquqiy bazani muntazam ravishda takomillashtirib borish maqsadida qo‘shimcha chora-tadbirlar amalga tadbiq qilinib kelinmoqda. Shuningdek, ushbu jarayonda nodavlat notijorat tashkilotlarning huquq va manfaatlarini inobatga olish, tartiblarni soddalashtirish va nodavlat notijorat tashkilotlari uchun qulayliklar va yengilliklar yaratishga alohida e’tibor qaratilmoqda.



https://buxdu.uz

Buxoro viloyati statistik boshqarmasining 2019- yildagi ma’lumotlariga ko‘ra, viloyatda 711 ta nodavlat notajorat tashkiloti ro‘yxatga olingan[1], Adliya boshqarmasining 2023- yildagi ma’lumotiga ko‘ra, Buxoro viloyatida 577 ta nohukumat tashkilotlari ro‘yxatga olingan hamda faoliyat yuritib kelmoqda[2]. Bu tashkilotlarning 20 dan ortig‘i o‘lka tarixi, moddiy madaniyat yodgorliklarini o‘rganish va uni asrash sohasida ish olib bormoqda. Bular ichida “Qadim Buxoro” madaniy va ma’naviy merosni o‘rganish ilmiy-tadqiqot markazi 2016- yildan beri faoliyati olib borayogan bo‘lib, bu markaz asosan Buxoro tarixini o‘rganish, uning yoshini 2500 yildan uch ming yilga olib chiqish ustida ish olib bormoqda. Bu markazning “Qadim Buxoroning kichik xalqasi” nomli tarixiy madaniy merosni qayta tiklash to‘g‘risidagi loyihasi 2019- yilda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi jamoat fondining “OAVlarda millatlararo bag‘rikenglik va do‘stlikni, tinchlik va barqarorlikni keng targ‘ib etish” mavzusidagi 4-grant tanlovi yakuni natijalariga ko‘ra Parlament komissiyasi tomonidan g‘olib deb topilgan va bu loyihaga 30 million miqdorida mablag‘ ajratilgan.

**Asosiy qism.** “Qadim Buxoro” madaniy va ma’naviy merosni o‘rganish ilmiy-tadqiqot markazi faoliyatining asosiy maqsadi: mamlakatimiz madaniy va ma’naviy merosni o‘rganish, bu borada ilmiy tadqiqotlar o‘tkazish, madaniy merosni saqlash, muhofaza qilish, qayta tiklashga ko‘maklashish, ma’naviy va madaniy merosni targ‘ib qilishdan iborat. Мазкур жамиятга Комил Икрамов раҳбарлик қилиб келмоқда[3].

Markazning asosiy vazifalari:

- Hududdagi moddiy madaniy meros obyektlarini qayta tiklash va ularni saqlashga yordamlashish;
- Tarixiy qo‘lyozmalarga asoslanib yo‘qotib yuborilgan osori-atiqalarimizni asl holini maketlarda yoki sharoit bo‘lganda, o‘zining o‘rniga tiklashga ko‘maklashish;

Shu maqsadda markaz tomonidan va Ismat Muhsinovning (*Ismat Muhsinov uzoq yillar Buxoro viloyatida restavrator bo‘lib ishlagan*) tashabbusi hamda ko‘magi bilan Buxoroning qadimgi va o‘rta asrlarga tegishli mudofaa devorlari maketini tuzish ishlari boshlab yuborildi. Komil aka Ikramovning bergan ma’lumotlari ko‘ra, bu jarayon bir necha yillar davomida olib borildi va markaz binosining o‘rtasida shu maket tayyorlandi[4]. Unda Buxoro atrofini o‘rab olgan birinchi devor, ya’ni devori Kampirak va uning ichida o‘rta asrlarga oid 11 ta darvozadan iborat shahriston devori ask etgan. Ma’lumot safatida shuni aytishim kerakki, XX asr 40 yillarida ham Buxoro shahri mudofaa devori bitta ikkita darvoza buzilganini hisobga olmaganda bus-butun turgan[5]. O‘tgan asrning 60 yillariga kelib mudofaa devorining to‘rtdan uch qismi vayron etilgan. Jamiyat tomonidan Buxoro mudofaa devorining maketi tuzilgan va darvozalar hamda binolarning joylari aniq ko‘rsatib o‘tilgan.

- Madaniy meros ob’yektlarini muhofaza qiluvchi tashkilotlar bilan qonunda belgilangan tartibda hamkorlik qilish va ularning faoliyatiga ko‘maklashish;
- Moddiy, nomoddiy, ma’naviy va madaniy merosni o‘rganishda, izlab topishda tarixchi va arxeologlarga ko‘maklashish.

Shu vazifadan kelib chiqib markaz YUNESKOning “Nomoddiy madaniy merosni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi konvensiyaga va “Butunjahon madaniy va tabiiy merosini muhofaza qilish” konvensiyalariga bo‘ysungan holda Buxoroning yoshi masalasiga doir tadqiqotlar olib borilmoqda. Shuningdek, Buxoro viloyati madaniy meros boshqarmasi bilan hamkorlikda markaz faoliyat olib bormoqda.

Markaz rahbari K.Ikramov tomonidan Buxoroning yoshi uch ming yildan kam emas degan nazariya ilgari surilmoqda. Shuningdek, o‘zining tatqiqotida Avesto ma’lumotiga asoslanib, Turon haqida yoki davlatchiligimizga yetti ming yil[6: b.110-115.] degan nazariyalar ham mavjud. Agar jamiyat ilgari surayotgan fikrlar asbotlansa va amalga oshsa unda bosh qomusimizning muqaddima[7: b.3.] qismiga ham o‘zgartirish kiritishga to‘g‘ri keladi. Buxoro yoshi uch mingdan kam emas degan fikrlarni tarixchi olim Q.Rajabovning maqolalarida ham ko‘rish mumkin[8: b.207-211.].

Markaz rahbari K.Ikramov ko‘p tadqiqotlarida arxeolog Ye.Nekrasova bilan hamkorlikda faoliyat olib borayotganini kuzatish mumkin. Markaz tomonidan “Afrosiyob” yoki “Alp Yer To‘nga”ning qabri qayerdaligi haqidagi tadqiqotlar, Imom Buxoriy yashagan joy bo‘yicha tadqiqotlar[9] va Buxoroning yer osti yo‘llari to‘g‘risidagi tadqiqotlari albatta arxeolog va tarixchi olimlar bilan hamkorlikda amalga oshirilmoqda.

- Madaniy va ma’naviy merosimizni asrash bo‘yicha qonunda belgilangan tartibda turli xil yig‘ilish va seminar, davra suhbatlari, konferensiyalar tashkil qilish;
- Davlat hokimiyati va boshqaruv organlari, shuningdek, nodavlat notijorat tashkilotlar bilan qonunda belgilangan tartibda hamkorlikni yo‘lga qo‘yish;
- O‘tkazilgan ilmiy tadqiqot materiallarini o‘rganish va ular asosida qiyosiy va boshqa tadqiqotlar o‘tkazish;



https://buxdu.uz

Ilmiy tadqiqot markazi tomonidan o‘z oldiga qo‘ygan bu vazifalar ustida ishlar davom ettirilmoqda. Ya’ni markaz 14 kishidan iborat bo‘lib, ular uch oyda bir marotaba yig‘ilib seminar, davra suhbatlari amalga oshiriladi. Olib borilayotgan ishlar muhokama qilinadi va kelgusidagi ishlar rejasi tuziladi.

Ilmiy tadqiqot markazi O‘zbekiston Nodavlat notijorat tashkilotlari milliy assosiatsiyasi[10] Buxoro viloyati hududiy bo‘linmasi a’zosi sifatida assosiatsiyaga a’zo markazlar bilan ilmiy hamkorlikda faoliyat olib bormoqda.

- O‘zbekiston xalqining milliy boyligi bo‘lgan foto, audio, video, yozma, arxeologik va madaniy ashyolarni saqlash, ta’mirlash va ulardan har tomonlama foydalanishga ko‘maklashish;
- O‘zbekiston va undan tashkaridagi xorijiy davlatlarning fondlarida saqlanayotgan tarixiy manbalarni o‘rganish, tahlil qilish asnosida olingan ilmiy natijalarni butun jahon miqyosida e’tirof qilinishiga erishishga ko‘maklashish. Markaz tomonidan bu yo‘nalishda yaxshi ishlar amalga oshirilmoqda. Amir Olimxon madrasasining masjid qismida joylashgan markaz binosida o‘lkamizning tarixiga oid suratlar(asosan Buxoro tarixiga bag‘ishlangan), qo‘lyozma manbalar, audio va video lavhalar va tarixiy-etnografik ashyolar (kiyim-kechaklar, sallalar, do‘ppilar), harbiy aslahalar va qurol mulyajlari, numizmatik ashyolar o‘rin olgan.

Markaz rahbarining ma’lumotiga ko‘ra, internet tarmoqlari orqali xorijay davlatlar kutubxonalaridan Buxoro tarixiga oid materiallar jamlangan va tadqiqot ishlarida ulardan samarali foydalanilmoqda[11].

- Ilmiy-tadqiqot natijalaridan kelib chiqib, yosh olimlar hamda mutaxassislarning bilim va salohiyatini oshirish bo‘yicha yig‘ilishlar tashkil qilish, ularning ijodiy faoliyatini va ilmiy natijalarini nashr etish ishlariga yaqindan qo‘maklashish;
- Tarixiy tajribani tadqiq qilishga yoshlarni jalb qilish orqali, kelajak avlodlarimizning ma’naviy-madaniy saviyasini oshirish.

Markaz tarixchi olimlar bilan hamkorlikda tadqiqot ishlarini olib bormoqda. Tadqiqotchilar ilmiy tadqiqot ishlariga ko‘maklashmoqda va ularning ilmiy ishlari uchun materiallar taqdim etilmoqda. Shuningdek, markaz tadqiqot ishlarini turli to‘plamlarda, gazeta va jurnallarda hamda ijtimoiy tarmoqlar orqali e’lon qilib boradi. Ta’lim muassalari va oliy o‘quv yurtlari bilan hamkorlik ishlari ham yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, markaz binosida talabalarga sayyor darslar tashkil qilinmoqda, markaz rahbari K.Ikramov tomonidan Buxoro tarixiga oid yangi ma’lumotlar talabalarga berib borilmoqda. Markaz tarixiy binoda joylashganligi uchun bu yodgorlik turistlar uchun ham xizmat qilmoqda. “Qadim Buxoro” ilmiy-tadqiqot markazi 2016- yildan beri faoliyat yuritayotgan bo‘lsa, shu qisqa davr ichida Buxoro tarixining ko‘plab yo‘nalishlariga tadqiqot ishlarini amalgan oshirdi.

Markazning katta ishlaridan biri qadimda Buxoro atrofini o‘rab turgan Devori Kanpirak va o‘rta asrlarda Buxoro shahrini o‘rab olgan, 11 darvozadan iborat mudofaa devorining maketini tayyorlaginidir. Markaz rahbarining ma’lumotiga ko‘ra, bu g‘oyani ularga uzoq yillar arxitektura tashkilotida ishlagan Ismat Muxsinov taklif etgan va o‘zi ham bu ishga yordam berib kelgani va yetti yillik mashaqqatli mehnat natijasida Buxoro atrofini o‘ragan mudofaa devorining maketi tayyor qilinganini qayd qiladi[12]. Maketda ko‘plab tarixiy ob’yektlarning o‘rni aniq ko‘rsatilgan bo‘lib, Buxoro shahridagi masjid, madrasalar, xovuzlarning joylashuvi haqida aniq ma’lumot olish mumkin.

Muhammad Narshaxiy ma’lumotlariga asoslanib ilmiy markaz Devori Kampirak joylashuv o‘rnini o‘zining xaritasida aks ettirishga kirishdi va qadimgi sug‘d yoki Zarafshon vohasini o‘rab turgan devorning uzunligi 587 km.ni, balandligi 8-16 metrni tashkil qilishi va 16 ta darvozasi bo‘lganligini qayd qiladi[13]. Maket 1:1000 masshtabda yasalgan.



**1-rasm. Buxoro vohasi va shahrining maketi**



https://buxdu.uz

**Xulosa** qilib aytganda, “Qadim Buxoro” madaniy va ma’naviy merosni oʻrganish ilmiy-tadqiqot markazi tomonidan oʻlkamizdagi bir qator tarixiy yodgorliklar va inshootlar oʻrganilmoqda. Bu markazning tadqiqot doirasi keng boʻlib, tarixiy oʻlkashunoslik muassasasi sifatidagi faoliyati alohida tahsinga sazovor. Chunki har kim ham bugungi kunda oʻlka tarixi bilan shugʻullanmaydi va bu uchun vaqt sarflamaydi. Markazning bu ishlarni vatanparvarlikka, oʻz oʻlkasini savishga va kelajak avlodni tarixga qiziqishini uygʻotishga undaydi, desak xato boʻlmaydi.

***ADABIYOTLAR:***


1. *Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумоти 2019 йил.*
2. *http://ngo.uz/uz/bukhoroda-butunzhaon-nodavlat-notizhorat-tashkilotlari-kuni-nishonlandi.*
3. *Markaz rahbari K.Ikramovning shaxsiy arxiv ma’lumotlaridan. Ikromov Komil 1961-yilda Buxoro shahrida tugʻilgan. Ma’lumotlari oliy. Buxoro pedagogika instituti Tarix boʻlimini 1984-yil tugatgan.*
4. *Dala tadqiqot materiallari. K.Ikramov bilan suhbat. 2024-yil may. 1-daftar.*
5. *Бухоро вилоят давлат архиви. 1235- жамланма, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 358-варақ. Болтаев, А. (2021). Бухоро атрофидаги “Канпирак девори” тарихи хусусида. центр научных публикаций (buxdu. uz), 6(6).*
6. *Икрамов К.Ҳ. В Авеста: О Туране или 7000 лет о нашем государственности / ЮНЕСКОнинг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенциянинг 20 йиллиги, “Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш” конвенциясининг 50 йиллиги ва Бухоро давлат университетининг 93 йиллигига бағишланган “Моддий ва номоддий маданий мерос уйғунлиги” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро: Дурдона, 2023. – Б. 110-115.*
7. *Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent: Oʻzbekiston, 2023. – B.3.*
8. *Ражабов Қ. Бухоро уч минг ёшдами? /Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача) республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро: Бухоро, 2017. – Б. 207-211.*
9. *Zuhra Abduhalimova. Imom Buxoriy yashagan joy boʻyicha taxminlar bor. Yangi manzilgoh boʻyicha nega qidiruv ishlari olib borilmayapti? https://kun.uz/95923005*
10. *Hozirgi kunda respublikamizda faoliyat yuritayotgan 9 mingga yaqin NNT ning 1500 ga yaqini Oʻzbekiston nodavlat notijorat tashkilotlari milliy assotsiatsiyasiga a’zo boʻlgan. Shundan 151 tasi Buxoro viloyatidagi nodavlat notijorat tashkilotidir. Қаранг:https://teletype.in/@buxorouz_official/PVNSRUeMd06*
11. *Dala tadqiqoti materiallari. K.Ikramov bilan suhbat. 2024-yil. 1-daftar.*
12. *Dala tadqiqoti materiallari. K.Ikramov bilan suhbat. 2024-yil. 1-daftar. “Qadim Buxoro” ilmiy-tadqiqot markazi hisoboti.*
13. *“Qadim Buxoro” ilmiy-tadqiqot markazi hisoboti. 1-varaq.*




https://buxdu.uz

UO‘K 93/94

## 1950-80-YILLARDA O'ZBEKISTONDA QISHLOQ XO'JALIGI TARMOQLARINI IXTISOSLASHTIRILISHI TARIXIDAN

***Jo'rayev Isomiddin Ismoilovich,***
*Zarmed universiteti o'qituvchisi*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada O'zbekiston hududida qishloq xo'jaligi sohasining XX asr 50-80 yillarida rivojlanish bosqichlari va Sovet hokimiyatining yillarida o'kamizda o'tkazilgan agrar islohotlar xususida adabiyotlar tahlili orqali fikr-mulohaza yuritilgan. Shuningdek, qishloq xo'jaligi sohasida koperatsiya tizimini joriy qilinishi, yetishtirilgan mahsulotlarni sanoatda qayta ishlash asosida iqtisodiy o'sishga erishilgani bilan bog'liq ma'lumotlar keltirilgan.*
***Kalit so'zlar:*** *dehqonchilik, madaniyat, sivilizatsiya, agrar soha, chorvachilik, xalq xo'jaligi, sun'iy sug'orish tizimi, voha, vodiy, islohot, qonun, qaror, nizom, Sovet hokimiyati.*

## ИЗ ИСТОРИИ СПЕЦИАЛИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ В 1950-80 гг.

***Аннотация.*** *В данной статье на основе анализа литературы рассматриваются этапы развития аграрного комплекса на территории Узбекистана в 1950-е и 1980-е годы и аграрные реформы, проводимые в нашем регионе в годы Советской власти. Также имеются сведения о внедрении кооперативной системы в сфере сельского хозяйства, экономическом росте, достигнутом на основе промышленной переработки выращенной продукции.*
***Ключевые слова:*** *земледелие, культура, цивилизация, аграрный сектор, животноводство, народное хозяйство, система искусственного орошения, оазис, долина, реформа, закон, решение, регулирование, Советская власть.*

## *FROM THE HISTORY OF AGRICULTURAL SPECIALIZATION IN UZBEKISTAN IN 1950-80*

***Abstract.*** *This article discusses the stages of development of the agricultural sector in the territory of Uzbekistan in the 1950s and 1980s and the agrarian reforms carried out in our region during the years of Soviet power through the analysis of literature. There is also information about the introduction of a cooperative system in agriculture, economic growth achieved on the basis of industrial processing of grown products.*
***Keywords:*** *agriculture, culture, civilization, agrarian sector, animal husbandry, national economy, artificial irrigation system, oasis, valley, reform, law, decision, regulation, Soviet power.*

**Kirish.** XX asrning so'nggi o'n yilligi O'zbekistonda yashovchi barcha millatlar taqdirida tub o'zgarishlar davri bo'ldi. Uzoq yillar davom etgan mustabid tuzum asoratlaridan xalos bo'lish o'zbek xalqiningb jahon hamjamiyatida o'zining munosib o'rnini egallash imkonini berdi. Istiqlol o'tmishni o'rganish, xolisona baxolashga keng imkoniyatlar yaratdi. Ayni paytda, mustaqil O'zbekiston Respublikasida bir tomondan mustabid tuzumning uzoq yillar mobaynida to'planib qolgan asoratlarini bartaraf etish, ikkinchi tomondan esa, taraqqiyotning yangi bosqichida barcha sohalardagi mavjud muammolarni hal etishda ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniy va ma`naviy-ma`rifiy sohalarda islohotlar amalga oshirishdan iborat muhim vazifalar turibdi.

**Adabiyotlar sharhi.** Bugungi kunda tarix fanida o'rganish zaruriyati mavjud mavzulardan biri – sovet hukmronligi davrida O'zbekistonning iqtisodiy qaramligining vujudga kelish sabablari, kommunistik partiya tomonidan shakllantirilgan tuzilmalar, ish usullari va shakllari, barcha respublikalarning bir-biriga ipsiz chambarchas bog'lab qo'yilganligi, umuman olganda, bu davrdagi muammolar, ziddiyatlar va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish qiyinchiliklarini o'rganishga alohida mas`uliyat bilan yondoshish, voqealarni mukammal yoritish, biryoqlamalikdan xoli bo'lgan tarixiylik, vorisiylik va uzviylikka amal qilish vazifasini qo'ymoqda. Ayniqsa, sanoat sohasining ahvoli to'laqonli markazga bog'liqligi va O'zbekistonning tobora agrar respublikaga aylanib borishining boshlang'ich bosqichlaridan, ya`ni O'zbekiston SSR yangi tashkil topgan kunlardan boshlab iqtisodiy ahvolini ko'rsatish masalasi - bugungi kunda ham o'z dolzarbligini yuqotmagan mavzular sirasiga kiradi.[5; v-6.] O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish va qayta ishlash tarixi mavzusi bugungi kunga qadar ilmiy jihatdan kam o‘rganilgan. Shu sababdan, bu mavzuni



https://buxdu.uz

tadqiq etishda arxiv manbalari fondida saqlanayotgan hujjatlar asosiy manba vazifasi bajaradi. Qolaversa, davriy matbuot materiallari, hukumat tomonidan qabul qilingan huquqiy-me'yoriy hujjatlar to'plamlarni ham o'z navbatida mavzu mazmunini oydinlashtirishga xizmat qiladigan manbalar sirasiga kiradi.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Ushbu ishda qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirish va qayta ishlash tarixi xronologik ketma-ketlikda tahlil etiladi. Shuningdek, tarixiylik tamoili asosida tarixiy jarayonlarda kirib kelishi sabablari, iqlimlashtirilishi, yutuq va muammolari hamda istiqbollari ochib beriladi.

**Tahlil va natijalar muhokamasi.** Yangi iqtisodiy siyosatning muhim bo'g'inlari oziq - ovqat razvyorskasini oziq - ovqat solig'i bilan almashtirish, savdo - sotiqni erkinlashtirish, sanoatda, xizmat ko'rsatish va mayda hunarmandchilik sohalarida xususiy tadbirkorlikka ruhsat etish, bozorni tartibga solish mexanizmlaridan qisman foydalanish, ijaraga olish va yollanma mehnatning cheklanishini bekor qilishdan iborat bo'ldi. Yangi iqtisodiy siyosatga o'tilishi munosabati bilan agrar ishlab chiqarishni yuksaltirishga qaratilgan xo'jalik tadbirlari zanjirida mustaqil ish olib boruvchi, mahsulot ishlab chiqaruvchi yakka dehqonning manfaati oldingi o'ringa qo'yildi [1; v-47.].

Fuqarolar urushi tugagach Sovet hokimiyati oldida xalq xo'jaligini tiklash bo'yicha shoshilinch vazifalar ko'ndalang bo'ldi. 1921- yilning bahoriga kelibgina siyosiy vaziyatning keskinlashuvi, dehqonlarning ko'plab ko'tarilishlari tufayli avvalgi siyosatni (harbiy kommunizm) qayta ko'rib chiqish, sanoat bilan qishloq xo'jaligi o'rtasida ta'sirchan iqtisodiy aloqalarni yo'lga qo'yish zarurligi tushunila boshlandi.

Kommunizm moddiy-texnik ba'zasini yaratishda sotsialistik qishloq xo'jaligi muhim ahamiyat kasb etadi. U hayot va keng ko'lamdagi tarmoq moddiy ishlab chiqarishdagi o'rniga ko'ra asosiy o'ringa chiqib, Kommunistik partiya pragrammasida, qudratli sonoatni yaratishda, har tomonlama rivojlantirish, yuksaltirish, qishloq xo'jaligini har tomonlani taraqqiyot va yuqori darajadagi ishlab chiqarish salohiyati mustahkamlashning zaruriy asosiga aylanadi [4; v-38.].

Partiya qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining qudratli yuksalishini tashkil etish uchun, ikki asosiy vazifani bajarish, ular o'rtasidagi barqaror a'loqani yo'lga qo'yish maqsadida ikki asosiy tamoilni ilgari surdi:

A)aholi uchun oziq ovqat va sanoat uchun xomashyo mo'l-ko'lchilikgini yuqori ishab chiqarish darajasiga yetkazish;

B)sovet qishloqlarini asta-sekinlik bilan kommunistik ijtimoiy munosabatlarga o'tkazish, shahar va qishloq o'rtasidagi tafovutlarni bartaraf etish;

Sobiq ittifoq respublikalari qatori O'zbekiston SSR, jumladan Buxoro oblastida hukumat tomonidan qishloq xo'jaligidagi qoloqlikni tugatish, barqaror rivojlantirishga qaratigan bir qator choralar ko'rildi, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishini kengaytirishning istiqbollari belgilanadi, kolxoz va sovxoz ishlash chiqarishi va barcha xalq xo'jaligi tarmoqlarini rivojlantirish, qishloq mehnatkashlarining modddiy va madaniy darajasini oshirishga vadalar berilgan edi.

Qorako'lchilik sohasi Buxoro oblasti qishloq xo'jaligining yetakchi tarmoqlaridan bo'lib, qorako'l teri, go'sht va jun mahsulotlari dunyo bozorlarida haliham mashhurligini yo'qotmagan edi. «Buxoro juni»deb ataladigan qo'rako'l qo'ylaridan olinadigan junlar to'qimachilik sanoati xomashyosi sifatida ishlatilardi. 1954-yilda sovxozlar tomonidan davlatga topshirilgan junni 100 foiz deb hisoblasak, 1958-yilda butun ittifoqda jun yetkazib berish 380 foizga oshirildi. Masalan, Buxoro oblasti davtlaga 1954-yilda 1753 tonna, 1955-yilda 1909 tonna, 1956-yilda 1897 tonna, 1957-yilda 2603 tonna, 1958-yil 6643 tonna yaxshi sifatli jun topshirildi.[4; v-36.]

Go'sht mahsulotlari yetishtirishda sovxozlarda 5 yil ichida davlatga quyidagicha, ya'ni 1954-yilda 2934 tonna, 1955-yilda 3645 tonna, 1956-yilda 4051 tonna, 1957-yilda 5342 tonna, 1958-yilda 10524 tonna qorako'l qo'ylari go'shti topshirgandilar.

Turkistonlik dehqonlarning majburiy bepul mehnati irrigasiya shoxobchalarini ta'mirlash masalalarini qisman hal qilishga yordamlashdi. Lekin suvdan foydalanish tizimini ta'mirlash va tartibga solish sohasidagi asosiy ishlarni faqat aholining kuchi bilangina amalga oshirib bo'lmas edi. Davlat buni his qilgan holda irrigatsiya ishlariga byudjetdan tobora ko'proq mablag' ajrata boshladi. 1923-yilda bu mablag'lar 5.567 ming, 1924-yilda esa 6.260 ming oltin so'mni tashkil etdi. Shu bilan birga dehqonlarning bepul mehnatidan samarali foydalanishga qaratilgan yo'l saqlanib qoldi.[4; v-28.]

O'zbekiston qishloq xo'jaligi ishchilari bilan bo'lgan uchrashuvda Xrushev shunday deb ta'kidlagan edi "…qishloq xo'jaligini yuksalshtirishning yagona omili paxtachilik – Markaziy Osiyo respublika kolxoz va sovxozlarining asosiy muhim vazifasi hisoblanadi. Har bir kolxoz va sovxoz har bir gektaridan 25 sentinerdan kam bo'lmagan paxta olishga majbur. Yangi sug'oriladigan yerlar negizida, paxtaga ilg'or usullar bilan ishlov berish, 100 ga sug'oriladigan yerlarni sturukturasini to'g'ri rejalashtirish hisobiga 75 ga yerda paxta xo'jaliklari tashkil etiladi. Asosiy e'tibor paxtachilikka qaratilgan bir paytda qorako'lchilik



11. *Akiner, S. (2010). The Shanghai Cooperation Organisation: A networking organisation for a networking world. Global Strategy Forum Paper.*




https://buxdu.uz

12. Allison, R. (2008). Virtual regionalism, regional structures, and regime security in Central Asia. Central Asian Survey, 27(2).

13. Andleeb, S. (2011). Pakistan, Kyrgyzstan agree on reviving four-nation trade pact. APP.

14. Aris, S. (2011). Eurasian regionalism: The Shanghai Cooperation Organization. Palgrave Macmillan.

15. Boyer, A. L. (2006). Recreating the Silk Road: The challenge of overcoming transaction costs. China and Eurasia Forum Quarterly, 4(4).

16. Emerson, M., & Vinokurov, E. (2009). Optimisation of Central Asian and Eurasian trans-continental land transport corridors. EUCAM Working Paper, 7.

17. Faye, M. L., McArthur, J. W., Sachs, J. D., & Snow, T. (2004). The challenges facing landlocked developing countries. Journal of Human Development, 5(1), 31–66.

18. Higgins, A. (2010). In Central Asia, a new headache for U.S. policy. Washington Post.

19. Ibrahimov, R. (2010). Azerbaijan energy strategy and the importance of diversification of exported transport routes. Journal of Qafqaz University, 29.

20. Ibrahimov, R. (2013). Azerbaijan's energy history and policy: From past till present. In R. Ibrahimov (Ed.), Energy and Azerbaijan: History, strategy, and cooperation. SAM.

21. Iran will help Kyrgyzstan go down the path of democracy. (2011). IRNA.

22. Kumkova, K. (2012). Kyrgyzstan & Tajikistan: Disputed border heightens risk of conflict. Eurasia Net.

23. Laruelle, M., & Peyrouse, S. (2012). Chinese question in Central Asia: Domestic order, social change and the Chinese factor. Hurst & Company.

24. Malik, H. Y. (2012). Strategic importance of Gwadar Port. Journal of Political Studies, 19(February).

25. Parkash, M. (2006). Connecting Central Asia: A road map for regional cooperation. ADB.

26. Pincus, W. (2010). Bethesda-based development firm gets Kyrgyzstan contract. Washington Post.

27. Pomfret, R. (2010). Trade and transport in Central Asia. Emerging Markets Forum. Centennial Group.

28. Saidazimova, G. (2005a). Kyrgyzstan: Youth playing key role in pro-Bakiyev political movement. RFE/RL.

29. Saidazimova, G. (2005b). Kyrgyzstan: Did revolution sow the seeds of democracy? RFE/RL.

30. Shumylo Tapiola, O. (2012). The Eurasian Customs Union: Friend or foe of the EU? Carnegie Papers. Carnegie Endowment for International Peace.

31. Vinokurov, E., Jadraliyev, M., & Shcherbanin, Y. (2009). The EurAsEC transport corridors: Sector report. Eurasian Development Bank.

32. Weitz, R. (2009). Global security watch Russia: A reference handbook. World Politics Review.

33. Zharmagambetova, Z., & Flake, L. (2012). Kazakhstan: Grain and feed update. USDA Foreign Agricultural Service GAIN Report.



https://buxdu.uz

UO‘K 93/94

# TURKISTONDA KADRLARNI MAHALLIYLASHTIRISH SIYOSATIDA TUROR RISQULOVNING ROLI (XX ASRNING 20-30-YILLARI)

***Qandov Bahodir Mirzayevich,***
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti*
*“Milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi” kafedrasi dotsenti,*
*falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada davlat boshqaruv tizimida milliy masalaning o‘rni, uning tarixiy davrdagi siyosiy jarayonlar bilan aloqasi, sovet mustamlakachiligi davrida Turkistonda yuritilgan milliy siyosatning xarakteri tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada markaz tomonidan mamlakatimizda mahalliylashtirish siyosatiga nisbatan amalga oshirilgan chora-tadbirlarining ayrim jihatlar o‘z ifodasini topgan. Mahalliy kadrlar siyosatining xalqlar taqdirida tutgan o‘rni va roli unda Turor Risqulovning ijtimoiy-siyosiy faoliyati ma’lum darajada yoritilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *milliy masala, milliy siyosat, o‘z taqdirini o‘zi belgilash, o‘zbeklashtirish, mahalliylashtirish, muhandislar, texniklar, agronomlar, pedagoglar, o‘quv yurtlari, kadrlar.*

# РОЛЬ ТУРОРА РИСКУЛОВА В ПОЛИТИКЕ ЛОКАЛИЗАЦИИ КАДРОВ В ТУРКЕСТАНЕ (20-30-Е ГОДЫ XX ВЕКА)

***Аннотация.*** *В данной статье анализируется роль национального вопроса в системе государственного управления, его связь с политическими процессами исторического периода, характер национальной политики, проводимой в Туркестане в советский колониальный период. В статье также описаны некоторые аспекты мер, реализуемых центром в отношении политики локализации в нашей стране, общественно-политическая деятельность Турора Рискулова, в определённой степени освещена роль местной кадровой политики в судьбах народов.*

***Ключевые слова:*** *национальный вопрос, национальная политика, самоопределение, узбекизация, локализация, инженеры, техники, агрономы, педагоги, учебные заведения, кадры.*

# THE ROLE OF TUROR RISKULOV IN THE POLICY OF LOCALIZATION OF PERSONNEL IN TURKESTAN (20-30S OF THE XX CENTURY)

***Abstract.*** *This article analyzes the place of the national question in the system of public administration, its connection with the political processes of the historical period, the nature of the national policy pursued in Turkestan during the Soviet colonial period. The article also describes some aspects of the measures implemented by the center in relation to the localization policy in our country. The socio-political activities of Turor Riskulov to a certain extent highlight the role of local personnel policy in the fate of peoples.*

***Keywords:*** *national question, national policy, self-determination, Uzbekization, localization, engineers, technicians, agronomists, teachers, educational institutions, personnel.*

**Kirish.** Zamonaviy rivojlanishi sharoitida ko‘p millatli davlatlar tarixidagi milliy jihatlarni o‘rganishda tarix fanining roli tobora aniq namoyon bo‘lmoqda. Bu tushunarli, albatta, chunki tarixiy tajriba shuni ko‘rsatadiki, milliy munosabatlar jamiyat taraqqiyotining, ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy-ma’naviy hayotining ajralmas qismi bo‘lgan va bo‘lib qoladi. Xalq ma’lum bir tarixiy jamoa sifatida tarixiy jarayonning burilish nuqtalarida, qanchalik qiyin bo‘lmasin, passiv bo‘lib qolmaydi. Bundan tashqari, millat siyosiy va hukumat tuzilmalarining o‘ziga xos (ijobiy yoki salbiy - bu boshqa savol) ta’sirini doimo boshdan kechiradi. Masalan, YYevropadagi burjua va burjua-demokratik inqiloblar davrida yuksalib borayotgan burjuaziya sinfi milliy shiorlardan qanday qilib siyosiy faol foydalanganligi hammaga ma’lum. Ulardan bolsheviklar sotsialistik inqilobga tayyorgarlik ko‘rish va uni o‘tkazishda, fuqarolar urushi va harbiy intervensiya yillarida, xalq xo‘jaligini va sotsialistik qurilishni tiklashda, Ulug‘ Vatan urushi yillarida ham faol foydalandilar. Kommunistlar xalqlarning milliy tuyg‘ulariga murojaat qilib, millatlar manfaatlarini himoya qilish bayrog‘i ostida ularni marksizmning ta’limotiy tamoyillariga mos keladigan harakatga jalb qilishga intildi.



https://buxdu.uz

Turkistonda sovet mustamlakachiligi davrida mahalliy komunistlar iqtisodiy-ijtimoiy vaziyatni yumshatishga harakat qildilar deb G‘arbiy Yevropa va Amerika tarixchilari tomonidan ham ta’kidlanib asoslab berishga harakat qilinadi[1]. Rossiya imperiyasi o‘rnatgan va bosqinchi armiyaning nayzalariga tayanib o‘lkani idora qilgan mustamlakachilik ma’muriyatining cheklanmagan hukmronligi sharoitida kelgindi aholining ayrim tabaqalari imtiyozli yashagani holda o‘lkadagi mahalliy xalqning siyosiy huquqsizligi sababli iqtisodiy qoloqlik yanada kuchayib bordi. Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki mavzuni o‘rganish bugungi kunda ham dolzarb hisoblanadi.

**Tadqiqot metodologiyasi va mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Maqolada umumiy qabul qilingan usullar-tarixiy tahlil, qiyosiy taqqoslash, xronologik ketma-ketlik tamoyillari asosida XX asrning 20-30-yillarida sovet davlatining O‘zbekistonda olib borgan milliy kadrlar siyosati va unda atoqli davlat arbobi Turor Risqulovning faoliyati ta’siri bayon etiladi.

Mustaqillik yillarida e’lon qilingan ayrim asarlarda Turor Risqulovning Turkistondagi faoliyati, uning Turkiston xalqlari tarixida tutgan o‘rni haqida Q.K. Rajabov, O.M. Koniratbaev, S.Beysembaev, S.Kulboev, A.Koshanov, O.Sabden, A.Dogalov va A.V. Ustinov[2]lar ilmiy ishlar, maqola va ma’ruzalar yozishgan. Shuningdek, D.Alimova, D.Ziyoeva, Q.Inoyatov, Sh.Karimov, R.Shamsutdinov va boshqalar[3] tomonidan yaratilgan darslik, o‘quv qo‘llanmalari, risolalarda sovet rejimining Turkistonda o‘rnatilishi jarayonida kechgan ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning yoritilishi barobarida, Turor Risqulovning faoliyati haqida qisqacha bo‘lsa-da, ma’lumotlar keltirilgan.

**Muhokama.** Hokimiyatga bolsheviklar kelishi bilan mamlakatda tub o‘zgarishlar boshlandi. Ularni amalga oshira turib, bolshevistik hukumat o‘zining barcha dasturlarida aks etgan milliy masalani ham ko‘rib chiqishga majbur edi. Biroq sovet hukumatining puxta o‘ylangan milliy siyosat konsepsiyasi mavjud bo‘lmagan. Sovet hokimiyatining dastlabki yillarida tub aholini hokimiyat tuzilmalariga yaqinlashtirmaslikka intilish Turkiston Avtonom Sovet Respublikasi va Turkiston Kompartiyasi hukmron ma’muriyati siyosatining ustuvor yo‘nalishi bo‘lgan edi. Turkistonda 1918 – 1919 yillarda partiya-sovet apparati rahbar lavozimlari tarkibida mahalliy millatlarga mansub shaxslar ulushi atigi 5 foizni tashkil etganligi bejiz emas[4]. Rahbarlarning aksariyat ko‘pchiligi mamlakatning boshqa mintaqalaridan, avvalo, Rossiyadan kelgan kishilar edi. Boshqaruvni egallab olgan siyosiy unsurlar va kelgindilar tomonidan mahalliy xalqlarning tili, an’analari, urf-odatlari va madaniyatini bilmaslik Turkiston milliy ziyolilarining qonuniy noroziligini keltirib chiqardi. Madaniyat sohasida tashqaridan tiqishtirilgan zamonaviylashtirish jarayoni milliy madaniy merosni barbod etish, xalqning yashovchan an’anaviy qadriyatlarini yo‘q qilish xavfini tug‘dirdi.

Mustamlakachilik Turkiston o‘lkasi xo‘jaligining an’anaviy tarkibiga putur etkazish bilan bir qatorda uni o‘z ahvolini mustaqil ravishda milliy asosda kapitalistik yo‘nalishda o‘zgartirish imkoniyatidan mahrum etdi, turg‘unlikka, inqirozga, qoloqlikka mahkum qildi. Turkiston o‘lkasida ishsizlikning o‘sishiga, xalq turmush darajasining pasayib ketishiga ko‘maklashdi. Markaz vakillari o‘z ishonchsizliklarini tub aholi o‘rtasida hali “sinfiy tashkilotlar shakllanmaganligi”, aholining katta qismi “inqilobiy kurash tajribasini o‘tamaganligi” va “islom dini ta’siriga berilganligi” bilan izohlashardi. O‘lkaga Moskvadan Turkiston komissiyasi a’zolari kelganidan keyin milliy siyosatda aks etgan xatolar yanada kuchaydi. Bu davrda vaziyat keskinligicha qolayotgan edi. Bularning xammasi Turkiston ijtimoiy hayotida nizo va mojarolarni ko‘paytirdi. Siyosiy beqarorlikni kuchlar qarama-qarshiligini kuchaytirdi. “Xalq tartibsiz ravishda boshlagan ko‘pgina qo‘zg‘olonlar buning dalili bo‘lishi mumkin, bunday qo‘zg‘olonlar o‘lkani doimo larzaga solib turdi”[5].

Turor Risqulov turli partiya va davlat oliy lavozimlarida ishlagan davrida sanoat kooperatsiyasi, eksportni rivojlantirish va mamlakat eksport rejasining bajarilishini ta’minlash, kommunal xo‘jaliklarga rahbarlik qilish, mehnatkashlar ommasi uchun umumiy ovqatlanishni nazorat qilish masalalari bilan shug‘ullanishi kerak edi. Turkiston o‘lkasini sanoatlashtirish, qishloq xo‘jaligini kollektivlashtirish, madaniy inqilob – bularning barchasi Turor Risqulov uchun katta gap emas, balki kundalik ishlar, uning taqdiri, tarjimai holi edi.

Turor Risqulovning rahbarlik faoliyati juda keng ko‘lamli edi:

- qishloq xo‘jaligini to‘liq kollektivlashtirishdagi siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni tashkil etish va ishlab chiqishdan tortib, kommunal xo‘jalikni rivojlantirish, uy-ushlab chiqarish sanoati va sanoat kooperatsiyasini Rossiya Federatsiyasida kengaytirish bo‘yicha ishlarni boshqarishgacha;
- hukumat qarorining loyihasini ishlab chiqishdan, xalq xo‘jaligi va xalq ta’limi sohasidagi vazifalarni belgilashdan tortib, Rossiya Federatsiyasining Sog‘liqni saqlash xalq komissariatiga oid davlat nizomini ishlab chiqishgacha;
- Volga-Don kanali loyihasini ishlab chiqishdan, jamoat ovqatlanishini tashkil etishgacha bo‘lgan ishlarni o‘z ichiga olgan[6].



https://buxdu.uz

Muammo yechishda Turor Risqulov avvalo material-texnik ta'minotiga, asosiy sohalarda kadrlarni tanlash va joylashtirishga, ishchilarning turar joyi va ish sharoitlarini yaratishga, ularni ta'minlashga jiddiy e'tibor qaratgan. Ishchi insonga boʻlgan gʻamxoʻrlik har doim Turor Risqulovning e'tibor markazida boʻlgan. Shu bilan birga, jinoyatchi va dushman elementlariga qarshi kurashish bilan birga, sanoat korxonalarida va xalq xoʻjaligining asosiy tarmoqlarida eng foydali va qobiliyatli ishchilarni tanlash, tajribali va bilimli odamlarni, ilgʻor ishchilar va dehqonlarni ishga jalb qilish zarur boʻlgan.

**Natija.** Turkiston oʻlkasida mahalliy millatlar ichidan ishchilarni korxonalar rahbarlari lavozimiga koʻtarish jarayoni oʻziga xos xususiyatlarga ega boʻlib, bu holat aholining shakllangan an'analari va ijtimoiy tuzilishiga bogʻliq edi. Bu davrda oʻzbek milliy texnik ziyolilari endigina shakllana boshlagandi. Shu sababli mutaxassislar etishmasligi, asosan, rus ziyolilari hisobidan qoplanardi. Rus injenerlari va texnik xodimlari milliy texnik ziyolilarni shakllantirish ishiga hissa qoʻshdilar.

Bu davrda T.Risqulov mehnat barqarorligi tamoyillarini joriy etish, notoʻgʻri xoʻjalik yuritish va jinoyatchilikka qarshi tizimli kurash olib borish, oʻz ishida muvaffaqiyat qozonayotganlarni har tomonlama ragʻbatlantirish, Turkistondda iqtisodiyotni sezilarli darajada yaxshilanishini talab qildi. Bu holatga Iqtisodiy Kengashlar faoliyati boʻysundirilishi kerak, chunki uning tizimli ishlari xoʻjalik organlari va ishchi ommassalarga qoʻyilgan vazifalarni bajarishni osonlashtirishi kerak.

Mahalliy aholidan pedagogik xodimlarni tayyorlashga katta ahamiyat berib, mavjud kadrlar mahalliy aholini bir qismini boʻlsa ham qamrab olish uchun juda kam boʻlganini inobatga olgan holda, u barcha mavjud pedagogik institutlar va texnikumlarni davlat byudjetiga oʻtkazishni amalga oshirdi[7]. Bundan tashqari, Turkiy Respublika universitetlari va ta'lim muassasalarining davlat stipendiyalari egalari kurs davomida barcha akademik talablarni oʻz vaqtida bajarishlari shart edi. Universitetlar va ta'lim muassasalarini tugatgandan soʻng, stipendiya egalari stipendiyadan foydalangan holda yiliga kamida 1 yil oʻz mutaxassisligi boʻyicha Sovet muassasalarida xizmat qilishlari kerak edi. Stipendiya egasi oʻzi tahsil olayotgan universitet jihozlari yopilgan yoki rasman etarli boʻlmagan taqdirdagina boshqa universitetga oʻtishi mumkin[8].

Turor Risqulov yoshlarga alohida e'tibor qaratdi. Unda u sotsializm mamlakatining kelajagini, sovet ijtimoiy va davlat tuzumining umidi va tayanchini koʻrdi. Bu erda u oʻzgacha vazminlik, xushmuomalalik va kattalar oʻrnini bosadigan yosh avlodga yordam berish uchun qoʻlidan kelganini qilishga tayyorligini koʻrsatdi. Moskvadagi davlat universiteti talabalari bilan uchrashuvda soʻzlagan nutqida Turor Risqulov quyidagilarni ta'kidlagan: “Siz, kelajakdagi muhandislar, texniklar, agronomlar va pedagoglar, Qozogʻistonning keyingi rivojlanishi uchun asos boʻlgan kadrlarsiz Qozogʻistonda ulkan togʻ boyliklaridan foydalanish, chorvachilikni yanada takomillashtirish borasida hali koʻp ishlar qilinishi kerak. Bularning barchasi, birinchi navbatda, kadrlarni talab qiladi. Qozogʻiston uchun kadrlar etishtirish va tarbiyalashga alohida e'tibor qaratish lozim”[9; 11].

1926- yil oxirida Oʻzbekiston SSR MIQ huzuridagi davlat apparatini mahalliylashtirish markaziy komissiyasining bir yillik faoliyati nazorat komissiyasi yigʻilishida tahlil qilindi. Komissiya 1925 – 1926 yillarda bir yillik ish rejasiga ega boʻlgan. Shu vaqt davomida komissiya tomonidan tashkilotlarga texnik xodim sifatida 374 kishi ishga joʻnatilgan, shulardan 277 nafari oʻzbeklar, 27 nafari boshqa millat vakillari, 27 nafari partiya a'zolari, 74 nafari komsomol a'zolari, 200 nafari kasaba uyushmasi a'zolari, 73 nafari uyushmaga a'zo boʻlmaganlarni tashkil etgan[12].

Shuningdek, yigʻilishda qilingan ma'ruzada yana 1925- yil sentyabrdan 1926- yil oktyabrgacha komissiyaning amalga oshirgan ishlari xususida bir qancha fikrlar bildiriladi. Jumladan, qisqa muddatli oʻquv kurslarida mahalliy millat vakillari orasidan musulmon mashinistkalari, stenografistlar, hisobchi, buxgalter, konduktor, kontrolyor (nazoratchi), temir yoʻl ishchi xodimlari, mas'ul kotiblar, markaziy organ boshqaruvchilari, mashinistlar va boshqa kasb mutaxassislari tayyorlash nazarda tutilgan. Tabiiyki, bunday kurslar tashkil qilish, ular uchun shart-sharoit yaratish, oʻqituvchilar bilan ta'minlash, yotoqxona, stipendiya, yoʻl qatnovi xarajatlari, mahalliylashtirish markaziy komissiyasining 3 shtat birligidagi xodimlariga maosh toʻlash turli moddiy qiyinchiliklarni keltirib chiqargan. Mahalliylashtirish markaziy komissiyasi oʻz mablagʻiga ega boʻlmagan.

Oʻzbek tiliga e'tiborning nisbatan kuchayishi boshqaruv sohasidagi milliy kadrlar qatlamini kengaytirish imkonini berdi. 1918- yil iyun – Turkiston ASSR hududida oʻzbek (turkiy) tiliga davlat tili maqomi berildi. Oʻzbekiston Xalq Komissarlari Sovetining 1928- yil 10- noyabrdagi “Oʻzbekiston SSR muassasalari, korxonalari, tashkilotlari xizmatchi xodimlari toʻgʻrisida”gi 171-raqamli qarorining amalga oshirilishi yuzasidan oʻzbek tilini oʻrganish boʻyicha kurslar va toʻgaraklar tashkil etildi. Barcha rasmiy va me'yoriy hujjatlar oʻzbek va rus tillarida nashr etila boshlandi. Yevropalik millat vakillariga oʻzbek tilini oʻrgatish tizimi va tadbirlari ishlab chiqildi. Oʻzbek tili oʻqituvchilari va Yevropalik millat vakillaridan iborat xodimlar moddiy jihatdan ragʻbatlantirib borildi. Masalan, 1928- yil dekabridan 1929- yil 16-



https://buxdu.uz

martgacha o‘zbek tili o‘qituvchilari bir oyda ikki marta pul mukofoti bilan rag‘batlantirildi. 1929- yili ham bu tadbir davom ettirildi[13].

1931- yil 11- dekabrda SSSR Markaziy Ijroiya Qo‘mitasining “O‘zSSR apparatini o‘zbeklashtirish to‘g‘risida”gi qarori chiqarildi. Qarorga ko‘ra O‘zbekistonda davlat apparatini o‘zbeklashtirish komissiyasining faoliyati to‘xtatiladi[14].

Shunday qilib, o‘zbeklashtirish siyosatini amalga oshirishga Markaziy komissiya nizomida belgilanganidek sovet, xo‘jalik, partiya, kooperativ, jamoat tashkilotlari va ularning raxbarlari jalb qilindi. Komissiyaning joylarda okrug, viloyat, shahar, tuman bo‘limlari tuzildi. Mahalliy millat vakillari va Yevropalik millatga mansub xodimlar uchun maxsus qarorlar asosida turli o‘quv kurslari va to‘garaklar tashkil qilindi. Markaziy komissiyaning nizomi, yillik va oylik ish rejalari, tadbirlar ishlab chiqildi. Davlat korxonalarida ish yuritishni ikki tilda: o‘zbek va rus tillarida tashkil etish, o‘zbek tilini bilmagan Yevropalik xodimlarga majburan o‘zbek tilini o‘rgatish va rahbar lavozimlariga ishga qabul qilmaslik to‘g‘risida komissiya yig‘ilishlarida qator chora-tadbirlar belgilandi hamda qarorlar qabul qilindi.

Turor Risqulov o‘zi yoki uning rahbarligida hal etilayotgan masala mohiyatini chuqur anglashi bilan ajralib turadi. Shuni ta’kidlash kerakki, turli xarakterdagi vazifalar undan nafaqat marksizm-leninizm nazariyasi, balki iqtisodiyot, ishlab chiqarishni tashkil etish, xalq xo‘jaligini boshqarish bo‘yicha ham keng bilimga ega bo‘lishni talab qildi.

Bu paytda O‘zbekistonda o‘quv yurtlari tarmog‘ini keng rivojlantirish bilan bir qatorda kadrlar tayyorlashning boshqa yo‘llaridan, jumladan, eng malakali ishchilarni injener-texnik va rahbarlik lavozimlariga ommaviy ko‘tarish va ishlab chiqarishdan ajralmagan holda ularni tayyorlashni tashkil etishdan ham foydalanildi. O‘zbekiston sanoat korxonalarida ishlab chiqarishning ko‘plab amaliyotchilari, jumladan, o‘zbeklar injener-texnik va rahbarlik lavozimlariga ko‘tarildi. Bu milliy kadrlarni tayyorlashning, ayni vaqtda mahalliylashtirish muammosini ma’lum darajada hal qilishning usullaridan biri edi.

Madaniy qurilish sohasida ham yordam ko‘rsatildi. Shunday qilib, Turkgoskino tasarrufiga barcha foto-kinofilm fabrikalari, kinoatelierlar, davlat prokat byurosi va uning mahalliy bo‘linmalari va boshqa korxonalar, hozirgi vaqtda to‘g‘ridan-to‘g‘ri TFKO (Turkiston Foto-kinomarkaz, Xalq ta’limi xalq komissarligi) boshqaruvida bo‘lgan, shuningdek, kino teatrlari Xalq ta’limi xalq komissarligi kolleji bilan viloyat ijroiya qo‘mitalari o‘rtasidagi maxsus kelishuv asosida Turkgoskino tasarrufiga o‘tkaziladi. Turkgoskinoga filmlarni butun Turkiston bo‘ylab tarqatish uchun monopol huquq berilgan. Yangi kinoteatrlar va kino korxonalarini ochish Maorif xalq komissarligining nazorat organlari bilan kelishilgan holda ma’muriyatning viloyat boshqarmasi ruxsati bilan amalga oshiriladi[15].

Kasb-hunar ta’limi maktablarini qo‘llab-quvvatlash va rivojlantirishda, Kasb-hunar ta’limi qiziqqan kasaba uyushmalari va xo‘jalik organlaridan yordam ko‘rsatishni maqsad qilib, T. Risqulov barcha mavjud Kasb-hunar maktablari tarmog‘ini saqlab qolishni zarur deb hisoblaydi. U, vaqf [Vaqf, arabcha) musulmon mamlakatlarida fuqarolik muomalasidan chiqarilgan va davlat yoki jismoniy shaxs tomonidan diniy yoki xayriya maqsadlarida berilgan (ko‘char va ko‘chmas) mulk.] mablag‘laridan madaniy-ma’rifiy maqsadlar uchun, avvalo, to‘liq davlat maktablarini ta’minlashni, ularga sotsializatsiya qilish yo‘li bilan keyinchalik mahalliy ijroiya qo‘mitalarining qarorlari asosida o‘quv muassasalarining tarmog‘iga kiritishni maqsad qilgan[16].

Ovul va qishloq maktablarini pedagog kadrlar bilan ta’minlash masalasiga to‘xtalib o‘tgan Turor Risqulov “mahalliy aholidan maktab ishchilarini tayyorlash va muayyan hududlarga jo‘natish bo‘yicha ishlarni jadal sur’atda olib borishni taklif etdi”[10].

Mahalliy sudyalarni o‘z xalqiga qonunlarni tushuntirishga o‘rgatuvchi sudyalik kurslarini kengaytirish orqali mahalliy sudyalar malakasini oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. U xalq sudlari va qozi sudlaridagi xodimlarning moddiy ahvolini yaxshilash masalasini qo‘yadi va ularni to‘g‘ridan-to‘g‘ri vazifalaridan chetga surib qo‘yadigan qo‘shimcha mashg‘ulotlarni qat’iyan rad etadi. Shuningdek, u, asosan mahalliy aholining keng qatlamlaridan bo‘lgan vakillarni tayyorlash uchun malakali sud xodimlarini tayyorlash maqsadida yuridik kurslarni tashkil etishni taklif qiladi[16].

Bu davrda ittifoqdosh respublika sharoitlarida mahalliylashtirish prinsiplari qatag‘onlarga qaramasdan o‘z kuchida qolayotgan edi. Mahalliylashtirish muammosiga qiziqish hali so‘nmagandi. Quyi idoralar yuqori idoralar oldida hisob berib turishardi. U yoki bu korxonalardagi tub aholi soni va injener-texnik xodimlar o‘rtasidagi ularning solishtirma salmog‘i haqidagi statistik ma’lumotlar yuqori idoralarga hali kelib turardi. Xalq komissarlarining mahalliylashtirish va tub aholiga ona tilida xizmat ko‘rsatish masalasi bo‘yicha hisobotlari turli majlislarda davriy ravishda eshitilib turardi.

O‘zbekistonda 1925 – 1933 yillarda hokimiyat organlari va davlat boshqaruv apparatlarini mahalliylashtirish bo‘yicha ko‘plab dekret hamda qarorlar[17] qabul qilindi. Biroq bularning hammasi deyarli hayotga tatbiq etilmay qolib ketaverdi. Chunki «mahalliylashtirish bo‘yicha qat’iy qoidalar yo‘q edi,



https://buxdu.uz

faqatgina shiorlar bor edi». Sovet davlati va hukmron kommunistik partiyaning asosiy maqsadi ham hokimiyat organlarini mahalliy millat vakillariga to‘liq topshirib qo‘yish emas, balki hokimiyat jilovi Markaz va uning vakillari qo‘lida bo‘lmog‘i lozim edi.

O‘zbekiston SSRda mahalliylashtirish siyosati sovet hokimiyati tomonidan XX asr 30-yillarining ikkinchi yarmida butunlay to‘xtatildi. Sovet davlat va partiya apparatini mahalliylashtirishga va ish yuritishni o‘zbek tiliga ko‘chirishga urinishlar keyinchalik muvaffaqiyatsiz tugadi. Bu qisman mazkur siyosatning muvaqqat xarakteri bilan ham izohlanadi. Chunki O‘zbekiston rahbariyatining mahalliylashtirish va o‘zbeklashtirish siyosati sovet davlati milliy siyosatining umumiy strategiyasiga javob bermas edi. Sovet hokimiyati va kommunistlar O‘zbekistonda partiya va sovet organlari apparatini mahalliylashtirish va o‘zbeklashtirishdan amalda manfaatdor emas edi. Bu holat sovet hokimiyati yillarida keyinchalik ham muntazam davom etdi.

**Xulosa** qilib aytganda, taniqli davlat arbobi Turor Risqulov o‘z faoliyati davomida O‘rta Osiyo olimlari hayotiga har tomonlama g‘amxo‘rlik ko‘rsatdi. Uning tashabbusi bilan olimlarning turmush sharoitlarini yaxshilash bo‘yicha Komissiya tashkil etildi. Bu yuridik shaxs sifatida, Turkiston Respublikasidagi barcha ilmiy sohalarda akademik va davlat ta’minoti hamda mukofotlashga muhtoj ilmiy xodimlarni hisobga olish va ro‘yxatga olish, ularga ajratilgan ta’minot fondlaridan foydalanishni nazorat qilish, ilmiy fondlarni tashkil etish va rivojlantirishga yordam berish, ilmiy uylari va boshqa muassasalarni tashkil etish, kooperativ tashkilotlarning rivojlanishini qo‘llab-quvvatlash, tegishli guvohnomalar va ma’lumotnomalar berish, akademik ta’minot va mukofotlash uchun asoslar ishlab chiqish, ilmiy, ilmiy-ta’lim va ilmiy-populyar ishlarni mukofotlash bo‘yicha qarorlar chiqarish, o‘z vakolatiga doir masalalar bo‘yicha xulosalar berish, kerakli organlar bilan kelishgan holda akademik ta’minotga muhtoj ilmiy xodimlarning ro‘yxatlarini tuzish, ilmiy xodimlarni joylashtirish, ko‘chirish va zichlashtirish tartiblarini ishlab chiqish, chet elga chiqish va xorijdan ilmiy nashrlarni olish uchun ruxsatnoma olishni soddalashtirish bo‘yicha tartiblarni ishlab chiqish, boshqa zarur tadbirlar va dekretlar loyihalarini tayyorlash, alohida olimlar va ularning jamoalarining manfaatlarini himoya qilish, va umuman, olamlarning tinch va rejalashtirilgan ilmiy faoliyatini yaratish uchun sharoitlar yaratishga yordam berish kabi vazifalarni bajargan.

Bu vaqtda O‘zbekistonda mahalliylashtirish jarayonlari bir tekisda rivojlanmadi. Davlat organlarining bu masala bo‘yicha qabul qilgan qarorlari to‘liq bajarilmadi. Masalan, ishlab chiqarishdagi rahbarlik lavozimlariga ko‘tarilgan 746 nafar kishining atigi 323 nafari mahalliy millatlarga mansub shaxslar edi. Ko‘p hollarda bu jarayon sun’iy ravishda sustlashtirildi. Bu, asosan, Yevropalik rahbariyatning shovinistik kayfiyatdagi qismi tomonidan amalga oshirildi. Bundan tashqari Markaz tomonidan bo‘ladigan qatag‘onlardan xavfsiragan respublikaning o‘sha paytdagi siyosiy va davlat rahbariyati bu salbiy holatga faol qarshilik qilishga jur’at etolmadi. Shu bilan birga, O‘zbekistonda milliy texnik ziyolilar qatlamining yetarli emasligi ham o‘z ta’sirini ko‘rsatdi.

Xullas, Turor Risqulov u yoki bu masalani hal etishda, eng avvalo, moddiy-texnik ta’minlash, asosiy yo‘nalishlar bo‘yicha kadrlarni tanlash va joylashtirish, ishchi-xizmatchilar uchun zarur yashash va mehnat sharoitlarini yaratish, ularni ta’minlashni tashkil etishga jiddiy e’tibor qaratdi.

### *ADABIYOTLAR:*


1. *Park A. Bolshevism in Turkestan. New Yark. 1957.*
2. *Sabden O. Ekonomika: Izbrannыe trudi. Tom XIX: Turar Riskulov: Gosudarstvennaya deyatelnost i ekonomicheskie vozzreniya. Izd. 2-oe. – Almati: Institut ekonomiki KN MON RK, 2011. – 280 s.; Ustinov V.M. Slujenie narodu (Partiynaya i gosudarstvennaya deyatelnost T. Riskulova). – Alma-Ata: Kazaxstan, 1984. – 231 s.*
3. *Ziyoeva D.H. Mustaqillik uchun kurashning o‘qilmagan sahifalari / Turkiston mustaqilligi va birligi uchun kurash sahifalaridan. – Toshkent: Fan, 1996.;*
4. *Alimova D., Golovanov A. O‘zbekiston mustabid sovet tuzumi davrida: siyosiy va mafkuraviy tazyiq oqibatlari (1917-1990 y). – Toshkent: O‘zbekiston, 2000 – 70 b.;*
5. *Shamsutdinov R. Istiqlol yo‘lida shahid ketganlar. – Toshkent: Sharq, 2001 – 414 b.; Shamsutdinov R., Karimov Sh. O‘zbekiston tarixidan materiallar (Uchinchi kitob). – Andijon: “Andijan”, 2004 – 652 b.;*
6. *Qosimov F. Istiqlol va tarixiy xotira. – Buxoro: Buxoro, 2006 – 156 b.; Rajabov Q., Inoyatov S. Buxoro tarixi. – Toshkent: Tafakkur, 2016 –320 b.;*
7. *Alimova D. Turkestansi na I sezde narodov Vostoka: pozitsii i vizovi // Konsepti istorii Uzbekistana: teoriya i gipotezi. III tom. – Tashkent: Baqtria press, 2018;*




https://buxdu.uz

8. *Shamsutdinov R., Mo'minov X. O'zbekiston tarixi. – Toshkent: Akademnashr, 2019. – 576 b.; O'zbekiston tarixi (1917-1991 y.). Ikkita kitob. Birinchi kitob. 1917-1939 yillar. Mas'ul muharrirlar: R.Abdullaev, M. Raximov, Q.Rajabov. – Toshkent: "O'zbekiston", 2019.;*
9. *Rajabov Q.K. Turkiston Muxtoriyati tarixi. – Toshkent: "Fan", 2023. – B.256.; Rajabov Q. O'zbekiston XX asra. 1-jild. – Toshkent: "O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fan" nashriyoti davlat korxonasi", 2024. – B.752.*
10. *O'zbekiston MDA, R-17-fond, 2-ro'yxat, 11-a-ish, 118-varaq.*
11. *O'zbekistonning yangi tarixi. 2-kitob. O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. Ilmiy muharrir: M. Jo'rayev. – Toshkent: "Sharq", 2000. – B. 11 – 12.*
12. *Riskulov T.R. Izbrannыe trudi. Alma-Ata, 1984.*
13. *Jurnal № 77 Zasedaniya Bolshogo Soveta Narodnыx Komissarov Turkrespubliki ot 18 dekabrya 1922 g. Kor 30, tizbe 1, s.126, l.5*
14. *Postanovlenie Soveta Narodnix Komissarov Turkestanskoy Pec-publiki "Ob obyazatelstvax gosudarstvennыx stipendiatov VUZ i inprosov Turkrespubliki", № 27 ot 19 fevralya 1923 g. Kor.30, tizbe 1, № 126, l.45 i 2.//Pravda, 1936, 24 oktyabrya.*
15. *Riskulov T. Sobranie sochineniy v trex tomax. T.2. – Almatы: "Kazaxstan", 1997. – 199-274 str.*
16. *Riskulov T. Sobranie sochineniy v trex tomax. T.3. – Almatы: "Kazaxstan", 1998. – 444 str.*
17. *Jurnal Vneshnyaya torgovlya, № 21/22 Institut monopolii vneshn. stran. 1933. – 2 str.*
18. *O'zbekiston MDA, 837-fond, 3-ro'yxat, 593-ish, 6-varaq.*
19. *O'zbekiston MDA, 86-fond, 1-ro'yxat, 5149-ish, 13-varaq.*
20. *O'zbekiston MDA, 86-fond, 10-ro'yxat, 12-ish, 63-varaq.*
21. *Postanovlenie Soveta Narodnix Komissarov Turkestanskoy revolyusii № 56 ot 31 marta 1923 g. Kor 30, tizbe 1, № 126, l.67 i 8.*
22. *Protokol Ob'edinennogo Soveщaniya Bolshogo Soveta Narodnыx Komissarov i Predstaviteley Oblispolkomov i Ekonomicheskix soveщaniy, 17 marta 1923 goda. Kor 30, tizbe 1, №136, l.69.; l.71-72.*
23. *O'zbekiston tarixi (1917-1991 y.). Ikkita kitob. Birinchi kitob. 1917-1939 yillar. Mas'ul muharrirlar: R.Abdullaev, M. Raximov, Q.Rajabov. – Toshkent: "O'zbekiston", 2019.*

UO‘K 93/94

# O‘ZBEKISTONDA “QOSIMOVCHILIK” GURUHI QATAG‘ONI VA UNING KEYINGI BOSQICHLARI

***Ubaydullayev O‘ktamjon Qodirjonovich,***
*Andijon davlat universiteti*
*O‘zbekiston tarixi kafedrasi dotsenti, tarix fanlari nomzodi*

***Annotatsiya.*** *Mazkur maqolada 1929-1930-yillarda O‘zbekiston SSR sudi tarkibida bo‘lib o‘tgan mudhish voqealardan biri – “qosimovchilik” guruhi qatag‘oni jarayoni haqida fikr yuritiladi. Maqolada arxiv manbalari asosida “aybdor” Sa’dulla Rashidovich Qosimovning sud hay’ati a’zolarining jarayonni siyosiylashtirishga bo‘lgan urinishlariga va guvohlarning yolg‘on guvohliklariga bergan qarshi ko‘rsatmalari keltirib o‘tilgan. Sud ishiga taalluqli manbalarga asoslangan holda sudlanuvchi va guvohlarning keskin bahs-munozaralari, fikrlarning o‘zaro to‘qnash kelishi holatlari yangilik sifatida birinchi bor ilmiy iste’molga kiritilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *“qosimovchilik”, sud, bolsheviklar partiyasi, milliy istiqlolchilik, mustamlaka, ayblovchi, sudlanuvchi, sud tizimi, qatag‘on.*

# РЕПРЕССИИ ГРУППЫ «КАСИМОВЩИНА» В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕЁ ПОСЛЕДУЮЩИЕ ЭТАПЫ

***Аннотация.*** *В данной статье рассматривается один из трагических эпизодов, произошедших в 1929-1930 годах в составе суда Узбекской ССР – процесс репрессий над группой «касимовщины». В статье на основе архивных источников приводятся показания «обвиняемого» Саъдуллы Рашидовича Касимова против попыток членов судебной коллегии политизировать процесс и ложных свидетельств очевидцев. На основе источников, относящихся к судебному делу, впервые в научный оборот вводятся острые дискуссии между подсудимыми и свидетелями, случаи столкновения мнений.*

***Ключевые слова:*** *«касимовщина», суд, партия большевиков, национальная независимость, колония, обвинитель, подсудимый, судебная система, репрессия.*

# REPRESSIONS OF THE “KASIMOVSHCHINA” GROUP IN UZBEKISTAN AND ITS SUBSEQUENT STAGES

***Abstract.*** *This article examines one of the tragic episodes that occurred in 1929-1930 in the court of the Uzbek SSR - the process of repressions against the "Kasimovshchina" group. The article, based on archival sources, cites the testimony of the "accused" Sadulla Rashidovich Kasimov against attempts by members of the judicial panel to politicize the process and false eyewitness accounts. Based on sources related to the court case, for the first time in scientific circulation are introduced heated discussions between defendants and witnesses, cases of clashes of opinions.*

***Keywords:*** *"Kasimovshchina", court, Bolshevik Party, national independence, colony, prosecutor, defendant, judicial system, repression.*

**Kirish.** Mustaqillik yillarida sovet tuzumining qatag‘on siyosati qurboni bo‘lgan O‘zbekiston SSR Oliy sudining raisi Sadulla Qosimov va “qosimovchilik” guruhining ayanchli taqdiri haqidagi bor haqiqatlar yuzaga chiqdi va bu fidoiy insonlarning tabarruk nomlari oqlandi. Biroq “qosimovchilik” guruhi qatag‘on jarayonlari bilan bog‘liq masala xaligacha to‘la o‘z yechimini topganicha yo‘q. Bu bo‘yicha yaqin davrlargacha “mahfiy” tamg‘asi bilan saqlangan arxiv hujjatlarida yangidan-yangi ma’lumotlar yuzaga chiqmoqda. Ushbu maqolada ana shunday arxiv hujjatlariga asoslangan ma’lumotlar bo‘yicha fikr yuritiladi.

**Adabiyotlar tahlili va tadqiqot metodologiyasi.** Mustaqillik yillarida “qosimovchilik” ishi o‘zbekistonlik tarixchi olimlarning ilmiy tadqiqot ishlarida, jurnal va publitsistik adabiyotlarda xolislik yuzasidan yoritila boshlandi. Ammo nashr etilgan adabiyotlarning aksariyatida “qosimovchilik” ishi asosiy tadqiqot obyekti bo‘lmaganligi sababli, bu jarayon umumiy tahlil qilingan [3; 4; 5; 6; 7.]. Shu bilan birga, e’lon qilingan ilmiy maqola va tadqiqotlarda ushbu sud ishiga doir tafsilotlar mavzu doirasida yoritib berilgan. Shu o‘rinda ta’kidlab o‘tishimiz lozimki, so‘nggi yillarga kelib “qosimovchilik” guruhi sudi jarayonlari ancha batafsilroq va kengroq tahlil etilib, bu jarayonning olib borilishi haqida olimlarning dadil



https://buxdu.uz

ilmiy xulosalari ham e’lon qilindi.[8; 9; 10.]

SSSR Oliy sudi jinoyat-sudlov kollegiyasi sayyor sessiyasi 1930-yil 25-martdan 1930-yil 22-iyunga qadar Samarqand shahrida O‘zbekiston Oliy sudi raisi Sa’dulla Rashidovich Qosimov va “qosimovchilar guruhi” ishini ko‘radi. Sudda rais – M.I. Vasilyev-Yujin, a’zolari – Y.P. Dmitriyev va Faxriddin Nuriyevlar, kotiblari – A.F. Yakovlev va I.S. Dudnichenko, davlat qoralovchilari – R.P. Katanyan va G.M. Ostrovskiy, oqlovchilar – Samarqand okrug himoyachilar kollegiyasining a’zolari Grechishev, Salmo, Bessonova va Olloyorova, jamoatchilik qoralovchilari – Sotti Xusayn va Jahon Obidovalar qatnashgan. Sudlanuvchilar – O‘zbekiston SSR Oliy sudi raisi Sa’dulla Rashidovich Qosimov, O‘zbekiston SSR Oliy sudi prokurori Badritdin Latipovich Sharipov, Eski Toshkent xalq sudyasi Mirsoat Mirzokirov, Mirzacho‘l rayoni sudyasi Rustamxo‘ja Ibrohimxo‘jayev, himoyachilar kollegiyasi a’zosi Vyacheslav Petrovich Spiridonov, savdogarlar Nasriddin Olimov va Akbar Samig‘janovlar edi.[1;]

**Muhokama va natijalar.** Adliya  qonun-qoidalari talablariga mutlaqo javob bermaydigan sud uch oy davom etdi va nihoyat, 1930-yil 22-iyundagi hukmga ko‘ra Qosimov, Olimov, Spiridonov, Sharipov oliy jazoga, qolganlar 10-15 yillik qamoq jazosini oladilar. Keyinroq Sharipov va Spiridonovga chiqarilgan oliy jazo o‘zgartirilib, 10-15 yillik qamoq jazosi bilan almashtiriladi. 1930-yil 12-avgustda Qosimov va Olimovlarga nisbatan chiqarilgan hukm ijro etiladi.

Sa’dulla Qosimov va u bilan birga ayblanuvchi sifatida sud ishiga tortilgan kishilarning shaxsiyati, faoliyati va ayanchli taqdiriga doir yuqorida ko‘rsatib o‘tilgan manbalarda aniq xulosalar berib o‘tilganligi uchun masalaning mazkur jihatlariga ushbu maqolada to‘xtab o‘tilmaydi. Faqatgina Sa’dulla Qosimov 1930-yil 24-maydagi tergov va so‘roq jarayonida mag‘rur turib, o‘ziga qo‘yilayotgan soxta ayblarni inkor etishi va partiya tashkiloti va uning rahbarligidagi mahalliy organlarning sud-huquq tizimiga asossiz aralashuvi, bu boradagi xato va kamchiliklar haqida bor haqiqatni ochib berishi sud raisi va unda ishtirok etayotganlarni sarosimaga solganini ta’kidlab o‘tish joiz. S. Qosimov sudda aniq faktlarga suyanib, o‘zining fikrlarini davom ettirgan holda, respublika sud tizimidagi kadrlar qo‘nimsizligini quyidagi faktlar bilan ochib tashlaydi: “1928-yili respublika bo‘yicha 148 ta xalq sudi uchastkasi mavjud bo‘lsa, bir yil davomida 75 kishi ularga yangidan tayinlangan, 52 kishi ishdan bo‘shatilgan, 51 kishi boshqa ishga o‘tgan va buning oqibatida xalq sudlarining tarkibi 178 tani tashkil etgan. Bunday almashtirishning butun og‘irligi sud va prokuratura tizimiga tushdi, 382 nafar yoki 130 foiz xodim almashtirilgan”.[17; v-516.]

Bu  oshkora fikrlari uchun o‘ch olishni maqsad qilib olgan sovet jazo organlari Sa’dulla Qosimov tarafdorlarini izlab topish va ularni jazolashga kirishadilar. Qosimov otib yuborilganidan keyin 3 yil davom etgan bu mudhish jarayon haligacha tarixshunoslikda o‘rganilmagan.

1931-yilning 11-fevralidan 12-martga qadar O‘zbekiston SSR Oliy sudi a’zosi va sayyor hay’atining raisi Abram Abdurahmonov va prokuror Yusup Matniyozovlar boshchiligida olib borilgan tergov natijasida 11 jildlik ish tayyorlangan. Aslida bu jarayonga 1930-yil 27-oktabrda «Qizil O‘zbekiston» gazetasida bosilgan «Dushman kemasining eshkakchilari» nomli felyeton sabab bo‘lgandi. Felyetonda sud xodimlari Eshonxo‘ja Mo‘minxo‘jayev, Mirkomil Mirsharopov, Asrorxon Sultonxo‘jayev, To‘xtaqori Tojiyev va Azizqori Obidqoriyevlar Sa’dulla Qosimov tarafdorlari sifatida shahar nepmanlariga yordam berganlikda, «quloq»larning manfaatini himoya qilib, ularning norozilik harakatlarini uyushtirganlikda ayblanganlar.

“Aybdor” deb topilgan rayon, okrug sudi raisi bo‘lgan Eshonxo‘ja Mo‘minxo‘jayev bilan okrug sudi a’zosi Mirkomil Mirsharopovlar 1919-yildan aksilinqilobiy faoliyatga kirishgani, 1923-1924-yillarda esa sovet hukumati muassasalarida ishlab turib, «bosmachilar»ga moddiy yordam berganligi, keyingi yillarda ham, to qamoqqa olingunga qadar sovet hukumatiga qarshi faoliyat olib borganligi sudda alohida ta’kidlab o‘tilgan. Oliy sud a’zolari To‘xtaqori Tojiyev, Asrorxon Sultonxonov va Azizqori Obidqoriyevlarning esa Mo‘minxo‘jayev va Mirsharopovlar bilan bir safda turib, ularning aksilinqilobiy ko‘rsatmalarini bajarganliklari ayblov uchun asos bo‘lgan. Sudda bu besh nafar adliya mahkamasi vakillari bilan bir qatorda Nazar qassob, Muqonbek Kalonbekov, Komiljon Mahkamboyev, To‘ychi Isamuhammedov, Ortiq Abduqodirov kabi «quloq»lar ham ayblanadilar [15;].

Sud jarayoni 23 kun davom etib unda 155 nafar guvoh va 10 nafar ayblanuvchi ko‘rsatmasi ko‘riladi. Nihoyat 12-mart kuni sudga raislik qilayotgan Abram Abdurahmonov «aybdor»larga jazo choralari quyidagicha belgilanganligini e’lon qiladi: «Komiljon Mahkambekov, Toji Isamuhammedov, va Ortiq Abduqodirovlarning jinoyatlari isbot etilmagani uchun oqlandilar. Asrorxon Sultonxonovning jinoyatlari to‘la isbot etilib, u o‘z ayblariga iqror bo‘lganini nazarda tutib, ikki yil muddatga ma’sul vazifalardan mahrum qilishga va «xayfsan» e’lon qilishga hukm etildi. To‘xtaqori Tojiyev umumiy tartib bilan 5 yil qamoq jazosiga hukm etilib, avfi umumdan foydalantirib, 5 yil qamoq muddati 3 yilu 4 oyga qisqartiriladi. Azizqori Obidqoriyev qattiq ogohlantirilgani holda 6 yil qamoq jazosiga hukm qilindi. Mirkomil Mirsharopov jinoyatlari tergov davomida ochiq isbot etilgani bois, jazo qonunining 58-moddasiga muvofiq otib o‘ldirishga hukm qilinadi, ammo u aksilinqilobiy harakatda qatnashgan vaqtida 19 yoshda ekanligini



https://buxdu.uz

nazarda tutib, o‘lim jazosi 10 yillik qamoq jazosi bilan almashtirilib, butun mol-mulki musodara etiladigan bo‘ldi.

Eshonxo‘ja Mo‘minxo‘jayev, Nazar qassob Abduqodirov va Muqonbek Abdurahmonbekovlarning jinoyatlari jazo qonunining 58-63-moddalari bo‘yicha to‘la tasdiq etilgani bois, bu uch aybdorlarni otib o‘ldirishga va barcha mol-mulklarini davlat foydasiga musodara qilishga hukm chiqarildi.[16;]

Jazo organlari bu bilan ham cheklanmadi, endi Sa’dulla Qosimov bilan bir safda ishlagan Adliya xalq komissarligi kadrlar bo‘limi boshlig‘i Zuykova “qosimovchilik” aksilinqilobiy guruhini qo‘llagan va sheriklik aloqalarini o‘rnatganlikda ayblangan. Zuykova avval Samarqand okrug sudi kotibi, 1927-yildan boshlab O‘zbekiston SSR Oliy sudida kadrlar bo‘limini boshlig‘i bo‘lib ishlagan. Uning turmush o‘rtog‘i Zaykov-Laktov esa O‘zSSR Oliy sudida Mavlonbekov va Qosimov ishlagan vaqtda prokuror yordamchisi bo‘lib ishlagan. “Qosimovchilik” ishi bo‘yicha 75 nafar shaxs gumonlanib so‘roqqa tortiladi. Ayblanuvchi Zuykova bilan yaqin aloqada bo‘lgan Samarqand okrug sudi raisi Irismatov, prokuror Abduraufov, prokuror yordamchisi Abulxayrov Qulixon, sudyalar: Mirzaxon Karimov, Mirzaxon Abduraufov, Qoraxon Muxtaramov, G‘iyosov, Bazorqul Xaydarov, Usmonqul Xaydarov, Abdug‘ofurovlar, okrug sudi kotiblari: Fatxullaxo‘ja Nurillaxo‘jayev, Bahrom Xo‘jayev, okrug sudi a’zolari: sud a’zosi Mirzaboyev, Valiyev, Muxtaramov, Xakim Karimov, kassatsiya bo‘limida ishlovchi Mirza Qo‘ldosh Toirov, tergovchilar: Abbos Xo‘jayev, Mirza Zaynitdin Nasretdinov, Urgut rayon sudi tergovchisi Jo‘raxon Siddiqxo‘jayevlar tergov qilinadi. Samarqand shahrida yashovchi fuqarolar: Xolboy Muxtarov, Usta Yuldash Umarov, Abdulla Umirboyev, Mirza Sharifov, Mirzajalol Muxammadiyevlar “qosimovchilik” guruhini faol a’zolari sifatida sud tizimida “aksilinqilobiy harakatlar” olib borganlikda ayblangan [17; v-516.].

Ayni paytda Sa’dulla Qosimov bilan birga ishlagan Zarafshon okrugi sudi raisi Xamid Raximovich G‘ofurov va bir guruh sud xodimlari hamda oddiy fuqarolarga O‘zbekiston SSR prokuraturasining ichki ishlar bo‘yicha tergovchisi Kabanov tomonidan ayblov xulosasi tayinlanadi. Unda shunday deyilgan:

1. G‘ofurov Xamid Raximovich – Zarafshon okrug sudi sobiq raisi, 43 yoshda, o‘zbek, oilali, savodli, 1918-1920-yillarda Qizil armiya safida xizmat qilgan. 1925-yildan partiya a’zosi, partiya bileti raqami 832477, ijtimoiy kelib chiqishi Buxoro shahridan xizmatchi oilasidan, ilgari sudlanmagan

2. Baltikov Minaydar – Zarafshon okrug sudining sobiq a’zosi, 35 yoshda, qozoq, uylanmagan, ma’lumoti 3 yillik yuridik kursni tamomlagan, 1928-yildan partiya a’zosi, partiya bileti 08400937, Qizil O‘rdalik dehqon oilasidan, avval sudlanmagan.

3. Mahmudov Zaynitdin – Kattaqo‘rg‘on rayoni sobiq xalq sudyasi, 37 yoshda, o‘zbek, savodli, oilali, 1920-1923-yillarda Qizil armiya safida xizmat qilgan. 1921-yildan partiya a’zosi, Karmana rayoni Araun qishlog‘idan, kelib chiqishi Buxoro amirining sobiq amaldorlaridan, ilgari sudlanmagan.

4. G‘aniyev Hamro – Konimex rayoni sudyasi, 28 yoshda, arab, oilali, eski usul maktabini tamomlagan, 1921-yildan partiya a’zosi, partiya bileti №016218. Konimex rayoni Arabxona qishlog‘idan, ijtimoiy kelib chiqishi savdogar boy oiladan. 1924-1926-yillarda Qizil armiya safida xizmat qilgan, ilgari sdlanmagan.

5. Ibragimov Ubaydullo – Konimex rayoni xalq sudyasi, 26 yoshda, o‘zbek, eski usul maktabini tamomlagan. Zarafshon okrugi Narpay rayoni Oqtosh qishlog‘idan, o‘ziga to‘q boy oiladan, partiya a’zoligiga nomzod, ilgari sudlanmagan.

6. Navro‘zov Solih – Xatirchi rayoni xalq tergovchisi, 26 yoshda, o‘zbek, ma’lumoti yuridik kursni tamomlagan, ijtimoiy kelib chiqishi Eski Buxorolik xizmatchilar oilasidan, ilgari sudlanmagan.

7. Xamidov Mulla Juma – Xatirchi rayoni ichki ishlar bo‘limida jinoyat qiduruv ishlari bo‘yicha agent, 33 yoshda, ma’lumoti quyi, o‘zbek, oilali. Konimex rayoni Ayronchi qishlog‘idan, dehqon oilasidan, partiyasiz, ilgari sudlanmagan.

8. Malik Baxtamov Amazon Ivanovich – himoyachilar jamiyati vakili, 34 yoshda, arman, o‘rta ma’lumotli, oilali, 1918-yildan partiya a’zosi, partbilet raqami 09867397. Qizil armiyada xizmat qilgan, avval sudlanmagan.

9. Soibov Axmad – 71 yoshda, savodsiz, Kattaqo‘rg‘on rayoni Mulla Kichkina qishlog‘idan, yirik yer egasi bo‘lgan. 1930-yilda 3 yillik oodlikdan cheklash bo‘yicha jazolangan.

10. Xo‘jayev To‘raqul – 65 yoshda, Kattaqo‘rg‘on rayoni Chordara qishlog‘idan, yirik yer egasi bo‘lgan. 1930-yilda Zarafshon okrug 2 uchastka sudi tomonidan 2 yilga ozodlikni cheklash jazosiga tortilgan.

11. Rustamov Mulla Duman – 35 yoshda, savodli, Kattaqo‘rg‘on rayoni Saroyqo‘rg‘on qishloq Soveti Qiyot qishlog‘idan, yirik yer egasi bo‘lgan, ishi OGPUda.

12. Gadoyev To‘raqul – 65 yoshda, savodsiz, oilali, partiyasiz. Narpay rayoni Qilich qishlog‘idan, boy chorvador bo‘lgan. 1929-yilda Zarafshon okrug sudi tomonidan 2 yil ozodlikdan cheklashga hukm qilingan.



https://buxdu.uz

13. Ahmedov Ergash – 36 yoshda, Kattaqo‘rg‘on rayoni Lobiyahur qishlog‘idan, yirik yer egasi boy oiladan. 1929-yilda 6 oylik ozodlikni cheklash jazosini olgan.

14. Roziqov Xoliq – 65 yoshda, millati o‘zbek, savodsiz, partiyasiz. Kattaqo‘rg‘on rayoni Lobiyahur qishlog‘idan, yirik yer egasi boy oiladan. 1930-yilda 2 oylik ozodlikni cheklash jazosini olgan.

15. Qurbonov Ortiq – 37 yoshda, millati o‘zbek, savodsiz, partiyasiz, Kattaqo‘rg‘on rayoni Xonqul qishlog‘idan, yirik yer egasi boy oiladan. 1930-yilda 2 oylik ozodlikni cheklash jazosini olgan.

16. Saidov Shodmon – 75 yoshda, millati o‘zbek, savodsiz, partiyasiz. Kattaqo‘rg‘on rayoni Lobiyahur qishlog‘idan, yirik yer egasi boy oiladan. 1930-yilda 2 oylik ozodlikni cheklash jazosini olgan.

17. Eshonqulov Mirza – 56 yoshda, millati o‘zbek, ma’lumoti quyi, oilali, partiyasiz. Kattaqo‘rg‘on shahridan, xizmatchi oilasidan, kasbi konseliyariya ish yurituvchisi, avval sudlanmagan.

18. Sodiqov Bo‘ri – 55 yoshda, millati o‘zbek, ma’lumoti quyi, partiyasiz. Kattaqo‘rg‘on rayoni Mulla Kichkina qishlog‘idan, yirik yer egasi bo‘lgan, 1930-yilda 6 oylik ozodlikdan cheklash bo‘yicha jazolangan.

19. Muqimov Xoli – 55 yoshda o‘zbek, ma’lumoti quyi, partiyasiz. Kattaqo‘rg‘on rayoni Mulla Kichkina qishlog‘idan, yirik yer egasi bo‘lgan.

20. Qarshiyev Abduqodir – 30 yoshda, millati o‘zbek, ma’lumoti quyi, partiyasiz. Xatirchi rayoni Changir qishloq Soveti Dilyorur qishlog‘idan, yirik yer egasi bo‘lgan.

21. Jabbarov Mulla Xamid – 29 yoshda, o‘zbek, savodsiz, partiyasiz. Kattaqo‘rg‘on rayoni Lobiyahur qishlog‘idan, yirik yer egasi, boy oiladan. Kanselyariya ish yurituvchisi bo‘lgan, aksilinqilobiy harakatlari uchun OGPU tomonidan tergovga olingan.

22. Xolboyev Olim – Zarafshon okrugi sobiq prokurori, 30 yoshda, qozoq, yuridik kursni tamomlagan, 1926-yildan partiya a’zosi partiya bileti №0836109. Samarqand okrugi Kursafar qishlog‘idan, ijtimoiy kelib chiqishi xizmatchilar oilasidan, ilgari sudlanmagan.

23. Begimqulov Xolmirza – Qoradaryo rayoni xalq sudyasi bo‘lgan, 27 yoshda, o‘zbek, 1930-yildan partiya a’zoligiga nomzod. Yangiqo‘rg‘on rayoni Usmat qishlog‘idan, xizmatchi oilasidan, ilgari sudlanmagan.

24. Bobrov Aleksandr Ivanovich – Himoyachilar jamiyati a’zosi, 45 yoshda, rus, ma’lumoti oliy, partiyasiz, oilali. Dog‘iston oblast Petrovsk shahrida ishchilar oilasida tug‘ilgan. 1917-1922-yillarda qizil armiya safida xizmat qilgan. RSFSR JKning 116-moddasi bilan 3 yil ozodlikdan mahrum qilingan.

25. Kirpichev Vladimir Maksimovich – Himoyachilar jamiyati a’zosi, 45 yoshda, rus, ma’lumoti oliy, partiyasiz, oilali. Kubansk oblast Kuropatkin shahrida ishchilar oilasida tugilgan. 1918-1922-yillarda qizil armiya safida xizmat qilgan. Ilgari sudlanmagan.

26. Xo‘jaqulov Jo‘raqul – 45 yoshda, o‘zbek, ma’lumoti quyi. Kattaqo‘rg‘on shahridan, ishchilar oilasidan, ilgari sudlanmagan.

27. Farmanov Ibod – 27 yoshda, o‘zbek, ma’lumoti o‘rta, oilali. Narpay rayon Oqtosh qishloq Soveti Yangiariq qishlog‘idan. 1926-1928-yillarda qizil armiya safida xizmat qilgan. 1928-yildan partiya a’zosi, ijtimoiy kelib chiqishi xizmatchi.

28. Jiyanov Karim – 38 yoshda, o‘zbek, ma’lumoti quyi. Kattaqo‘rg‘on rayoni Omon Kalxat qishlog‘idan, yirik yer egasi bo‘lgan. Zarafshon okrug sudi qarori bilan 1929-yilda 3 yilga ozodlikni cheklashga xukm qilingan.

29. Boboyev Ali – 29 yoshda, millati o‘zbek, ma’lumoti quyi. Kattaqo‘rg‘on rayoni Omon Kalxat qishlog‘idan, yirik yer egasi bo‘lgan. Zarafshon okrug sudi qarori bilan 1929-yilda 3 yilga ozodlikni cheklashga xukm qilingan.[18; v-26-27.]

Sudlanuvchilar G‘ofurov, Baltikov, Mahmudov, G‘aniyev, Ibragimov, Navro‘zov, Xamidov, Melik Baxtamovlar Sa’dulla Qosimov ko‘magida Zarafshon okrugidagi sud-tergov ishlariga tayinlangani, ular o‘z mansab lavozimidan foydalanib mavjud tuzumga qarshi aksilinqilobiy harakatlar olib borganlikda, o‘ziga to‘q va boylar, “quloqlar” manfaatini himoya qilganlikda, jinoyatchilar bilan murosachilik qilganlikda ayblanganlar.[19; v-82-86.] Xolboyev va Begimqulovlar xalq sudi lavozimlarida ishlaganda sinfiy jinoyatlarda yengil jazo berganlikda, Bobrov va Kirpichov ximoyachilar kollektivi a’zosi bo‘lgani bilan hujjatlarni qalbakilashtirishda, Xo‘jaqulov pora olganlikda, Farmanov, Jiyanov va Boboyevlar o‘z ayblarini berkitish maqsadida pora berganlikda ayblanganlar.

**Xulosa.** Yuqorida nomlari keltirilgan aybldanuvchilarning “jinoiy ishlari” O‘zbekiston SSR Oliy sudiga yuboriladi va ular turli muddatlarga ozodlikdan mahrum qilinadilar. Huquq-tartibot tizimida faoliyat ko‘rsatayotgan milliy xodimlarni bunday usulda qatag‘on domiga tortish, mustabid sovet hukumatining mustamlakachilik siyosatini amalga oshirishdagi amaliy faoliyatining bir ko‘rinishi edi. Bu siyosat tufayli millatning faxri hisoblangan milliy huquqshunoslar nohaqlik qurboni bo‘ldi.

***ADABIYOTLAR:***


1. *Процесс Касымова и др. начался. // «Правда Востока». 1930 г. 26 марта.*
2. *Приговор по делу бывших судебных работников. // «Правда Востока», 1930 г. 23 июня.*
3. *Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. Тошкент: O'zbekiston, 2019 – 560б.*
4. *Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.*
5. *Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. (Учинчи китоб). – Андижон: Андижон, 2004. – 651 б.*
6. *Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). Uchinchi kitob. – Toshkent: Sharq, 2016. – 464 b.*
7. *Xolid A. O'zbekiston tavalludi: ilk SSSR davrida millat, imperiya va inqilob. – Toshkent: Akademnashr, 2022. – 424 b.*
8. *Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 528.*
9. *Норжигитова Н. "Қосимовчилик" ёхуд ҳуқуқ-тартибот тизими ходимларининг қатағон қилиниши хусусида. //Qonun himoyasida, 2001, №10. 19-21-бетлар.*
10. *Ражабов Қ. Оммавий қатағон сиёсати. // Туркистон, 2001, 24 октябрь.*
11. *Холбоев И.А. "Қосимовчилик" суди жараёни: тарих ва бугунги назар. ILM-FAN (Elektron jurnal) 2022 йил 24 июнь.*
12. *Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20-30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий мухолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида): тарих фан. номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. – Андижон: Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли Андижон давлат университети, 2004. – 178 б.*
13. *Ўзбекистон Миллий Архиви, 1714-фонд, 5-рўйхат, 1485-йиғмажилд, 516-варақ.*
14. *М.Маҳмудов. Барҳаёт сиймолар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – 148.*
15. *«Қосимовчилик» қолдиқлари суд олдида. // «Қизил Ўзбекистон», 1931 йил 12 февраль.*
16. *"Душман кемасининг эшкакчилари» устидан ҳукм чиқарилди. // "Қизил Ўзбекистон". 1931 йил 15 март.*
17. *Ўз МА, 1710-фонд, 1-руйхат, 58-иш, 1-2-варақлар.*
18. *Ўз МА, 1710-фонд, 1-руйхат, 58-иш, 26-27-варақлар.*
19. *Ўз МА, 1714-фонд, 5-руйхат, 475-иш, 82-86-варақлар.*




https://buxdu.uz

UO‘K 93/94

# QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASI TELERADIOKOMPANIYASI FAOLIYATINING SHAKLLANISHI

***Utepbergenova Amangul Kengesbayevna,***
*O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti Nukus filiali*
*Ijtimoiy -gumanitar fanlar kafedrasi katta o‘qituvchisi,*
*tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)*

***Annotasiya.*** *Maqaloda Qoraqalpog‘iston televideniesining shakllanish va rivojlanish davridagi muammolar va yatuqlari yangi arxiv materiallari, xotiralar va boshqa ma’lumotlardan foydalangan holda Qoraqalpog‘iston televideniesining tarixi haqida ma’lumot berilgan.*

***Kalt so‘zlar:*** *televidenie, ommaviy axborot, muharrir, rejissyor, rejissyor yordamchisi, operator, ko‘rsatuv.*

## ФОРМИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИИ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

***Аннотация.*** *В статье кратко рассказывается о проблемах и достижениях телевидения Каракалпакстана в период его становления и развития, с использованием новых архивных материалов, записей и другой информации.*

***Ключевые слова:*** *телевидение, средства массовой информации, редактор, режиссёр, помощник режиссёра, оператор, передача.*

## FORMATION OF THE ACTIVITIES OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN TELEVISION AND RADIO COMPANY

***Abstract.*** *The article briefly describes the problems and achievements of television in Karakalpakstan during the period of its formation and development, using new archival materials, recordings and other information.*

***Keywords:*** *television, media, editor, director, assistant director, cameraman, broadcast.*

**Kirish.** O‘zbekiston Respublikasining milliy mustaqilligi e’lon qilinganidan keyin Qoraqalpog‘iston televidenie va radioeshittirish davlat qo‘mitasiga K.Yerejepov rahbar sifatida tayinlandi. 1991-yil 4-oktyabrda Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashining “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Davlat teleradiokompaniyasi hay’at a’zolarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori qabul qilinadi. Unga ko‘ra, Davlat teleradioqo‘mitasining o‘sha paytdagi raisi K.Yerejepov ushbu hay’at raisi etib saylangan. Qarorga ko‘ra, hay’at a’zolari bo‘lib A.S. Kalbaev (Davlat radio va televideniesi raisining birinchi o‘rinbosari), R. Davletmuratov va M.P. Sadullayev (Davlat teleradioeshittirish kompaniyasi o‘rinbosarlari), A.Davletmuratov (Nukus telemarkazi direktori), J.Paluaniyazov (radioeshittirish bosh muharriri), V.I.Kapustin (ASK sexi boshlig‘i), A.Xudaybergenov (eshittirish targ‘iboti va kengash kotibi) faoliyat ko‘rsatgan[1].

Yuqorida ta’kidlaganimizdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1992-yil 7-yanvardagi “O‘zbekiston Respublikasi Televidenie va radioeshittirish davlat qo‘mitasini O‘zbekiston Davlat teleradiokompaniyasiga aylantirish to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq, 1992-yil 11-martda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Vazirlar Mahkamasi Televidenie va radioeshittirish davlat qo‘mitasini O‘zbekiston Respublikasi Davlat teleradiokompaniyasi etib qayta tashkil etish to‘g‘risidagi qarori qabul qildi. 1992-yil 16-martda “O‘zbekiston Respublikasi Davlat teleradiokompaniyasi to‘g‘risida nizom”ni ishlab chiqish bo‘yicha ishlar boshlandi, tegishli hujjat Davlat teleradiokompaniyasining buyrug‘iga asosan Qoraqalpog‘iston Respublikasida ham ishlab chiqila boshlandi.

**Asosiy qism.** “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Davlat teleradiokompaniyasi to‘g‘risidagi Nizom”ga asos 1992-yil 23-dekabrda Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashining 295/12-sonli qarori muvofiq Qoraqalpog‘iston Respublikasi Davlat ko‘mitasi Qoraqalpog‘iston Respublikasi Davlat teleradioeshittirish kompaniyasiga aylantirildi va u “O‘zteleradio”ning tarkibiy qismi hisoblandi [2].

Shu bilan birga, respublika televideniesi va radioeshittirishlari faoliyatida muhim o‘rin tutgan Qoraqalpog‘iston axborot agentligi faoliyati qayta tashkillashtirildi. Qoraqalpog‘iston axborot agentligi o‘z faoliyatini 1954-yilda O‘zTAG (O‘zbekiston telegraf agentligi) Qoraqalpog‘iston bo‘limi sifatida boshlagan. O‘sha paytlarda bo‘lim asosan TASS axboroti va mahalliy gazeta va radio uchun boshqa rasmiy



https://buxdu.uz

materiallarni qoraqalpoq tiliga tarjima qilish bilan shug‘ullangan. 1976-yilda O‘zTAGning Qoraqalpog‘iston bo‘limi huzurida ma’lumotar tayyorlash tahririyati tashkil etildi. Bo‘lim xodimlari bundan buyon nafaqat tarjima, balki dolzarb mavzularda ma’lumot, maqola va ma’ruzalar tayyorlash bilan ham shug‘ullana boshladilar. Respublika Prezidentining 1992-yil 5-fevraldagi Farmoniga asosan O‘zbekiston telegraf agentligi (O‘zTAG) O‘zbekiston Milliy axborot agentligi (O‘zMAA) etib qayta tashkil etildi va uning negizida Qoraqalpog‘iston axborot agentligi (QQAA) - O‘zMAA Qoraqalpog‘iston bo‘limi tashkil etildi[3].

Respublika aholisining axborotga bo‘lgan ehtiyojini to‘liq qondirish, teleradioko‘rsatuvlarning mohiyati va mazmunini tubdan yaxshilash hamda “O‘zteleradiokompaniya”ning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash maqsadida 1994- yil 28- martda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston Davlat televideniesi va radioeshittirishlari hajmini oshirish, ularning moddiy-texnik bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 167-sonli qarori qabul qilindi[4].

Qarorga ko‘ra, O‘zbekiston televideniesining uchta umummilliy telekanalining uzluksiz ishlashini ta’minlash, kundalik teledasturlar hajmini 16,5 soatga oshirish, shu bilan birga o‘z teleko‘rsatuvlari orqali respublika hududini to‘liq qamrab olish zarurligi belgilandi. Kamida 10 soatlik telemahsulotlarni shuningdek, respublika eshittirishlari hajmini 15 soatga oshirishni nazarda tutgan edi. O‘zbek radiosining ikkinchi kanalini 1994-yilda “Mash’al” dasturi eshittirishini ta’minlash, uning hajmini kuniga 23 soatga yetkazish, uchinchi umumdavlat radioeshittirish kanali foydalanishga topshirilishi bilan “Do‘stlik” dasturining kundalik radioeshittirishlar hajmini 1994-yil oxiriga qadar yetkazish, “Mash’al” to‘lqinida 9 soatgacha efirga uzatiladi va 1995-yilda – 15 soatgacha, 1995-yildan boshlab o‘zini-o‘zi moliyalashtirishga bosqichma-bosqich o‘tish va boshqaruvning samarali usullarini ta’minlash bo‘yicha aniq chora-tadbirlar ishlab chiqish va amalga oshirish, zarur tuzilmalarni yaratish va reklama, tijorat xizmatlari sohasini rivojlantirishni ta’minlash, “O‘zbektelefilm” kinostudiyasining ijodiy faoliyatini yaxshilash, mahsulot hajmini oshirish va sifatini oshirish, hujjatli, ilmiy-ommabop va yuqori badiiy talablarga javob beradigan qisqa metrajli filmlar ishlab chiqarilishi rejalashtirildi[5].

Qarorning amalga oshirililishi davomida Qoraqalpog‘iston teleradiokompaniyasida teleko‘rsatuvlar va radioeshittirishlar hajmi ko‘paymasa ham, mazmuniy tarafdan birqator o‘zgarishlar bo‘ldi. Jumladan, 1994-1995-yillari yangi formatda “Qaraqalpaqstan” radiodasturi, “Túski awıl xojalıǵı esittiriwi”, “Qayırlı tań”, “Turmıs táshiwishleri”, “Miyras”, “Sharqıpálek” radiodasturlari qayta tashkil etilib, respublika aholisi orasida keng e’tiborga erishdi. Radioning moddiy-texnik bazasining ko‘chayishi natijasida dastlab yoshlarga yo‘naltirilgan radiodastur, 1999-yilga kelib radioda “Jaslar” kanali tashkil etildi[6]. Masalan, Qoraqalpog‘iston televideniesining yetakchi muharriri Omirbay Yesbergenovning ta’kidlashicha, 1989-yili Qoraqalpoq davlat universitetini bitirgach, shu davrdagi Qoraqalpog‘iston davlat teleradio ko‘mitasi raisi o‘rinbosori Kenesbay Yerejepov televideniega taklif etgan. “Men avval “Xabar” tahririyatida ishlab, so‘ng “Bolalar va yoshlar tahririyati”ga muharir o‘rinbosori etib tayinlandim. Televidenieda bitta PTS (ko‘chmali televizion stansiya) bor edi, u yam eng ahamiyatli dasturlar yoki musiqiy ko‘rsatuvlarni tasvirlashga alohida ruxsat bilan berilardi. Tumanlarga boradigan bo‘lsak, bizlarga kinoplenka cheklangan holda ajiratilar edi, ajratilsa ham “Kinor” ovozsiz kinoapparati berilardi. Ko‘pincha tumanlarga chiqqanimizda o‘shbu yerdan fotosuratchi topib, obyektlarni tasvirga olardik. 1990-chi yillar boshlarida tahririyatga kelgach, “Xabar” dasturi orqali o‘shbu fotorasmlarni ketma-ket efirga o‘zatib, diktorga matnni tayorlab berardik. Boshqa dasturlarga odamlarni studiyaga chaqirib, jonli efir orqali uzatardik. Studiyaning o‘zida yozib olish, materiallarni montajlash uchun 1-2 apparat bor edi holos. 1994-yillari tashqarida intervyu va tasvirga olish imkoniyotini beradigan TJK apparati olib kelindi. Shu vaqtda televidenieda ishlaydigan 30 jurnalist uchun bu umuman yetmasdi, shu sabab ko‘pchilik qadimgi plyonkali “Kinor”dan foydalanib yurdik”[7].

O‘zbekiston Respublikasiga hizmat ko‘rsatgan jurnalist B.Yesmurzaevning eslashicha, televidenie jurnalistlari 12 millimetrli plyonka bilan ishlaydigan “Kinor” ovozsiz kinoapparatidan foydalanardi: “Agar kinoapparat yetishmasa, fotorasmlarga olib, reportaj efirga o‘zatilganda, shu rasmlarni ketma-ket yuborib, efirdan tashqarida matn o‘qilardi. 1990-chi yillari esa kassetali videokameralar davri keldi[8].

Qoraqalpog‘iston teleradiokompaniyasining faoliyatiga katta ta’sir etgan xukumat qarorlarining biri 1996-yil 24-mayda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekiston teleradiokompaniyasini tashkil etish va uning xizmati masalasi haqida”gi qarori hisoblanadi. Unga muvofiq, 1996-yil 4-iyulda Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi Qoraqalpog‘iston Davlat teleradiokompaniyasini Qoraqalpog‘iston Respublikasi Davlat teleradiokompaniyasi (QQteleradio)ga aylantirish to‘g‘risida qaror qabul qildi. Qoraqalpog‘iston Respublikasi Davlat teleradiokompaniyasining yangi tarkibi 271 kishilik shtat (shundan 15 nafari M.Tajimuratov boshchiligidagi ma’muriy-boshqaruv xodimlari)dan iborat edi[9].

Bu jarayon 2000- yilargacha davom etdi. Qoraqalpog‘istonga hizmat ko‘rsatgan madaniyat arbobi Abilqosim Otepbergenovning eslashicha, mustaqillikning dastlabki yillari teleraidokompaniyada aytarlikday yangilik bo‘lmagan: eski texnika, transpolrt yetishmovchiligi, studiyalarning torligi, rejissura darajasi ham



https://buxdu.uz

past bo‘lgan. “Katta burilish 2002-yildan boshlanadi. Telemarkaz yangi texnika bilan jihozlanib, keng katta studiya qurildi, birinchi marta “Assalauma aleykum, Qaraqalpqstan!” dasturi efirga uzatildi. Ammo hali yam rejisserlar tayorlash masalasi muhim buli qolaverdi, ko‘pchiligi o‘rta mahsus ta’limga ega buldi”[10].

2002-yilda Qoraqalpog‘iston Respublikasi Davlat teleradiokompaniyasi Qoraqalpog‘iston Respublikasi teleradiokompaniyasi etib qayta tashkil etildi. Darvoqe, o‘sha yilning 1-iyundan boshlab ilk bor “Assalao‘ma aleykum, Qaraqalpaqstan!” nomli bir soatlik tongi ko‘rsatuv efir yuzini ko‘rdi. 2005-yil 8-noyabrda O‘zbekiston teleradiokompaniyasi O‘zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi etib qayta tashkil etildi. Uning tarkibida “O‘zbekiston teleradiokanali” (“O‘zbekiston” telekanali va “O‘zbekiston” radiokanali negizida), “Sport” teleradiokanali (“Sport” telekanali negizida) davlat unitar korxonalari va “Toshkent” teleradiokanali (“Toshkent” telekanali va “Do‘stlik” radiokanali negizida), “Yoshlar” teleradiokanali” aksiyadorlik jamiyati (“Yoshlar” telekanali negizida), va “Yoshlar” teleradiokanali” aksiyadorlik jamiyati aksiyalarining 50 foizi davlat mulkida qolib, 50 foizi esa O‘zbekiston yoshlar ittifoqi ulushi hisoblanadi. O‘zbekiston MTRKga berilgan “Yoshlar” teleradiokanali aksiyadorlik jamiyatining davlat ulushini boshqaradi. “Respublika telemarkazi”, “Respublika radioeshittirish va ovoz yozish uyi” va “Nukus teleradiomarkazi” korxonalari “Respublika teleradiomarkazi” davlat unitar korxonasiga birlashtirildi. Qoraqalpog‘iston teleradiokompaniyasi ham O‘zbekiston MTRK tarkibiga kirdi va Davlat teleradiokompaniyasi maqomini oldi[11].

2002-yildan boshlab Qoraqalpog‘iston davlat teleradiokompaniyasi faoliyatida yangi bosqich boshlanadi. Ya’ni shu yillari kompaniya rahbari bo‘lib ishlagan M.Sadullaevning ta’kidlashicha, aholi talablaridan kelib chiqib, eski fikr, eskicha ta’riflanadigan ko‘rsatuvlar va eshittirishlarni olib tashlab, ijodiy jamoa zamon talabiga mos yangi ko‘rsatuvlarni tayorlashga jiddiy kirishgan. “Tomashabinlarning didiga mos bo‘lmagan va bir-birini takrorlaydigan teleko‘rsatuvlar biriktirilib, ayirimlari olib tashlandi. Telekanal dasturlari setkasiga yangi ko‘rsatuvlar kiritildi. Shu bilan birga boshqa televidenie va telekanallardagidek harajati ko‘p reklama beruvchilar, homiylarning ozligi sovg‘ali shou o‘yinlarini, ko‘satuvlarni tashkillashtirishga to‘siq buliyabdi”.

Shu davrda Qoraqalpog‘iston radiosida ham katta o‘zgarishlar amalga oshirildi. Qoraqalpog‘iston radiokanalining “Musiqiy va ko‘ngilochar dasturlari” bosh tahririyati Bosh muharriri Dilbar Raxmanovaning ta’kidlashicha, shu davrgacha radiokanalda 3 tahririyat emas, olti bo‘lim ishlardi, bo‘lim boshliqlari hozirgi bosh muharir vazifasini bajarardi. Mustaqillikdan avvalgi davrda televidenieda “Televizion miniatyuralar teari”, “TEZ” (“Tapqırlar, epshiller, ziyrekler”), “Bayterek” televizion tanlovlari, “Dúnya hápte ishinde”, “Keshki diydar” dasturi, radioda esa “Tikenek” satirik radiojurnali, “Jaslıq”, “Naupir” eshittirishlari xalq orasida keng tarqalgan edi. 2000-yillar boshlarida “Qoraqalpog‘iston” radiokanalida bo‘lim boshlig‘i lavozimida ishlab yurib, berilgan imkoniyatlardan foydalanib, yangi eshittiruvlar tashkilashtirdik. Masalan, “Agrar-iqtisodiy tahririyati” bosh muharriri bo‘lib ishlab, “Qaraqalpaqstan sharwaları”, “Xazireti diyxan”, “Suw – tirshiliktiń arqawı” nomli eshittirishlar tayorlash imkoni mavjud bo‘ldi”[12].

2012-yilning 1-iyunidan boshlab Qoraqalpog‘iston telekanalining ko‘rsatuvlarida bir-birini takrorlovchi, mazmunan yaqin ko‘rstauvlar soni qisqartilib, biriktirildi va yangi 16 nomdagi ko‘rsatuvlar tashkillashtirildi. Shuningdek, ma’naviy-ma’rifiy mazmundagi 30 ga yaqin ko‘rsatuvlar efir orqali yoritilmoqda. Har yili Mustaqillik bayrami arafasida har bir shahar va tumanlar miqyosida radio va telefestivallar tashkil etish an’anaga aylangan.

Qoraqalpog‘iston Respublikasi teleradioeshittirishlarining yangi bosqichi 2013-yilning aprel oyidan boshlanib, “Qoraqalpog‘iston” telekanali ko‘rsatuvlari raqamli eshittirish tarmog‘iga joriy etilgandan so‘ng boshlanadi. Shu paytdan boshlab yangi davr – Qoraqalpog‘iston teleradioeshittirish tarmog‘ini raqamlashtirish davri boshlanadi[13].

**Xulosa** qilib aytganda, 1990- yillari qayd etilgan normativ-huquqiy hujjatlar asosida Qoraqalpog‘iston Respublikasi teleradiokompaniyasi faoliyati qayta tashkillashtirilib, televidenie va radio tomonidan yaratiladigan axborot va boshqa mahsulotlarning moneliksiz tarqatilishi, axborotni qidirish, olish va ishlab chiqarish, ularga egalik qilish, tasarruf etish, televidenie va radio mahsulotini yaratish va tarqatishda ishlatiladigan materiallar va homashyolar, texnik vositalar va asbob-uskunalarni ishlab chiqarish, sotib olish, saqlash hamda ekspluatatsiya qilish va boshqa masalalar bozor iqtisodiyoti talablari hamda demokratik andozalarga mos ravishda tartibga solindi.

***ADABIYOTLAR:***

1. *QR MDA, R-322-f. 1-ruyh. 3768-ish. – B. 40.*
2. *QR MDA, R-322-f. 1-ruyh. 3782-ish. – B. 36.*
3. *QR MDA, M-500-f. 1-ruyh. 34-ish. – B. 123.*



https://buxdu.uz

4. QR MDA, M-500-f. 1-ruyh. 34-ish. – B. 116.

5. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1994-yil 28-martdagi «O‘zbekiston Respublikasi davlat televidenie va radioeshittirish kompaniyasining ko‘rsatuv va eshittirishlari hajmini ko‘paytirish, uning moddiy-texnika negizini mustahkamlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi 167-son Qarori // https://lex.uz/ru/docs/685400

6. B.Yesmurzaevning ma’lumoti. – Nukus, 2021.

7. D.Raxmanovaning ma’lumoti. – Nukus, 2021.

8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1996-yil 7-maydagi “O‘zbekistonning ijtimoiy taraqqiyotida televidenie va radioning rolini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-1462-son Farmoni // https://lex.uz/ru/docs/176560

9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005-yil 8-noyabrdagi “Mustaqil teleradiokanallarni isloh qilish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-3678-son Farmoni // https://lex.uz/docs/902646

10. A.Otepbergenovning ma’lumoti. – Nukus, 2022.

11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005 yil 8-noyabrdagi “Mustaqil teleradiokanallarni isloh qilish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-3678-son Farmoni // https://lex.uz/docs/902646

12. Садуллаев М. Телевидениениң жәмийеттеги орны артып бармақта // Еркин Қарақалпақстан. – Нөкис, 26-июн 2003.

13. Qoraqalpog‘iston Respublikasi Davlat teleradiokompaniyasining joriy arxivi. 2007-yil.



https://buxdu.uz

UO‘K 910.4 (091):94.(584.4)

# BUXORO AMIRLIGI JANUBIY HUDUDLARI TARIXIY DEMOGRAFIK JARAYONLARINI O‘RGANISH MAVZUSINING NAZARIY-USLUBIY ASOSLARI (XIX ASRNING IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARI)

***Xolmuminov Xusan Eshmo‘minovich,***
*Termiz davlat universiteti professori v.b, f.f.d*
*xusan_75xolmuminov@mail.ru*
*https://orcid.org/0009-0003-6634-6020*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada Buxoro amirligi janubiy hududlari tarixiy demografik jarayonlarini o‘rganish mavzusining nazariy-uslubiy asoslari tahlili bayon etiladi. Jumladan, tarixiy demografik jarayonlarni ilmiy-metodologik jihatdan yoritishda tarixiylik, qiyosiy-tarixiy tahlil va fanlararo yondashuv va boshqa ko‘plab uslublardan foydalanishning ilmiy ahamiyati masalalari tahlil etilgan.*

***Kalit so‘zlari:*** *tarixiy demografik jarayonlar, nazariy-uslubiy metodlar, tarixiylik, qiyosiy-tarixiy tahlil va muammoviy-xronologik yondashuv.*

## ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ТЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИКО-ДЕМОГРАФИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ЮЖНЫХ РЕГИОНАХ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА ( ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА )

***Аннатоция.*** *В данной статье описан анализ теоретико-методологических основ темы изучения историко-демографических процессов южных регионов Бухарского эмирата. В частности, были проанализированы вопросы научной значимости использования историчности, сравнительно-исторического анализа и проблемно-хронологического подхода и многих других методов в научно-методологическом освещении историко-демографических процессов.*

***Ключевые слова:*** *историко-демографические процессы, теоретико-методические методы, историчность, сравнительно-исторический анализ и проблемно-хронологический подход.*

## THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF THE TOPIC OF STUDYING THE HISTORICAL DEMOGRAPHIC PROCESSES OF THE SOUTHERN REGIONS OF BUKHARA EMIRATE (THE SECOND HALF OF THE 19TH CENTURY - THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY)

***Abstract.*** *This article describes the analysis of the theoretical and methodological foundations of the topic of studying the historical demographic processes of the southern regions of the Bukhara Emirate. In particular, issues of the scientific importance of using historicity, comparative-historical analysis and interdisciplinary approach and many other methods in the scientific-methodological coverage of historical demographic processes were analyzed.*

***Keywords****: historical demographic processes, theoretical-methodological methods, historicity, comparative-historical analysis and problem-chronological approach.*

**Kirish.** XXI asrga kelib dunyoning barcha mamlakatlarida demografik jarayonlarni yanada kengroq o‘rganish hamda aholi soni va ijtimoiy muammolarni ilmiy tahlil etishda arxiv hujjatlari, statistik hamda tarixiy demografik ma’lumotlar muhim o‘rin tutmoqda. Aholi demografik jarayonlariga oid ma’lumotlar har bir davlatning ijtimoiy - iqtisodiy rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lib, xalqaro tashkilotlar tomonidan aholi soni hamda uning milliy tarkibini o‘rganish, shuningdek, turli millat vakillarining o‘zaro hamjihatligini ta’minlash, mehnat resurslaridan oqilona foydalanish, ularni taqsimlash ishlarida aholini ro‘yxatga olish haqidagi statistik ma’lumotlarning o‘rni muhim bo‘lib hisoblanadi.

Aholishunoslik muammolarini o‘rganish borasidagi ilmiy konsepsiyalar Buxoro amirligi va uning janubiy vohalari aholisi ijtimoiy turmush tarzi va madaniyati, aholi migratsiyasi va urbanizatsiya masalalarini yangicha nazariy uslublarda tadqiq etishda dolzarb ahamiyat kasb etadi.

**Adabiyotlar tahlili va metodologiya.** Tadqiqot mavzusining nazariy-metodologik asoslarini ishlab chiqishda tarixiy-demografiya yo‘nalishi bo‘yicha yetuk olimlardan D.I.Valentey, B.S.Urlanis, V.V. Ivanov, A.P.Pronshteyn S.I.Bruk, V.A.Borisov, va boshqalarning asarlaridan ham foydalanildi. O‘zbekistonda aholi demografiyasiga oid ma’lumotlarni olishda Mullajonov, R.L. Ubaydullaeva, O.B.Ata-Mirzaev, M.B.



https://buxdu.uz

Bo‘rieva, V.L.Gentshke, A.S.Soliev, R.H.Murtazaeva va boshqa olimlar asarlaridan unumli foydalanildi.. Shuningdek, Z.Ilhomov, N.Shermuhammedova, V.Alemasov, Sh.Mamadaliev va S.Shadmanovalarning asarlarida mavzu metadologiyasining nazariy jihatlari keltirib o‘tilgan.

Tadqiqotda tizimlilik, statistik, retrospektiv, dialektiv yondashuv metodlariga ko‘ra o‘rganilayotgan masalaning turli jihatlari, ya’ni demografik jarayonlar bilan ijtimoiy-iqtisodiy hayot yagona birlik sifatida tahlil etish, muayyan tarixiy davrning turli jabhalarini o‘zaro dialektik aloqadorlikda o‘rganish, tarixiy davrning turli yillarida mintaqadagi iqtisodiy hayot, aholining ijtimoiy ahvoli, milliy tarkibi, demografik holati, aholining turmush tarzi, aholi sonining o‘sishi, dalil va raqamlar asosida qiyosiy tahlil etish imkoniyatiga ega bo‘lindi.

**Natija va muhokama.** Dunyo miqyosida kechayotgan globallashuv jarayonlari va turli tarixiy davrlarda mintaqalararo hamkorlik tizimining takomillashuvi milliy an’analarga hamda turli tarixiy mintaqalarga xos lokal jihatlarga jiddiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bugungi rivojlangan jamiyatda milliy madaniyatlarning o‘rni va ahamiyati hamda ularning saqlanib qolish omillari hamda turli mintaqalar aholisining demografik muammolarini o‘rganishga jiddiy e’tibor qaratish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Ayniqsa, har bir tarixiy jarayonlarni ilmiy nazariy-metodologik jihatdan o‘rganish zaruratini tug‘diradi.

Shuningdek, bugungi kunda respublikada yuz berayotgan muhim yangilanishlar jarayoni, xususan, ochiqlik, oshkoralik va demokratik tamoyillarga asoslangan holda yuritilayotgan siyosat, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-- yil 28 yanvardagi PF-60-sonli “2022–2026- yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni [1:13]. to‘rtinchi ustuvor yo‘nalishiga oid 50-maqsadda belgilangan “Erkin va ijodiy fikrlaydigan va intellektual rivojlangan avlodni tarbiyalash, yoshlarning ma’naviyati va madaniyatini yuksaltirishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlar”ni” amalga oshirishga oid vazifalar tarix fanining zimmasiga ham ulkan mas’uliyat yuklamoqda.

Bunda, eng avvalo, Vatan tarixini xolisona tarzda talqin etish, uzoq va yaqin tarixida yuz bergan voqeliklarga tarixiy haqiqat mezonlari asosida yondashuv, ajdodlar qoldirgan boy tarixiy va ma’naviy merosdan unumli foydalanish, yosh avlodni yuksak tarixiy an’analar asosida tarbiyalash, ularda ota-bobolar tarixiga hurmat, ajdodlar qoldirgan ma’naviy merosga dahldorlik hissini shakllantirish vazifasi muhim o‘rin tutadi. Mustaqillik yillarida O‘zbekistonda tarix fanida yangicha yondashuv tamoyillariga jiddiy e’tibor berilmoqda. Xususan, tarix fani sohasida amalga oshirilgan so‘nggi tadqiqotlarda tarixiylik, haqqoniylik, muqobil yondashuv, aniqlik, tarixiy manbalarga asoslanish, tizimlilik, uzviylik, xolislik, tarixshunoslik an’analariga amal qilish kabi tamoyillar tarixnavislik kontekstida muhim o‘rin tutmoqda.

Demografiya (*lotincha*, demos xalq, grafio o‘rganaman) – muayyan makon va zamon sharoitida iqtisodiy va ijtimoiy omillar bilan yaqin aloqada bo‘lgan aholining rivojlanish hamda ko‘payish haqida fan hisoblanadi [2:248]. Demografiya shuningdek, har yili turli sabablarga ko‘ra, vafot etgan aholi o‘rnini yangi dunyoga kelgan avlod hisobiga to‘ldirib borish qonuniyatlarini ijtimoiy-tarixiy sharoitlarga bog‘liq holda o‘rganadigan fandir [3:97].

Shuningdek, fan sifatida demografiyaning obyekti ko‘payish jarayonida o‘z-o‘zini yangilaydigan aholi (odam-inson populiyatsiyasi) hisoblanadi. Zamonaviy demografiyaning predmeti esa bu inson populiyatsiyasi yoki ijtimoiy- biologik agregat sifatida ko‘payish, ya’ni aholini tabiiy takror hosil qilish qonuniyatlaridir[4:147]. Jumladan, ilmiy adabiyotlarda keltirilishicha, demografiya insonning bir qancha metodologik uslublar asosida inson populiyatsiyasi va uning tug‘ilish, o‘lish va migratsiya (ko‘chib yurish) jarayonlaridagi rivojlanish natijalaridagi o‘zgarishlarni o‘rganadi [5:298].

Demografiya metodi esa o‘z predmetini o‘rganadigan o‘ziga xos usullar majmui sifatida “nazariy tahlil, statistik o‘zgarishlar, amaliy siyosatni belgilash yoki aniqlash va ilmiy prognozning birligidir” [6:127].

Demografik hodisalarning qonuniyatlari bo‘yicha birinchi tadqiqotlar XIX asr oxirida amalga oshirilgan bo‘lib, uyg‘onish davri o‘zi bilan falsafa va yangi qadriyatlar tizimini olib keldi. Bunday sharoitda ijtimoiy hodisalarni tahlil qilishda matematik usulni qo‘llashga urinish tabiiy edi.

Ingliz olimi, statistik, demograf, inson ko‘payishi qonuniyatlarini asoschisi J.Grauntning (1620-1674) “O‘lim byulletenlari asosida tabiiy va siyosiy kuzatishlar (Yestestvennыe i politicheskie nablyudeniya, sdelannыe nad byulletenyami smertnosti, 1662)” kitobida jamiyatni raqamlar orqali o‘rganish mumkin degan statistik yondashuvni taklif etadi[7:34]. U aholining tabiiy harakati to‘g‘risidagi ma’lumotlarni tahlil qilish natijasida demografik jarayonlarning rivojlanishida ma’lum tartib mavjud degan xulosasida ijtimoiy-iqtisodiy qonuniyatlarning ta’sirini ko‘rsatib o‘tgan. Shuningdek, J.Graunt demografiya faniga asos solgan shaxs sifatida XIX – XX asrlarda demografiya aholi statistikasi, sotsiologiya va boshqa ijtimoiy-iqtisodiy hamda siyosatshunoslik fanlarining gurkirab rivojlanayotgan davrida tan olingan.

Bu o‘rinda aytish mumkinki, J. Graunt davrida, ya’ni XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlab bilimlarning intensiv tarzda yig‘ilishi davri boshlandi, faqatgina yuz yillardan so‘ng siyosiy iqtisod, tarix, huquqshunoslik, jumladan, statistika va qisman sotsiologiya kabi fanlarga ajralish jarayoni boshlangan.



https://buxdu.uz

Tarixan olib qaraganda, demografiyada ilmiy o‘rganishning birinchi obyekti odamlar o‘rtasidagi o‘lim bo‘ldi. Avlodlar o‘limi xaqidagi bilimlar umr ko‘rish davomiyligini (tug‘ilish darajasi muqim bo‘lsa, aholi soni ham barqaror bo‘ladi) aniqlash hamda hayotni sug‘urtalashda umr ko‘rish davomiyligiga bog‘liq ravishda sug‘urta to‘lovlari miqdorini hisoblab chiqish imkonini berar edi.

XIX – asr ikkinchi yarmi XX asr boshlarida Buxoro amirligining janubiy vohalarida aholining demografik holatiga ta’sir etuvchi obyektiv va sub’ektiv omillarning sabab va mohiyati aniq dalillar asosida tahlil etilishi mintaqada yashayotgan aholining soni, ijtimoiy tarkibi, yashash sharoiti, migratsiyasi hamda uning demografik holat bilan bog‘liq jihatlarini ochib berishda muhim o‘rin tutadi[8:114].

Shuningdek, aholi demografik jarayonlarini o‘rganish jarayonida sivilizatsiyaviy va geografik determinizm kabi yondashuvlar ham muhim o‘rin tutadi. Bunda tarixiy jarayonlarga tabiiy iqlim sharoiti atrof-muhitning o‘ziga xos xususiyatlari inobatga olinadi. Xususan, voqelikka baho berishda mintaqaning geografik joylashuv xususiyatlari, iqlim sharoiti bilan bog‘liq jihatlar ham tahlil etildi. Bunda mintaqa aholisining demografik holati, ijtimoiy ahvoli va xo‘jalik yuritish bilan bog‘liq faoliyati ko‘p jahatdan atrof-muhitga va iqlim sharoitlarga bog‘liq ekanligi asoslanadi. Chunki Buxoro amirligining janubiy vohalaridagi bekliklarning geografik joylashuvi, amirlikdagi boshqa bekliklardan ancha farq qilgan. O‘rganilayotgan hududda yashayotgan aholining ko‘chmanchi, yarim ko‘chmanchi va o‘troq turmush tarzi bilan bog‘liq tarzda xo‘jalik yuritish faoliyati aynan mintaqaning geografik joylashuvi va iqlim xususiyatlariga chambarchas bog‘liq bo‘lgan [9:521].

Shuningdek, demografik jarayonlarga baho berishda haqqoniylik tamoyiliga amal qilish asosida Buxoro amirligining demografik holatining mintaqadagi boshqa xonliklardan farqi o‘ziga xos boshqaruv usuli, aholisining milliy tarkibi, turmush tarzi, xo‘jaligi bilan bog‘liq jarayonlarni aniq manbalarga tayanib tahlil etildi. Shu asosda demografik jarayonlar bilan bog‘liq o‘zgarishlar hamda muammolarning mazmun va mohiyati ochib berildi[10:98].

Hozirgi kunda demografiya jarayonlarini turli tabiiy va ijtimoiy-gumanitar fanlar kesimida o‘rganilayotganligini ko‘rish mumkin. Jumladan, tibbiyot, geografiya, iqtisod, sotsiologiya, pedogogika, matematika, etnografiya, falsafa va boshqalarni ko‘rsatib o‘tish joiz. Ayniqsa, tarix fanining ma’lum bir tarixiy jarayonlarida aholi demografiyasini o‘rganish va uni asoslash hudud, xalq, millat va elat, boshqaruv hokimiyati, tabiiy hamda sun’iy jarayonlar ta’sirida kechishini tarixiy hodisalar va daliliy faktlar asosida yoritishni talab etadi.

Hozirgi kunda jahonning ko‘plab olimlari o‘z asarlarida tarix fanining tadqiqot usullarini turlicha tasniflab berishgan [11:124]. Ammo shunga qaramasdan bu masalada hanuzgacha yaxlit ilmiy xulosaga kelinmagan. Chunki muayyan tarixiy jarayonni, xusasan, XIX ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Buxoro amirligi janubiy hududlari (Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlari) misolida tadqiq etishda ko‘plab fanlar bilan bog‘liq masalalar tahlil etilganligi bois o‘ziga xos yondashuv bo‘lib hisoblanadi.

O‘zbekistonda ham demografiyaning rivojlanishi o‘z tarixiga ega bo‘lib, demografik bilimlar juda qadimdan mavjud bo‘lgan. Bunga qadimgi qo‘lyozmalar, arxeologik yodgorliklar va ilmiy manbalar guvohlik beradi. Ammo O‘zbekistonda maqsadli tarzda demografik tadqiqotlarni o‘tkazish 1960-yillardan boshlangan. Chunki bunga sabab asosiy manbalar, eng avvalo, demografiya statistikasi ma’lumotlari yetishmagan, umuman, amalda fanning mazkur sohasi bo‘yicha yetarlicha ishlar amalga oshirilmagan[12:487].

O‘zbekistonda demografiya fanini rivojlantirishda, ayniqsa, demograf olim M.K.Koraxonovning xizmatlari a’lohida o‘ringa ega bo‘lib hisoblanadi. Olimning faol izlanishlari natijasida mamlakatimizda XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlab, demografik tarixini tiklab, O‘zbekiston aholisining son va sifat xususiyatlarini, tug‘ilish, o‘lim, nikoh va ajralish kabi demografik jarayonlarni ilk bor kompleks o‘rgangan xamda demografik tadqiqotlarni amalga oshirgan [13:251].

Demografik jarayonlarni yoritishda tizimlilik, statistik, retrospektiv, dialektiv yondashuv metodlari ham muhim ahamiyat kasb etib, unda o‘rganilayotgan muammoning turli jihatlari, ya’ni demografik jarayonlar bilan ijtimoiy-iqtisodiy hayot yagona birlik sifatida tahlil etish, muayyan tarixiy davrning turli jabhalarini o‘zaro dialektik aloqadorlikda o‘rganish, tarixiy davrning turli yillarida mintaqadagi iqtisodiy hayot, aholining ijtimoiy ahvoli, milliy tarkibi, demografik holati, aholining turmush tarzi, aholi sonining o‘sishi, dalil va raqamlar asosida qiyosiy tahlil etish imkoniyati yaratiladi[14:24].

**Xulosa** qiladigan bo‘lsak, o‘rganilayotgan mintaqaning turli hududlarida demografik jarayonlardagi o‘zgarishlar, aholining yashash tarzi, turmush sharoiti va transformatsion jarayonlarining sohaga ta’siri mavhum masalalarga aniqlik kiritish o‘sha davr holati yuzasidan zaruriy ilmiy xulosalar ishlab chiqarish hamda taklif va tavsiyalarni bayon qilishda retrospektiv metod muhim o‘rin tutadi. Shuningdek, demografik jarayonlarni ilmiy tadqiq etishda ijtimoiy fanlar, jumladan, tarixiy tadqiqotlar davomida keng qo‘llanilgan ijtimoiy demografiya, sivilizatsion va modernizatsion yondashuvlar uslublari ham muhim o‘rin tutadi.



https://buxdu.uz

**_ADABIYOTLAR:_**

*1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni: // Xalq so‘zi. 2022 yil 1 fevral. 22-son. https://lex.uz/uz/docs/-5841063.*

*2.O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. – T.3. – Toshkent, 2002. – B.248.*

*3. Ата-Мирзаев О. Генцике В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент: Медицинская литература им. А.А.Ибн Сины, 1998; С.97*

*4.Bo‘rieva M. O‘zbekistonda oila demografiyasi. – Toshkent: Universitet, 1997. – B. 147.*

*5. Medkov V.M. Demografiya. Ucheb. posb. – Rostov na-Donu, 2002. – S.298 .*

*6. Bobojonova D. O‘zbekistonda demografik jarayonlar va ularning xususiyati. – Tashkent: Fan, 1995. B. 127.*

*7. Граунт Дж. Энциклопедия статистических терминов. – Т.8. Выдающиеся отечественные и зарубежные учёные в области статистики. – Москва: Федеральная служба государственной статистики, 2011. – С.34.*

*8. Murtazaeva R.H. O‘zbekistonda millatlararo munosabatlar va tolerantlik. Darslik. – Toshkent: Go To Print, 2020. – b 114.*

*9. Холмуминов Х. Е. Социально-культурные процессы в Сурхандарьинской области в начале XX века //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 5. – С. 521.*

*10. Миграция населения. Сборник научных трудов. – Т, 1981. – С. 98.*

*11.Shermuxammedova N.A. Ilmiy tadqiqot metodologiyasi. Darslik. – T.: Fan va texnologiya, 2014. B 124*

*12. Холмуминов Х. Е., Ешмуминов О. З. Влияние советской политики на миграционные процессы в Узбекистане (на примере Сурхандарьинской области, 1930-1950 гг.) //Бюллетень науки и практики. – 2020. – Т. 6. – №. 12. – С. 487.*

*13. Караханов М.К. Не капиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т, 1983.С 251.*

*14.Shadmanova S. Tarix tadqiqotlarining metodologiyasi va zamonaviy usullari/Darslik. – Toshkent: Barkamol fayz media, 2018. – B. 24.*



https://buxdu.uz

УЎК 93/94

## БУХОРОДАГИ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРДАГИ БИТИКЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

***Жумаев Аббосжон Акмалович,***
*Зармед университети ўқитувчиси*

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада Бухородаги меъморий обидалар ва зиёратгоҳлардаги битиклар тўғрисида маълумотлар берилган. Буюк аждодларимиз томонидан яратилган Бухородаги меъморий обидалар ва зиёратгоҳлардаги битиклар меъморчиликнинг ажойиб намуналари сифатида сақланиб қолганлиги аниқ далиллар билан изоҳланган. Маҳобатли биноларнинг қадимий деворларига эса нафис хаттотлик ёзувлари билан безаклар берилгани тарихий таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *битик, битиктош, эпиграфика, қабртош, зиёратгоҳ, меъморий ёдгорликлар, хаттотлик, Қуръон оятлари, ҳадислар, сулс, нахс ёзувлари, меъморий безаклар, нақшлар.*

## ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ НАДПИСЕЙ НА ПАМЯТНИКАХ АРХИТЕКТУРЫ И СВЯТЫНЯХ БУХАРЫ

***Аннатоция.*** *В данной статье представлена информация об архитектурных памятниках и надписях на святынях Бухары. Приводится наглядное свидетельство того, что архитектурные памятники и святыни в Бухаре, созданные нашими великими предками, сохранились как прекрасные образцы архитектуры. Древние стены величественных зданий были украшены изящными каллиграфическими надписями.*

***Ключевые слова:*** *надпись, эпиграфика, надгробие, святыня, памятники архитектуры, каллиграфия, аяты Корана и хадисы, сочинения сульс, накс, архитектурные украшения, узоры.*

## HISTORICAL ANALYSIS OF INSCRIPTIONS ON ARCHITECTURAL MONUMENTS AND SHRINES IN BUKHARA

***Abstract.*** *This article provides information about architectural monuments and inscriptions in shrines in Bukhara. It is given with clear evidence that the architectural monuments and shrines in Bukhara, created by our great ancestors, have been preserved as excellent examples of architecture. The ancient walls of majestic buildings were decorated with elegant calligraphic inscriptions.*

***Keywords:*** *inscription, inscription, epigraphy, gravestone, shrine, architectural monuments, calligraphy, verses of the Qur'an and hadiths, suls and nax writings, architectural decorations, patterns.*

**Кириш.** Мамлакатимизда миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, уларнинг хоки абадий қўним топган мақбараларни обод қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бухоройи Шариф ўзининг меъморий обидалари-мадраса, масжид, хонақо, мақбаралари кўплиги ва қадимийлиги ва улардаги битикларга бойлиги бутун дунёда алоҳида ўринда туради.

Битик деганда тор маънода-ёзув, хужжат деган маънони англатган. Битиклар турли ҳажмда бўлган. Улар қабр тошларига, мармар тош, ойна, тери ва қояларга, сопол, ёғоч, металл идишларга ёзилган[1]. Хусусан, битиклар ҳақида гапирганда биринчи илк битикларга мурожаат қиламиз. Ўрхун–Энасой обидалари V-VII асрларда қадимги турк тилидаги ва ёзувидаги тарихий ёдгорлик сифатида қадрли. Мўғулистондаги Ўрхун ва Жанубий Сибирдаги Энасой дарёлари соҳилларида топилгани учун ҳам шундай номланган. Мўғулистондан Шимолий денгизларгача, Уралдан Сахалинга қадар давом этган ҳудудда шу ёзувдаги ёдномалар учрайди. Шимолий Кавказда XV асрда ҳам Ўрхун ёзувидан фойдаланилган. Ўзбекистон ҳудудидадан 20 дан ортиқ туркий–рун ёзуви ёдгорликлари топилган. Йирик Ўрхун битиклари Култигин, Билга хоқон, Тўнюқуқ ва бошқа бу ёзувдаги ёдномалар адабий манба сифатида қаҳрамонлик қисса ва достонларига мазмунан яқин келади. Култигин битиктоши 732 йил Турк хоқонлиги(551–745)нинг лашкарбошиси шарафига ўрнатилган. Битиктош икки қисмдан: Кичик ва Улуғ битикдан иборат. Ватан манфаати йўлида хизмат қилиш, мамлакатнинг мустаҳкам, осойишта бўлиши учун кураш битиктошларда бош мақсад экани айтилади. Асарда Табғач, Тибет, Суғд, Тургаш, Қирғиз каби жой номлари тилга олинган. Энасой битиклари марсия ва мадҳия жанрларида берилган.



https://buxdu.uz

Битиктошлар XIX аср охирларида топилиб, У.Томсен томонидан ўқилган ва илмий муомалага киритилган. Баъзи ёдгорликлар дешифровка қилинган эмас. АҚШ, Полша, Венгрия, Финляндия ва Туркияда ҳам ўрганилган. Россияда В.Радлов, С.Малов, И.Стеблева ишлари маълум. Ўзбекистонда Фитрат, А.Қаюмов, Н.Раҳмоновлар асардан намуналар ва тадқиқот ишларини чоп қилдирган [2].

**Муҳокама ва натижалар.** Бухорода ўрта асрлар меъморий безакларида меъморий ёдгорликлар, нафақат санъат дурдоналари, айниқса, эпиграфика деб аталмиш хаттотликнинг ҳайратомуз намуналарида илдизларимиз, ёрқин намоён бўлган ўзлигимиз, ўтмишимиз, аждодларимиз маънавий тарихини англашнинг яна бир имконияти ҳисобланади. Архитектурада “эпиграфика” (юнонча — битик)нинг қўлланилиши тегишли ҳудуд ёки миллатнинг диний эътиқоди ва қарашларидан келиб чиқиб амалга оширилган. Эпиграфика-юнонча битик маъносини англатиб, қаттиқ жисмлар-тош, металл, сопол ва бошқалардаги, асосан, қадимий ва ўрта асрларга оид ёзувлар (битиклар)ни тўплаш, нашр этиш ва шарҳлаш билан шуғулланувчи ёрдамчи тарих фани бўлиб ҳисобланади. Аслида эпиграфик ёдгорликлар деб қадимий битиклар айтилади. Уйғониш даврида, антик ва шарқ тарихига умумий қизиқиш кучайиши муносабати билан вужудга келган. Дастлаб эпиграфика фақат Италия, Греция, Шим. Африка ва Фаластинда топилган қадимий ёзувларни ўрганган қадимий туркий тилларга оид ёзма ёдгорликлар ҳам ноёб эпиграфик ёдгорлик саналади[3]. Демак эпиграфика ёзув бўлиб, қаттиқ жисмлар тош, металл, сопол ва бошқалардаги ёзувлар (битиклар) бўлган бўлса, бундай ёзувларини хаттот усталар бажарганлар. Хаттотлик (арабча-ҳуснихат ёзувчи), каллиграфия-ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадиий буюмларнинг китобалирини яратиш касби[4] бўлган. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келди. Бу хусусидаги маълумотлар Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом авлодларида Оромий, Набатий, Канъоний, Иброний ва Сарёний ёзувлари муомалада бўлгани тарихий манбаларда қайд этилган. Иброний хатида Таврот ва Сарёний ёзувида Инжил таълимотлари битилган. Ипак йўли чорраҳаси Мовароуннахр худудида ўша замонда (III-VII аср) оролиғида Суғдий, Урхун Энисей, Турк руний ва Бахтарий ёзувлари муомалада юритилган.

Ислом оламида араб хаттотлигининг қуйидаги етти тури кенг қўлланилади: Куфий хати, Муҳаққақ хати, Сулс хати, Насх хати, Райҳоний хати, Тавқеъ хати, Риқо хати. Араб истилоси оқибатида Ўрта Осиёга кириб келган ислом дини (VII аср) деворий суратларда жонли мавжудодотни тасвирлашни ман қилади. Меъморий безакларда ҳандасавий гириҳ ва исломий нақшлар билан бирга Қуръон оятлари ва ҳадислар арабча сулс ва нахс ёзувларидаги мунаққаш нақшларга айлана борди. Моҳир кошинкорий наққошлар ҳаттотлик санъатининг нодир намуналарини меъморий обидалар деворларига кўчира бошлайдилар. Шундай қилиб, меъморий нақшинкорликда маҳобатли деворий ранг тасвир санъати ўрнига деворий 9 орнаментал ва ҳушхат (ёзувий) йўналиш вужудга келади. Хаттотлик санъати фақат китобат билан чегараланмаган. Аждодларимиз меъморчилик ва халқ амалий санътини барча турларидан фойдаланишган. Жумладан, иншоатларнинг ички (интеръер) ва ташқи (экстерьер) қисмлари хикматли сўзлар билан безатилган. Хар бир иншоот масжид, мадраса, хоноқох, минора карвонсарой ва бошқалар ўзларини фаолият мазмунидан келиб чиққан холда мантиқан битиклар қўлланилган. Илму маърифат масканлари ташқи безагида илмга ва маънавиятга тарғиб этувчи, карвонсарой ва чойхоналарда меҳр-оқибатга чорловчи ҳикматли сўзлар ва хадислар, масжидларда ибодатга чорловчи “Қуръон”дан оят ҳадислар, мақбара ва зиёратгоҳларда дуо, зикр тиловатлар битилган. Шулар қаторида хаттот, меъмор, қурилиш хақида ва бошқалар хақида мапълумотлар берилган[5].

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан эпиграфик ёдгорликлар, жумладан, Бухоро меъморий обидаларидаги битиклар, ёзувларни нашр этиш ишларига катта эътибор қаратилиши диққатга сазовордир. Неча йиллардан бери мутахассислар Бухородаги меъморий обидалардаги битикларни тадқиқ қилишга уриниб келганлар. Маҳоратли усталар томонидан ёзилган битиклардаги маълумотларни тўғри талқин қилишнинг ўзи бўлмайди. Аммо Бухорода жойлашган хамма тарихий обидаларнинг хам битиклари шу пайтгача тўлалигича амалга ошмаган.

Мустақил бўлганимиздан кейин илк марта тарихий обидаларимиздаги битикларни тадқиқ этиш, уларни ўқиш ва аниқлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бухородаги меъморий ёдгорликларнинг мамлакат, минтақа тарихида тутган муносиб ўрнини қайтариш имконияти яратиб берилди.

Бухоро меъморий обидаларидаги ноёб битикларни дастлабки тадқиқотчилардан бири Мусо Саиджонов 1929 йили шундай ёзган: “Бухоро ёдгорликларидаги ёзувлар-ҳали ўқилмаган китоб, уларда турли даврларнинг кўпдан-кўп тарихий маълумотлари дарж этилган ва бундай ноёб қайдларни бошқа, жумладан, қўлёзма манбалардан топиб бўлмайди”[6]



https://buxdu.uz

“Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” туркум китоб-альбомларини нашр этиш бўйича лойиҳа 2010 йилда амалга оширила бошландиган. Қайд этиш жоизки, ислом оламининг ҳеч бир давлатида тарихий обидаларидаги битикларни тўлиқ ўқиш ва олинган маълумотларни эълон қилиш бўйича бундай даражада кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмаган.

Ўзбекистон обидаларидаги битиклар номли альбом китоб 2016 йилда чиқган. Бухорога бағишланган тўпламида Бухородаги 72 та меъморий обидалардаги битиклар ўқилди ва ўрганилди [7].

Бухорода кейинги йилларда айрим ҳудудларидан ноёб битиклар топилмоқда. Масалан, Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани “Улфатбиби” МФЙга қарашли Хўжамаҳалла қишлоғидаги “Хўжалар” масжиди шифтидан ноёб битиклар ҳамда Қуръон китобининг 200 йиллик қўлёзма нусхаси топилди. Таъкидланишича, “Хўжалар” масжиди 1924 йилда қурилган бўлиб, қатағон йилларидан бошлаб масжид оёғости қилинган ва бинодан узоқ йиллар давомида пахта қуритиш пункти ҳамда дон, ғалла омборхонаси сифатида фойдаланиб келинган. Мустақиллик йилларида эса бинода наридан бери маданий-оқартув ишлари амалга оширилган. 2018 йилда эса кўримсиз ҳолга келган масжид биносининг ташқи кўриниши ҳомийлар кўмагида замонавий қиёфага келтирилган. Шунга кўра, мутасаддилар қадимги савдо йўли-Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган хонақоҳ сифатидаги ушбу масжиднинг кўркамлигини янада ошириш чора-тадбирларини белгилаган. Масжид икки қатор синжли “дусинжа” услубида барпо этилган бўлиб, уч томонига айвон ҳам қурилган. Айвонини 7 та ўймакор устун кўтариб турган хонақоҳ 10,5 х 10,5 метр бўлиб, баландлиги 4,5 метрни ташкил этади. Ғарбий ва шарқий деворлари “токча банди” услубида қурилган. Томи икки қатор тўртта ўймакор устунли ҳамда уч қатор болор тўсин билан “вассажуфт”[8] услубида ёпилган. “Масжиднинг энг қимматли ва ноёб жиҳати унинг ичкарисидаги хаттотлик битиклари-ёзувларидир. Масжиддаги ёзувлар настаълиқ хатида форс тилида битилган. Ҳуснихати ниҳоятда гўзал қора бўёқда бажарилган. Унда қурилган санаси 1343-ҳижрий (милодий 1924 йил) эканини кўрсатади”. Мазкур масжид маданий мерос ёдгорлиги сифатида рўйхатга олиниб, давлат муҳофазасига ўтказилган. “Бир гўзал мақсадлар билан масжидда иш бошлаб, унинг эски ва кўримсиз шифт қисми очилаётган вақтда ноёб битиклар ҳамда қадимий қўлёзмада ёзилган Қуръон китоби ҳам чиқган. Бу ҳаммамизни ҳайратлантирди ва Аллоҳнинг уйи ҳисобланган ҳар бир масжид ҳали биз билмаган мўъжизаларга бой эканини яна бир карра исботлади. Ушбу Қуръон китобининг қўлёзма шакли қарийб икки асрлик тарихга эга. Бухоро давлат музей-қўриқхона “Ҳужжатлар” фонди илмий ходими, шарқшунос Ахтам Аҳмедов масжид шифтидан топилган ноёб битикларда Саъдий Шерозийнинг шоҳ байтлари, ҳадислар ва тасаввуфга оид ҳикматлар, тиббий тавсиялар мавжудлигини билдирган. Ушбу битиклар “фақир банда Абдураҳмон” томонидан ёзиб қолдирилгани маълум бўлган. Улар ноёб тарихий топилма сифатида масжидда қолдирилган. Айни пайтда масжид шифтидан топилган ноёб битиклар ҳамда Қуръон қўлёзмасига оид изланишлар олиб борилмоқда.

Biz yashayotgan dunyoda texnologiyalarni rivojlantirish va raqamlashtirish jarayonlari ketayotgan bir davrda turistlar internet yordamida yoki turli ijtimoiy tarmoqlar yordamida axborot olish, joy tanlash, safar biletlarini erkin tanlash imkoniyatlarini yaratish juda muhim hisoblanadi. Boshqa tomondan, vohaga tashrif buyurayotgan xorijiy turistlar uchun ichki transport infratuzilmasining rivojlanganligi, shuningdek, pul almashtirish shoxobchalari mavjudligi, ovqatlanish va mehmonxona xizmatlari internet orqali oldindan belgilab qo‘yilishi kabi masalalar ham muhim hisoblanadi. Surxondaryo viloyati qadimdan madaniyatlar va dinlar kesishgan hudud bo‘lganligi bois, viloyatning turizm salohiyatini yanada oshirish uchun shu yo‘nalishlarni rivojlantirishga ko‘proq e’tibor qaratilsa hududning turizm sohasida va iqtisodida katta yutuqlarga erishiladi. Yodgorliklarni saqlash, ta’mirlash va o‘rganish sohasida kamchiliklarga ham yo‘l qo‘yilgan. Jumladan, ta’mirlash ishlarida xorijiy olimlarni jalb qilish, yangi ochilgan obyektlarni turistik tashrif yo‘nalishlariga kiritish, arxeologik va tarixiy qiymatga ega bo‘lgan aksariyat yodgorliklarni ilmiy to‘liq o‘rganish va uni keng ommaga yetkazish muhim hisoblanadi. Bu esa yurtimizni jahonga tanitolishida o‘zining katta hissasini qo‘shadi, albatta. Shaharlarda urbanizatsion jarayonlar taraqqiyotida turizm sohasining o‘rni va ahamiyatiga to’xtalsak:

**Birinchidan,** shaharlarning iqtisodiy rivojlanishini ta’minlaydi. Turizm shaharlarda mehmonxonalar, restoranlar, transport va ekskursiya xizmatlari kabi tarmoqlarning rivojlanishiga sabab bo‘ladi. Bu esa urbanizatsiya natijasida ko‘paygan aholiga yangi ish o‘rinlarini taqdim etadi. Turistik shaharlar infratuzilma va xizmat ko‘rsatish sohalariga ko‘p miqdorda investitsiyalar jalb qiladi. Bu soha shaharning xalqaro miqyosdagi obro‘sini oshiradi va uni dunyo bo‘ylab tanitadi.

**Ikkinchidan,** shahar infratuzilmasi rivojlanadi. Transport tizimini takomillashib, zamonaviy aeroportlar, vokzallar, yo‘l tarmoqlari, ko‘rgazma markazlari, kongress zallari, zamonaviy mehmonxonalar va ko‘ngilochar markazlar barpo etiladi. Ekologik infratuzilma yaxshilanib, haharlarda yashil hududlar, parklar va ekologik toza transport tizimlari yaratiladi.

**Uchinchidan,** shaharlar turizm orqali o‘zining madaniy merosi, san'ati, musiqa va an’analarini dunyoga tanitadi. Har bir shaharning o‘ziga xos tarixiy jihatlari bor. Bu jihatlarni tadqiq qilish va targ‘ib qilish orqali shaharning brendi yaratiladi.

**To’rtinchidan,** turizm orqali shaharlar boshqa davlatlar va mintaqalar bilan iqtisodiy, madaniy va ilmiy hamkorlikni kuchaytiradi.

Surxondaryo viloyati turli madaniyatlarni birlashtirgan maskan sifatida o‘ziga xos o‘ringa ega. Vohadagi Kushonlar davriga oid arxeologik yodgorliklar nihoyatda ko‘p va xilma-xil. Mintaqada saqlanib qolgan asosiy yodgorliklar qatoriga Qirqqiz saroyi, Hakim at-Termiziy arxitektura yodgorligi, Sulton Saodat majmuasi, Termiz hukmdorlari saroyi, Qoratepa ibodatxonasi va Fayoztepa ibodatxonasi kabi bir qancha obyektlarni misol qilish mumkin. Shu bilan birgalikda, vohaning o‘ziga xos urf-odatlari, xalq o‘yinlari, taomlari va kiyimlari viloyatlar ichida ajralib turadi [5: 195-201].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1995-yil 2-iyundagi PF-1162-sonli “Buyuk Ipak yo‘lini qayta tiklashda O‘zbekiston Respublikasining ishtirokini avj oldirish va respublikada xalqaro turizmni rivojlantirish borasidagi chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni, Surxondaryo viloyat hokimining 1995-yil 16-iyundagi 190-sonli “Viloyatda xalqaro turizmning zamonaviy infrastrukturasini yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori[6] hamda 1995-yil 31-iyuldagi “Viloyatda turizmni rivojlantirishning 2000-yilgacha va kelajakka mo‘ljallangan dastur” [7] ining qabul qilinishi viloyat turizm rivojida muhim rol o‘ynadi. Ushbu dasturda respublikadagi barcha tegishli tashkilotlar bilan hamkorlikni yanada rivojlantirish zarurligi ta’kidlangan. 1995-yil 25-sentyabrda “Meros” dasturi qabul qilinib, unda viloyatdagi qadimiy xalq an’ana va marosimlarini tiklash, tarixiy-madaniy yodgorliklarni saqlash, o‘rganish hamda turizmni rivojlantirishning sifat jihatdan yangi bosqichi belgilab berilgan [8]. Shuningdek, mazkur yig‘ilishda Ipak yo‘li yo‘nalishi manzillari “Termiz – Sariosiyo”, “Termiz – Boysun” marshrutida sayyohlarga servis xizmatlarini tashkil etish bo‘yicha 1995-1998-yillarga mo‘ljallangan Dastur qabul qilingan. Unga ko‘ra, Termiz shahrida 100 o‘rinli yangi mehmonxona, Termiz tumanidagi Uchqizil dam olish bazasida 40 o‘rinli manzilgoh hamda Termiz – Sarosiyo, Termiz – Boysun marshruti bo‘yicha 2 ta sayyohlar to‘xtab dam oladigan manzilgohlar qurilgan[9].

Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 3-iyundagi farmoyishida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi Farmoniga binoan Termiz hayvonot bog‘i hududida rekonstruksiya va obodonlashtirish



https://buxdu.uz

ishlari Investitsiya dasturiga kiritilgani, uning bosh rejasi hamda loyiha-smeta hujjatlari ishlab chiqildi va ekspertizadan o‘tkazildi. Unga ko‘ra, hayvonot bog‘ini qayta qurishga doir umumiy qiymati 46 milliard 482 million so‘mlik loyiha ishlab chiqildi. Zarur mablag‘ning 50 foizi Respublika byudjetidan, qolgan qismi mahalliy byudjet mablag‘lari hisobidan qoplanishi belgilangan[10].

Prezident Shavkat Mirziyoyev 2019-yil 6-7-aprel kunlari Termiz shahrida o‘tkazilgan Xalqaro baxshichilik san’ati festivalining tantanali ochilish marosimida ishtirok etish uchun Surxondaryo viloyatiga tashrifi chog‘ida viloyatning turizm maskaniga aylanib borayotganligini qayd etdi [11]. Bu borada yangidan foydalanishga topshirilgan 80 milliard so‘mlik Termiz xalqaro aeroportining zamonaviy terminali alohida ahamiyat kasb etadi. Undan samarali foydalanish, xalqaro reyslar va chet ellik sayyohlar oqimini yanada ko‘paytirish, xizmat ko‘rsatish sifatiga alohida e’tibor qaratish, yangi uchish-qo‘nish yo‘lagi barpo etish yuzasidan tegishli tavsiyalarni berdi. Termiz xalqaro aeroportiga Yaponiya, Koreya Respublikasi, Xitoy, Hindiston, Turkiya, Indoneziya va Yevropa davlatlaridan aviaqatnovlarini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha taklif kiritildi. Shuningdek, Termiz-Samarqand, Termiz-Buxoro va Termiz-Farg‘ona yo‘nalishlarida mavsumiy aviaqatnovlarini tashkil etish yo‘lga qo‘yiladi.

Termiz shahrining turizm nuqtayi-nazaridan rivojlanishida muzeylarning alohida o‘rni bor. Jumladan, Markaziy Osiyoda yagona arxeologiya sohasiga ixtisoslashgan, 2002-yildan faoliyat ko‘rsatayotgan Termiz arxeologiya muzeyi butun dunyodan turistlarni jalb etish imkoniyatini beradi, uning faoliyati alohida ahamiyat kasb etadi. O‘tgan davrda muzey fondlari keng ko‘lamli ilmiy-tadqiqot ishlari natijasida o‘n barobar kengayib, hozirgi kunda 80 mingdan ortiq eksponatlarni o‘zida jamlagan. Ulardan 624 tasi jahon ahamiyatidagi nodir osori-atiqalardir.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 4-oktyabrdagi “Moddiy madaniy merosning ko‘chmas mulk obyektlari milliy ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 846-son qaroriga asosan “Termiz davlat muzey qo‘riqxonasi” tashkil etildi, uning tarkibiga milliy ro‘yxatdagi 21 ta obyekt kiritildi. Jumladan, Machay g‘ori, 1,2,3 Teshiktosh g‘orlari, Said Otaliq madrasasi, Denov qal’asi, Hayitobod tepa, Jarqo‘rg‘on minorasi, Xo‘jaipoq ota, Kampirtepa, Sopollitepa, Zarautsoy qoyatosh rasmlari, Jarqo‘ton 2, Xo‘jakon tuz g‘ori, O‘rinbuloq shifobaxsh suvi, Eski Termiz, Qoratepa buddizm inshooti, Fayoztepa buddizm inshooti, Zurmala minorasi, Dalvarzintepa, arxeologlar bazasi binolari tashkil etadi. Mazkur yodgorlik va muzeylar faoliyati, ularni takomillashtirish ichki va tashqi turizmning rivojlanishiga olib keladi.

Zamonaviy shahar madaniyati taraqqiyotida turizm sohasi alohida o‘ringa ega bo‘lib bormoqda. Shu sababli O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Surxondaryo viloyatining turizm salohiyatidan samarali foydalanish va uni rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2020-yil 27-maydagi 332-sonli qarori ijrosini ta’minlash maqsadida turizm infrastrukturasini rivojlantirish borasida keng qamrovli ishlar amalga oshirildi[1].

Surxondaryo viloyatida 2374 o‘rinli 56 ta mehmonxona, 886 o‘rinli 101 ta oilaviy mehmon uylari, 14 ta turistik sinfga mansub avtobus, 6 ta mikroavtobus va 2 ta elektromobil, 38 ta turoperator, 5 ta gid-tarjimon, 101 ta turistik namoyish obyektlari (madaniy meros obyektlari, ko‘ngilochar parklar, muzeylar, teatrlar, eko-maskanlar, hunarmandlar ustaxonalari) faoliyat ko‘rsatmoqda.

Masalan, “Hunarmandchilik” ustaxonasi bo‘yicha Termiz shahrida Narzulla Jo‘rayev tomonidan kulolchilik mahsulotlari tayyorlanuvchi “Hunarmandchilik” ustaxonasi va brend savdo do‘konini tashkil qilish maqsadida shaharning “Saxovat” mahallasi hududida qiymati 260 million so‘mlik 2 qavatli ustaxonani tashkil etish uchun 200 $m^2$ yer maydoni ajratilib, bino to‘liq qurib bitkazildi[2]. Shuningdek, Termiz shahrida hunarmandchilik yo‘nalishida “Surxon ipagi” brend markazi tashkil etildi. “Surxon ipagi” turizm dasturi ishlab chiqilib, xorijiy turistlar uchun maxsus “Surxon ipagi” turizm dasturlari yo‘lga qo‘yiliishi, turistlarni ishlab chiqarish jarayonlari bilan tanishtirish, ipak muzeylariga tashriflarni uyushtirish yo‘lga qo‘yildi.

**Xulosa.** Shaharlar tarixini tadqiq etish shaharlarni nafaqat tarixiy obidalar maskani sifatida, balki zamonaviy turizm markazlariga aylantirishga imkon beradi. Shu sababli, tarixiy shaharlarda arxeologik, madaniy va ilmiy tadqiqotlarni davom ettirish va ularni targ‘ib qilish dolzarb masalalardan biridir. Tarixiy shaharlarda joylashgan madaniy, arxitektura va tabiiy meros nafaqat turistik salohiyatni oshiradi, balki turizmni barqaror rivojlantirishga ham xizmat qiladi.

***ADABIYOTLAR:***


*1. Surxondaryo viloyatining turizm salohiyatidan samarali foydalanish va uni rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 28.05.2020 y., 09/20/332/0693-son.*

*2. Termiz shahar hokimligi arxivi. Termiz shahar hokimligi boshqaruvi. Yig‘ma jild № 01-10 O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari.*




https://buxdu.uz

3. *Tursunov S., Qobulov E., Murtozoyev B., Pardayev B., Umarov I. Termiz tarixi. –Toshkent: YANGI NASHR, 2019. – B. 292.*

4. *Safarov S. Mustaqillik yillarida janubiy O'zbekistonda madaniy meros obyektlari va zamonaviy turizmning rivojlanish jarayonlari. − T., TerDU., 2023. – 158 b.*

5. *Abdukhamidov A.S. Opportunities And Prospects For The Development Of Tourism After The Pandemic s. Builders Of The Future SJIF-2022-5.752 Builders Of The Future, https://kelajakbunyodkori.uz/. – Pr. 195-201.*

6. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi. 1091-fond, 1-ro'yxat, 322-ish, 121-122-varaqlar.*

7. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi. 1091-fond, 1-ro'yxat, 322-ish, 95-100-varaqlar.*

8. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi. 1091-fond, 1-ro'yxat, 322-ish, 123-126-varaqlar.*

9. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi. 1091-fond, 1-ro'yxat, 322-ish, 127-varaq.*

10. *Xalq so'zi, 2022 yil 1 mart. № 44. B.3.*

11. *"Surxon tongi". 2019 yil 9 aprel. №22(17525).*



https://buxdu.uz

**UO'K 94 (575.1)**

## SURXONDARYO VILOYATI ALOQA ISHLAB CHIQARISH KORXONASI TARIXIDAN

***Tursunov Jovli Narzullayevich,***
*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti Tarix va falsafa kafedrasi dotsenti, tarix fanlari nomzodi*
*https://orcid.org/0009-0007-2912-4887*

***Annotatsiya.*** *Mustaqillik yillarida davlatimiz va jamiyatimiz hayotining barcha sohalarida bo'lgani kabi mamlakatimizning iqtisodiy-ijtimoiy infratuzilmasining muhim tarmog'i hisoblangan milliy aloqa tizimini tubdan isloh etish, uni jahon andozalari asosida takomillashtirish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Istiqlolning dastlabki yillaridayoq pochta va aloqa korxonalarini alohida tarmoqqa ajratish, har birining faoliyat yo'nalishlari, maqsad va vazifalarini aniq-ravshan belgilab berish bilan bir qatorda, aloqa tizimining tashkiliy tuzilmasini tubdan yangilash, xizmat turlarini rivojlantirish, sohaga zamonaviy texnika va texnologiyalarni joriy etish, malakali mutaxassislar tayyorlash masalalariga katta e'tibor qaratildi. Albatta, bu aloqa tizimi bugun shakllangani yo'q va u o'z tarixiga ega. Maqolada Surxondaryo viloyati aloqa korxonasi tarixini ilmiy manbalar asosida o'rganish tufayli ma'lum aloqa sohasida ijtimoiy-iqtisodiy natijalar tahlil etilmoqda.*

***Kalit so'zlar:*** *Surxondaryo viloyati aloqa korxonasi, telegraf boshqarmalari, pochta stansiyasi, mexanik Ushakov, Termiz shahri, radiostansiya.*

## ИЗ ИСТОРИИ СУРХАНДАРЬИНСКОГО ОБЛАСТНОГО ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ПРЕДПРИЯТИЯ СВЯЗИ

***Аннотация.*** *За годы независимости, как и во всех сферах жизни нашего государства и общества, была проделана большая работа по коренной реформе национальной системы связи, которая считается важной отраслью экономической и социальной инфраструктуры нашей страны. , и его усовершенствование на основе мировых стандартов. В первые годы независимости, помимо выделения предприятий почты и связи на отдельные отрасли, чётко определив направления деятельности, цели и задачи каждого, коренным образом обновив организационную структуру системы связи, развивая виды услуг, внедряя современные техники и технологии в эту сферу, большое внимание уделялось вопросам подготовки специалистов. Конечно, эта система связи сформировалась не сегодня и имеет свою историю. В статье анализируются социально-экономические результаты в сфере связи на основе изучения истории предприятия связи Сурхандарьинской области на основе научных источников.*

***Ключевые слова:*** *предприятие связи Сурхандарьинской области, управление телеграфа, почтовая станция, механик Ушаков, город Термез, радиостанция.*

## FROM THE HISTORY OF THE SURKHANDARDO REGION COMMUNICATIONS PRODUCTION ENTERPRISE

***Abstract.*** *During the years of independence, as in all spheres of life of our state and society, great work was carried out to radically reform the national communication system, which is an important branch of the economic and social infrastructure of our country, and to improve it in accordance with world standards. In the early years of independence, in addition to separating postal and communication enterprises into separate sectors, clearly defining the areas of activity, goals and objectives of each, great attention was paid to radically renewing the organizational structure of the communication system, developing types of services, introducing modern equipment and technologies into the sector, and training qualified specialists. Of course, this communication system has not been formed today and has its own history. The article analyzes the socio-economic results in a certain communication sector by studying the history of the Surkhandarya regional communication enterprise based on scientific sources.*

***Keywords:*** *Surkhandarya regional communication enterprise, telegraph offices, post office, Mechanic Ushakov, Termez city, radio station.*

**Kirish.** Qadimda xabarlar bir manzildan ikkinchisiga choparlar, kabutarlar yordamida yetkazilgan, ularni uzatishda shartli signallar – gulxanlar, chiroqlar, har xil ovoz chiqaruvchi asboblar qo'llangan.



https://buxdu.uz

Keyinchalik xabarlar yozma holda jo‘natiladigan bo‘ldi, natijada pochta aloqasi paydo bo‘ldi. Sanoat va savdo taraqqiyotining jadal sur’atlari axborotlarni tez yetkazishga imkoniyat yaratadigan yangi Aloqa usullariga katta ehtiyojni yuzaga keltirdi. O‘tgan asrda O‘zbekistonda aloqa korxonalari aholiga hamda xalq xo‘jaligiga pochta, telegraf hamda mahalliy, shaharlararo, xalqaro telefon aloqa xizmati ko‘rsatadi.

**Asosiy qism.** XIX asr oxirida Markaziy Osiyo bo‘ylab faqat bitta, eng qadimiy aloqa turi, pochta oddiy shaklda bo‘lgan. Pochtachilarning vazifalari “Chopar” yoki “Elchi” deb nomlangan bo‘lib, davlat tomonidan piyoda xat tashuvchilari yoki ot xabarchilari tomonidan bajarilgan.

Qadimda odamlarni xabarlarini tarqatishda, asosan, og‘zaki xabarlar tarqatish orqali amalga oshirilgan. Ular “Og‘zaki so‘z bilan” gavjum joylarda: choyxonalarda, bozorlarda, katta maydonlarda va masjidlarda xabarlarni tarqatishgan. Maxsus aloqa kompaniyalari va pochta qutilari bo‘lmagan, chunki yozma yozishmalar hajmi juda ahamiyatsiz bo‘lgan bo‘lib mijozlarning tor doirasi xizmat qilgan. Pochta almashinuvi asosan hukumat yozishmalaridan iborat bo‘lgan.

Turkiston burjuaziyasida tovar-pul munosabatlarining sezilarli darajada rivojlanishi va savdo-sanoatini paydo bo‘lishi va bank kapitali va boshqa mamlakatlar bilan savdo-iqtisodiy aloqalarning rivojlanishi uchun aloqa rivojiga yangi turtki berdi. Pochta yozishmalari hajmi sezilarli darajada oshgan.

Kommunikatsiyalarni rivojlantirishda Markaziy Osiyoda va XIX asr oxirida yangi aloqa turi temir yo‘l orqali pochta tashish paydo bo‘lgan va temir yo‘l qurilishi katta rol o‘ynadi. Pochta aloqasi bilan bir qatorda telegraf aloqasi ham paydo bo‘lib va asta-sekin rivojlanadi. 1887-yilda Toshkent okrug boshlig‘ining kvartirasiga telefon aloqasi o‘rnatilgan va pochta-telegraf idorasi o‘rtasida ham telefon aloqasi o‘rnatildi. To‘rt yildan so‘ng Turkiston viloyati poytaxtida umumiy telefon tarmog‘i paydo bo‘ldi. 1901-yilga kelib Toshkent shahrida ham 55 ta abonent telefondan foydalanilgan.

Surxondaryo viloyati aloqa korxonasi tarixini ilmiy manbalar asosida o‘rganish tufayli ma’lum aloqa sohasida ijtimoiy-iqtisodiy natijalar tahlil etilmoqda. Surxondaryo viloyati hududida ilk aloqa tizimini vujudga kelishi Rossiya mustamlakasi davri bilan bog‘liq bo‘lib, Termiz shahrini Rossiya tomonidan 1894-yil istilo qilinishdan boshlanib, 1896- yilda Samarqanddan Termizga 376 verst (bir verst — 1,0668 km) uzunligida telegraf liniyasi ishga tushirildi. Bu telegraf liniyalari Pattakesar (Termiz)ni Buxoro, Kelif hamda Kattaqo‘rg‘on bilan bog‘lab turdi. Rus hukumatidagi telegraf sohasidagi mutaxassislar Termiz shahrida mustahkam aloqa vositalarini o‘rnatish uchun yangi aloqa yo‘li Termiz – Sherobod, Eski Buxoro, Yangi Buxoro (Kogon), Shahrisabz, G‘uzor, Qarshi, Ko‘lob, Saroy, Chorjo‘y, Kerki hamda Kelifda aloqa telegraf boshqarmalarini tashkil etdi. Bu bilan rus hukumati Buxoro amirligi hududlarida harbiy-siyosiy mavqeyini mustahkamlash, nazoratni kuchaytirish va savdo-sotiq ishlarini yuritish imkoniyatlarini yanada mustahkamladi[1].

Surxondaryo viloyatida dastlab 1900- yilda 14 ta pochta stansiyasiga ega bo‘lgan 376 verstli Samarqand – Termiz pochta yo‘li qurib yakunlandi. Bu ishlar Turkiston harbiy sapyor bataloni va mahalliy ishchilar kuchi bilan bajarilgan edi. 1900- yili Termiz pochta – telegraf idorasi ochildi. 1902- yilga kelib esa Buxoro hukumati mablag‘i hisobiga Kelif – Termiz telegraf yo‘li o‘tkazildi[2]. 1917- yilgi oktyabr davlat to‘ntarishiga qadar Surxondaryo viloyatida aloqa vositasi unchalik taraqqiy etgan emas edi. 1923- yilga kelib Darband – Yurchi – Sherobod yo‘li bo‘yicha otliq — pochta yo‘li ochilib, Karmana – Chorjo‘y – Kogon – Qarshi temir yo‘li bo‘yicha esa uchta katta pochta yo‘li faoliyat ko‘rsatdi.

Ushbu pochta yo‘liga oltita Buxoro, Qarshi, G‘uzor, Darband, Yurchi, Sherobod otliq pochta stansiyalariga xizmat qilib, G‘uzorda, Sherobodda va Termizda telefon tarmog‘i qurish uchun smeta tuzildi[3]. 1926 – 1927- yillarda Sherobod, Termiz, Boysun hamda Yurchini telefonlashtirishga katta e’tibor berilib, yangidan beshta pochta aloqa bo‘limlari ochib ishga tushirildi [4]. 1940- yilga kelib esa viloyatda yettita telefon stansiyasi va 649 ta telefon apparatlari mahalliy aholiga xizmat ko‘rsatib, xat-xabarlar, asosan, ot- aravada tarqatilar edi [5].

1941- yilga kelib Termiz shahrida shahar va oltita tuman aloqa markazi, o‘n to‘qqizta pochta bo‘limlari mavjud bo‘lib [6], SSSR Aloqa Xalq Komissarligining 1941- yil 7- iyundagi “Aloqa Xalq Komissarligining viloyat aloqa idorasining ahvoli to‘g‘risida” gi qaroriga muvofiq viloyat va respublika markazlarida Xalq Komissarlari aloqa idorasi tashkil etildi.

Qayd etilgan qarorda asosida kichik korxonalar yiriklashtirilib, Aloqa Xalq Komissarligi viloyat aloqa idorasi tashkil etildi [7]. Aloqa Xalq Komissarligi Surxondaryo viloyat aloqa idorasiga, viloyat hududida joylashgan barcha tuman aloqa idoralari va aloqa tashkilotlari bo‘ysundirildi. Surxondaryo aloqa idorasi faoliyatiga aholiga, tashkilotlarga, idoralarga, korxonalarga, jamoa xo‘jaliklariga va boshqalarga pochta – telefon – telegraf xizmatlari, radio, vaqtli matbuot va maxsus aloqa xizmatlari ko‘rsatish vazifalari kiritildi.

Ikkinchi jahon urushi yillarida viloyat aloqa idorasiga qarashli tumanlarda yangi kapital qurilish ishlari jadal olib borildi. 1943- yil Uzunda telegraf tarmog‘i va 40 nomerga mo‘ljallangan stansiya, Boysunda 2,3 kv bo‘lgan kichik GES qurib ishga tushirildi. Shunga o‘xshagan kichik elektrostansiyalar



https://buxdu.uz

Sariosiyo tumanida ham qurilib foydalanishga topshirildi. Radio markazi bo‘yicha 5,5 ming so‘mlik har xil mayda-chuyda ishlar amalga oshirildi. Sharg‘un shaxtasi qurilishi va Qumqo‘rg‘on GESini telefonlashtirish ishlariga umumiy qiymati bo‘yicha 73 ming so‘m pul sarflandi.

Bu ishlar mahalliy joylarda ishlab chiqariladigan materiallar asosida bajarildi[8]. Shuningdek, shu yillarda xodimlar soni ham ko‘payib bordi. Agar 1942- yilning 1 yanvarigacha Surxondaryo aloqa idorasidagi ishchilar va kichik xizmatchilar soni 119 kishini tashkil qilgan bo‘lsa, 1943- yili esa 277 kishini tashkil qildi. Shulardan; 1942- yili o‘n olti yoshdan qirq besh yoshgacha bo‘lganlar soni to‘qson kishini, qirq besh yosh va undan yuqori yoshdagilar soni 29 kishini tashkil qildi. Viloyat aloqa korxonasida xizmat qilayotganlar orasida ayollarning o‘rni ham ko‘payib bordi. 1942- yil 1 yanvariga kelib ular soni 86 kishini, erkaklar soni esa o‘ttiz uch kishini tashkil qildi[9].

Ko‘plab erkaklarning frontga ketganligi natijasida viloyat aloqa idorasiga qarashli turli joylarda mutaxassis kadrlarga ehtiyoj juda ham sezilib qoldi. Urush yillarida yangi kadrlar tayyorlashga katta e’tibor berildi. 1942- yilda yakka tartibda yetti nafar mutaxassis xodim tayyorlangan bo‘lsa (shulardan: to‘rt nafari telegrafistlar, uch nafari pochta xizmatchilari), 1943- yilda reja bo‘yicha o‘n to‘qqiz nafar xodim o‘rniga, ellik to‘qqiz nafar xodim (shulardan: sakkiz nafari morzistlar, ikki nafari bodistlar, olti nafari pochta agentlari, o‘n yetti nafari nazoratchilar, ikki nafari hisobchi, olti nafari telefonchi qizlar, uch nafari saralovchilar va boshqa mutaxassisliklar bo‘yicha o‘n nafar xodimlar) tayyorlandi[10].

Ikkinchi jahon urushi yillarida viloyatda aloqa ishlarini yaxshi yo‘lga qo‘yish va uni rivojlantirishda mehnat musobaqasining ham o‘ziga xos o‘rni bor. Mehnat musobaqasiga viloyat aloqa idorasida ham alohida o‘rin berildi. Bu yillarda yildan-yilga staxanovchilar va zarbdorlar soni ham ortib bordi. 1942- yilgi mehnat frontida viloyat aloqa idorasi xodimlaridan ellik bir nafari staxanovchilar va zarbdorlar bo‘lgan bo‘lsa, (yigirma besh nafari staxanovchi, yigirma olti nafari zarbdorlar Staxanovchilardan Ya. F. Suxov, Ye.V. Malyujenko, P.I. Makutin, M.N. Shokrova, zarbdorlardan A.I. Saricheva, G.G. Taxvatulina, S.G. Taxvatulina, N. Katrova, N.T. Makoveskaya va boshqalarni misol keltirish mumkin)[11].

1944- yilning 1 yanvariga kelib staxanovchilar va zarbdorlar soni to‘qson to‘rt nafarni (Staxanovchilar – qirq bir nafarni, zarbdorlar esa ellik uch nafarni) tashkil qildi. Surxondaryo viloyatida ko‘zga ko‘ringan aloqachilardan birinchi darajali Shaharlararo MGTS aloqachisi Chernikova 1943- yilgi yillik rejasini 150 – 160 foiz qilib bajardi. Telefonchi qiz Karamisheva tez va aniq ishladi. Karamishevani shaharda “Molniya” (yashin, chaqmoq) deb atar edilar. Telegrafchi Stavnivskaya sifatli ishlab, o‘zining ish normalarini 130 foizga oshirib bajardi.

Taniqli aloqachi mutaxassisi Mexanik Ushakov apparatlarni sozlashda va texnik qarovsizliklarni kamaytirish ishlarida katta xizmat ko‘rsatdi va ko‘plab shogirdlar ham tayyorladi. Pochtachilardan Korotkova va Ramazonovlar bironta ham shikoyat va sifatsizlikka yo‘l qo‘ymay ish olib bordilar. Viloyat aloqa idorasi xodimlari va xizmatchilari sobiq Butunittifoq sotsialistik musobaqasida ham faol qatnashib bordilar va 1945- yili viloyat aloqa xizmatchilari 8 ming so‘m mukofotni qo‘lga kiritdilar. Shulardan 5,6 ming so‘mi mukofot qilib xodimlarga bo‘lib berilgan bo‘lsa, qolgan 2,4 ming so‘mi esa ishchi va xizmatchilarning maishiy ahvolini yaxshilash uchun ishlatildi[12]. Viloyat aloqa idorasi xodimlari mehnat tashabbuslaridan tashqari viloyat aloqasini yaxshilashni yo‘lga qo‘yishda o‘zlarining ixtirochilik takliflari bilan ham chiqib, aloqaning yanada yaxshilanishiga va rivojlanishiga katta hissa qo‘shdilar. Bulardan, OKNZ a’zosi Bogoslavskiy va radiostansiya boshlig‘i Vetrenkolarning takliflari bilan radiomarkazni elektroenergiya bilan ta’minlashda va radiostansiyalarni qo‘shimcha agregatlarsiz ishga tushirish, telegraf ishlarini to‘xtatishda korazok changi elementi bilan ta’minlashning qo‘llanilishi, telegraf ishlarini to‘xtovsiz ishlatish imkonini berdi. Telegraf ana shu korazok changi bilan ikki oyga yaqin to‘xtovsiz ishlay oladigan bo‘ldi. Shaharlararo telefon kommutatorining sxemasiga o‘zgartirish kiritilib, xabar beradigan signalning o‘rnatilishi telefonchilarning ishlarini ancha yengillashtirdi. Natijada abonentchilarning so‘zlashib bo‘lganidan keyin o‘z vaqtida telefon aloqalarining uzilmasligining oldi olindi va zanjirli aloqalardan unumli foydalanish koeffitsienti 10 – 15 foizga ko‘paydi[13]. Yuqorida ta’kidlangan tashabbuslarning amalga oshirilishi natijasida viloyat aloqa idorasining yillik daromadi 3226,0 ming so‘mni tashkil qildi va bu reja 106,4 foizga bajarildi. Yillik daromad 1942- yilga nisbatan 22,6 foizga o‘sdi. Barcha tumanlarning aloqa idoralari yillik daromad rejalarini 1943- yilda oshirib bajardilar. Rejani oshirib bajarish asosan telefon – telegraf, shaharlararo telefon aloqasi, pochta va boshqa tarmoqlar bo‘yicha oshirib bajarildi[14]. 1945- yilga kelib viloyat aloqasining yillik daromadi 3212,66 so‘mni tashkil qilib, bu yillik reja 102,2 foiz qilib bajarildi[15].

**Xulosa.** Xulosa tariqasida qayd etish joizki, Surxondaryo viloyati hududida ilk aloqa tizimini vujudga kelishi Rossiya mustamlakasi davri bilan bog‘liq bo‘lib, sohada katta o‘zgarishlar amalga oshirilgan. Bu bilan rus hukumati Surxondaryo viloyati hududlarida harbiy-siyosiy mavqeyini mustahkamlash, nazoratni kuchaytirish va savdo-sotiq ishlarini yuritish imkoniyatlarini yanada mustahkamladi.



https://buxdu.uz

***ADABIYOTLAR:***

1. *Тўхтаметов. Русско – Бухарские отношения в конце XIX начало XX века. –Т., “Фан”, 1966, с. 108.*
2. *Sh. Safarov. Termiz va Termiziylar. –Termiz., “Jayxun”, 1993, 48 – 49 b.*
3. *O‘zbekistonning Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlari tarixidan lavhalar. -T.,”Fan”, 1968, 109 b.*
4. *O‘zbekistonning Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlari tarixidan lavhalar. -T.,”Fan”, 1968, 145 b.*
5. *Surxondaryo tarixidan lavhalar. – T., 1991, 22 – b.*
6. *Surxondaryo tarixidan lavhalar. – T., 1991, 22 – b.*
7. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi, fond-254. 1- ro‘yxat, 3–varaq.*
8. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi, fond-254. 1- ro‘yxat, – 2, 1–3 varaqlar.*
9. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi, fond-254. 1-ro‘yxat, ish–74, 9–varaq.*
10. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi, fond-254. 1-ro‘yxat, ish–2, 1–3 varaqlar.*
11. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi, fond-254. 1-ro‘yxat, ish–74, 9–varaq.*
12. *Surxondaryo viloyati davlat arxivi, fond-254. 1-ro‘yxat, ish–29, 15–varaq.*



https://buxdu.uz

UO'K 94 (575.1)

# MUSTAQILLIK YILLARIDA SURXONDARYO VILOYATIDA IJTIMOIY SOHA - SOG'LIQNI SAQLASH TIZIMIDAGI O'ZGARISHLAR

***Tursunov O'ktam Saypullayevich,***
*Termiz davlat pedagogika instituti Tarix*
*va uni o'qitish metodikasi kafedrasi o'qituvchisi*
*utursunov089@gmail.com*
*https://orcid.org/0009-0004-4942-0601*

***Annotatsiya.*** *Sovet hukumati davrida butun ittifoqda bo'lgani singari Respublikaning ijtimoiy sohasiga, shuningdek, sog'liqni saqlashga yetarli miqdorda mablag' ajratilmaganligi sababli tibbiyot xizmati ancha past holatda edi. Mustaqillik yillarida ijtimoiy hayotning barcha yo'nalishlarida bo'lganidek, tibbiyot sohasida ham tub o'zgarishlar yuz berdi. Shaklan ham, mazmunan ham milliy tibbiyotimizning rivojlanishi uchun keng imkoniyatlar yaratildi. Maqolada mustaqillik yillarida Surxondaryo viloyatida ijtimoiy soha - sog'liqni saqlash tizimidagi o'zgarishlar haqida so'z boradi.*

***Kalit so'zlar:*** *ijtimoiy himoya, tibbiy himoya, feldsher-akusherlik punktlari, Surxondaryo viloyati, «Omonxona» shifoxonasi, Denov markaziy shifoxonasi.*

# ИЗМЕНЕНИЯ В СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЕ - СИСТЕМЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

***Аннотация.*** *В советский период в нашей стране, как и во всём Союзе, медицинское обслуживание находилось на довольно низком уровне из-за недостаточности средств, выделяемых на социальную сферу республики, а также на здравоохранение. В годы независимости в сфере медицины, как и во всех сферах общественной жизни, произошли коренные изменения. Созданы широкие возможности для развития нашей национальной медицины как по форме, так и по содержанию. В статье говорится об изменениях в социальной сфере – системе здравоохранения Сурхандарьинской области за годы независимости.*

***Ключевые слова:*** *социальная защита, медицинская защита, фельдшерско-акушерские пункты, Сурхандарьинская область, больница «Омонхона», Деновская центральная больница.*

# CHANGES IN THE SOCIAL SECTOR - HEALTHCARE SYSTEM IN SURKHANDARYO REGION DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

***Abstract.*** *During the Soviet era, as in the entire Union, due to the insufficient allocation of funds to the social sphere of the Republic, as well as to healthcare, the medical service was in a rather low state. During the years of independence, as in all areas of social life, fundamental changes took place in the medical sphere. Broad opportunities were created for the development of our national medicine in both form and content. The article discusses changes in the social sphere - healthcare system in Surkhandarya region during the years of independence.*

***Keywords:*** *social protection, medical protection, paramedical-obstetric stations, Surkhandarya region, "Omonkhona" hospital, Denov central hospital.*

**Kirish.** Mustaqillik yillarida aholini kuchli tibbiy himoyalash davlat siyosatining bosh, ustuvor yo'nalishiga aylandi. O'tgan yillar davomida O'zbekiston Respublikasida amalga oshirilgan barcha islohotlardan ko'zlangan yagona maqsad fuqarolarga normal tibbiy madaniyat sohasida turmush tarzini yaratib berish, aholining kam ta'minlangan, muhtoj qismini muttasil ravishda iqtisodiy jihatdan qo'llab-quvvatlash bo'ldi.

**Asosiy qism.** XX asrning 80-yillaridan boshlab Ittifoqda iqtisodiy o'sish sur'atlarining pasayishi va sog'liqni saqlash masalalariga e'tiborning kamayishi, davlat byudjetidan sog'liqni saqlash uchun ajratilgan mablag'ning kam taqsimlanishi sohaning moddiy-texnik ta'minotini yangilash, yangi dorilar va davolash usullarini o'zlashtirish jarayonlarining nisbatan orqada qolishiga olib keldi.

Shu davrda respublikadagi ko'pgina kasalxonalar, poliklinikalar, ambulatoriyalar va dorixonalar ixtisoslashmagan binolarda joylashib, asosiy qismida kanalizatsiya va issiq suv yo'q edi. Bunday holatlar, ayniqsa, qishloq joylarda nihoyatda achinarli tarzda edi. Shu davrda Respublikada sog'liqni saqlash tizimiga



https://buxdu.uz

ajratilgan mablag'ning kamligi tufayli kasalxona va poliklinikalarni zamonaviy texnika va asbob-uskunalar bilan ta'minlash darajasiga nihoyatda salbiy ta'sir ko'rsatardi.

Masalan, XX asrning 80-yillarda ittifoq miqyosida shifoxonalardagi o'rinlar sonini oshirishga zo'r berildi, biroq ularni zamonaviy tipda jihozlashga yetarli e'tibor qaratilmadi. Bu davrda ittifoq miqyosida shifoxonalarning moddiy texnik ta'minotiga ajratilgan mablag' miqdori kam bo'lib, har bir o'rinni uskunalar bilan ta'minlashga o'rta hisobda to'rt ming so'm sarflangan bo'lsa, bu ko'rsatkich Surxondaryo viloyatida 2,0 ming so'mni tashkil etdi[4:128-129].

O'rganilayotgan davrda Surxondaryo viloyatida ekologik ahvol ham anchagina tang holatda edi. Shu bois ham viloyatda respublikaning boshqa hududlariga nisbatan allergik kasalliklar 30 foiz, yuqori nafas yo'llari kasalliklari 28 foiz, kam qonlik 45 foiz, bo'qoq kasalliklari 52 foiz baland edi. Onalar va bolalar o'limi har ming kishidan 12 nafarni tashkil qilardi. Bolalarda gipotirofiya holati har bir ming bolaga nisbatan 35 nafarni tashkil etardi[5].

Viloyatning shimoliy rayonlariga Tojikiston Alyuminiy zavodi tomonidan chiqarilayotgan zaharli ftor gazining ta'siri keskin tarzda oshgan bo'lib, bu esa ekologik vaziyatga hamda aholining salomatligiga jiddiy ta'sir ko'rsatayotgan edi. Masalan, 1980-1984-yillarda Sariosiyo rayonida bolalikdan tug'ma kasallar soni 200 foizga oshib, tug'ilgan 7 ming nafar boladan, 227 nafari tug'ma nuqson bilan dunyoga kelgan edi. Shuningdek, viloyatning shimoliy rayonlarida Tojikiston Alyuminiy zavodining zaharli kimyoviy moddalarining tarqalishi oqibatida ob-havoning zaharlanish darajasi 4,8 baravar, bolalarning kasallanishi 2,8 baravar, kattalarning kasallanishi esa 2,2 baravar, go'daklarning sut tishining kariyes kasalligi 2 baravar, yengil fegozora kasallikka chalinishi esa 8,8 baravar o'sganligini qayd etib o'tish mumkin[6].

Shuningdek, viloyatning ko'pgina joylarida aholining ijtimoiy sharoiti og'irligi tufayli yuzaga kelayotgan turli xil yuqumli kasalliklarga qarshi kurash qoniqarli darajada emas edi. Masalan, sil kasalliklarining faqat 51 foizini aniqlash imkoniyati bor edi [7:17]. Boshqa turdagi o'tkir yuqumli kasalliklarning tarqalishi borasida ham viloyatda ahvol yaxshi emas edi. Masalan, 1990-yilda viloyat bo'yicha ichterlama kasalligi qariyb 2,5 martaga, qizamiq 26 foizga, difteriya va quturish kasalliklari bir necha baravarga o'sgan edi[8:21].

Viloyat bo'yicha jami kasalxonalar, ambulatoriya va poliklinikalarning faqat 55 foizida toza ichimlik suvi bor edi. Bu boradagi eng yomon ahvol Qiziriqda (27 foiz ), Bandixon rayonida (22 foiz ), Muzrabotda (38 foiz ) bo'ldi[9:13]. Bu esa, o'z navbatida, nafaqat yuqumli kasalliklar, balki boshqa turdagi kasalliklarning ham ko'payishiga, buning natijasida, o'lim ko'rsatkichining ortib borishiga va, ayniqsa, ona va bolalar o'limining avj olishiga katta zamin yaratgan edi.

Kishining tan sog'lig'idan, ko'proq uning ruhan kamol topib, o'zini sog'lom tutishi muhim ekanligi hammamizga ma'lum. Buning uchun kasallikning oldini olish juda zarur ekanligini aholiga tushuntirish asosiy tibbiy yo'ldir. Bu borada viloyatda tibbiyot maorifi sohasida ham katta ishlar qilinib, tuman va shaharlarda targ'ibot ishlari ko'ngildagidek olib borilgan. Viloyatda 1990-1993- yillarda 2 ta Respublika miqyosida, 10 ta viloyat va 20 ta tuman hamda shahar miqyosida targ'ibot-tashviqot sohasida katta ijobiy ishlar qilindi. E'tiborli tomoni shundaki, Viloyatning Tojikiston, Afg'oniston hamda Turkmaniston Respublikalari bilan chegaradoshligi, bu davlatlardagi og'ir iqtisodiy vaziyat hamda turli-tuman yuqumli kasalliklarning tarqalishi, Surxondaryoga xavf solib turadi. Ana shu xavfli kasalliklarning kelib chiqishiga yo'l qo'ymaslik, chora-tadbirlari ko'rilmoqda. Tegishli chora-tadbirlar viloyat miqyosida bajarilib, uning natijalari muntazam tekshirilib borilmoqda [1:579].

Bozor iqtisodiyoti muammolariga qaramay «Vandob» viloyati allergologiya va pulminalogiya shifoxonasi, yigirma besh o'rinli «Omonxona» shifoxonasi, Denov markaziy shifoxonasida o'n ikki o'rinli tiriltirish (Reanimatsiya) bo'limi, 1-viloyat shifoxonasida o'ttiz o'rinli ayollarni sog'lomlashtirish va o'ttiz o'rinli allergologiya bo'limlari tashkil etildi [10]. Xo'jaikonda esa besh yuz o'rinli shifoxonaning poydevori tashlanib, binoni tiklash ishlari davom ettirilib, bugungi kunda ishga tushurildi [10].

Tibbiyot xodimlari o'z zimmalariga olgan vazifalariga mas'uliyat bilan yondashib, ijobiy yutuqlarga erishdilar. 1994- yilda viloyatda o'rtacha umr ko'rish 69 yoshga yetdi, bolalar o'limi 1989-1992- yillarga nisbatan 25 foizga, onalar o'limi esa 20 foizga kamaydi [10]. 1994- yili viloyatda yangi zamonaviy usullar bilan davolash, kunduzgi shifoxonalar, uyga borib xizmat ko'rsatadigan shifokorlar, ambulatoriya sharoitida xizmat ko'rsatadigan jarrohlik kabinetlari soni ortdi. Biroq, viloyatda 1994-1995 yillarda tibbiyot sohasida eskicha ishlash holati saqlanib, kasallarga e'tiborsizlik, dori-darmonlarga nisbatan egrilik, yangi asbob-uskunalar bilan ta'minlashning sustligi sezilib turar edi. O'z navbatida tasodifiy o'lim, suiqasd natijasida, og'ir tan-jarohatlaridan keyin hayot bilan vidolashish, oshqozon va bachadondan qon ketish asoratlari tufayli o'lim hollari ko'p bo'ldi. «Ekosan», «Sog'lom avlod» kabi jamiyatlar aholiga namunali xizmat ko'rsatmadi. Natijada, viloyatda kasallikning oldini olish ishlari atiga 79,3 foizga bajarildi [10].



https://buxdu.uz

2000- yilda viloyat aholisiga xizmat koʻrsatuvchi qishloq vrachlar ambulatoriyalari soni 111 tani, feldsher-akusherlik punktlari soni 548 tani, qishloq vrachlik punktlari soni 100 tani tashkil etadi. Tibbiyot sohasida 2000 yilda tibbiyot sohasida 75 mln. soʻmlik yoki 1999- yilga nisbatan 206 foiz ortiq miqdorda pullik xizmat koʻrsatildi. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1996- yil 21- maydagi 182-sonli “Respublikada 1999-2000- yillarda qishloq ijtimoiy infratizimini rivojlantirish va Davlat dasturi toʻgʻrisida” va Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 1998- yil 10- noyabrdagi “Respublikada sogʻliqni saqlash tizimini isloh qilish Davlat dasturi toʻgʻrisida”gi farmoniga asosan qabul qilinigan viloyat xokimining 1996- yil 13- iyundagi 156-sonli va 1998- yil 30- noyabrdagi 304-sonli qarorlariga muvofiq 1996-2000 va 2001-2005- yillarda qishloq ijtimoiy infratizimi rivojlantirish va sogʻliqni saqlash tizimin isloh qilish dasturlari ishlab chiqildi.

Viloyatda yuqoridagi dasturlarga asosan 1996-2003 yillar davomida 149 ta qishloq vrachlik punktlari va 1 ta shahar vrachlik punkti barpo etildi. Shulardan 97 tasi yangi qurilish va 53 tasi mavjud davolash-profilaktika muassasalarini qayta taʼmirlash hisobiga barpo etildi. Davlat dasturi rejasiga asosan 2003 yili viloyatda 11 ta qishloq vrachlik punktlarini barpo etish uchun davlat tomonidan 278 million soʻm mablagʻ ajratilishi rejalashtirilib, qurilishi ishlariga 296 million 500 ming soʻm mablagʻ sarflandi. Shundan 7 million 500 ming soʻmi asbob-uskunalar, qattiq va yumshoq jihozlar sotib olish uchun yaratildi, bundan tashqari “Aktet” Xalqaro tashkiloti tomonidan 18 million 100 ming soʻmlik taʼmirlash ishlari bajarildi. Jumladan, Angor tumani “Mustaqillik” million qishloq vrachlik punktida 6 million 200 ming soʻmlik, Sherobod tumani Poshxurt qishloq uchastka shifoxonasida 4 million 700 ming soʻmlik taʼmirlash ishlari bajarildi. Viloyat aholisiga hozirgi kunda 85 ta shifoxona xizmat koʻrsatmoqda, ushbu shifoxonalarda oʻrinlar soni 8625 tani tashkil etdi[1:584].

Viloyat xokimining 2000- yil 5 maydagi 90-F farmoyishi bilan Markaz va uning filiallari uchun 20 ta “DAMAS” tez tibbiy yordam mashinasi ajtildi. Shoshilinch tibbiy tez yordam markazi uchun 2003- yil 2 ta “DAMAS” avtomashinasi Sogʻliqni Saqlash Vazirligi tomonidan berildi. Germaniya davlati tomonidan homiylik yordami tariqasida 12 turdagi zamonaviy tibbiy asbob-uskunalar keltirildi. Shoshilinch tibbiy tez yordam klinikasi Termiz filialiga Germaniyaning Termiz shahridagi havo kuchlari mutaxassislari tomonidan 1 million Amerika dollari miqdoriga teng boʻlgan Rentgen (Filips firmasi), 3 ta markaz apparati (Drayger firmasi), 4 ta monitor, 1 ta defibrletor, 4 ta infozumat (shpris-nasos) va bir qancha anjomlar hamda ushbu anjomlarning oʻrnatilishi va ishlatish uchun ketadigan materiallar olib kelindi.

Viloyat Sogʻliqni Saqlash Boshqarmasi tizimiga qarashli davolash-profilaktika muassasalarida hozirgi kunda 4083 shifokor, 17552 oʻrta tibbiyot xodimlari faoliyat koʻrsatmoqda, ulardan 587 nafari oliy toifali mutaxassislardir. Mustaqillik yillarida mazkur tizimda ham muhim oʻzgarishlar amalga oshirildi. Ushbu xayrli ishlar zamirida voha ahlining salomatligini saqlash, kelajak avlodni sogʻlom va barkamol etib tarbiyalashdek xayrli niyatlar mujassamlashgan. Voha sogʻliqni saqlash tizimi xodimlari ishlarni amalga oshirishda alohida fidoyilik koʻrsatib, tinimsiz mehnat qilmoqdalar[1:585].

Oʻzbekiston Respublikasida aholini ijtimoiy himoya qilish davlat siyosatining ustuvor yoʻnalishi sifatida eʼlon qilingan. Uning huquqiy bazasi yaratilgan. Katta hajmdagi mablagʻ davlat byudjeti hisoblaridan ajratilmoqda. Bu — ijtimoiy himoyaning kafolatlanishini taʼminladi.

Shu bilan birga, Oʻzbekiston Respublikasida koʻplab tibbiy jamgʻarmalar tashkil etildi. Jumladan, 2002-yilgacha respublikada 18 ta shunday tibbiy jamgʻarmalar faoliyat koʻrsatdi. Ular oʻz faoliyat yoʻnalishlari doirasida ish olib borgan boʻlsalar – da, katta eʼtibor soha mutaxassis, xodimlarini tibbiy himoyalash, ularni moddiy va maʼnaviy jihatdan qoʻllab-quvvatlashga qaratdilar.

Olib borilgan ishlar natijasida Surxondaryo viloyatida aholini tibbiy himoya qilish tizimi takomillashib bordi, kishilar turmush sharoiti yaxshilana bordi. Tibbiy xizmatni yaxshilash uchun aholiga toza ichimlik suv muammolarini hal etishda muayyan yutuqlarga erishildi. Masalan, Surxondaryo viloyatida aholini toza ichimlik suvi bilan taʼminlash maqsadida respublika va mahalliy byudjetdan 2006-yili 3,9 milliard soʻm mablagʻ ajratildi. Ushbu mablagʻlar hisobiga yangi suv quduqlarini qazish, ishlamay turgan suv quduqlarini ishga tushirish, ichimlik suv tarmoqlarini rekonstruksiya qilish, yangilarini ishga tushirish ishlari bajarildi.

Natijada viloyat hududida 113 ta qishloq vrachlik punktlari homiylar tomonidan ajratilgan 504,2 mln. soʻm mablagʻ hisobidan taʼmirlandi, ishga tushirildi. 2007-yilda esa mazkur maqsadlar uchun ajratilgan 450 million soʻm hisobiga 75 ta qishloq vrachlik punktida 23 ta yangi suv qudugʻi qurildi, 26 ta suv qudugʻi taʼmirlandi, 121 kilometr uzunlikdagi suv tarmoqlari qurish ishlari amalga oshirildi. Bunday chora-tadbirlar tufayli 115 ming aholining toza ichimlik suviga boʻlgan ehtiyoji qondirildi[11].

Surxondaryo viloyatida esa 2008-yilning oʻzida tibbiy muassasalarni yangidan tashkil etish va mavjudlarni qayta taʼmirlash, yangi ish oʻrinlarini yaratish hisobiga yoshlar uchun 7 ming 900 ta yangi ish oʻrinlari yaratildi. Kam taʼminlangan tibbiyot xodimlarining oilalar farzandlaridan 270 nafarining nikoh toʻylari, 267 nafar bolaning sunnat toʻylari oʻtkazildi. Kam taʼminlangan tibbiyot xodimlaridan 100 ta oilaga



https://buxdu.uz

uy qurish va ta'mirlash uchun 1,6 milliard so'mlik ipoteka, 401 ta yosh oilaga uy-joy jihozlari va ro'zg'or anjomlari sotib olishlari uchun 500 million so'mlik iste'mol kreditlari berildi[12].

**Xulosa.** Xulosa tariqasida qayd etish joizki, Mustaqillik yillarida O'zbekistonda asosiy e'tibor ijtimoiy sohani islohotiga qaratildi. Xususan, tibbiyot sohasida ham jadal islohotlar bilan olib borildi. Tibbiyot sohasini rivojlantirish maqsadida qabul qilingan qator qarorlar soha rivojini ta'minlab berdi. Qolaversa, zamonaviy ilm-fan yutuqlarini sohaga keng jalb qilish, tibbiyotni rivojlantirishda jahon tajribasidan unumli foydalanish va transformatsion jarayonlar viloyat sog'liqni saqlash tizimining yuksalishida yangi bosqichni boshlab berdi.

***ADABIYOTLAR:***


1. *Tursunov S.N. va boshqalar. "Surxondaryo tarixi". –T.; "Sharq". 2004. 579, 584, 585-betlar.*
2. *Yormatov F.J. "O'zbekistonda aholini ijtimoiy himoyalash tizimi: holati, shakllanish jarayoni, rivojlanish istiqbollari (1991-2010 yillar. Janubiy viloyatlar misolida)". Tarix fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. Toshkent. 2010. 172-bet.*
3. *Xujanazarov A.Z. O'zbekistonda tibbiyot tizimi taraqqiyoti: natijalar va tahlillar (Surxondaryo viloyati misolida, 1991-2020 yy.). Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. Termiz. 2023. 148-bet.*
4. *Surxondaryo viloyat statistika boshqarmasining 1994-yil yakunlari yuzasidan tahliliy ma'lumotnomasi. – Termiz, 1995. – B 128-129.*
5. *Surxondaryo viloyat davlat arxivi. 45-fond, 1-yozuv, 335-ish, 17-varaq.*
6. *"Yosh Leninchi", 1990 yil, 16 mart, 2-varaq.*
7. *Surxondaryo viloyat hokimligining joriy arxivi. Viloyat Kengashining XXI/XIII sessiyasi materiallari. — 1992. – 20 yanvar. — B. 17.*
8. *Surxondaryo viloyat hokimligining joriy arxivi. Viloyat Kengashining XXI/XIV sessiyasi materiallari. -1993. – 2 fevral. — B. 21.*
9. *Surxondaryo viloyat hokimligining joriy arxivi. Viloyat Kengashining XXI/XIII sessiyasi materiallari. — 1993. – 15 may. — B. 13.*
10. *Surxondaryo viloyatining ijtimoiy rivojlanishidagi ayrim ko'rsatkichlar tahlili. (1991-2000 yillar. Termiz-2000 y.).*
11. *Xalq yo'li. 2009- yil, 15- yanvar.*
12. *Huquq. 2009- yil, 19- mart.*




https://buxdu.uz

UO‘K 94 (575.1)

# IKKINCHI JAHON URUSHIDAN KEYINGI YILLARDA SURXONDARYO VILOYATI MAKTABLARI MODDIY-TEXNIK BAZASIDAGI AHVOL

***Umarov Jamshid Saidmuratovich,***
*Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasi tadqiqotchisi,*
*pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)*
*Umarovjamshid510@gmail.com*
*https://orcid.org/0009-0004-2134-0503*

***Annotatsiya.*** *Bugungi kunda maktablarda ta’lim sifatini oshirish, moddiy-texnik bazani mustahkamlash va o‘quvchilarga eng yaxshi sharoitlarni yaratish davlat siyosatining muhim qismi bo‘lib qolmoqda. Har bir o‘quvchining sifatli ta’lim olishi, zamonaviy bilimlar bilan qurollanishi va amaliy ko‘nikmalarni egallashi uchun maktablarning texnik jihozlanganligi, pedagoglar malakasi va ta’lim muassasalari infratuzilmasining yuqori darajada bo‘lishi zarur. Maqolada ikkinchi jahon urushidan keyingi yillarda Surxondaryo viloyati maktablari moddiy-texnik bazasidagi ahvol haqida so‘z boradi.*

***Kalit so‘zlar:*** *texnik jihozlar, Surxondaryo viloyati, yetti yillik maktab, inventarlar, mebel, o‘quv jihozlari, kutubxona.*

## ПОЛОЖЕНИЕ МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОЙ БАЗЫ ШКОЛ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ В ГОДЫ ПОСЛЕ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

***Аннотация.*** *Сегодня повышение качества образования в школах, укрепление материально-технической базы и создание наилучших условий для учащихся остаётся важной частью государственной политики. Для того чтобы каждый учащийся получил качественное образование, был вооружён современными знаниями и приобрёл практические навыки, необходимо иметь техническую оснащённость школ, квалификацию педагогов и инфраструктуру учебных заведений на высоком уровне. В статье говорится о состоянии материально-технической базы школ Сурхандарьинской области в послевоенные годы.*

***Ключевые слова:*** *техническое оснащение, Сурхандарьинская область, семилетняя школа, инвентарь, мебель, учебное оборудование, библиотека.*

## THE STATE OF MATERIAL AND TECHNICAL BASE OF SCHOOLS IN SURKHANDARYA REGION IN THE YEARS AFTER THE SECOND WORLD WAR

***Abstract.*** *Today, improving the quality of education in schools, strengthening the material and technical base and creating the best conditions for students remain an important part of state policy. In order for each student to receive quality education, be armed with modern knowledge and acquire practical skills, it is necessary to have a high level of technical equipment of schools, the qualifications of teachers and the infrastructure of educational institutions. The article discusses the state of the material and technical base of schools in the Surkhandarya region in the years after the Second World War.*

***Keywords:*** *technical equipment, Surkhandarya region, seven-year school, inventory, furniture, educational equipment, library.*

**Kirish.** Hozirda O‘zbekistonda ta’lim sohasida ulkan yutuqlar qo‘lga kiritilmoqda. Yaqin o‘tmishga nazar tashlaydigan bo‘lsak, sovet mustamlakachiligi davrida O‘zbekiston hududida sanoqli ta’lim muassasalari bo‘lib, ularning aksariyati talab darajasida bo‘lmagan. Ularda yetishib chiqqan mutaxassislar mamlakat aholisining juda oz qismini tashkil etgan. Ba’zi hollarda odamlar savodsiz, hatto, oralaridan umumiy 11 yillik ta’limni egallamaganlari ham bor edi. Bu sovet hukumatining chuqur o‘ylangan nayrangi bo‘lib, o‘zbek xalqi uchun yod bo‘lgan kommunistik mafkura bilan millat ongini zabt etishga harakat qilgan. Shu asnoda xalqni qaramlikda, kuchli tazyiq ostida tutib turish, ularning pirovard maqsadi bo‘lgan. Ammo ularning ko‘zlagan rejasi amalga oshmadi, ozodlik ruhi ostida kamol topgan xalqimiz mustaqillik uchun kurash olib bordi va uzoq kutilgan kunga erishdi.

Ikkinchi jahon urushidan keyingi yillarda Surxondaryo viloyatida faoliyat olib borayotgan umumta’lim maktablari mutlaqo unga moslashmagan binolarda faoliyat ko‘rsatdi. Bu esa ta’lim-tarbiya



https://buxdu.uz

ishlariga salbiy ta'sir ko'rsatdi. Maktablarning moddiy — texnika bazasi nochor ahvolda bo'lib, o'quv vositalari, darsliklar yetishmas, maktablardagi kitoblarning ko'pchiligi rus tilida olib borildi.

XX asrning 60-yillaridan boshlab maktablar moddiy — texnika bazasini mustahkamlash borasida amaliy ishlar boshlandi. Maktab o'quvchilarini o'quv qurollari bilan ta'minlash hajmi ortdi. Ba'zi bir texnik vositalar o'rta maktablarga yetkazib berildi. Maktab kutubxonalari tashkil etildi. Lekin, kutubxonalardagi darsliklar, adabiyotlarning ko'p qismi rus tilida nashr etilgan edi. Xalq ta'limi moddiy-texnika bazasini yaxshilashga qanchalik harakat qilinmasin, masala ijobiy tarzda hal qilinmadi[4:125].

**Asosiy qism.** Maktablarda moddiy-texnik bazasining yaxshi tashkil etilishi o'quv jarayonining samaradorligini oshiradi va sifatli ta'lim olish uchun sharoit yaratadi. Bu jihatdan maktablar quyidagi asosiy jihatlar bilan ta'minlanishi kerak:

1. Texnik jihozlar — kompyuter sinflari, interaktiv doskalar, internet aloqasi va multimedia jihozlari.
2. Laboratoriyalar — tabiiy fanlar (fizika, kimyo, biologiya) uchun maxsus jihozlangan laboratoriya xonalari.
3. Kutubxonalar — turli fanlarga oid keng qamrovli adabiyotlar va elektron resurslar.

Urushdan keyingi yillarda O'zSSRda xalq ta'limi tizimini tinch izga tushirish ancha og'ir kechdi. Xususan, ta'lim tizimida moddiy-texnika ta'minotining zaifligi, o'quv adabiyotlari va o'quv qurollarining tanqisligi malakali o'qituvchilarning deyarli yetishmasligi o'quv tarbiyaviy ishlarni yo'lga qo'yishda ancha qiyinchiliklarni yuzaga keltirdi.

Aksariyat qishloqlardagi maktablar XX asrning 20-yillarda boylardan musodara qilingan uylarda faoliyat ko'rsatib kelardi. O'quv talablariga javob beradigan maktablar barmoq bilan sanarli edi. Shuning uchun ham 1946- yilga kelib maktablarni tegishli binolar bilan ta'minlash, ular uchun zarur o'quv dastgohlarini olish dolzarb muammolardan biriga aylandi.

Urush yillarida maktablarning binolarini bolalar uylari, internatlar va harbiy gospitallarga bo'shatib berilganligi hamda o'quvchi va o'qituvchilarning qishloq xo'jaligi ishlariga, fabrika zavodlarga jalb etilganligi natijasida albatta maktablarning ko'pi faoliyat olib borolmadi. Shu sababli maktab binolari ta'mir talab holatga kelib qolgandi. Maktablar binolarini birmuncha yaxshilash maqsadida 1944-yil 9-oktyabrda O'zbekiston SSR Xalq Komissarlari Sovetining 1238-sonli qarori bilan shaharlar va rayon markazlaridagi maktablarni asosiy ta'mirlash uchun mahalliy byudjetlardagi "Maorif" degan bo'lim boyicha jami 2 million so'm qo'shimcha pul ajratilgan va ular viloyatlarga quyidagicha taqsimlangan:

1. Andijon viloyatiga 150 ming so'm,
2. Buxoro viloyatiga 400 ming so'm,
3. Qashqadaryo viloyatiga 200 ming so'm,
4. Namangan viloyatiga 200 ming so'm,
5. Surxondaryo viloyatiga 150 ming so'm,
6. Toshkent viloyatiga 200 ming so'm,
7. Toshkent shahriga 150 ming so'm,
8. Farg'ona viloyatiga 250 ming so'm,
9. Xorazm viloyatiga 150 ming so'm,
10. Qoraqalpog'iston ASSRga 150 ming so'mni tashkil etgan.

Shuningdek ularga binokorlik materiallarini joyida topib olish va maktablarning ta'mirini joriy yilning oktyabr oyi mobaynida tamomlash majburiyati yuklangan.

Maktablarning moddiy-texnik ta'minotini yaxshilash borasida ham ancha ishlar amalga oshirildi. Natijada ko'pgina ta'mir talab maktablar ta'mirlanib, baholi qudrat o'quv jihozlari bilan ta'minlana boshladi. Qolaversa otaliq tashkilotlar va kolxozlarning bergan yordami tufayli bir qancha yangi maktablar ham qurilishiga erishildi. Xalqning tashabbusi bilan amalga oshirilgan hashar ishlari orqali ham maktablarni kengaytirish va ta'mirlash borasida anchagina ishlar amalga oshirildi.

1949- yilda O'zSSR Maorif Ministrligining byudjeti 1115 million rublni tashkil etdi. Bu urushdan avvalgi darajadan 1,4 barobar ko'p edi[1:83]. Bu mablag'larning aksariyat qismi yangi maktablar qurish va ularning moddiy texnik ta'minotini yaxshilashga ajratildi. 1950-51- o'quv yilida Surxondaryoda 47 ta boshlang'ich maktab yetti yillik maktabga aylantirildi, shuningdek, qishloq joylardagi boshlang'ich maktablar imkon qadar kengaytirildi. Agar 1947- yilda oblastda 270 ta boshlang'ich va to'liqsiz o'rta 10 ta o'rta maktab bo'lgan bo'lsa, 1949-1950 o'quv yiliga kelib oblastdagi maktablar soni 285 taga yetdi, shundan 11 tasi o'rta, 136 tasi yetti yillik, 138 tasi esa boshlang'ich maktablar edi[2:420].

1950-51 o'quv yilida Surxondaryo oblastida qo'shimcha 16 ta boshlang'ich maktab ochildi, 43 ta boshlang'ich maktab esa yetti yillik maktabga aylantirildi. Shuningdek, 32 ta maktabda qo'shimcha yangi o'quv binolari qurildi. Bu maktablar asosan otaliq tashkilotlari hamda jamoa va xo'jaliklar kuchi bilan qurilgan bo'lib, ularning moddiy-texnik ta'minoti o'ta past darajada edi. Ko'pgina maktablar moslashgan



https://buxdu.uz

binolarda joylashgan edi, qolaversa maktablarda isitish tizimlari, zarur asbob-uskunalar va mebellar yetishmasdi[7].

1950- yilda viloyatga o‘sha davrda nashr etilgan 89 nomdagi darsliklardan faqat 26 nomdagisi yuborildi[8].

1952- yilda Surxondaryo oblasti Termiz rayoni “Namuna” kolxozi a’zolarining tashabbusi bilan ikkita yetti yillik maktab qurildi[3:32]. Biroq ushbu maktablarning moddiy texnik ta’minoti ancha zaif bo‘lib, kerakli inventarlar, mebel va o‘quv jihozlari yetishmasdi. Hatto ayrim maktablar odamlarning hovlilarida ham tashkil etilgan edi. Ko‘pgina maktablar nobop binolarda joylashgan edi. Ayniqsa, qishloq joylardagi maktablarning ahvoli ancha xarob darajada edi.

1955- yilda jami 850 ta sakkiz yillik umumta’lim maktabining 49 tasida umuman jismoniy tarbiya o‘qituvchisi yo‘q edi. 113 ta maktabda esa bu fanni maxsus ma’lumotli bo‘lmagan sportchilar yoki harbiy xizmatdan bo‘shagan kishilar o‘tishardi. O‘sha vaqtda 350 ta maktabda 38 ta sport zali, 108 ta basketbol, 282 ta voleybol va 27 ta kompleks sport maydonchalari to‘g‘ri kelardi[9].

1956- yilda Surxondaryo viloyatida 26946 mln. so‘m ajratilgan bo‘lsa, 1958- yilda Surxondaryoda esa 155,8 mln so‘m ajratildi[10].

1960-61 o‘quv yilida Surxondaryo oblasti maktablariga 3759 ta parta, 295 ta doska, 343 shkaf, 450 stol, 829 stullar yetishmasdi [11]. Bunday sharoitda ayniqsa qishloq joylarda maktab binolari va sinfxonalar yetishmasligi tufayli o‘quvchilar 3 smenada ham o‘qishga majbur edi. Mavjud vaziyatni inobatga olgan holda 1960- yilda Surxondaryo oblastida 366 ta ma’muriy bino xalq ta’limi tizimiga berildi[4:80].

1966 va undan keyingi yillarda ham shoshma-shosharlik bilan maktablar qurish, ularni yetarli moddiy texnika o‘quv qurollari bilan ta’minlamaslik hollari davom ettirildi. Ba’zi qishloqlardagi maktablar yiriklashtirildi, ayrim joylarda zaruratdan kelib chiqib yangitdan tashkil etildi.

1974-1975 o‘quv yilida Surxondaryo viloyatida mavjud 387 maktabdan 266 tasi, ya’ni 64% i moslashtirilgan binolarda faoliyat ko‘rsatdi. Ulardan 238 tasida elektr, 357 tasida vodoprovod, 266 tasida bufet, 259 tasida kutubxona mavjud bo‘lmagan. Shu davrda viloyat maktablari ta’miri uchun zarur bo‘lgan 912 ming so‘m o‘rniga 465 ming so‘m ajratilgan edi[6]. Boysun tumanidagi “Sayrob”, “Boysun”, “Rabot”, “Sherobod”, Sariosiyo tumanidan “Vostok” kabi sovxoz va boshqa kolxozlarda joylashgan maktablarda 15-20 yillab qayta ta’mirlash ishlari olib borilmadi.

XX asr 70-yillari ikkinchi yarmi va 80-yillarning birinchi yarmida sovet jamiyatda boshlangan turg‘unlik holatlari, ijtimoiy turmush sharoitining yomonlashuvi, iqtisodiy qiyinchiliklar va muammolar xalq maorifi sohasiga ham salbiy ta’sir ko‘rsatdi. Boshqa sohalarda bo‘lganidek, ta’lim tizimida ham ko‘zbo‘yamachilik, kampaniyabozlik holatlari avj oldi.

1980-81 o‘quv yilida oblastdagi 216 ta maktabda kapital ta’mirlanishga muhtoj edi. 182ta maktabning esa oshxona va bufeti yo‘q edi, 382 ta maktab vodoprovod suvi bilan ta’minlanmagan, 332ta maktabda sport zallari, 26ta maktabda esa kutubxona yo‘q edi[5].

Sho‘rchida esa barcha korxonalar, tashkilotlar O‘zbekistonning tasarrufida bo‘lgani sababli mahalliy byudjetga o‘zlarining daromadlarining 15-25 foizini o‘tkazib turishgan. Shuning uchun ham bu yerda ijtimoiy-madaniy sohada ayrim yutuqlarga erishilgan. Shaharda 1970-1980 yillar mobaynida 1 ta qishki kinoteatr, 1 ta yozgi kinoteatr, 2 ta stadion, 2 ta voleybol va 1 ta basketbol maydonchalari, yugurish yo‘lakchalari qurildi. Bolalar sport maktabi ochildi. 1976 yili Sho‘rchida 600 o‘rinli klub foydalanishga topshirildi va shu tufayli turli to‘garaklar, badiiy havaskorlar ansambllari ijod qilishi mumkin bo‘ldi. Bundan tashqari shaharda 1 ta umumiy va 1 ta bolalar kutubxonalarining binolari qurildi. Kutubxonalarning kitob fondlari 1979- yil 35800 nusxani tashkil etgan bo‘lsa, 1990 -yilda 80 mingdan oshdi. 1979- yil Sho‘rchi tumanida mavjud 61 ta umumiy ta’lim maktabida 30.213 o‘quvchilar ta’lim-tarbiya oldi.

Shuningdek, zamonaviy o‘quv dasturlari, turli xil o‘quv qurollarining yetishmasligi ham ta’lim sifatini oshirishga to‘sqinlik qilar edi. 1984- yilda sobiq sovet hukumati rahbari K.Chernenkoning boshlagan maktab islohotini o‘tkazishga bo‘lgan urinishlari yetarli natija bermadi. Shunga qaramasdan, fidoyi o‘qituvchilarning o‘z kasbiga bo‘lgan muhabbati va tinimsiz mehnati tufayli tuman xalq ta’limi tizimi ma’lum yutuqlarni qo‘lga kiritdi.

**Xulosa.** Xulosa tariqasida qayd etish joizki, ikkinchi jahon urushidan keyingi xalq xo‘jaligini tiklash bilan bog‘liq qiyinchiliklar ko‘p maktablar qurish, ularni moddiy texnika va o‘quv qurollari bilan to‘la ta’minlash imkonini bermasdi. Lekin shunga qaramasdan, hukumat o‘zining bor imkoniyatlarini ishga solgan holda kolxoz va sovxozlar hisobidan hashar yo‘li bilan maktab binolari qurish chora-tadbirlarini ishlab chiqdi va amalga oshirishga harakat qildi. 50- yillardan boshlab maktablar qurilishi, ularni moddiy texnika va o‘quv qurollari bilan ta’minlash sohasida ma’lum ishlar amalga oshirilsa-da, ular o‘sha davr talablariga javob beradigan darajada emas edi. Chunki maktablar qurish uchun ajratilgan xarajatlar bepisandlik bilan sovrilishi, son ketidan quvish, sifatga e’tibor bermaslik natijasida ijobiy o‘zgarishlar sezilmadi.



https://buxdu.uz

***ADABIYOTLAR:***

1. Rahmonov N., Umaraliyev A. Sovet O‘zbekistoni madaniyati tarixi ocherklari. – Toshkent: “O‘qituvchi”. 1984. – B. 83.
2. Tursunov S.N. va boshqalar Surxondaryo tarixi. – Toshkent: “Sharq”. 2004. – B. 420.
3. Yunusov N. Xalq maorifining nurli yo‘li. – Toshkent: “O‘qituvchi”. 1980. – B. 32.
4. Sohibova M.T. O‘zbekistonda madaniy hayot:tajriba va muammolar. (janubiy viloyatlar misolida (1946-1985 y)). Tarix fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan diss. –Toshkent, 2008. – B. 80, 125.
5. Lenin bayrog‘i. 1982, 26 avgust.
6. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy Davlat arxivi, 94-jamg‘arma, 8-ro‘yxat, 34-ish. 90-varaq.
7. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 58-fond, 1-ro‘yxat, 3230-ish, 28-varaq.
8. Surxondaryo viloyat davlat arxivi, 85-fond, 1-ro‘yxat, 156-ish, 232-varaq.
9. Surxondaryo viloyati davlat arxivi. 92 –fond, 1-ro‘yxat, 77-ish, 12-47 varaqlar.
10. Surxondaryo viloyat davlat arxivi, 3-fond, 1-ro‘yxat, 143-ish, 5-varaq.
11. Surxondaryo viloyat davlat arxivi, 58-fond, 1-ro‘yxat, 116-ish, 11-13 varaqlar.



https://buxdu.uz

УДК 93/94

# ЖЕМЧУЖИНА ДВОРЦА БАБУРА ИЛИ ПРИНЦЕССА ТИМУРИДОВ ХОНЗОДАБЕГИМ

***Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич,***
*доктор философии по филологическим наукам (PhD),*
*Бухарский университет инновационного образования и медицины*
kamalovixtiyor@gmail.com

***Аннотация.*** *В становлении Захириддина Мухаммада Бабура как личности и творца, правителя и государственного деятеля, неоценимую роль сыграла его сестра – Хонзодабегим. В данной статье рассматривается жизненный путь Хонзодабегим, её роль в жизни царя и поэта, освещение её судьбы в художественных произведениях, в которых художественная интерпретация анализируется на основе исторических источников, созданных в тот период.*

***Ключевые слова:*** *Бабур, «Бабурнаме», Хонзодабегим, царицы Тимуридов, «Хумаюнname», Гульбаданбегим, Гарольд Ламб, «История Рашиди», «Звёздные ночи».*

## BOBUR SAROYI JAVOHIRI YOXUD TEMURIY MALIKA XONZODABEGIM

***Annotatsiya.*** *Zahiriddin Muhammad Boburning yetuk shaxs va ijodkor, hukmdor va davlat arbobi sifatida shakllanishida opasi Xonzodabegimning hissasi beqiyosdir. Ushbu maqolada Xonzodabegimning hayot yo`li, shoh va shoir faoliyatidagi roli yoritilgan, qolaversa, temuriy malika yashagan davrda yaratilgan tarixiy manbalardagi ma`lumotlar bilan badiy asarlardagi talqinlar tahlil qilingan.*

***Kalit so`zlar:*** *Bobur, «Boburnoma», Xonzodabegim, Temuriy malikalar, «Humoyunnoma», Gulbadanbegim, Harold Lamb, «Tarixi Rashidiy», «Yulduzli tunlar».*

## THE PEARL OF BABUR'S PALACE OR TEMURID PRINCESS KHONZODABEGIM

***Abstract.*** *In the development of Zakhiriddin Muhammad Babur as a personality and creator, ruler and statesman, his sister Khonzodabegim played an incomparable role. This article examines the life path of Khonzodabegim, her role in the life of the king and the poet, the coverage of her fate in works of art, in which artistic interpretation is analyzed on the basis of historical sources created during that period.*

***Keywords:*** *Babur, "Baburname", Khonzodabegim, Timurid princesses, "Humayunname", Gulbadanbegim, Harold Lamb, "The History of Rashidi", "Starry Nights".*

**Введение.** Из истории известно, что за любым великим человеком стоит женщина. Это может быть его мать, жена, дочь или сестра. В частности, велико служение женщин, которые поддерживали и воодушевляли царя и поэта Захириддина Мухаммада Бабура в построении огромного королевства, в становлении великим издателем, учёным и поэтом. Одной из таких исторических фигур является Хонзодабегим, принцесса Тимуридов. Хонзодабегим - старший ребёнок Умаршейха Мирзы и Кутлуг Нигарханум, старшая сестра великого Бабура. Об этом он говорит в своих мемуарах «Бабурнаме», описывая поколение своего отца: «У Умаршейха Мирзы было три сына и пять дочерей. Я был старшим из сыновей – Захириддин Мухаммад Бабур; моей матерью была Кутлуг Нигарханум... Старшей из его дочерей была Хонзодабегим, моя родная сестра, она была старше меня на пять лет" [1, 11]

**Основная часть.** Если обратиться к источникам, Хонзодабегим родилась в Андижане в 1478 году. Принцесса, которая по линии отца являлась потомком Сахибкирана Амира Тимура, а по матери - Чингисхана, получила во дворце глубокое религиозное и светское образование, в то же время активно участвовала в воспитании своего младшего брата Захириддина. Согласно историческим источникам, Хонзадабегим была проницательной, сметливой и умной [8, 14]. Особенно после неожиданной смерти главы семьи - Умаршейха Мирзы, она помогала матери и брату в управлении Ферганой. Её племянница, дочь Бабура, Гульбадан Бегим, в своем произведении «Хумаюнname» утверждает следующее: «Благословенная душа Умаршейха Мирзы, упав с крыши голубятни в Ахси, улетела в райские сады в понедельник, 25-го числа Рамадана. 4, 899. Он прожил тридцать девять лет. У него осталось трое благородных сыновей и пять дочерей. Старшим сыном был царь воды и земли Захириддин Мухаммад Бабур Гази, родившийся от дочери Юнусхана Кутлуг Нигарханум... Старшей



https://buxdu.uz

дочерью Мирзы Умаршейха была Хонзодабегим, родная сестра Хазрата Мухаммада Бабура” [2, 27-28] Мать и сестра Бабура, Кутлуг Нигарханум и Хонзодабегим были одними из самых больших вдохновителей в борьбе Бабура за корону с 12 лет, когда Самарканд несколько раз был взят и потерян, скитаниями и предательством. Мы можем убедиться в этом во многих произведениях, в частности, в бессмертном романе о царе и поэте - "Звездные ночи" Пиримкула Кадырова, "Бабур-Тигр" американского писателя Гарольда Ламба, "Архитектор шестнадцатого века" британского востоковеда Уильяма Рашбрука.

Все мы знаем, что судьбы Хонзодабегим и Бабура разошлись после 1501 года. Не будет преувеличением сказать, что отражение этого процесса в художественных произведениях является наиболее интересным моментом в биографии Хонзодабегим. Гарольд Ламб, подошедший с большим интересом к этой исторической реальности, по-своему описывает разделение братьев и сестер. То есть, Бабур во второй раз покоряет Самарканд, но через некоторое время терпит поражение от Шейбанихана и был вынужден покинуть столицу. Заключив мир с Шейбаниханом, Бабур покидает город, однако его сестра Хонзодабегим остаётся в руках врага. Группа западных историков, даже двоюродный брат Бабура, историк Мухаммад Хайдар-мирза, пользовавшийся большим уважением у него на протяжении многих лет, указывает, что «Бабур оставил сестру в руках Шейбани-хана в обмен на свою жизнь». Но Бабур в своей «Бабурнаме» утверждает, что его сестра неожиданно «попала в руки Шейбани-хана». Приведённое мнение Бабура подтверждает и Гарольд Лэмб. Он пишет в своей работе, что «Хонзада Бегим, которая всегда верно служила своему брату, похоже, осталась с Шейбани-ханом по своей воле» и не верит, что Бабур — человек, который спас бы собственную жизнь, отдав свою сестру врагам. Действительно, одной из самых противоречивых тем в биографии Захириддина Мухаммада, несомненно, является брак его сестры Хонзодабегим с Шейбаниханом. По этому поводу можно встретить разные мнения не только в художественных произведениях, но и в исторических материалах. Из истории известно, что Бабур во второй раз занял Самарканд в 1500 году. Но через некоторое время он потерпел поражение от Шейбанихана и был вынужден покинуть город.

После заключения перемирия Бабур покинул Самарканд со своими близкими людьми, однако его сестра была захвачена врагом и выдана замуж за Шейбанихана. Хоть и в «Бобурнаме» автор кратко назвал эту ситуацию «невезением», тем не менее все исторические источники не считают её случайностью. В частности, Гульбаданбегим рассказала в “Хумаюннаме”: «Мой отец полгода пытался взять Самарканд, но им не удалось добиться своих целей… они были разочарованы, когда ниоткуда не пришла помощь и поддержка. В это время Шахибекхан крикнул: «Если вы отдадите мне Ханзадабегим, между нами будет заключён мир и установится союзнические узы». В конце концов они отдали Хонзодабегим этому хану и им пришлось вернуться» [2, 29-30]. Итак, исторические и художественные источники решительно опровергают мнение друг друга по этому вопросу в биографии Бабура. Хотя роман «Звёздные ночи» также является историческим произведением, всё же это, прежде всего, произведение художественное. На вышеизложенную историческую путаницу, знаменитый творец ответил своим изобретением прекрасного художественного «вымысла».

То есть, согласно художественной интерпретации Пиримкула Кадырова, Шейбанихан отправил Хонзодабегим любовное письмо, сообщив, что, если он женится на ней, то позволит своему брату Бабуру и его родственникам благополучно покинуть город. Чтобы защитить свою мать и остальных своих родственников от смерти, а также спасти брата от злого круга, Хонзодабегим хоть и почувствовала неодобрение со стороны Бабура, она всё-таки, никому не сообщая, добровольно отправилась к Шейбанихану. П. Кадыров, питающий особое уважение и любовь к царю и поэту, не может охарактеризовать его в своем романе как брата, отдавшего сестру в руки врага. Или, как отмечают некоторые литературоведы, главный художественный акцент писателя в этой ситуации делается не на Бабуре, а на храбрости Хонзодабегим, спасшей своего брата, мать и других близких. [3, 4]

Говоря о личности Бабура, когда «Бобурнаме» и другие исторические материалы не вполне сбалансированы, Пиримкул Кадыров опирается, в первую очередь, на «Бобурнаме». Выше мы отмечали, что Бабур описал передачу Хонзодабегим Шейбанихану с некоторой осторожностью и уклонением от ответственности. Фактически, независимо от того, какова была историческая реальность, Хонзодабегим осталась в истории как героиня того времени, которая принесла себя в жертву для спасения своей семьи, матери и братьев, а также страдавший от войны народ Самарканда. По этому поводу британский писатель Рашбрук говорит: «Нам не известны условия мира между Бабур-Мирзой и Шейбани. Он ничего не пишет об этом; вероятно, его гордость не позволяла этого. Но по некоторым данным, он был вынужден сдать город добровольно, а в обмен на



https://buxdu.uz

спасение своей жизни и жизни членов своей семьи вынужден был выдать свою сестру Хонзодабегим замуж за своего непримиримого соперника. Эта ситуация, должно быть, нанесла серьёзный удар по гордости Бабур-Мирзы» [4, 67]

В произведении Мухаммада Салиха «Шейбани-намэ», являющемся ещё одним историко-художественным источником, созданным в тот период, мы можем найти несколько иной подход к вопросу. Из истории известно, что Мухаммад Салих имел личную неприязнь к семье Тимуридов, именно Тимуриды казнили его родственников, и он был вынужден покинуть страну. В связи с этой проблемой историк пытается отомстить Тимуридам через Бабура. В своей работе он описывает Шейбанихана и Хонзодабегим как любовников. Именно по этой причине он разделяет страницы своего повествования и в конце даже подчёркивает интимные ситуации. Возможно, по этой причине мы можем найти схожие подходы в большинстве исторических источников, созданных во времена династии Шейбанидов.

В последние годы мы столкнулись с развитием подобных событий в некоторых художественных произведениях, созданных в узбекской литературе. В частности, в рассказе Садуллы Сиёева «Сокол Дашти Кипчака или Шайбанихан» показано, что Шайбанихан был влюблен в Хонзодабегим на протяжении двух лет. После того как Шейбанихан осадил Самарканд, он написал письмо Хонзодабегим. В этом заявлении, адресованном Хонзодабегим, воплощены как описание принцессы, так и условия, налагаемые ханом на жителей города [9,3].

Из новейших исследований в области литературоведения и историографии известно, что брак Ханзодабегим с Шайбаниханом стал результатом борьбы двух претендентов на самаркандский престол, а не мести. Но это была ещё и шариатская церемония бракосочетания, которая была спланирована заранее и, что самое главное, организована с соблюдением всех формальностей. Даже «сторона невестки» была приглашена и присутствовала на этой церемонии. В частности, на страницах "Шейбани-намэ" есть упоминания об участии в этом обряде её прабабушки - Эсан Давлатбегим [10,11]

Хонзодабегим, бывшая замужем за Шейбаниханом, имеет от него одного ребёнка – сына по имени Хуррамшах. Но когда борьба между сторонниками Бабура и шейбанитами продолжилась, Шайбанихан разгневался, развёлся с Хонзодабегим, чтобы держать её подальше от себя, и отдал её замуж за одного из своих близких родственников Саид Хади. Когда Саид Хади был убит вместе с Шейбани-ханом в битве под Мервом, Хонзодабегим попала в плен к воинам Исмаила Сефеви, шаха Ирана. Когда он узнал, что эта принцесса является сестрой царя и поэта, шах отправил Хонзодабегим в Кундуз – к Бабуру. Описывая длительную связь с сестрой, Бабур пишет: «Хонзодабегим вышла замуж за Мухаммада Шейбани-хана, и у них родился сын. Звали его Хуррамшох, он был порядочным мальчиком. Ему была дана провинция Балх, и через пару лет после смерти отца он тоже ушёл к Богу. Хонзодабегим была в Мерве, когда Шах Исмаил победил Шейбани-хана в Мерве. Поскольку он меня очень уважал, он передал мне мою сестру, и моя сестра приехала в Кундуз, чтобы встретиться со мной. Прошло десять лет с тех пор, как мы расстались. Бегим и приближённые меня не узнали. Потом я назвал своё имя, и через некоторое время меня узнали».

**Заключение.** Хонзодабегим была крылом и поддержкой брата Бабура в создании королевства сначала в Кабуле, а затем в Индии. Тяжело переживая разлуку с ребёнком, принцесса приняла семью брата как свою. Даже после смерти Бабура в 1530 году, Хонзодабегим жила во дворце семьи Бабура и обучала детей своего брата. По данным источников, Хонзодабегим пользовалась большим уважением и почётом среди придворных, благодаря своему уму и предприимчивости. Она участвовала в строительстве столпов царства Бабуридов, преемников династии Тимуридов в Индии. После смерти Бабура Хонзодабегим приняла участие в завершении «Бобурнамэ», она помогала воспитывать его детей. Ханзодабегим умерла в сентябре 1545 года в районе Кабулхака, когда она и её племянник Хумаюн направлялись из Кандагара на встречу с его младшим братом Камроном Мирзой. Через три месяца её тело было доставлено в Кабул и похоронено в мавзолее её брата Бабура.

***ЛИТЕРАТУРА:***


1. *Захириддин Мухаммад Бабур. Бабурнаме. - Ташкент: «Фан», 2019. - Б.11.*
2. *Гульбаданбегим. Хумаюнname. - Ташкент: «Маънавият», 1998. - С.27-28.*
3. *Рисолат Хайдарова. Историческая правда и художественный вымысел// Восточная звезда. – Ташкент. 2017- 2 выпуск. - С.4*
4. *В. Рашбрук. Творец шестнадцатого века /; - Ташкент: Шарк, 2011. -Б.67.*
5. *Мухаммад Хайдар Мирза. История Рашиди. – Тошкент: Шарк, 2010. – 305 с.*




https://buxdu.uz

6. *Ламб Х. Бабур – тигр. – Тошкент: Узбекистан, 2018. – 69 с.*

7. *Кодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Шарқ, 2018. – 254 б.*

8. *Файзиев Т. Темурий маликалар. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 32 б.*

9. *Юлчиев К., Солиев Ш. Саъдулла Сиёевнинг "Дашти Қипчоқ лочини ёхуд Шайбонийхон" асарида Шайбонийхон образининг ўзига хос хусусиятлари. https://cyberleninka.ru/article/n/sa-dulla-siyoyevning-dashti-qipchoq-lochini-yoxud-shayboniyxon-asarida-shayboniyxon-obrazining-o-ziga-xos-xususiyatlari*

10. *Ражабова Б. Матонатли малика. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 7-сон (4354). 2016. 13-феврал.*



https://buxdu.uz

**УЎК 94 (575.1)**

# ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ВАҚТИДА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ

***Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич,***
*Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси*
*мудири, тарих фанлари доктори, профессор*
*tursunovsafullo12@mail.ru*
*https://orcid.org/0009-0005-2553-6164*

***Аннотация.*** *Янги Ўзбекистон шароитда бугунги ва келажакдаги ривожланиш режаларни амалга ошириш учун ўтмиш ва яқин даврда халқимизнинг босиб ўтган тарихий йўлига назар солиш туфайли, мустақил давлатчилигимизни назарий ва амалий асосларни мустаҳкамлаш учун халқимизни маънавий дунёқарашни янда юксалтириш давр талаби бўлмоқда. Чунки бугунги кунда амалга оширилган ютуқларни халқимизнинг кеча босиб ўтган тарихини мусибатли кунларини, қисматли аччиқ тақдир синовларини, оғир жудоликларни ўз бошидан кечирганлигини, миллий озодлик йўлида минглаб фарзандлар ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлигини аниқлаш, ўрганиш, холисона тарихий таҳлил асосида ҳозириги ва келажак авлодга тақдим этиш муҳим аҳмиятга эгадир.*

***Калит сўзлар:*** *Сурхондарё округи, ер-сув ислоҳоти, Аҳмад тўқсабо Шомуродов, ОГПУ, 1928-1929 йиллардаги қатағонликлар.*

## НАШИ СООТЕЧЕСТВЕННИКИ, РЕПРЕССИРОВАННЫЕ ВО ВРЕМЯ ЗЕМЛЕ-ВОДНОЙ РЕФОРМЫ

***Аннотация.*** *В условиях нового Узбекистана для реализации текущих и будущих планов развития необходимо обратить внимание на исторический путь, пройденный нашим народом в прошлом и ближайшем будущем, и далее возвышать духовное мировоззрение нашего народа с целью укреплять теоретические и практические основы нашей независимой государственности, потому что важно выявить, изучить и представить нынешнему и будущим поколениям достижения, достигнутые сегодня, на основе объективного исторического анализа, истории нашего народа, трагических дней, которые он пережил, драгоценных горьких испытаний судьбы, тяжёлые потери, которые они пережили, тысячи детей, которые погибли за свободу своей родины.*

***Ключевые слова:*** *Сурхандарьинский район, земельно-водная реформа, Ахмад Токсабо Шомуродов, ОГПУ, репрессии 1928-1929 годов.*

## OUR COUNTRYMEN WHO ARE REPRESSED DURING THE LAND-WATER REFORM

***Abstract.*** *In the conditions of new Uzbekistan, in order to implement current and future development plans, it is necessary to look at the historical path that our people have traveled in the past and in the near future, to strengthen the theoretical and practical foundations of our independent statehood, to raise the spiritual worldview of our people. Because, it is of great importance to identify, study, and depict to the present and future generations the achievements made today, the history of our people, the past of which was difficult, the bitter trials of fate, the difficult losses they experienced, the thousands of children who died on the path of national liberation, and the liberation of the homeland on the basis of an objective historical analysis.*

***Keywords:*** *Surkhandarya district, land and water reform, Akhmad Toksaba Shomurodov, OGPU, repressions of 1928-1929.*

**Кириш.** Бугунги тарихшунослигимизда эл-юрт миллий озодлиги йўлида кураш олиб борган, миллий-диний, маданий қадриятларимизни сақлаб қолишга интилган, мустабид тузумга қаршилик кўрсатган, охир-оқибат совет ҳокимияти томонидан ўлдирилган, қамалган, сургун қилинган юртдошларимизнинг кечмиш тарихини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи муҳим аҳамиятга эга бўлиб: “Ҳаёт қонуниятига кўра, вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Лекин бу ёруғ дунёда улуғ бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган инсонлар хотираси ҳамиша



https://buxdu.uz

барҳаёт яшайди. Халқимиз ва миллатимизнинг юксак қадрият ва фазилатлари айнан ана шундай асосда шаклланади ва ривожланади” деб юксак баҳо берган эди.

**Асосий қисм.** Сурхондарё округида ўтказилган энг йирик сиёсий жараёнлардан бири бу 1928-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳотлари ҳисобланади. Бу ислоҳотларни ўтказишдан муайян мақсадлар кўзланган эди. Иқтисодий томондан олиб қарайдиган бўлсак, 1925 йилда бутун Совет давлатида индустрлаштириш (саноатлаштириш) жараёни авж олиб кетди. Ишга туширилаётган саноат корхоналарига тобора кўпроқ хом ашё керак эди. Бу даврда Россиядаги тўқимачилик корхоналари асосан АҚШдан валюта ҳисобига келтирилаётган пахта билан ишлар эди. Кенг кўламли саноатлаштириш авж олаётган бир шароитда Америка пахтасига қарамликдан қутулиш ва чет эл валютасини тежаш давр талабига айланди. Бунинг учун мамлакатда пахтачиликни ривожлантириш зарур эди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан Совет давлати Ўзбекистонда йирик пахтачилик плантацияларини шакллантириш бўйича улкан режаларни амалга оширишга киришди. Бу амалда иқтисодиётда пахта монополиясининг ўрнатилишини англатар эди.

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш осон эмас эди. Бунинг учун жуда кўплаб янги ерларни ўзлаштириш ва йирик ирригация иншоотларини қуриш талаб қилинар эди. Аммо бу ишларни бажариш учун маблағлар йўқлиги ҳисобга олиниб, бойлар ва ўзига тўқ деҳқонларнинг ерларини тортиб олиш йўлидан борилди.

1925 йилнинг 18 февралида И.Сталин Ўзбекистон компартиясининг I съездига телеграмма йўллаб, ер-сув масаласига алоҳида эътибор қаратишни таъкидлади [1:5]. Шу съездда қатнашган СССР Марказий Ижроия Қўмитаси (МИҚ) раиси М.И.Калинин ҳам бунга алоҳида урғу берди [2:33-34]. 1925 йилнинг октябрида ВКП (б) МК И.Сталин ва М.И.Калинин бошчилигидаги комиссия томонидан ишлаб чиқилган «Ўрта Осиё республикаларида ер-сув ислоҳоти бўйича ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги дастурни қабул қилди. Шу дастурдан келиб чиқиб, 1925 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон компартиясининг II съездида республикада ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Натижада, ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси 1925 йил 2 декабрда «Ер ва сувни национализация қилиш» тўғрисида ва «Ер ва сув ислоҳоти тўғрисида» декретларни қабул қилди. Ана шу декретлар асосида 1925-1929 йилларда Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Ўзбекистонда ер олди-соттиси, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш қатъиян таъқиқланди[3:57-59].

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти 3 босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич 1925-1926 йилларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида, иккинчи босқич 1927 йилда Зарафшон (Бухоро) воҳасида, учинчи босқич 1928-1929 йилларда Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида ўтказилди [4:36]. Ер-сув ислоҳоти Сурхон воҳасида сал кечроқ ва ўзига хос шаклда ўтди. Негаки, маҳаллий аҳолининг асосий қисми бу ҳокимиятни норозилик билан кутиб олган эди. Қолаверса, воҳада ҳали мустабид совет режимига қарши қуролли кураш ҳали тўхтамаган эди.

Архив ҳужжатларини ўрганиш шуни кўрсатдики, унча катта бўлмаган гуруҳлар 1931 йилнинг охиригача, кичикроқ, тарқоқ гуруҳлар эса 1935 йилга қадар қаршилик кўрсатганлар. Жумладан, 1928 йил 1-17 апрел оралиғида Амударёдан Сурхондарё округига Саҳат Жумаев, Дониёр Умаров, Ўтанбек, Мирза полвон тўдалари ўтиб олиб, бир қатор ҳудудларга ҳужум қилишди. 9 апрелга ўтар кечаси Чорвоққориз қишлоғи яқинида Мацкевич бошчилигидаги отряд тоғдан нон олиш учун тушиб келган Дониёр Умаровнинг укаси Сафар Умаровни қўлга олди. 11 апрелга ўтар кечаси Мацкевичнинг милиция отряди Шезарабодсой қишлоғи яқинида, дара ичида Дониёр Умаров ва Аллаёр Турсаҳатовни қўлга олди. Улардан икки қилич, бир «наган» тўппончаси (учта ўқи билан), 4 та патронтаж, 256 дона милтиқ ўқи ва 2 от тортиб олинди. Қолган гуруҳлар қочиб кетишга муваффақ бўлишди [7].

Бундай тўқнашувлар тез-тез содир бўлиб турар, миллий кучларни амир амалдорлари, руҳонийлар, йирик бойлар ва савдогарлар қўллаб-қувватлар эдилар. Шу боис озодлик ҳаракати иштирокчилари 1929 йилга қадар қўққисдан пайдо бўлиб қолар, қизил аскарлар уларни қўлга ололмай хуноби чиқар эди. Оқибатдахалқ хўжалигини тиклаш ишлари анча сустлашди.Шуни ҳисобга олган совет ҳукумати меҳнат қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунчаси йўқ, сиёсий билимлари етарли бўлмаган меҳнаткаш халққа текин ер-мулк ва бошқа ваъдалар бериб, уни ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилди.

Совет давлати озодлик ҳаракатининг иқтисодий илдизини қирқиш учун ер-сув ислоҳотлари ва жамоалаштириш сиёсатини ўтказишга киришди.Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан 1928 йил 1 ноябрда 192-сонли «Йирик бойларнинг ердан меҳнатсиз фойдаланишини тугатиш тўғрисида»ги декрети қабул қилинади. Унга кўра, Сурхондарё округида йирик бойлар, амир



https://buxdu.uz

амалдорлари ва руҳонийларнинг 20 гектардан ортиқ суғориладиган ерлари ва лалми ерларнинг 45 гектаридан ошиқчаси тортиб олинадиган бўлди[8].

«Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округларида ердан меҳнатсиз фойдаланишни тугатишни ўтказувчи органлар тўғрисидаги Низом»да кўрсатилишича, ер-сув ислоҳотини Наркомзем (Ер ишлари бўйича халқ комиссарлиги), округ ижроия қўмиталари қошидаги Округ Ер Комиссияси, туман ер комиссиялари ўтказиши белгиланди[9].

Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округларида ердан меҳнатсиз фойдаланишни тугатиш тўғрисидаги декретни жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган йўриқномада шундай кўрсатма берилади:

Помешчик типидаги йирик бой хўжаликларини тугатишда барча ерларни, шу жумладан, дарахтлар, экинзорлар, боғлар ва шу кабилар, ушбу ерда жойлашган барча иморатлар ва қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги бинолар (омборхоналар, қўтонлар, чиғирлар, қўрғончалар, қудуқлар ва ҳкз.лар), шунингдек, мусодара қилинадиган ердаги тегирмонлар ва бошқа қурилишлар ҳамда қишлоқ хўжалик саноатининг ёрдамчи ускуналари тортиб олинади. Уларга фақат турар-жойи қолдирилади. Шаҳар ичидаги иншоотлар ва корхоналар тугатишга киритилмайди. Агар тугатиладиган хўжалик эгаси атрофдаги аҳоли учун зарар келтирувчи шахс сифатида тан олинса, уни сургун қилиб, мол-мулки ва уй-жойлари тўлиғича тортиб олинади[10].

10 кишидан ортиқ киши яшайдиган катта оилаларга имтиёз берилиши кўзда тутилди. Бунда ушбу оила аъзоларидан бирон киши дала ишларига доимий жалб қилинган бўлсагина ушбу тоифага киритилди. Мазкур оилаларга туманда белгиланган миқдордаги ер қолдирилиши белгиланди.

Йўриқномада бутунлай тугатилиши лозим бўлган хўжаликлар аниқ белгилаб берилди.

Собиқ Бухоро амирлиги бўйича:

А) марказий маъмурият бўйича – қўшбеги, тўпчибоши, лашкарбоши, хазиначи, удайчи, девонбеги, мирипоян, закотчи, раис, миршаб, амлокдор, жамоа, қозикалон, бий, додҳо, тўқсабо, шайхулислом, муфти, аълам ва охун;

Б) вилоятлар маъмурияти бўйича – беклар, қўрғонбегилар, қози, раис, амлокдор, оғалик, ясовулбоши, қоровулбеги, мирохур, тўқсабо, бий, судур, садр, ўроқ, муфтий, аълам, мударрис, кўп муридларга эга эшонлар, туман марказларида яшовчи хатиблар.

Собиқ Хива бўйича: – маҳрам, ясовул, карвонбоши, қушбеги, девонбеги, қозикалон эшон, аълам эшон, муфтий эшон, қозиўрда эшон, исломхўжа ва канахўжа[11].

Юқоридагилардан келиб чиқилса, ислоҳотга сиёсий тус берилганлиги аён бўлади. Сўнгги тадқиқотлар совет режимининг ер-сув ислоҳотларини ўтказишдан олдин қатағон қилиниши лозим бўлган кишиларнинг рўйхати ва уларнинг тавсифномасини тузиб чиққанлигини кўрсатди. Эътиборли томони, бу рўйхатларсир сақлаш тамғаси остида тузилган эди. Совет ҳукумати руҳонийлар, амир амалдорлари ва бойларни аниқлаш мақсадида бир нечта гуруҳларни юборган. Биринчи гуруҳ аниқлай олмаган кишиларни кейинги гуруҳ аниқлаб бораверган.

Рўйхатлар шакллантирилгач, комиссия томонидан махсус иш (дело)лар тутилиб, унга тугатилувчи хўжаликда яшовчиодамлар сони вамол-мулки тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Улардан энг йириклари бўйича алоҳида тавсифномалар ёзилган. Кейинер-сув комиссиясининг хўжаликни тугатиш бўйича қароричиқарилган ва мол-мулкни тортиб олиш тўғрисида далолатнома тузилган. Охирида қишлоқ кенгашларитомонидан мазкур хўжаликнинг тугатилганлиги тўғрисида маълумотнома берилган.

Таъкидлаш жоизки, ер-сув ислоҳоти арафасида Термиз туманида ҳар бир деҳқон хўжалигига ўртача 3-4 таноб, бой хўжалигига эса 10-15 таноб тўғри келган эди. Денов туманидаги бутун хўжаликларнинг 4,68 % ни йирик бой хонадонлар ташкил этиб, улар ихтиёрига барча экин майдонларининг 46,03 %, Сариосиё туманида эса бутун хўжаликларнинг 3,7 %, экин майдонларининг 70 % йирик ер эгалари қўлида бўлиб, тумандаги 5 минг хўжаликнинг 3 мингтасида 0,5 дан 5 танобгача ер тўғри келар эди. Бойсундаги жами экин майдонларининг 9,6 фоизи бутун аҳолининг 0,4 фоизини ташкил этган бойлар қўлида эди. Ерсиз камбағал-қашшоқлар Бойсун туманида 12,1 %, Термиз туманида 46,8%, Сариосиёда 41,9%, Шерободда 51,2% ни ташкил этган[5:233].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, воҳада йирик мулкдорларнинг умумий улуши жуда паст бўлганлигини кўриш мумкин. Шунга қарамай, компартия раҳбарияти мазкур ислоҳотлардан ички зиддиятларни авж олдиришга ҳаракат қилди. Жумладан, 1928 йилнинг 5 ноябрида, бозор куни бўлганлигидан фойдаланиб, Жарқўрғонда ер-сув ислоҳотини қўллаб-қувватлаш бўйича йирик митинг ўтказилди. Унда бел, кетмон, ўроқ ва шохалар билан қуролланган мингдан ортиқ батраклар, ерсиз ёки оз ерга эга бўлган деҳқонлар қатнашишди. Шундан сўнг намойишчилар қизил байроқларни ҳилпиратиб, бозор майдонигача келишди ва бу ерда иккинчи митинг ўтказилди. Унда ердан



https://buxdu.uz

меҳнатсиз фойдаланишни тўхтатиш, бой-қулоқ унсурлар, руҳонийлар ва собиқ амир амалдорларига нисбатан лаънатлар айтиш умумий шиорга айланди. Намойиш сўнгида комиссияга кўмаклашиш учун 5 нафар камбағалдан иборат гуруҳ тузилди. Ана шундай кишилар ёрдамида туманда йирик мулкдорларнинг хўжаликларини тугатишга киришилди[12].

Бойсун туманида олиб борилган ислоҳотларда камбағаллар ва батраклар фаол иштирок этишиб, олий руҳонийлар, бойлар ва амир амалдорларининг ерларини тортиб олишни талаб қилишди[13].

Юзага келган оғир вазиятни юмшатиш ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида Шеробод туманидаги Аҳмад тўқсабо Шомуродов, Субҳонқул Собиров (бой), Абдувоҳид Омонқулов (эшон), Мажид Абдукарим (қоровулбеги) сингари бойлар ихтиёрий равишда ерларидан воз кечиб, уни ўз қишлоқдошларига бўлиб беришди. Бунга жавобан Сурхондарё округ Ер Комиссияси барча туман бўлимларига хат жўнатиб, «кўнгилли тарзда» ерни топшираётган бойлардан асло ер олмасликларини талаб қилди. Комиссиянинг фикрича, улар бу иши билан ўз обрўларини сақлаб қолмоқчи бўлишган. Шу сабаб, бундай бойларнинг мол-мулкини улардан сўраб ўтирмай тўлиқ мусодара қилиш керак[14].

Ер-сув ислоҳоти натижасида собиқ амир амалдорлари, руҳонийлар, савдогарлар ва йирик бойларнинг бутун мол-мулки мусодара қилинган. Уларнинг яшаши учун ҳеч қандай имконият қолдирилмаган. Натижада Сурхондарё округ Ер Комиссияси қароридан норозибўлиб шикоят қилувчилар сони кўпайиб борган. Улардан Шеробод туманидаги Зарабоғ қишлоғида яшовчи Менгliқул Ҳақназаровнинг Округ Ер Комиссиясига ёзган шикоятида айтилишича, туман Ер Комиссиясининг 1928 йил 14 декабрда қабул қилган қарори билан у амир амалдори сифатида тан олиниб, 22 таноб лалми ери, 51 таноб суғорма ери, 3 та хўкиз, 2 та отини мусодара қилинган. 14 кишидан иборат бўлган оиласини боқиш учун ҳеч нарса қолдирилмаган. Бунда қишлоқларда айрим кишиларни «полвон», «раис» деб чақирганларидек, уни ҳам «оқсоқол» деб аташганлигини, бирор киши уни амир хизматида бўлганлиги исботлаб беролмаслигини, шунга қарамай, амир амалдорлари тоифасига киритилганлигини афсус билан қайд қилиб, ёрдам беришни сўрайди [15]. Афсуски, бу ариза бошқа кўпгина шунга ўхшаш шикоятлар қатори жавобсиз қолдирилган.

Совет режими ўзига хизмат қилган бойларни ҳам аямаган. Махфий ҳужжатлардан бирида айтилишича, Жарқўрғон туманидаги Тўпқора қишлоғида яшовчи Марқа Алибоев ўртаҳол деҳқон бўлиб, 2-3 гектар ери, от, эшак ва 2 туяси бўлиб, бой сифатида сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилган. Марқа Алибоев ўтмишда мусулмон отрядига бош бўлиб, миллий кучларга қарши курашганлиги учун ўз норозилигини билдирган ва «мени шу хизматларим учун маҳрум қилишди» деган [16].

Шеробод туманидаги Хўжақия қишлоғида яшовчи Мустафоқул Муқимовнинг 1929 йил 19 февралда Сурхондарё округ Ер Комиссияси номига ёзган аризада айтилишича, туман ер комиссияси уни бой деб ҳисоблаб, 22 таноб ери ва бир отни тортиб олган. Ушбу ерларни ўзи ишлаши, ҳеч кимга ижарага бермаганлиги, қолаверса, собиқ босмачиларга қарши кураш олиб борганлиги учун Сурхондарё округ ижроия қўмитаси томонидан 1927 йилда мукофот олганлигини маълум қилади[17].

Амирлик даврида Термиз шаҳри ҳокими – бекча лавозимида ишлаган Холмурод Пирназаров ҳам қатағонга учради. Оила аъзолари сони 11 жондан иборат бўлишига қарамай, 1928 йилда амир амалдори сифатида хўжалиги тугатилган. Аксига олиб, уни фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум этишган. Сурхондарё округ ОГПУ бўлими томонидан Сурхондарё округ ижроия қўмитаси раиси номига 1930 йил 18 майда жўнатилган хатда ёзилишича, фуқаро Пирназаров 1921 йилдан бошлаб Совет давлати томонида туриб, миллий кучларга қарши курашганлиги, унинг амир амалдори бўлмаганлигини кўплаб ҳужжатлар ва Паттакесар шаҳри аҳолиси ҳам тасдиқлаши кўрсатилган. Пирназаровнинг айтишича, у ишлаган лавозим (бекча) қишлоқ оқсоқоли лавозимига тўғри келиб, ўзи 5-6 кишилик қайиқ эгасига ижарачи бўлган. Ана шундан келиб чиқиб, Сурхондарё ОГПУ раисининг ўринбосари Диментман округ раисидан Пирназаровнинг ҳуқуқлардан маҳрум этилиш сабабларини сўраган[18]. 1930 йил 23 майда Сурхондарё округ ижроия қўмитасидан келиб тушган махфий хатда ёзилишича, Пирназаров Холмурод илгари ҳақиқатдан ҳам амир амалдори бўлиб ишлаганлиги ва буни камбағаллар йиғини тасдиқлашини, шундан келиб чиқиб уни ҳуқуқлардан маҳрум этилганлар рўйхатида қолдирилишини маълум қилган[19].

**Хулоса.** Халқимиз тарихи ниҳоятда бой ва кўп тармоқли бўлиб, унинг ҳар бир сонияси бой тарихий воқеаларни ўз бошидан кечирган. Инсон онгида шаклланган ватан тушунчаси ҳам тор ҳам кенг маънода таҳлил этилса-да, унинг таҳлилда бир воқелик, яъни Она-ватан тушунчаси мавжуд бўлади. Ватан озод ва мустақил бўлса, ундан халқ баҳраманд бўлиб, аждод-авлодлари тинч яшаб, мамлакат тараққиёти учун муносиб хизмат қиладилар. Ҳозирги даврда миллий мустақилликни асраш ва ҳимоя қилиш учун огоҳ бўлиш ҳар бир ватандошимизни муқаддас бурчи эканлигини, ботир ва



https://buxdu.uz

юртсевар кишилар эркинлик ва миллий давлатчиликни тиклаш йўлида босқинчиларга қарши кураш олиб борганларни, ўз жонларини фидо қилганликларни ҳис этиш долзарб масалаладир.

***АДАБИЁТЛАР:***


1. *Первый съезд коммунистической партии большевиков Узбекистана. Стенографический отчет 6 - 12 февраля 1925 г. – Ташкент, 1925. –С. 5.*
2. *Стенографический отчёт I съезда компартии Узбекистана. – Самарканд, 1925.–С. 33-34.*
3. *Гуревич А. Земельно-водная реформа в Узбекской ССР (1925-1929) // Вопросы истории. – 1948. – №11, Ноябрь. –С. 57-59.*
4. *Аскаров М.Э. Из истории земельно-водной реформы в Зерафшанской области // Новое слово в науке и практике: гипотезы и апробация результатов исследований. № 23, 2016 года. –С. 36.*
5. *Турсунов С, Турсунов А, Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Yangi nashr, 2014. –Б. 233.*
6. *“Шаҳид кетган қатағон қурбонлари – хотираси абадий” (1920-1938 йиллар). Тузувчи муаллифлар С. Турсунов ва бошқ. Нашр учун маъсул Б.Хасанов. – Тошкент: «Yosh avlod matbaa», 2022. – 272 б.*
7. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 96-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 5-7-варақлар.*
8. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 790-иш, 12-варақ.*
9. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 9-варақ.*
10. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 1-варақ.*
11. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 2-3-варақлар.*
12. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 785-иш, 31-32-варақлар.*
13. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 766-иш, 60-варақ.*
14. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 740-иш, 41, 304-варақлар.*
15. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 412-иш, 43-46-варақлар.*
16. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 507-иш, 62-63, 89-варақлар.*
17. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 774-иш, 38-39-варақлар.*
18. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 507-иш, 195-варақ.*
19. *Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-фонд, 1-рўйхат, 507-иш, 196-варақ.*




https://buxdu.uz

**УЎК 93/94**

## БУХОРО ВОҲАСИ ЎРТА АСР ШАҲАР МАДАНИЯТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

***Ҳаётова Нафиса Закировна,***
*доцент кафедры социально-политических наук*
*Бухарского государственного университета,*
*доктор философии по историческим наукам (PhD)*
*khayotova.nafisa@bk.ru*

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада Бухоро воҳасида ўрта аср шаҳар маданиятининг шаклланиши, тараққиёти ва унинг турли босқичларини ёритувчи тарихшунослик масалалари таҳлил қилинган. Маълумки, Бухоро Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарсозлик маданияти ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Асрлар давомида шаҳар турли сулолалар ҳукмронлиги остида ривожланиб, айрим даврларда таназзулга юз тутган. Мақолада Бухоронинг шаҳар сифатида шаклланиши жараёни унинг атрофидаги қишлоқларнинг ўсиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган. Ушбу жараённи ёритишда турли илмий манбалар таҳлил қилинган.*

*Бухоро ўрта аср шаҳар маданиятининг ҳолати ва унинг ривожланиш динамикасини ўрганишда ўрта аср тарихчилари асарлари, чет эллик миссионерлар, савдогарлар ва сайёҳ-тадқиқотчилар томонидан ёзиб қолдирилган кузатувлар ҳамда саёҳат кундаликлари муҳим аҳамият касб этади. Улар ўз ёзишмаларида Бухоронинг ўрта асрлардаги тараққиёт тарихи, маданий ҳаёти ва савдо алоқалари ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этган.*

***Калит сўзлар:*** *шаҳар маданияти, тарихий-топография, фарсах, қасаба, археологик топилма, рус миссияси, ижтимоий тузилма, шаҳарсозлик хусусиятлари, архитектура*

## ИСТОРИОГРАФИЯ ГОРОДСКОЙ КУЛЬТУРЫ СРЕДНЕВЕКОВОГО БУХАРСКОГО ОАЗИСА

***Аннотация.*** *В данной статье анализируются вопросы историографии формирования, развития и различных этапов городской культуры средневекового Бухарского оазиса. Как известно, Бухара является одним из древнейших центров градостроительной культуры Центральной Азии. На протяжении веков город развивался под влиянием различных династий, иногда переживая периоды упадка. В статье рассматривается процесс становления Бухары как города в тесной взаимосвязи с развитием окружающих сельских поселений. Для освещения данного процесса был проведён анализ различных научных источников.*

*Состояние городской культуры средневековой Бухары и динамика её развития изучаются на основе произведений средневековых историков, наблюдений и путевых заметок зарубежных миссионеров, торговцев и путешественников-исследователей. Их записи предоставляют ценную информацию о развитии, культурной жизни и торговых связях Бухары в средние века.*

***Ключевые слова:*** *городская культура, историческая топография, фарсах, касаба, археологическая находка, русская миссия, социальная структура, особенности градостроительства, архитектура.*

## HISTORIOGRAPHY OF THE URBAN CULTURE OF THE MEDIEVAL BUKHARA OASIS

***Abstract.*** *This article analyzes the historiographical issues related to the formation, development, and various stages of the urban culture of the medieval Bukhara oasis. It is well-known that Bukhara is one of the oldest centers of urban culture in Central Asia. Over the centuries, the city developed under the influence of various dynasties, occasionally experiencing periods of decline. The article examines the process of Bukhara's transformation into an urban center in close connection with the development of surrounding rural settlements. Various scholarly sources have been analyzed to shed light on this process.*

*The state of the urban culture of medieval Bukhara and its dynamics of development are studied based on the works of medieval historians, as well as the observations and travel notes of foreign missionaries, merchants, and traveler-researchers. Their writings provide valuable information about the development, cultural life, and trade relations of Bukhara during the medieval period.*

***Keywords:*** *urban culture, historical topography, farsakh, kasaba, archaeological finding, Russian mission, social structure, urban planning features, architecture.*



https://buxdu.uz

**Кириш.** Бухоро воҳасининг ўрта аср шаҳар маданияти тарихи ҳамда Бухоронинг Марказий Осиёнинг йирик маданий ва савдо марказларидан бири сифатида ўрганилиши қадимги даврлардан бошланган. Бухоро воҳаси таркибига кирувчи қадимги шаҳарлар, жумладан, Бухоро, Пойкент, Вобкент, Ромитан, Гиждувон, Шофиркон ҳамда Карманада олиб борилган археологик топилмалар Бухоро воҳасида ҳаёт милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида бошланганлигини кўрсатади.

Шарқ мамлакатларининг йирик маданий ва савдо марказлари бўлмиш шаҳарлар ҳаёти ва шаҳар тарихини ўрганиш кўпгина тарихчилар қизиқишини тортган муҳим масалалардан бири бўлган. Тарихий босқичдаги асосий жараёнлардан ҳисобланган шаҳарсозлик маданияти масалаларини татқиқ етиш ҳозирги тарих фанининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, буюк давлатчилик тизимининг шаклланиши заминида қадимги шаҳарлар маданияти ётади.

**Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар**. Мусулмон оламининг муҳим марказларидан бири бўлган Бухорога қизиқиш қадим замонлардан буён мавжуддир. Бухоро воҳаси ўрта аср шаҳар маданияти ҳақида қимматли маълумот берувчи энг асосий манба бу, Муҳаммад Наршахийнинг "Бухоро тарихи" ("Тарихи Наршахий") асари бўлиб, Бухоро шаҳар маданиятини ёритган энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Асарда Бухоронинг ўрта аср шаҳарсозлиги, шаҳарнинг тарихий топографияси, маданий-иқтисодий ҳаёти тасвирланган. Асарнинг бир неча боби Бухоро арки ҳамда шаҳристоннинг бунёд этилиши, ҳукмронлик қилган подшоҳларига бағишланган. Шунингдек, Бухоро атрофидаги Нур, Тавоис, Зандана, Афшона, Вардона, Баркат, Ромтин, Байкент, Фароб ва бошқа худудлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Китобда шаҳарсозлик масаласида муҳим фикрлар билдирилган. Наршахий Бухоро атрофида бир қанча қишлоқлар бўлганлиги, Бухоро ҳам ўша вақтда бир қишлоқ сифатида танилгани ва Бухоронинг шаҳарга айланиш жараёни ён атрофидаги қишлоқларнинг ривожланиши билан бирга кечганлигини таъкидлайди. Ўша вақтда фақат шаҳар мақоми берилган худуд бу Дабусия бўлганлигини айтади [1;7-б ].

Бухорода шаҳар маданиятининг шаклланиш жараёни ҳақида кўпгина араб муаррихлари ўз асарларида ёзиб қолдирган. Жумладан, араб сайёҳи ва географи Ибн Ҳавқалнинг "Китоб сурат ал-ард" китоби Бухоронинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини ўрганишда аҳамиятли ҳисобланади. Асарда Бухоронинг савдо йўлларидаги ўрни, ижтимоий структура ва шаҳарсозликнинг ривожланиши ҳақида маълумотлар мавжуд. "Бухоро бутун Хуросон ҳокимият идоралари жойлашган ҳудуд бўлиб, у Мовароуннаҳр вилоятларига олиб борувчи катта йўл бошида (жойлашган) шаҳардир. Унинг бинолари (улама) ёғочдан бўлиб, чатишиб кетган, бу чатишган биноларни қасрлар, боғлар, маҳаллалар, тош ётқизилган кўчалар ва ҳар томондан ўн икки фарсах (масофа)гача (бир-бирига) уланиб кетган қишлоқлар ўраб турган. Уларнинг ҳаммасини, бу қасрлар, бинолар, қишлоқлар ва қасабани[1] ўз ичига олувчи девор ўраб турган" [2;40-б ].

Тарихчи ва географ Истахрийнинг "Китоб ал-масалик вал-мамалик" асари ҳам Бухоро шаҳри тўғрисида қимматли маълумотларни берувчи манба ҳисобланади. Асарда Мовароуннаҳр худудини тасвирлаш жараёнида муаллиф дастлаб Бухоро шаҳрини баёнотидан ўз ишини бошлайди. Муаллиф Хуросонда ва Мовароуннаҳрда Бухородан кўра яхшироқ истеҳкомли ва кўп аҳолили шаҳар йўқлиги ҳамда Бухоро табиати ҳақида ислом ўлкаларида бундай тозасини кўрмаганини ёзади [3;146-б]. Асарда Бухоронинг девор билан ўралгани, девор ташқарисида шаҳар қасабаси, унга тегишли туташ қасрлар, аҳоли яшаш жойлари, маҳаллалар, шаҳристон дарвозалари, бозорлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бухоронинг XIV-XV асрлар ўрганишда Аҳмад ибн Махмуд Бухорийнинг "Тарихи Муллозода" асари ҳам ўзига хос манба ҳисобланади. Муаллиф шаҳарларнинг диний ва маданий марказ сифатида ривожланиши ва ушбу жараёнда муқаддас жойларнинг аҳамиятини ёритади. Асарда Бухоро уламоларининг таржимаи ҳоли, улар фаолияти, дафн етилган жойлари тўғрисида маълумотлар келтирилган [4].

Ҳофиз Таниш Ал-Бухорийнинг "Абдулланома" асари Бухоро шаҳрининг бунёд этилиш тарихи, шаҳарсозликнинг ривожланиши ҳамда ҳунармандчилик тараққиёти ҳақидаги муҳим манбалардан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Асарда XVI аср охиридаги Бухоро хонлигидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар атрофлича ёритилган бўлиб, муаллиф Бухоро ҳақида бошқа муллифлар ёзган асарлардан ҳам фойдаланилган ҳолда маълумотлар келтирган. Асарда Бухоро шаҳарсозлик амалиёти, хусусан мадраса, масжид, бозор ва карвонсаройлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу Бухоронинг ўша даврдаги иқтисодий ва савдо маркази сифатидаги аҳамиятини англаб етиш учун ҳам муҳимдир. Жумладан, "Бухоро қадимдан суви ширин, ҳавоси латиф, атрофи

[1] Қасаба-арабча "шаҳар", яъни бош шаҳар, пойтахт маъносини билдирувчи сўз.



https://buxdu.uz

кенг, (нозу) неъмат, моллари кўп бўлиши билан зийнатланиб, ҳозиргача уламо тоифасининг тўпланган жойи, фасоҳат, балоғат ва ширин сўзларнинг манбаи бўлиб келган. Сомон (сулоласи)нинг тарихида унинг атрофи қарийиб 144 фарсанг бўлиб, (унда) боғ, экинзор ва обод қишлоқлар бўлган ва ҳозир ҳам у вилоят обод ва маъмурдир. Айниқса ул ҳазрат (Абдуллахон) замонида (ва) шу кунларда (яъни) ҳижрий тўққиз юз тўқсон учинчи йилда унинг ободонлиги кундан кунга ортмоқда. “Одамлар ўз подшоҳларининг динида бўладилар” (мақолининг) тақозосича, аркони давлатдан ҳар бири (Бухорода) ул ҳазратга (Абдуллахонга) мувофиқ (қилиб) кўп олий бинолар: масжидлар, работ ва кўприклар ҳамда ҳовузлар бино қилдилар. Олимлар, зоҳидлар, тақводорлар ва диёнатлиларнинг маошлари учун экинзорлар, обод жойларни вақф қилдилар. Унинг (Бухоронинг) қайси тарафига борманг, ҳар қандай саҳро (ё) чўлда бирор мусофир тунаб қоладиган бўлса, (у) ташқарида қоладиган жой топмайсиз” [5;155-б]. Асарда зикр этилганидек, Абдуллахон даврида шаҳарни ободонлигига алоҳида эътибор қаратилган. Хоннинг раҳнамолигида масжидлар, ҳовузлар ҳамда кўприклар қурилиши шаҳарнинг нафақат маданий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ривожланишига сабаб бўлган. Шаҳар инфратузилмасининг шундай тизимли ривожланиши жамиятнинг барча қатламлари учун қулайлик яратган ва бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган.

Маълумки, XIII асрдан бошлаб чет эл миссионерлари, савдогар ва сайёҳлар турли йўллар билан Мовароуннаҳрга ҳамда у билан қўшни давлатларга келиб турганлар. Бухорода бўлган чет эл сайёҳлари, элчилари, тадқиқотчилари ёзиб қолдирган кузатувлари, саёҳат кундаликлари ва асарлари ҳам Бухоро шаҳар маданиятини ўрганишга муҳим аҳамиятга эга. Улар ўз ёзишмаларида Бухоронинг ўрта асрлардан бошлаб ривожланиш тарихи, маданияти ва савдо алоқалари ҳақида қимматли маълумотлар берган.

Араб сайёҳи ва географи Ибн Баттута (1304-1369) Бухорога саёҳати ҳақида ўз эсдаликларида, Бухоро шаҳар архитектураси, ижтимоий ҳаёти ва иқтисодий аҳволи ҳақида ёзган. У Бухоронинг ўша даврдаги турмуш тарзи, ўқув юртлари, мадрасалари, жамоат бинолари ҳақида маълумот келтирган [6;131-б].

Антонио Женкенсон 1558-1559 йилларда Бухорода бўлган инглиз савдогари бўлиб, Бухоро шаҳри ҳақида шундай ёзган эди: “Бухоро - ҳашаматли шаҳар, унда кўплаб пишиқ ғиштдан қилинган бинолар ва маҳобатли жамоатчилик қурилишлари, айниқса шундай ҳаммомлар борки, дунёда уларга тенг келадигани йўқ” [7;182-б]. Шунингдек унинг қўлёзмаларда Бухородаги савдо алоқалари, сотиладиган савдо маҳсулотлари, бошқа мамлакатларга олиб кетиладиган маҳсулотлар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Шу қатори Филипп Ефримовнинг эсдаликномасида ҳам Бухоро шаҳри аҳолиси, турмуш-тарзи, шаҳар тасвири, ҳарбий тайёргарлиги, ҳунармандчилиги ҳамда бухороликларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган [8].

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** XVIII асрнинг охири XIX аср бошларида Россия империясининг Ўрта Осиёга қизиқишини ортиши, шунингдек, Бухоро хонлиги тўғрисидаги маълумотларнинг тўпланиши энди нафақат савдогарлар, асирга тушган солдатлар маълумотларидан, балки Бухорони ўрганиш илмий тус олди. Бухорони ўрганишда шарқшунослар, ёинки махсус таълим кўрган элчилар, баъзан махсус имтиёзлар олган юқори малакали амалдорлар ва ҳарбий хизматчилар кўрсатмалар олган ҳолда маълумотлар тўплаганлар.

XVIII асрнинг охирида Сибирь волости раҳбарияти амалдор Т.С.Бурнашев ва ҳарбий аскар А.С. Безносиковларни Ўрта Осиёга юборади. Худудни ўрганиш мақсадида улар бир қанча шаҳарларида бўлишади. Т.С.Бурнашев ўз эсталикларида Бухоро шаҳри ҳақида бир қанча маълумотларни келтиради. Жумладан, Бухорода аҳоли гавжум эканлиги, турли миллат вакиллари бу ерга савдо қилиш мақсадида келиши, уйлари паст, тор кўчалардан иборат эканлиги, шаҳарда 300 га яқин ҳовуз борлиги, 360 та мачит, улардан 20 таси ҳашаматли қилиб қурилгани каби ва бошқа кўплаб маълумотлар келтиради. Т.С.Бурнашев эсдаликлари 1818 йилда Бухоро ҳақида тадқиқотлар олиб борган Григорий Спасский томонидан нашр эттирилади [9].

1820 йилда А.Ф.Негри раҳбарлигида рус миссияси Бухорога келди. Миссия иштирокчиларида илмий дастурнинг бажарилишини назорат қилган барон Е.К.Мейндорф ва таржимон П.Яковлев бор эди. Миссиянинг уч аъзоси ўзларининг таассуротлари ҳақида ёзиб қолдиришган. Аммо улар ичида Мейендорф томонидан ёзилган “Оренбургдан Бухорога саёҳат” монографияси катта аҳамиятга эга. Унда Бухоро ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Жумладан, шаҳарда турли миллат вакилларининг истеъқомад қилиши, турар-жой уйларининг кўриниши, Бухоро карвон-саройлари, шаҳарнинг 11 дарвозадан иборат девор билан ўралгани, шаҳардаги ажойиб бино-бу арк эканлиги, аҳолининг машғулоти каби бошқа қимматли маълумотларни келтиради [10].



https://buxdu.uz

1830 йилда инглиз разведкачиси ва дипломати А.Бёрнс Марказий Осиёга қилган саёҳатлари орқали машҳур бўлди. Унинг “Бухорога саёҳат” асари Бухоро ва унинг атрофидаги ҳудудлар ҳақида қизиқарли маълумотларни келтирган. Асар Бухоронинг ўша даврдаги сиёсати, ижтимоий тузилиши, ҳарбий ҳолати, шаҳар кўринишини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга [11]. Бёрнс Бухорода уйлар содда, паст ҳамда бир қаватли қилиб қурилгани, Бухоро кўчалари кундузи ва кечаси ҳам гавжумлиги, тинимсиз ҳаракатдаги омма шовқини эшитилиб турилишини, кўчаларда ҳаракатланиш қийин бўлиб, от ёки эшак тортган аравалар остида тушиб қолиш тез учрашини айтади. Шунингдек, Бухоро шаҳрининг тузилиши, бозорлар ва жамоат бинолари ҳақида маълумот беради. Жумладан, Бёрнс Бухоро ҳаммомлари ҳақида: “....ҳаммомлар жуда кенг бўлиб, бир қанча кичик хоначалардан иборат ва катта гумбазли зал атрофида жойлашган ҳамда ҳар хил ҳароратларда иситилади. Кундузи гумбаздаги турли рангли ойналар орқали ёруғлик тушади, кечаси барча бўлимларни ёритиш учун бирта лампа кифояланади” [11]. Шаҳарда 366 катта-кичик масжид, мадрасалар борлигини, асосан Бухородаги энг гўзал бинолардан бири Абдуллахон мадрасаси бўлиб, унинг кириш аркасида Қуръони каримдан ёзилган оят билан безак берилгани, бундай услуб шаҳарнинг кўплаб гумбазларида қўлланганини таъкидлайди. Бундай гумбазларнинг чўққиларида лаклак-оққуш туркумига мансуб қушлар уя қургани ва бу қушлар қут-барака ҳамда яхши хабарчи сифатида қабул қилинганини таъкидлайди. Асарда шаҳар аҳолисининг турмуши ва халқи ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Бухорода 150 000 аҳоли яшаб, турли туман миллат вакилларини учратиш мумкин. (Бёрнс шаҳар жуда гавжумлигини инобатга олиб бундай рақамни келтирган дейишимиз мумкин) Шунингдек, Бухорода 4000 яҳудий яшашини, улар асосан Эроннинг Машҳад шаҳридан келганларини ҳамда матоларни бўяш билан шуғулланишларини, шаҳарда Форсдан олиб келинган қуллар кўплиги ва сотилган қулларга хўжайини муносабат яхши бўлганлиги ёинки, баъзи қуллар озод қилинсада Бухорога қолишни афзал кўриши ҳамда шу ерда яшаб қолиб кетган қуллар ҳақида фикрлар билдиради. Бёрнс аҳолининг кийиниши ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган. Эркаклар одатда оқ чалма кийишади устидан қора ёки кулранг чопон, доим баланд ва тор пошнали этикларда юриши, аёллар қора матодан тикилган ёпинғич билан ўралганликлари, улар билан гаплашиш мумкин эмаслиги айтади. Шаҳарда фақатгина мусулмонларгина пойтахт деворлари ичида уловда юришига рухсат этилганини таъкидлайди. Бухоро ислом ва иймон қўрғонидир деб аташганлари ҳақиқат эканлигини ҳам ўз фикрлари билан тасдиқлайди [11].

1833-1834 йилларда миллати француз бўлган, аммо руслар хизматида бўлган П.И.Демезон Бухорога ташриф буюради. Унинг ҳисоботи асосида рус тарихчиси, этнограф, шарқшунос олим П.И.Савельев (1814-1859) “Бухоро 1835 йилда” номли мақола ёзади. Ушбу мақолада Бухоро иқтисодий жиҳатдан бой шаҳар бўлгани ва ўз атрофидаги давлатлар билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси билан шуғуллангани, шаҳардаги бозорлар ва карвонсаройлар шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, шунингбек Бухоронинг шаҳарсозлик хусусиятлари ва унинг ўзига хос архитектураси ҳақида маълумотлар келтирган [12]. П.И.Савельев мақоласи ўша даврдаги Бухоро ҳақидаги энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

1841 йилда Бухорода бўлган тадқиқотчи олим Н.Ханиковнинг “Бухоро хонлигининг тасвири” номли асари ушбу худуд тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Н.Хаников ўз асарида Бухоро хонлигининг географик жойлашуви, иқлими, топографияси ва табиий ресурслари ҳақида батафсил маълумот беради. Хаников Бухоро шаҳри 3,5 баландликда девор билан ўралгани ва девор 11 дарвозадан иборатлигини, уларнинг бирма-бир номларини келтиради. Шунингдек, шаҳар ичида 13 қабристон борлиги ҳамда уларнинг номлари ҳам келтирилади. У Бухоро шаҳрида аҳоли яшайдиган уйларда ҳам қабрлар борлигини айтиб ўтади [13; 81-б]. Айтиш мумкинки, Хаников маълумотлари А.Бёрнс берган маълумотларига нисбатан аниқлиги билан ажралиб туради. А.Бёрнс Бухоро деворининг 20 дарвозаси мавжудлиги ҳамда шаҳар ичида бирорта ҳам қабристон йўқлигини таъкидлайди. Бу маълумот унинг шахсий кузатувлари ва қисқа муддатли сафарлари давомидаги таассуротларига асосланган дейишимиз мумкин. Хаников худуд ҳақида кенгроқ ва мукаммалроқ тасаввур беради. Унинг маълумотлари таҳлил асосида яратилган бўлиб, шаҳарнинг инфратузилмаси, ижтимоий-иқтисодий омиллари ва тарихий манзарасини кўрсатади. Асарда Бухоро шаҳрининг меъморий иншоотлари, карвонсаройлари, бозорлари ва бошқа муҳим бинолари ҳақида тасвирлар келтирилган. У шаҳарнинг умумий тузилиши ва аҳоли яшаш жойлари ҳақида ҳам ёзган.

1870 йилда Лев Федорович Костенко (1841-1891) рус ҳарбий муҳандиси ва географи Россия миссияси таркибида Бухорога сафар қилган ҳамда ушбу сафар таассуротлари асосида “Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 году” номли асарини ёзади [14]. Костенко ўз асарида миссиянинг Бухорога сафарини батафсил тасвирлайди, Бухоро шаҳрининг меъморий иншоотлари, мадрасалари, бозорлари ва умумий шаҳар тузилиши ҳақида маълумот беради.

Венгер шарқшуноси, саёҳатчи А.Вамберининг Бухоро ҳақидаги тадқиқотлари асосида ёзилган “Истории Бухары или Трансоксании с древнейших времён до настоящего” асари минтақанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишини батафсил тасвирлайди [15]. Муаллиф асарни ёзишда араб ва форс тилидаги қўлёзмалардан ҳам фойдаланади. Вамбери асарида Бухоро маданий ҳаётининг муҳим жиҳатлари сифатида мадраса ва масжидларни тасвирлаган. Асарда Бухоронинг инфратузилмаси, яъни бозорлар, карвонсаройлар ҳамда бошқа савдо иншоотлари ҳақида маълумотлар берилган.

Рус ҳарбий муҳандиси ва топографи Иван Тимофеевич Пославский Бухоро ҳақидаги тадқиқотлари билан танилган бўлиб, унинг “Город Бухара” асари Бухоро шаҳрининг тарихи, меъморий иншоотлари, масжидлар, мадрасалар ва бозорлар ҳақида маълумотлар беради [16]. Пославский Бухоронинг ўзига хос архитектураси ва шаҳарнинг ўзига хос қурилиш услублари, шунингдек шаҳарнинг сув таъминоти, ариқлар тизими ҳақида ёзган.

Тарихчилар ва шарқшунослар учун қимматли маълумотлар тақдим этган П.П.Шубинскийнинг “Очерки Бухары” асари Бухоро шаҳрининг меъморий иншоотлари, умумий шаҳар тузилиши, аҳолининг турмуш тарзи ҳамда иқтисодий фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган [17].

Совет даврида яратилган тадқиқотларда Бухоронинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари ёритилиб, шаҳар ҳаётини илмий асосда таҳлил қилишга эътибор қаратилган. 1922-1923 йилларда рус тадқиқотчилари томонидан Туркистонга бир неча бор илмий экспедициялар ташкил қилинди. Жумладан, 1923 йилда Бухоро шаҳрида бўлган ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориб Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси билан шуғулланган И.И.Умняков шаҳар ҳақида муҳим маълумотларни тўплайди. Унинг “К вопросу об исторической топографии средневековой Бухары” асарида ўрта асрлардаги Бухоро шаҳрининг топографияси, яъни шаҳарнинг жойлашуви, меъморий иншоотлари ва уларнинг тарихий аҳамиятини таҳлил қилади [18]. И.И.Умняков Бухоро шаҳрининг ривожланиш жараёнлари, унинг шаҳарсозлик хусусиятлари ҳамда маданий мероси ҳақида батафсил маълумот беради. Асар Бухоро тарихи шаҳарсозлиги ва меъморчилиги бўйича қимматли маълумотлар берувчи манба ҳисобланади.

1923-24 йилларда профессор Д.А.Морозов Бухорога сафарда бўлади. Сафар натижасида навбатдаги шаҳар режаси ишлаб чиқилади. Ушбу режа шаҳарнинг ўша давридаги архитектураси ҳамда инфратузилмаси ҳақида маълумотлар беради.

Машҳур рус шарқшуноси ва тарихчиси В.В. Бартольд Марказий Осиё, жумладан Бухоро тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Унинг кўпгина изланишлари Бухоро шаҳри билан боғлиқдир. Бартольднинг “Туркестан в эпоху монгольского нашествия” асарида Бухоро шаҳрининг XIII асрда мўғуллар истилоси давридаги тарихи таҳлил қилинган. Асарда Бухоронинг истилодан олдинги аҳволи, маданий ва иқтисодий жиҳатлари ўрганилган[19]. Сўнгра мўғулларнинг вайронагарчилиги оқибатида Бухоро шаҳрида содир бўлган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Шунингдек Бартольднинг “К истории орошения Туркестана” китобида Бухоро воҳасидаги ариқлар ва шаҳарнинг суғориш тизими ҳамда аҳамияти, уларнинг шаҳар ҳаётига таъсири ёритилади [20]. Бартольд Бухоро ҳудудидаги суғориш тизимларининг ижтимоий ҳаётдаги роли муҳимлигини, суғориш тизимлари шаҳар аҳолиси ва иқтисодиёти тўғрисида маълумотлар келтирган. Бартольднинг 1920 йилда “История культурной жизни Туркестана” номли китоби нашрдан чиқди[21]. Туркистондаги маданий ҳаёт тарихи ва унинг ривожланишига бағишланган бу асарда Бартольд Туркистонни кўплаб шаҳарлари, шунингдек Бухоро маданий меросини ҳам ўрганади. Асарда шаҳарнинг тарихий объектлари, маданий иншоотлари ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Маълумки, Бухоро асрлар давомида исломий илм-фан маркази сифатида танилган ва Бартольд бу мадрасаларда таълим ва диний билимларнинг тарқалиши ҳақида маълумотлар келтиради. Шунингдек, Бухоронинг ислом цивилизациясини ривожлантиришдаги ўрни ва нуфузи таъкидланади. Бартольд Бухоронинг маданий ривожланиш жараёнини бошқа шаҳарлар билан таққослайди ва унинг диний аҳамиятини таъкидлайди.

В.В.Бартольднинг Марказий Осиёга бағишланган бошқа асарлари [22] ҳам Бухоронинг исломий маданият маркази сифатидаги нуфузини ёритиш, унинг тарихий ривожланиши, суғориш тизимлари каби ижтимоий омилларни ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Совет археологи ва шарқшуноси В.А.Шишкин илмий фаолиятида Бухоро воҳасининг археологияси ва тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борди. Унинг “Архитектурные памятники Бухары” асарида Бухоро шаҳри меъморий ёдгорликлари таҳлил қилиниб, уларнинг аҳамияти ва меъморий хусусиятлари ёритилган [23]. Шишкиннинг тадқиқотларида умумий Ўзбекистон шаҳарлари, жумладан Бухоро шаҳар маданий хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг “Ўзбекистон шаҳарлари (Самарканд, Бухара, Тошкент)” номли китобида



https://buxdu.uz

Бухоронинг марказий Осиёдаги йирик маданий ва савдо марказларидан бири сифатида танилгани, шаҳарда кўплаб тарихий обидалари сақланиб қолингани, шу қатори Самарқанд архитектурасида йирик гумбазлар, рангли керамика ва ойнаванд безаклар кўп учраса, Бухорода бинолар кичикроқ ҳажмда уларда ички ҳовли ва нафис безаклар кўпроқ учрашини таъкидлайди [24].

Марказий Осиё айниқса Бухоро шаҳрининг тарихий ҳамда этнографик тадқиқотларига катта ҳисса қўшган совет олимаси О.А.Сухареванинг асарлари Бухоро шаҳарсозлик тарихи ва маданий меросини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Унинг "К истории городов Бухарского ханства" китобида Бухоро хонлиги шаҳарлари тарихи, иқтисодий-ижтимоий тузилиши ва маданий ривожланиши таҳлил қилинган. Асар Бухоро шаҳрининг шаҳарсозлик анъаналари ва меъморий иншоотлари ҳақида қимматли маълумотлар беради [25]. О.А.Сухарева Бухоро халқининг этник келиб чиқиши, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, Бухородаги турли этник гуруҳларнинг маданий-ижтимоий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи бир қанча асарлар ёзади [26]. У ўз асарларида Бухоро шаҳрининг маданий мероси, миллий кийимлари, анъаналари, шаҳардаги турли этник гуруҳларнинг маданий ва ижтимоий ҳаётини ўрганиб, шаҳарнинг кўп миллатли маданий муҳитини ёритади.

Бухоро шаҳрининг маданий мероси ва санъати бўйича тадқиқотлар олиб борган машҳур санъатшунос ва тарихчи олим Л.И.Ремпель Бухоро шаҳрининг ўзига хос маданий ва ижтимоий жиҳатларини ёритади. Унинг "Далёкое и близкое: страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары" асарида Бухоронинг тарихий ҳаёти, меъморчилиги, санъати ҳамда ҳунармандчилиги ҳақида батафсил маълумот берилган [27]. Л.И.Ремпелнинг "Из истории градостроительства на Востоке" китобида Бухоронинг шаҳарсозлигига оид кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирилган [28]. Жумладан, Бухоро шаҳрининг ўзига хос жиҳатлари, яъни шаҳарнинг турли тарихий даврларда қандай режалаштирилгани, Бухоронинг эски шаҳар қисмида жойлашган масжит, мадрасаларнинг ўрни, бозор майдонлари ҳақида баён қилинган. Бу иншоотлар шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ташкил этиб, аҳолининг турли табақаларини бирлаштирувчи омил сифатида хизмат қилганлиги айтиб ўтилган. Ремпел асарида Бухорода анъанавий шарқ шаҳарлари услубида қурилган турар жойлар, маҳаллалар ва уларнинг тузилиши ҳақида маълумот берилади. Китобда Бухоронинг мудофаа мақсадида қурилган иншоотлари, яъни деворлари, дарвозалари қалъа каби биноларнинг шаҳар ҳимоясидаги ўрни ҳам ёритилган. Бухоронинг деворлари ва қалъаси шаҳарни ташқи душманлардан ҳимоя қилувчи муҳим вазифани бажарган. Шунингдек, асарда шаҳарнинг сув таъминоти яъни ариқ ва каналлар тизими, транспорт йўллари ҳамда шаҳарнинг ўзига хос жойлашуви, унинг савдо йўллар билан боғлиқлиги ҳам таҳлил қилинган.

**Хулоса.** Бухоро шаҳар маданияти тарихшунослиги бўйича юритилган тадқиқотлар шаҳарнинг ривожланиш жараёнларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Юқорида келтирилган манбалар асосида Бухоронинг тарихий тараққиёти, маданий аҳамияти ва ижтимоий ҳаётининг турли қирраларини ўрганиш мумкин. Биринчи навбатда, Бухоро шаҳар маданиятининг шаклланишида унинг географик жойлашуви ҳал қилувчи омил бўлгани қайд этилади. Қадимдан йирик савдо йўллар чорраҳасида жойлашган Бухоро халқаро савдо маркази сифатида машҳур бўлган. Бу ҳолат шаҳарнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўсишига туртки бўлган. Шунингдек, таҳлилларда шаҳар инфратузилмасига доир маълумотлар аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий тузилмасини тушунишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, бозорлар ва карвонсаройларнинг кенгайиши савдо ва ҳунармандчилик соҳаларидаги тараққиётни акс эттиради. Шаҳарда қурилган мадраса ва масжидлар эса Бухоронинг маънавий ва диний марказ сифатидаги ўрнини намоён қилади. Бундан ташқари, турли сайёҳлар, тарихчилар ва тадқиқотчиларнинг асарларида берилган маълумотлар Бухоронинг тарихий, маданий ва сиёсий ҳаётига доир бой материалларни тақдим этади. Бу эса янги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилган. Бухоро шаҳар маданияти тарихшунослигининг ривожланиши қатор манбаларда ўз аксини топган бўлиб, улар шаҳарсозлик жараёнлари, маданий меросни сақлаш ва унинг ўрганилишида янги босқичларни бошлаб берди. Бунда тарихий манбалардан самарали фойдаланиш келажак тадқиқотлар учун муҳим йўналишларни белгилаб беради.

***АДАБИЁТЛАР:***


*1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи / Форс тилидан А. Расулов таржимаси. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев.- Тошкент: /Шарқ баёзи, 1993.-Б.7.*

*2. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-ард. Ернинг сурати китоби. Ш.С. Камолиддин таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. - Б. 40.*

*3. Истахрий. Китоб ал-масалик вал-мамалик. Тадқиқот, таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Р.Т.Худайберганов. Тошкент: Фан, 2019. - Б. 146.*

*4. Муин ал-фуқаро /Аҳмад ибн Махмуд Бухорий. Тарихи Муллозода / Форс тилидан таржима, муқаддима, тадқиқ, изоҳлар, иловалар муаллифи ва нашрга тайёрловчи тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Комилжон Раҳимов. -Тошкент: Фан, 2019.*

*5. Ҳофиз таниш Ал-Бухорий. Абдулланома. «Шарафномайи шоҳий». Биринчи китоб. «Шарқ».Т.-1999. Б.-155.*

*6. Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. Москва: Наука. 1988. - С.131.*

*7. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию в 1558-1560 гг. // Английские путешественники в Москововском государстве в XVI в Перевод с английского Ю.В. Готье. - Ленинград. 1937. - С. 182.*

*8. Филипп Ефремов. Девятилетнее странствование, М., 1950.*

*9. «Путешествие от Сибирской линии до города Бухары в 1794 и обратно в 1795 г.», - «Сибирский вестник», 1818, ч. I.*

*10. Bar. Meyendorff. Voyage d'Orenburg a boukhara falt en 1820, Paris, 1826 (книга была издана лищь на французском языке).*

*11. Burns Alexander, Travels into Borhara, London, 1839 ( русский перевод издан в 1848-1849 гг.).*

*12. П.Савельев, Бухара в 1935 г., СПб., 1836; напечатана также в издании «Энциклопедический лексикон», т. 7, СПб., 1837.*

*13. Н.Ханыков. Описание Бухарского ханства. Санкт-Петербург: Императорской Академии Наук. 1843.*

*14. Костенко Л. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 году: С маршрутом от Ташкента до Бухары.- /Санкт Петербургъ, 1873.*

*15. Вамбери Г. Истории Бухары или Трансоксании. Ч. I-II.- Санкт Петербургъ, 1873.*

*16. Пославский И. Город Бухара. Краткий исторический очерк. – Ташкент, 1891.*

*17. Шубинский П. Очерки Бухары // Исторический вестник, 1892. -Кн.7. -Б. 118-142.*

*18. Умняков И.И. К вопросу об исторической топографии средневековой Бухары.-СПб. Туркестанского восночного института в честь проф. Шмидта. - Ташкент, 1923.*

*19. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия.- Москва: Наука, 1963.*

*20. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. СПб., 1914; Сочинения, т. III. М., 1965, стр. 95-233.*

*21. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч.Т.II.Ч.1. -Москва: Изд-во Восточной литературы, 1963.-169-433.*

*22. Бартольд В.В. История Туркестана. Соч.Т.II.Ч.1. -Москва: Изд-во Восточной литературы, 1963; Места домусульманского культа в Бухаре и ее окрестностях. Соч.Т.IV. -Москва:Наука, 1964; Бухара. Её памятники и их судьба.Соч.Т.IV. -Москва:Наука, 1965; Работы по истории ислама и арабского халифата. -Москва:Наука, 1966.*

*23. Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. -Ташкент:Изд-во УзФан, 1936.*

*24. Шишкин В.А.Ўзбекистон шаҳарлари (Самарканд, Бухоро, Ташкент). - Тошкент: «ЎзССР фанлар Академияси», 1944.*

*25. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Историко-этнографические очерки. -Ташкент:Изд-во АН УзССР, 1958.*

*26. Сухарева О.А. К вопросу о культе мусульманских святых в Средней Азии. - Ташкент: Тр.Института истории и археологии АН УзССР. Т.II.,1950; Ислам в Узбекистане. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1960; Позднефеодальный город Бухара в конце XIX-начале XX века. Ремесленная промышленность. -Ташкент:Узбекистан ССР ФА, 1962; Бухара в XIX-начале XX вв (позднефеодальный город и его население). -Москва:Наука, 1966; Очерки по истории среднеазиатских городов // История и культура народов Средней Азии. -Москва:Наука, 1976.*

*27. Ремпель Л.И. "Далёкое и близкое: страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары". -Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1981г.*

*28. Ремпель Л.И. Из истории градостроительства на востоке (Материалы по планировке Старой Бухары) // Искусство зодчих Узбекистана. -Ташкент, 1962. -Б.211-266.*




https://buxdu.uz

UO‘K 93/94

# MARKAZIY SUG‘DNING ANTIK VA O‘RTA ASRLAR DAVRI SHISHASOZLIGINI O‘RGANISH

***Diyarov Anvar Abdinabiyevich,***
*Samarqand arxeologiya instituti o‘qituvchisi*
*anvardiyarov4@gmail.com*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada markaziy Sug‘d shishalarini o‘rganish maqsadida 2004-yilda Shohizinda majmuasida olib borilgan arxeologik qazishmalarda topilgan X-XI asrlarga oid to‘rtta shisha namunasi va 2023-yilda Afrosiyob yodgorligida olib borilgan qazishmalarda topilgan X-XI asrga oid olti dona shisha buyum parchalari tahlil qilingan. Namunalarning shisha ishlab chiqarishning qadimiy texnologiyasini o‘rganish va shisha buyumlarni hosil qilgan asosiy komponentlari hamda shishaning rangli bo‘lishida qatnashgan elementlarining kimyoviy tarkibini aniqlash maqsadida (SEM-EDS) skanerlovchi elektron mikroskopiya va (NEX DE) energiya dispersiv rentgen fluoressenti spektrometriya usullari qo‘llanilgan. Tahlil natijalari shuni ko‘rsatadiki, barcha tekshirilgan shisha namunalarida metall oksidlari tomonidan rang hosil qilingan bo‘lib, past magneziyali soda-ohakli silikat shishalar sifatida tavsiflanadi. Shuningdek, tekshirilayotgan shishalarning erish nuqtalari bir-biriga juda yaqin bo‘lib, taxminan 1000 °C atrofida degan fikirga kelindi.*

***Kalit so‘zlar:*** *markaziy Sug‘d, Afrosiyob, Shohizinda, qadimiy shishalar, skanerlovchi elektron mikroskopi (SEM-EDS), energiya dispersiv rentgen fluoressenti spektrometri (NEX DE).*

## ИЗУЧЕНИЕ ПРОИЗВОДСТВА СТЕКЛА В ЦЕНТРАЛЬНОМ СОГДЕ В АНТИЧНЫЙ И СРЕДНЕВЕКОВЫЙ ПЕРИОД

***Annotatsiya.*** *В данной статье с целью изучения сосудов Центрального Согда использованы четыре образца стекла X-XI веков, найденные при археологических раскопках, проведённых в Шахизиндинском комплексе в 2004 году, и шесть фрагментов стекла X-XI веков, найденных при проведённых раскопках в памятнике Афросиаб в 2023 году. Методы сканирующей электронной микроскопии (SEM-EDS) и энергодисперсионной рентгенофлуоресцентной спектрометрии (NEX DE) использованы для изучения древней технологии производства стекла и определения химического состава основных компонентов, образующих стеклянные изделия, и элементов, участвующих в цвете стекла. Результаты анализа показывают, что все исследованные образцы стёкол окрашены оксидами металлов и характеризуются как низкомагниевые натриево-известково-силикатные стёкла. Считается также, что температуры плавления исследованных стёкол очень близки друг к другу, около 1000 °C.*

***Ключевые слова:*** *Центральный Согд, Афросиаб, Шахизинда, древние сосуды, сканирующий электронный микроскоп (SEM-EDS), энергодисперсионный рентгенофлуоресцентный спектрометр (NEX DE).*

## STUDY OF ANCIENT AND MEDIEVAL GLASSWORK OF CENTRAL SUGD

***Abstract.*** *In this article, for the purpose of studying bottles of Central Sughd, four glass samples of the 10th-11th centuries found in the archaeological excavations conducted in the Shahizinda complex in 2004 and six glass fragments of the 10th-11th centuries found in the excavations conducted in the Afrosiyab monument in 2023 were analyzed. Scanning electron microscopy (SEM-EDS) and energy dispersive X-ray fluorescence spectrometry (NEX DE) methods were used in order to study the ancient technology of glass production and to determine the chemical composition of the main components that formed glass products and the elements involved in the color of glass. The results of the analysis show that all the examined glass samples are colored by metal oxides and are characterized as low-magnesium soda-lime silicate glasses. It is also believed that the melting points of the investigated glasses are very close to each other, around 1000 °C.*

***Keywords:*** *Central Sughd, Afrosiab, Shahizinda, ancient bottles, scanning electron microscope (SEM-EDS), energy dispersive X-ray fluorescence spectrometer (NEX DE).*



https://buxdu.uz

**Kirish.** O‘rta Osiyoning tarixiy va madaniy hududlari ichida markaziy Sug‘d shishasozlikning eng qadimgi va muhim markazlaridan biri sifatida alohida o‘rin tutadi. Ushbu hududda joylashgan Afrasiyob va Penjikent shaharlarida topilgan shisha buyumlar, shishasozlik san’atining rivojlanishi va uning tarixiy konteksti haqida qimmatli ma‘lumotlarni taqdim etadi (Abdurazaqov, 1981. 126-130 b). Samarqandning o‘rta asr yodgorliklari, xususan, Afrosiyob hududida olib borilgan keng qamrovli arxeologik qidiruvlar natijasida ko‘plab shisha buyumlar topilgan. Bu buyumlar orasida eng qadimiylari miloddan avvalgi II–I asrlarga oid bo‘lib, ularning mavjudligi markaziy Sug‘d hududida shishasozlik qadimiy davrlarda ham rivojlanganligini ko‘rsatadi (Abdurazaqov, 1990. 168-184 b).

Shisha buyumlarning tipologik tahlili arxeologiya fanida muhim ahamiyatga ega bo‘lib, bu jarayon orqali topilmalarni tavsiflash va ularning tarixiy kontekstini aniqlash imkoniyatlari ochiladi (Abdurazaqov, 1963. 33-38 b). Biroq tipologik tahlil imkoniyatlarining chegaralari mavjud bo‘lib, bu usul ko‘pincha eng muhim muammolarni hal qilish uchun yetarli emas. Shuning uchun, qadimgi va o‘rta asrlar shishalarini o‘rganishda zamonaviy fizik-kimyoviy usullarni qo‘llash zarurati oshib bormoqda. Ushbu usullar yordamida shisha tarkibi va uning komponentlari aniq va ishonchli ravishda aniqlanishi mumkin (Abdurazaqov, 1963. 39-52 b).

Bugungi kunda O‘zbekistonda arxeologiya va restavratsiya sohalarida zamonaviy usullarni joriy etish jarayoni davom etmoqda, ammo ushbu jarayon hali ham to‘liq amalga oshirilmagan. Markaziy Sug‘d shishasozligi tarixini ilmiy o‘rganish uchun zamonaviy asbob-uskunalar va usullarni faol qo‘llash zarurligi, bu hududdagi qadimiy shishasozlik san’atining o‘ziga xos xususiyatlarini yanada chuqurroq tushunishga yordam beradi. Bu tadqiqotlar orqali biz nafaqat shishasozlik san’atining texnik jihatlarini, balki uning ijtimoiy va madaniy ahamiyatini ham ochib berishga harakat qilamiz.

Shu sababli, ushbu maqolada markaziy Sug‘d shishasozligining antik va o‘rta asr davrlarini o‘rganishga bag‘ishlangan tadqiqotlar ko‘rib chiqiladi. Tadqiqot obyekti sifatida Samarqand arxeologiya instituti katta ilmiy xodimi Saidov M.M. rahbarligida 2023-yilda Afrosiyob yodgorligining g‘arbiy qismida o‘tkazilgan qazishmalar (Ф.4; 0.4; Д.402 raqamlari bilan belgilngan xisobot topshirilgan.) chog‘ida topilgan shisha topilmalardan olti dona tanlab olingan. Bu topilmalar X-XI asrlarga oid deb davrlashtirilgan (Saidov, 2023). Shuningdek, A. Anarbayev va A. Ataxadjayevlar boshchiligida Samarqand arxeologiya instituti xodimlari tomonidan Shohizinda yodgorligida 2004-yilda olib borilgan arxeologik qazishmalar jarayonida topilgan shisha topilmalardan to‘rt dona tanlab olingan va bu topilmalar ham X-XI asrlarga oid deb xulosaga kelingan.

**Tadqiqot obyekti va qo‘llanilgan metodlar.** Fizik – kimyoviy tahlillar Toshkent davlat texnika universiteti huzuridagi O‘zbekiston-Yaponiya yoshlar innovatsion markazida, Skanerlovchi elektron mikroskopda (SEM-EDS) Jeol JSM-IT200LA(Skanerlovchi Elektron Mikroskopiya - Energiya Tarqatish Spektroskopiyasi) uskunasida amalga oshirildi.

Jeol JSM-IT200LA mikroskopi zamonaviy materiallar, biotexnologiya va arxeologiya tadqiqotlarida yuqori aniqlikdagi tasvirlarni olish uchun ishlatiladi. Mikroskop nano darajadagi tuzilmalarning detallarini o‘rganishga imkon beruvchi past energiyali elektronlardan foydalanadi, bu esa namuna yuzasining zararlanishini minimallashtiradi. EDS yordamida namunadagi elementlar va ularning nisbiy miqdorlari aniqlanadi. Uglerod (C) elementidan boshlab kimyoviy elementlarni tahlil qilish imkoniyatiga ega. SEM va EDS birgalikda ishlaydi, bu esa tasvir olish jarayonida bir vaqtning o‘zida elementar tahlilni amalga oshirishga imkon beradi. Texnik parametrlariga ko‘ra, 1-10 nm gacha bo‘lgan yuqori aniqlik, bu esa eng nozik strukturalarni o‘rganishga imkon beradi. 100,000x gacha kattalashtirish imkoniyati materiallarning detallari va tuzilishini chuqur o‘rganish imkonini beradi. Bo‘shliqda (vakum) yoki muhrlangan muhitda ishlash imkoniyati tadqiqot sharoitlariga moslashuvchanlikni ta’minlaydi.

Jeol JSM-IT200LA mikroskopi arxeologik tadqiqotlarda shisha buyumlarining kimyoviy tarkibini aniqlashda va ularning ishlab chiqarish texnologiyasini tushunishda muhim ahamiyatga ega. EDS analizi orqali shisha buyumlaridagi elementlar, shuningdek, ularning tarkibidagi qo‘shimchalar va impuritlar (ifloslantiruvchi, strukturalarga zarar yetkazuvchi qo‘shimchalar) aniqlanadi, bu esa shisha ishlab chiqarish texnologiyasi va madaniyatlararo aloqalarni o‘rganishda yordam beradi.

Shuningdek, markaziy Sug‘dning shishasozligini o‘rganish jarayonida arxeologik shishalarni hosil qiluvchi asosiy oksid qismlarini tahlil qilish uchun Samarqand Davlat Universitetida joylashgan zamonaviy analiz usullari laboratoriyasida Rigaku NEX DE energiya dispersiv rentgen fluorescents spektrometrida (EDXRF) tadqiqotlar amalga oshirildi. NEX DE uskunasi rentgen nurlari yordamida namunadagi elementlarning kimyoviy tarkibini aniqlaydi. Ushbu spektrometr keng elementar diapazonga ega bo‘lib, 11 (Na) dan 92 (U) gacha bo‘lgan elementlarni aniqlash imkonini beradi. Uskuna past konsentratsiyalardagi elementlarni aniqlashda yuqori sezgirlikka ega, bu esa uni materialshunoslik, arxeologiya, ekologiya, qayta ishlash sanoati, tibbiyot va farmatsevtika kabi turli sohalarda keng qo‘llash imkonini beradi.



https://buxdu.uz

NEXDE uskunasi non-destruktiv tahlilni amalga oshiradi, ya’ni namunani o‘zgartirmasdan yoki zarar bermasdan uning tarkibini aniqlaydi, bu esa tarixiy ahamiyatga ega materiallarni o‘rganishda muhimdir. Natijalarni tezda olish imkoniyati laboratoriya ishlarini tezlashtiradi. EDXRF uskunasida kimyoviy tahlil, Markaziy Sug‘dning antik va o‘rta asrlar davridagi shishasozligini o‘rganishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu tadqiqotlar tarixiy shisha buyumlarining kimyoviy tarkibiy qismlarini, shisha topilmaning qaysi turga mansub ekanligini aniqlash va ularning ishlab chiqarish texnologiyalarini tushunish imkonini beradi. NEX DE uskunasida oksid tahlil uchun namunalardan 1-2 grammdan olinib, kukun holiga keltirildi va har bir namuna 5 marotaba tahlil qilinib, o‘rtacha qiymatlar olindi.


**1-namuna**


**2-namuna**


**3-namuna**


**4-namuna**


**5-namuna**


**6-namuna**


**7-namuna**


**8-namuna**


**9-namuna**


**10-namuna**

**1-rasm. Markaziy sug‘dning antik va o‘rta asrlar davri shishasozligini o‘rganish maqsadida Fizik-kimyoviy tahliliar uchun tanlab olingan qadimiy shisha namunalar**

1-nam. Shohizinda yodgorligidan 2004-yilda topilgan, noma’lum shisha buyumning dastak qismi.

2-nam. Shohizinda yodgorligidan 2004-yilda topilgan, noma’lum ko‘k rangli shisha buyumning tag qismi.

3-nam. Shohizinda yodgorligidan 2004-yilda topilgan, noma’lum och yashil rangli shisha buyumning dastak qismi.

4-nam. Shohizinda yodgorligidan 2004-yilda topilgan, noma’lum och sarg‘ish yashil rangli shisha buyumning tutqich qismi.

5-nam. Afrosiyob yodgorligidan 2023-yilda topilgan, och havorang shisha buyumning dastak qismi.

6-nam. Afrosiyob yodgorligidan 2023-yilda topilgan, och havorang shisha buyumning dastak qismi.

7-nam. Afrosiyob yodgorligidan 2023-yilda topilgan, to‘q yashil rangli shisha buyumning dastak qismi.

8-nam. Afrosiyob yodgorligidan 2023-yilda topilgan, och ko’k rangli shisha buyumning dastak qismi.

9-nam. Afrosiyob yodgorligidan 2023-yilda topilgan, och havorang shisha buyumning dastak qismi.

10-nam. Afrosiyob yodgorligidan 2023-yilda topilgan, och sarg‘ish yashil rangli shisha buyumning dastak qismi.

**Olingan natijalar va ularning tahlili.** Skanerlovchi Elektron Mikroskop (SEM-EDS) yordamida o‘rganilgan markaziy Sug‘d shisha namunalarida o‘rta asr shishalariga xos bo‘lgan ko‘plab gaz pufakchalarining suyuq shishaning tez sovishi natijasida qolib ketganini ko‘rish mumkin (2-rasim). Shuningdek, shisha yuzasining degradatsiyasi va korroziya mahsulotlari to‘g‘risida ma’lumot olish maqsadida morfologik va mikroanalitik tahlillar o‘tkazildi. Mikroskopik kuzatishlar asosida shisha yuzasida ikki xil o‘zgarishlar mavjudligi aniqlandi: yaltiroq qatlam va jigarrang qobiqlar. Barcha namunalarda jigarrang qobiq bilan qoplangan qismlar aniqlanib, tekshiruvlar quyidagi uchta hududni ajratib ko‘rsatdi: birinchidan, katta hajmli toza shisha; ikkinchidan, toza shisha bo‘lagining tashqi tomonida joylashgan yaltiroq nurli qatlam; va uchinchidan, namunaning ustki qismida o‘zgarishga uchragan sarg‘ish jigarrang qatlam (Barbera, 2012).



https://buxdu.uz




**2-rasm. Kiyoviy tahlillar uchun tanlab olingan 2 va 9-shisha namunalarining Skanerlovchi Elektron Mikroskop (SEM-EDS) da olingan tasviri**

Energiya tarqatish spektrometrida (SEM-EDS) olingan kimyoviy elementlar tahlili natijalari jadvaliga (1-jadval) qaraydigan bo‘lsak, barcha namunalarda uglerod (C), kislorod (O), shuningdek, natriy (Na) va kaliyning (K) yuqori foizini ko‘rishimiz mumkin. Bu elementlarning foiz miqdorining yuqori bo‘lishiga sabab sifatida qadimiy an’anaviy shishasozlikda natriy va kaliyning karbonatli tuzlariga ($Na_2CO_3$-$K_2CO_3$) boy bo‘lishi, aksincha, cheklangan oz miqdorda sulfatlar va xloridlar, saqlagan o‘smoq kulidan ishqor sifatida foydalanilishi ko‘rsatiladi.

Ko‘p ishqoriy tuzlarni o‘z ichiga olgan bo‘lsa ham, barcha kullar sifatli shisha tayyorlash uchun yaxshi xomashyo emas. Kul aralashmasi shishaning yaxshi pishirilishi va shishaning qoniqarli sifatga ega bo‘lishi uchun xizmat qilgan. Kul tarkibiy qismlariga kirgan moddalar nafaqat shishaning tarkibiy qismiga aylangan, balki shisha shixtasining erish issiqligini pasaytirishga ham yordam bergan.




**3-rasm. Kimyoviy tahlillar uchun tanlab olingan 7-shisha namunasining Skanerlovchi elektron mikroskop (SEM-EDS) da olingan spektrlari**

Misol uchun, natriy karbonat ($Na_2CO_3$) va kremniy oksidi ($SiO_2$) o‘rtasida deyarli sezilmaydigan “qattiq holat reaktsiyasi” ularning erishidan ancha oldin 300°C dan boshlanadi. Keyinchalik, moddalardan biri erishi bilan reaksiya tezligi sezilarli darajada oshadi: erigan holatda reaktsiyalar tezroq ketadi. Na2CO3 va SiO2 orasidagi eng energetik reaksiya tenglamaga ko‘ra 720-900 °C da sodir bo‘ladi (Bezborodov, 1969, 93-bet).

Umuman olganda, shishaning erish harorati shisha hosil qiluvchi komponentlarning tarkibiy qismlari (oksidlar, ftoridlar, fosfatlar va boshqalar) bilan belgilanadi. Shisha ishlab chiqarish qoldiqlari (shisha eritish qozonlari, tegillar, uchoqlar va boshqalar) va boshqa turli dalillarga tayangan holda, A.A. Abdurazaqov, M.A. Bezborodov va V.E.S. Tyorner kabi olimlar o‘rta asrlarda shisha pishirish harorati 1200 °C dan yuqori bo‘lmagan degan xulosaga kelishgan (Bezborodov, 1969, 95-bet).

| № | Elementlar. Mass % | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | C | O | Na | Mg | Al | Si | P | S | Cl | K | Ca | Cr | Fe | Ni | Mn |
| 1. | 19.77 | 61.24 | 5.95 | 1.20 | 2.86 | 7.86 | 0.11 | 0.04 | 0.05 | 0.26 | 0.29 | 0.03 | 0.22 | 0.22 | — |
| 2. | 17.06 | 61.45 | 2.35 | 0.47 | 3.43 | 13.50 | — | — | 0.10 | 0.85 | 0.54 | — | 0.16 | 0.07 | — |
| 3. | 9.59 | 65.27 | 1.78 | 0.95 | 3.17 | 17.20 | — | 0.14 | — | 0.83 | 0.74 | 0.01 | 0.24 | 0.04 | — |
| 4. | 18.26 | 52.10 | 9.11 | 1.37 | 2.29 | 14.54 | 0.10 | — | 0.10 | 0.90 | 1.13 | — | 0.11 | — | 0.10 |
| 5. | 13.13 | 52.03 | 10.9 | 1.87 | 1.98 | 16.52 | — | 0.11 | 0.18 | 1.20 | 1.74 | 0.04 | 0.16 | 0.04 | 0.05 |
| 6. | 19.13 | 47.38 | 9.59 | 1.60 | 1.82 | 15.83 | — | 0.11 | 0.22 | 1.78 | 2.37 | — | 0.18 | — | — |
| 7. | 36.74 | 55.17 | 0.70 | 0.62 | 2.03 | 3.48 | — | — | — | 0.14 | 0.11 | — | 0.64 | 0.36 | — |
| 8. | 25.59 | 57.34 | 0.39 | 0.27 | 2.50 | 12.72 | — | — | — | 0.33 | 0.55 | 0.02 | 0.24 | 0.05 | — |
| 9. | 22.75 | 59.55 | 0.34 | 0.28 | 2.56 | 13.50 | — | — | — | 0.31 | 0.46 | — | 0.17 | 0.05 | — |
| 10. | 30.08 | 51.62 | 6.27 | 0.96 | 1.42 | 8.17 | — | — | — | 0.48 | 0.63 | — | 0.21 | 0.09 | 0.08 |

**1-jadval. Kimyoviy tahlillar uchun tanlab olingan qadimiy shisha namunalarning SEM-EDS yordamida olingan kimyoviy elementlar tahlili natijalari**

Fizik-kimoviy tahlillar odatda oʻrganilayotgan jismning tarkibiy qismlarini oʻzida aks ettiradi. Shisha namunalarini tahlil qilish shisha tayyorlashda ishlatilgan dastlabki moddalar haqida fikirlash imkonini beradi. Si, Al, Ca kabi elementlar qumning tarkibiy qismlari degan fikrga kelish mumkin chunki qumning asosiy tarkibiy qismi sifatida $SiO_2$ va alyumosilikatlarni keltirish mumkin. P, S, Cl, Cr, Fe, Ni, Mn, Ti kabi elementlar kul yoki qum tarkibida uchraydigan qoʻshimcha moddalar tarkibidagi elementlar sifatida qaralishi mumkin.

Har bir shisha turi asosiy, makro va mikroelementlarning oʻziga xos tarkibi bilan tavsiflanadi. Shisha tarkibi, asosan, oksidlardan tashkil topgan boʻlib, ularni bir qancha tiplarga boʻlib urganiladi. Qadimiy shishalar turli ishlab chiqarilish hududi va davrlarida shisha quyish tehnologiyasi va xomashyo tarkibining oʻzgarishi hisobiga turlicha tarkibiy qisimlarga ega boʻlgan. (Abdurazakov, 2009).

| Oksid komponentlar. Mass (%) | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| № | $Na_2O$ | $K_2O$ | MgO | CaO | $Al_2O_3$ | $SiO_2$ | $SO_2/SO_3$ | MnO | $P_2O_5$ | $Fe_2O_3$ | CuO |
| 1. | 27,3 | 3,39 | 1,57 | 6,51 | 4,72 | 54,0 | 1,03 | 0,502 | 0,343 | 0,604 | 0,031 |
| 2. | 26,2 | 3,94 | 1,29 | 6,45 | 4,44 | 54,1 | 0,558 | 0,136 | 0,383 | 0,513 | 1,99 |
| 3. | 30,5 | 2,71 | 1,26 | 4,69 | 5,27 | 54,7 | 0,210 | 0,002 | 0,326 | 0,322 | 0,0018 |
| 4. | 26,56 | 3,44 | 0,837 | 5,80 | 4,87 | 55,7 | 0,507 | 1,28 | 0,339 | 0,639 | – |
| 5. | 27,06 | 3,28 | 1,74 | 6,84 | 4,76 | 53,9 | 1,13 | 0,245 | 0,350 | 0,663 | – |
| 6. | 29,37 | 4,01 | 1,63 | 7,33 | 5,09 | 50,7 | 0,696 | 0,142 | 0,330 | 0,658 | – |
| 7. | 30,2 | 4,52 | 1,28 | 5,68 | 9,99 | 46,2 | 0,620 | 0,0489 | 0,370 | 1,08 | – |
| 8. | 26,9 | 3,68 | 1,58 | 6,29 | 4,88 | 54,7 | 0,551 | 0,347 | 0,342 | 0,698 | 0,0611 |
| 9. | 27,3 | 3,61 | 1,5 | 6,30 | 4,75 | 54,7 | 0,491 | 0,348 | 0,343 | 0,682 | |
| 10. | 26,5 | 3,79 | 1,67 | 6,07 | 4,38 | 54,9 | 0,604 | 1,18 | 0,359 | 0,494 | – |

**2-jadval. Kimyoviy tahlillar uchun tanlab olingan qadimiy shisha namunalarning NEX DE yordamida olingan oksid tahlili natijalari**

Qadimiy sugʻd hududidan arxeologik qazishmalar vaqtida topilgan shisha namunalari tarkibi tahlil qilinib koʻplab kimyoviy turga mansub shishalar mavjud boʻlganligi aniqlangan. Shisha tarkibida 3% yoki undan miqdori koʻp boʻlgan asosiy shisha hosil qiluvchi oksidlar darajasiga koʻra guruhlab oʻrganildi. Bunga koʻra tahlil qilingan barcha namunalarni bir xil guruhga mansub degan xulosaga kelindi.



https://buxdu.uz

$Na_2O$-$K_2O$-$CaO$-$Al_2O_3$-$SiO_2$

Tahlil qilingan namunalar ichida 2- namuna ko‘k, 4 va 10- namunalar och sarg‘sh yashil, shuningdek, 7- namuna qoramtir yashil rangga ega. 2- namunada mis oksidining foiz miqdori (CuO-1,99 %) yuqori ekanligini ko‘rishimiz mumkin. Mis eng qadimgi shishaga rang beradigan materiallardan biri sifatida tasniflanadi mis oksidi (CuO) hisobiga shishalarda yashil, ko‘k yoki to‘q ko‘k ranglar hosil bo‘ladi. 4 va 10 mamunalarda esa Marganets oksidining foiz miqdori boshqa namunalarga qaraganda ancha yo‘qori ekanligini (MnO-1.28 % va 1,18 %) ko‘rishimiz mumkin. Marganetsning bir qancha oksidlari (MnO, Mn2O3, Mn3O4, MnO2, MnO3 va Mn2O7) mavjud bo‘lib ular shisha tarkibida boshqa kompanentlar bilan tasirlashganda binafshadan och sariq, yashilgacha ranglarni paydo qilishi mumkin. Marganets oksidining oz miqdori temir oksidi bilan muvozanatda bo‘lganda shishani rangsizlantiradi. Ammo marganets oksidining ko‘pligi och sariq, och binafsha, och yashil ranglarni keltirib chiqaradi. Shuningdek, temir oksidining foizi yuqoriligi ($Fe_2O_3$) to‘q qoramtir yashil rangni keltirib chiqaraqi.

$$2FeO + Mn_2O_3 = Fe2O3 + 2MnO$$

Bu kimyoviy reaksiyadan ko‘rinib turibdiki shisha tarkibida kimyoviy muvozanatni chapga yoki ungga siljishi shisha rangini va fizik – kimyoviy xususiyatlarini uzgarishiga olib keladi va bu narsa 7-namunaning to‘q qoramtir yashil rangini ham tushuntirishi mumkin (Bezborodov, 1969. 60-68 b).

**Xulosalar.** Markaziy Sug‘d hududidan topilgan, X-XI asrlarga oid o‘rganilgan 10 ta namunalarining kimyoviy elementlar tahliliga asoslanib shisha ishlab chiqarishda xom ashyo sifatida tozalangan qumdan va natriyga boy cho‘l o‘simliklari kulidan foydalanilgan degan xulosaga kelindi. Shuningdek, o‘rganishlar natijasida tekshirilayotgan shisha namunalarning erish nuqtalari bir-biriga juda yaqin va 1000 °C atrofida degan xulosaga kelindi.

Kimyoviy tahlil qilingan shisha namunalarning oksid komponentlari tahlil natijalaridan ko‘rishimiz mumkinki, o‘rganilgan barcha shisha namunalarini past magneziyali, kuchli sodalashgan, aralash ishqorli, ohakli, silikat shishalar sifatida tavsiflash mumkin. Barcha o‘rganilgan shisha namunalarida asosiy shisha hosil qiluvchi komponentlarning foiz miqdoriga ko‘ra $Na_2O$–$K_2O$–$CaO$–$Al_2O_3$–$SiO_2$ turiga mansub bo‘lgan shisha namunalari degan xulosaga kelindi. Bu shisha turi ilk o‘rta asrlardan boshlab ko‘p uchraydigan shisha turlaridandir.

Shuningdek, o‘rganishlar natijasida Markaziy Sug‘d shishasozligida X-XI asrlarda rangli shishalar olishda rang beruvchi oksid qo‘shimchalar sifatida: mis oksidi (CuO) to‘q ko‘k rang, marganets oksidi (MnO) och sarg‘ish-yashil rang va temir III oksidi ($Fe_2O_3$) to‘q yashil ranglarni hosil qilishda foydalanilganligini ko‘rsatadi.

Qadimiy shisha namunalari skanerlovchi elektron mikroskop yordamida o‘rganilganda shisha ichida qolib ketgan gaz pufakchalari orqali shunday xulosaga kelish mumkinki, shisha quyish jarayonida harorat barqaror ushlab turilmasdan tez sovutilgan. Va yana shishalarning yuzasida tuproq tarkibidagi agressiv ionlar ta’sirida yuzaga kelgan ikki qatlamli shisha korroziyasidan hosil bo‘lgan tuzlar bilan qoplanganligi aniqlangan. Bu tuzlar tarkib jihatdan shishaga yaqin qatlamda shisha tarkibiga yaqin bo‘lib, tashqi qatlamda tuproqning tarkibiy qismi miqdori yuqori ekanligi aniqlanadi.

### *ADABIYOTLAR*:


1. *Abdurazakov A. A. Central Asian glassmaking during the ancient and medieval periods //Ancient glass research along the Silk Road. – 2009. – С. 201-219.*
2. *Абдуразаков А. А., и Ахраров И. Стеклянная гиря Xl-Xll вв. из Афрасиаба // Афрасиаб / Гулямов. Я. Г.. - Ташкент: “ФАН” Узбекской ССР, 1973. - Т. 2. 126-133с.*
3. *Абдуразаков А. А.; Безбородов Ю. А.; Заднепровский Ю. А. Стеклоделие средней азии в древности и средневековье. - Ташкент: Академии наук Узбекской ССР, 1963. 244 b.*
4. *Абдуразаков А. А. Особенности химического состава стекол раннесредневекового Согда // История материальной культуры Узбекистана / Аскаров А. - Ташкент: “ФАН” Узбекской ССР 1981. - Т. 16. 126-130с*
5. *Абдуразаков А. А. Сравнительное изучение химических составов средневековых стекол из разных частей Афрасиаба // История материальной культуры Узбекистана / Аскаров А. - Ташкент: “ФАН” Узбекской ССР 1990. - Т. 23. 168-184с.*
6. *Безбородов М. А. Химия и технология древних и средневековых стекол. Минск: Наука и техника. – 1969. 276 с.*




https://buxdu.uz

*7. Barbera G. Study of Late Roman and Byzantine glass by the combined use of analytical techniques //Journal of non-crystalline solids. – 2012. – Т. 358. – №. 12-13. – С. 1554-1561.*

*8. Saidov, M; Ochilov, Sh. Afrosiyob yodggorligida 2023- yilda olib borilgan Arxeologik qazuv tadqiqotlarning ilmiy hisoboti. Samarqand : Samarqand arxeologiya instituti, 2023.*



https://buxdu.uz

UO‘K 94 (575.1):316.36

# TURKISTON MINTAQASIDA OILA-NIKOH MUNOSABATLARIDA AYOLLARNING O‘RNI MASALALARINING YORITILISHI (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI)

***Tilavova Shahnoza Salohitdinovna,***
*Buxoro davlat universiteti tayanch doktoranti*
*tilavovashahnoza249@gmail.com*

***Annotatsiya.*** *Ma'lumki, XIX asr oxiri –XX asr boshlarida Turkiston mintaqasida xotin-qizlarning haq – huquqlari, oila va jamiyatdagi o'rni masalalari jadidlar tomonidan davriy matbuot sahifalarida, asarlarida dolzarb masala sifatida yoritila boshlandi. Bunda asosiy manba sifatida islom dinining muqaddas kitobi Qur'oni Karim, hadislardagi oyatlar olinib, zamondoshlariga to'g'ri talqin qilib yetkazib berildi va ularning xotin –qizlarga nisbattan qarashlarini o'zgartirish maqsad qilib olindi. Jadidlar tomonidan oila – nikoh masalalariga bag'ishlangan asarlar, maqolalarda xotin –qizlarning ijtimoiy mavqei, diniy va dunyoviy ta'lim olish kabi huquqlari ko'rsatib berildi. Ushbu maqolada xotin-qizlarning haq-huquqlari jadidlarning maqolalari va asarlaridagi ma'lumotlar orqali tarixiy jihatdan tahlil qilinib, yoritib beriladi.*

***Kalit so'zlar:*** *xotin –qizlar, haq-huquq, davriy matbuot sahifalari, ta'lim, jadid, "Tarjimon", ayol qozi, islom, shariat, oila, nikoh.*

## ОСВЕЩЕНИЕ ВОПРОСОВ РОЛИ ЖЕНЩИН В СЕМЕЙНО-БРАЧНЫХ ОТНОШЕНИЯХ В ТУРКЕСТАНСКОМ РЕГИОНЕ (КОНЕЦ XIX – НАЧАЛО XX ВЕКА)

***Аннотация.*** *Известно, что в конце XIX – начале XX века вопросы прав женщин в Туркестанском регионе, их место в семье и обществе стали освещаться джадидами как актуальный вопрос на страницах периодической печати, в своих произведениях. При этом в качестве основного источника была взята священная книга ислама Коран, аяты из хадисов были взяты и доставлены современникам в правильном толковании с целью изменить их взгляды на женщин. Работы, статьи, написанные джадидами по вопросам семьи и брака, указывали на такие права женщин, как социальное положение, религиозное и светское образование. В этой статье права женщин исторически анализируются и освещаются с помощью информации в статьях и работах джадидов.*

***Ключевые слова:*** *женщины, право, страницы периодической печати, образование, джадид, "Таржимон", женщина-судья, ислам, шариат, семья, брак.*

## COVERAGE OF THE ISSUES OF THE ROLE OF WOMEN IN FAMILY-MARRIAGE RELATIONS IN THE TURKESTAN REGION (LATE 19TH – EARLY 20TH CENTURIES)

***Abstract.*** *As you know, at the end of the XIX –beginning of the XX centuries, the issues of the rights of women in the Turkestan region, their place in the family and society began to be covered by the jadids on the pages of the periodical press, as an urgent issue in their works. In this, the Holy Book of Islam as the main source of the Qur'an Karim, verses in Hadith were taken and delivered to contemporaries in the correct interpretation, and the aim was to change their attitudes towards women. Works on family – marriage issues by the jadids, the articles outlined the rights of women such as social status, religious and secular education. In this article, Women's rights are historically analyzed and covered through information in the articles and works of jadids.*

***Keywords****: women, right, Periodical Press pages, education, jadid, "Tarjimon", female judge, islam, sharia, family, marriage.*

**Kirish.** Turkiston mintaqasida XIX asr oxiri – XX asr boshlarida ijtimoiy, siyosiy, madaniy jarayon bo‘lgan jadidchilikning vakillari yurtni taraqqiy ettirishga qaratilgan dasturlarida xotin-qizlarning oila va jamiyatdagi nufuzini ko‘tarish, ularning huquqlari, ta'lim olishi, shuningdek, jamiyatda xotin-qizlarga nisbatan qarash va munosabatlarni o‘zgartirish kabi dolzarb masalalarni ham kun tartibiga qo‘ygan edilar va amaliy faoliyatlari natijasida bu qarashlarning amalga oshishiga sababchi bo‘lgan edilar. Xotin-qizlarni jamiyatning eng muhim a'zosi sifatida ularning haq-huquqlari, oila va jamiyatdagi o‘rnini islom dinining muqaddas kitobi Qur'oni Karim hamda hadislardagi shariat qoidalari asosida, ijtimoiy hayotga jalb qilish,



https://buxdu.uz

jamiyatda ularning erkaklar bilan teng huquqliligini ta'minlash, balog'atga yetmagan qizlarni erta turmushga chiqarishni ta'qiqlash kabi masalalarni o'z dasturlarida ilgari surgan edilar.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili va dolzarbligi.** XIX asr oxiri – XX asr boshlarida ko'plab jadidlar tomonidan xotin – qizlarning oila va jamiyatdagi o'rni, oila va farzand tarbiyasiga doir maqola, asarlar yozildi. Ushbu maqolada Ahmad Donish, Abdurauf Fitrat, Hoji Muin Shukrullo, Sirojiddin Sidqiy, Said Ahroriy kabilarning asarlari va maqolalaridan foydalanildi. Shuningdek, Turkiston jadidlarining faoliyati uchun poydevor bo'lib xizmat qilgan qrim –tatar taraqqiyparvarlarning asarlaridan ham foydalanilib, tarixiy jihatdan tahlil qilindi. Taraqqiyparvarlar Turkiston mintaqasida yashaydigan xotin-qizlarning kundalik turmush tarzi, haq-huquqlari, oila va jamiyatdagi o'rni, ta'lim olish va mehnat faoliyati imkoniyatlarini yoritib bergan qarashlarini hamda amaliy faoliyatlarini tadqiq etish bugungi kun uchun ham dolzarb bo'lib hisoblanadi.

**Natijalar va muhokama.** Turkiston mintaqasida XIX asr oxiri – XX asr boshlarida muhim ahamiyat kasb etgan ijtimoiy-siyosiy va ma'rifiy harakat jadidchilik harakati bo'lib, dastlab Qrimda XIX asrning 80 – yillarida Ismoil Gaspirinskiy tomonidan asos solingan [9.B.118]. Ismoil Gaspirinskiy tomonidan tashkil qilingan "Tarjimon" gazetasi sahifalaridan ham xotin-qizlarning ijtimoiy mavqei, haq – huquqlari masalasi o'rin egallaydi. Ismoil Gaspirinskiy faoliyatini taqdiq etgan jadidshunos olim Zaynabidin Abdirashidovning ma'lumotiga ko'ra [7.B.17], "Tarjimon"ning birinchi sonidan boshlab xotin - qizlarga bag'ishlangan bir qator maqolalar bosib chiqariladi. Shuningdek, Ismoil Gaspirinskiy 1887- hamda 1891- yillari musulmon ayoliga mo'ljallangan gazeta nashr qilish uchun rasmiy idoralarga ham murojaat qilgan edi. Lekin Peterburgda faoliyat yuritgan rus ma'murlari bu nashrlarning keragi yo'q, degan bahona bilan chiqarishga ruxsat bermaydi. Oradan ancha yillar o'tib Ismoil Gaspirinskiy "Tarjimon"ga ilova shaklida "Ilm nisvon" (Ayollar dunyosi) gazetasi nashrini yo'lga qo'yadi. Bu gazetaga Ismoil Gasprinskiyning qizi Shafiqa Gasprinskaya muharrirlik qiladi. Ismoil Gasprinskiy xotin-qizlar masalasiga oid maqolalarida ularning jamiyatdagi, oiladagi oddiy haq-huquqlari masalasida amalda, hatto, shariat qonunlariga ham murojaat qila olmasliklarini ko'plab misollar orqali ochib berish bilan bir qatorda, ularning dunyoqarashlari kengayib borayotganini ham ko'rsatib berishga harakat qiladi [7.B.17].

Shuningdek, Zaynabidin Abdirashidovning ma'lumotiga ko'ra, ayollar masalasi Ismoil Gaspirinskiyning asarlarida ham tahlil qilib berilgan. Jumladan, Ismoil Gasprinskiy "Dorur-Rohat musulmonlari" romanida ayollarni barcha ishlarda erkaklar bilan bir qatorga qo'yadi; ayol qozi obrazini yaratadi. Gasprinskiy ta'rif qilgan ideal jamiyatda ayol qozining roziligisiz yoki ishtirokisiz biror bir oilaviy yoki ayol huquqiga oid masala hal bo'lmaydi [7.B.17]. Tarjimon gazetasining 1891-yil sonlarida "Xotinlar o'lkasi" romanini chiqarib, unda Ismoil Gasprinskiy jamiyatda erkak bilan ayolning o'rnini almashtiradi. Bunda erkak yuzini yopib yurishga majbur bo'lib, farzand boqib katta qilish, ovqat tayyorlash kabi ayollar zimmasiga yuklatilgan vazifalarni bajaradi. Ayol esa barcha narsada hukmron bo'ladi. Ismoil Gasprinskiy bu orqali musulmon ayolining o'sha davrdagi asl holatini ko'rsatib berishni va bu muammoni umumxalq muhokamasiga qo'yishni o'z oldiga maqsad qilgan edi.

XIX asrning ikkinchi yarmi - XX asrning boshida yashagan tatar olimi Rizouddin ibn Faxruddinning "Oila" asarida ham odob-axloq, oila va nikoh, oiladagi o'zaro munosabatlar, ota-onaning vazifalari, farzandlar burchi, bola tarbiyasidagi ayolning roli, ayollarning umumiy vazifasi, uylantirishda ota-onaning vazifalari to'g'risida ibratli maslahatlar va yo'l-yo'riqlar berilgan. Olim asarda uylanish va xotinlar vazifasi borasida fikr bildirar ekan, uylanish masalasini islom shariati buyuk narsalardan deb bilishini hamda oila tuzish uchun mamlakatda bir qancha nizomlar qabul qilinganligini qayd etib otadi. Kishilar bu nizomlarga amal qilsa, o'z oilalarini ko'rkam ravishda tuzishini, ko'pmi-ozmi surajak umrlarini rohat bilan kechirishlarini va umrlaridan qolgan sanoqli soatlari barakali bo'lishini e'tirof etadi" [10.B.71]. Rizouddin ibn Faxruddin oilani kemaga o'xshatib, ayol kishini esa kemaning quyrugi (ruli) ga qiyoslaydi, daryoda katta quvvatga ega bo'lgan kema quyruq harakatiga ergashib yurgani kabi oilalarda ham oilaning barcha a'zolari xotin harakatiga ergashishlarini yozib o'tadi. Zamondoshlariga "xotunlari tarbiyali bo'lgan xalq – tarbiyali-yu, xotunlari tarbiyasiz bo'lgan xalq tarbiyasiz, xotunlari tirishqoq, tadbirkor, irodali bo'lgan xalq – boyu, xotunlari yalqov yoki isrofgar xalq faqir bo'lishini eslatadi va xotin –qizlarning yoshligidan boshlab, tarbiyasi, bilim olishiga e'tibor qaratishlarini qayd etib o'tadi [10.B.71].

"Ahli ayol" deb nomlangan risolasida esa farzandni kichikligidan boshlab, Alloh Taoloni suyadigan va qulluq keltiradigan imonli qilib tarbiyalansa, umrlari barakali va foydali bo'lishini yozadi [6.B.5]. Asarda ota – onaga hurmat, maktabda o'qish, poklikka rioya qilish, go'zal axloqqa ega bo'lmoq, salomatlikni saqlamoq, nikoh, oiladagi munosabatlar kabi mavzularni yoritadi hamda qizlarni o'zlari eshitmagan, bilmagan, orzu etmagan va muhabbati tushmagan yigitlarga zo'rlab turmushga berishga hech kimning haqqi yo'qligini ta'kidlab o'tadi [6.B.16].



https://buxdu.uz

Turkiston mintaqasida taraqqiyparvarlikning boshlanishiga poydevor bo‘lgan, XIX asrning ikkinchi yarmida Buxoro amirligida turli mansablarda faoliyat yuritgan mahalliy tarixchilaridan biri Ahmad Donish (1827-1897) o‘zining ilmiy merosi “Navodir-ul-vaqoye” asarining “Nikoh odoblarining bayoni. Uylanishning shartlari hamda qaynona va kelin haqida” deb nomlangan qismida islom shariati qoidalari asosida hadislardan misollar keltirib, ayollarning haq-huquqlari, turmush o‘rtog‘i va qaynonasi bilan o‘zaro munosabatlari haqida o‘z qarashlarini yozib o‘tgan. U erkaklarga ayollarni nohaq urishga, taloq qilishga shariat ham yo‘l qo‘ymaydi deb uqtiradi [2.B.171]. Ahmad Donish asarda oila qurishning afzallik tomonlari, nikohning o‘zi sunnat bo‘lsa ham, uning ichida ham sunnatlari: ayolning nafaqa (iqtisodiy jihatdan) bilan ta’minlash, dindagi zarur bo‘lgan narsalarni o‘rgatish kabilarni qayd etib o‘tadi, ammo bularning hammasini ham shariat aytganidek bajara olmasliklarini kuyunib yozadi. Ahmad Donish erkaklarga xotinlarning erlari ustidan qanday haq-huquqlari borligini qayd etib, ular bilan yaxshi uy-ro‘zgor o‘tkazish, hayotlarini yaxshilashga xizmat qiladigan quyidagi muhim tavsiyalarini berib o‘tadi:

1. erkaklar xotinlariga xushxulqlik bilan muomala qilishga odatlanish;
2. aqliga, diniga zarar keltirmaydigan xatolarini kechirish, ularning so‘zlarida va ishlarida va noshukurchiliklariga sabr qilish;
3. Kishi xotin-bolalari oldida ochiq yuzli, xushxulqli bo‘lishi, ularning aqliga yarasha ish qilishi, ammo xushxulq bo‘laman deb, oila oldida haybati yo‘qolgudek darajaga tushmasligi;
4. Xotinni urish-janjal, g‘azab ostida taloq qilmasligi, taloq qilmoqchi bo‘lsa yumshoqlik bilan uzr aytib taloq qilishi, agar xotin o‘zi rozilik bersa, eri unga hadya berib ko‘nglini xush qilishi;
5. Taloq qilgandan so‘ng, ayolning kamchiliklarini birovga so‘zlamaslik kabi muhim masalalarni yoritadi [2.B.172-173].

Ayni paytda ayollarning ham erkaklar oldidagi vazifalarini qayd etib o‘tgan. Ayol kishi turmush o‘rtogining aybini yopib, sirini hech kimga aytmasligi, o‘ziga og‘ir kelsa ham har ishda turmush o‘rtog‘ini sevintirish, eri tashqaridan olib kelgan narsaga qanoat qilish, o‘zining va turmush o‘rtog‘ining moliga xiyonat qilmaslik, sababsiz taloq so‘ramaslik kabilarni yozib o‘tadi [2.B.173].

Turkiston taraqqiyparvarlaridan o‘z davrining shoir va xattoti bolgan Sirojiddin Sidqiy (1884 – 1934) Muhammadsharif Gulxaniy (XVIII – XIX), Nozil Xo‘jandiy (1788 – 1876), Sulaymonqul Rojiy (1871 – 1924) singari o‘zining ham “Zarbulmasal” ini yaratgan. “Zarbulmasal” da keltirilgan mavzular ko‘lami keng bo‘lib, unda xotin –qizlar, ularning oila va jamiyat hayotidagi o‘rni, burchi va mas’uliyati haqida muhim ma’lumotlar beriladi [8.B.324 – 343]. “Er birla xotunlarning bayonida” deb nomlangan bobda xotin – qizlarning jamiyatdagi o‘rnini, ularning izzatga loyiq ekanligini shariat qonunlari asosida yoritib o‘tadi [8.B.343].

Sirojiddin Sidqiy oilaning farovon, obod, mustahkam bo‘lishi hamda tinchligi ayol kishiga bog‘liq ekanligini turli misollar bilan keltiradi. U “Tazkirai Imomi A’zam” asarida ham xotin –qizlar haqida bob ajratadi va zamondoshlariga ayol kishining oila va jamiyatdagi o‘rnini shariat qonunlari asosida tushuntirib beradi. Jumladan, uning asarida: “Har kim xotinini izzat qilsa, oni Alloh Taolo izzat qilur…deb yozib ayollarning erlari ustida beshta haqlari borligini sanab o‘tadi:

1.Erlari xotiniga ish buyursa uy ichida buyursin;
2.Islom dinining beshta arkoni bo‘yicha, shariat va tahorat, g‘usl, namoz, ro‘za, iymon kabilarni va din bilan bog‘liq yaxshi amallarni o‘rgatishi kerakligi;
3.Halol taom berishi;
4.Zulm qilmasligi;
5.Yaxshi so‘zlar bilan ko‘nglini ko‘tarishi kabilarni sanab o‘tadi [4.B.30].

Shuningdek, ayollarning ham erlari oldidagi burch va mas’uliyatlari ham yoritib o‘tiladi.

Millat ziyolilaridan yana biri Said Ahroriy bo‘lib, u ham asarlari va maqolalarida ayollarning oila va jamiyatdagi o‘rnini ko‘rsatib, ularning haq – huquqlari, oiladagi muhim vazifalari haqida keng tarzda fikr – mulohazalarini bayon etadi [3.B.8]. Said Ahroriy tarbiya masalalariga oid maqolalaridan biri “Fikr tarbiyasi” da onalarning farzandning birinchi tarbiyachisi ekanligini ta’kidlab, bola o‘stirish, uning sog‘ligini saqlash, kasal bo‘lganda unga yaxshi qarash kabi muhim ma’lumotlarga ega bo‘lishi kerakligini ta’kidlaydi [8. B.51]. Said Ahroriy tomonidan xotin –qizlarga bag‘ishlangan “Oila” (Xonim –qizlarimizga tortiq) kitobi 1922-yilda chop etilgan bo‘lib, unda qiz bolalarning turmushga chiqishidan oldin o‘rgatilishi kerak bo‘lgan muhim ma’lumotlar keltirilgan [8. B.51]. Oila haqida kitob yozgan taraqqiyparvarlarning xotin - qizlarning vazifalari, haq –huquqlari, oiladagi o‘rni haqidagi qarashlaridan jadidchilik harakati namoyandalarining xotin-qizlarga bo‘lgan munosabati zamonaviylashgani, madaniylashganini ko‘rish mumkin.

Taraqqiyparvarlar XIX asr oxiri – XX asr boshlarida zamondoshlarining xotin –qizlarga nisbattan qarashlarini tanqid qilib yozganlar va ularni xotin –qizlarning haq – huquqlariga rioya qilishga chaqirganlar. Jadidlardan Hoji Muin Shukrullo ham: “…bizning islom dini xotunlarg‘a o‘zga dinlardan ko‘broq huquq



https://buxdu.uz

bergan va hurmat koʻrsatgan, ilm oʻrganishning qarzligʻini erkaklar bilan barobar xotun-zanlargʻa farz etgan boʻlsa ham, lekin biz musulmonlar, boxusus, biz turkistonlilar necha zamonlardan beri bu haqidagi islom hukmlarindan va islom ta'limotindan koʻz yumib, xotunlar huquqini poymol etib va alarni oʻzimizgʻa asir hukminda yuritib kelmakdamiz" [5.B.82] deb, xotin-qizlarning haq-huquqlari, ularga nisbattan zamondoshlarining munosabat va qarashlari haqida fikr-mulohazalarni keltiradi. Jadidlardan Abdurauf Fitrat ham "Oila yoki oila boshqarish tartiblari" asarida: "Mamlakatimizdagi xotinlar har daqiqada qanchadan-qancha tahqir va jafolarga duchor boʻlib yashamoqdalar. Biz turkistonliklar oʻz xotinlarimizni odamiyat doirasidan tashqarida deb oʻylaymiz va u bechoralarga odamga qilgandek muomala qilmaymiz", deb fikr – mulohazalarini yozadi. U xotin-qizlarning e'tiborga muhtoj ekanliklari, huquqlari, fikrlash fazilatlari borligi haqida erkaklar tomonidan unutilib qoldirilayotganligini afsuslar bilan qayd etadi [1.B.15]. Oila va nikoh masalalari haqida fikr bildirar ekan, yigit va qizning oila qurishi uchun toʻrt narsaga e'tibor berishi kerakligini, bular: oila qurish orzusida boʻlgan ayol va erkakning nasab va boyliklari deyarli bir xil boʻlishi kerakligini, husn va dindorlik kabi jihatlarga ham e'tibor berish kerakligiga toʻxtalib oʻtadi [11.B.96-97].

**Xulosa** shuki, jadidlar tomonidan davriy matbuot sahifalaridagi maqolalarda, asarlarida shariat qoidalaridan kelib chiqqan holda oila- nikoh masalalari, xotin-qizlarning huquqiy maqomi, kundalik hayoti, farzand tarbiyasi kabi masalalar yoritib oʻtildi. Ular xotin-qizlarning oilada va jamiyatda bir qancha haq-huquqlari borligini va ularning jamiyatda oʻz oʻrniga ega boʻlishi ma'naviy jihatdan yuksalishiga xizmat qilishi hamda jismonan, ruhan sogʻlom, aqlan barkamol avlodni voyaga yetkazishlari uchun muhim ahamiyat kasb etishini koʻrsatib berdilar. Millat oydinlarining oila, oilaviy munosabatlar, tarbiya haqidagi fikrlari, xotin-qizlarning haq-huquqlari haqidagi qarashlari bugungi kun uchun ham muhim boʻlib hisoblanadi va ularni oʻrganish tarixchilar oldida turgan vazifalardan biridir.

## *ADABIYOTLAR:*


1. *Abdurauf Fitrat. Oila yoki oilani boshqarish tartiblari/ tarjimon va izohlar muallifi Sh.Vohidov; mas'ul muharrir H.Boltaboyev. – Toshkent: Choʻlpon nomidagi NMIU, 2013. – B. 15.;*
2. *Аҳмад Дониш. Наводирул вақое / Нодир воқеалар. – Тошкент: Фан, 1964. –Б. 172-173;*
3. *Аҳрорий Саид. Танланган асарлар/ Тўплаб нашрга тайёрловчи Х.Ахророва. – Тошкент: Маънавият, 2001. –Б.8-51;*
4. *Сидқий Хондайлиқий (Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий). Танланган асарлар/ Тўпловчи, сўз боши, изоҳлар ва луғат муаллифлари: Б.Косимов, Р. Жавҳарова – Тошкент: «Маънавият», 1998. –Б. 30;*
5. *Муин Ҳожи. Танланган асарлар/тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Б.Дўстқораев, Н.Намозова; масъул муҳаррир: Ҳ.Саидов; тўлдирилган 2-нашр. – Тошкент: Маънавият, 2010. –Б.82;*
6. *Ризоуддин Ибн Фахруддин Аҳлу аёл. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Тешавой Зиёев. – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994. –Б. 5-16;*
7. *Abdurashidov Z. Tarjimon (1883 – 1917) gazetasidagi Turkiston materiallarining izohli bibliografiyasi // Türk Dili ve Edebiyatı Araştırmaları Dergisi Sayı / Number: 22. 2012. – B.17.*
8. *Қосимов Бегали. Миллий уйғониш, жасорат, маърифат, фидойилик. –Тошкент: "Маънавият", 2002. – Б.324-343;*
9. *Rajabov Q. Oʻzbekiston XX asrda. Birinchi jild (1900 – 1939). – Toshkent: Oʻzbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi "Fan", nashriyoti davlat korxonasi, 2024. – B. 118;*
10. *Арапбаева Д.К., Арапбаева В.К. Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳақидаги қарашлари// Замонавий таълим / Современное образование 2015, №7. –Б. 71;*
11. *Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: "Ўқитувчи", 2002.– Б. 120.*




https://buxdu.uz

UO‘K 658.56

# MAHSULOT SIFATINI BAHOLASH TEXNOLOGIYASI

***Tursunov Alisher Ravshan o‘g‘li,***
*Toshkent kimyo – texnologiya instituti*
*Shahrisabz filiali o‘qituvchisi*
*alishertursunov260@gmail.com*
***Axmedov Akbar Akramovich,***
*Toshkent kimyo-texnologiya instituti*
*Shahrisabz filiali o’qituvchisi*
*akbarakramovich1111@gmail.com*
***Toshboboyev Shohzod Mahkam o‘g‘li,***
*Toshkent kimyo-texnologiya instituti*
*Shahrisabz filiali o‘qituvchisi*
*shahzodshahriyor1992202120@gmail.com*

***Annotatsiya.*** *Mahsulot sifatini tasniflashning asosiy xususiyati shundaki, ular, asosan, sifat darajasini aniqlashning belgilangan usullaridan foydalanishga qaratilgan – differentsial, kompleks va statistik, yagona ko'rsatkichlar to'plamining qiymatlarini tizimlashtirish va qiyosiy tahlil qilishga asoslangan. Mahsulot sifatini baholash usuli-bu standart sifatida qabul qilingan mahsulotning o'xshash ko'rsatkichlari bilan taqqoslashga asoslanib, mahsulot sifatining individual ko'rsatkichlarini yoki umuman mahsulot sifatini baholash uchun ularning ma'lum kombinatsiyasini aniqlash uchun mantiqiy va matematik operatsiyalarning ma'lum bir to'plamidir. Ushbu maqolada ham mahsulot sifatini baholashning turli usullari va metodlari yoritib o’tilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *mahsulot sifati, mahsulot sifatini baholash usullari, sifat nazorati, sifat ko'rsatkichlari, sifat darajasi, analoglar guruhi.*

# ТЕХНОЛОГИЯ ОЦЕНКИ КАЧЕСТВА ПРОДУКЦИИ

***Аннотация.*** *Основная особенность классификации качества продукции заключается в том, что они в основном ориентированы на использование установленных методов определения уровня качества – дифференциальных, комплексных и статистических, основанных на систематизации и сравнительном анализе значений единого набора показателей. Метод оценки качества продукции-это определённый набор логических и математических операций по определению отдельных показателей качества продукции или их конкретного сочетания для оценки качества продукции в целом на основе сравнения с аналогичными показателями продукции, принятыми в качестве стандарта. В этой статье также рассматриваются различные приёмы и методы оценки качества продукции.*

***Ключевые слова:*** *качество продукции, методы оценки качества продукции, контроль качества, показатели качества, уровень качества, группа аналогов.*

# PRODUCT QUALITY ASSESSMENT TECHNOLOGY

***Abstract.*** *The main feature of product quality classification is that they are mainly focused on the use of established methods for determining the level of quality – differential, complex and statistical, based on systematization and comparative analysis of the values of a single set of indicators. The product quality assessment method is a specific set of logical and mathematical operations to determine individual product quality indicators or a specific combination of them to assess the quality of products as a whole based on comparison with similar product indicators adopted as a standard. This article also discusses various methods and techniques for evaluating product quality.*

***Keywords:*** *product quality, methods of product quality assessment, quality control, quality indicators, quality level, group of analogues.*

**Kirish.** Bugungi kunda mavjud bo'lgan iqtisodiyotda sifat har qanday mahsulotni tanlashda asosiy ko'rsatkichdir. Shu munosabat bilan rivojlanayotgan mamlakatlar mahsulot sifatini oshirish muammolariga katta e'tibor qaratmoqda. Mahsulot sifatini o'lchash va baholashning roli iqtisodiy islohotlar, xalqaro



https://buxdu.uz

sanksiyalar va korxonalar o'rtasidagi iqtisodiy va shartnomaviy aloqalarning rivojlanishi tufayli ortib bormoqda. Shu sababli, turli xil nazariy tadqiqotlar va amaliy tavsiyalar mavjud bo'lib, ularning maqsadi metodologiyani ishlab chiqish va turli xil mahsulotlar sifatini miqdoriy o'lchashni izlash, xalq xo'jaligi oldida turgan mahsulot sifatini rejalashtirish va boshqarish muammolarini hal qilishda yordam berishdir. Hozirgi vaqtda texnik jihatdan rivojlangan davlatlar mahsulot sifatini miqdoriy o'lchash va baholashning ko'plab usullari va usullarini taklif qilmoqdalar.

So'nggi yillarda sifatni kvalimetrik baholash sohasida sezilarli yutuqlarga erishildi. Kvalimetriya asosidagi matematika muayyan fanlarning xususiyatlaridan mavhum bo'lib, faqat ularning modellari va munosabatlari bilan ishlaydi. Shuning uchun, prinsipial jihatdan, sifat modeli turli darajadagi murakkablikdagi mavhum xususiyatlar tizimidir. Ushbu modelga sifat ko'rsatkichlarining belgilangan qiymatlarini almashtirish umumiy sifat modelidan umuman qiziqish uyg'otadigan mahsulot turining o'ziga xos modeliga o'tishga imkon beradi. Mahsulot sifatini aniqlash metodologiyasi-bu mahsulot sifatining barcha ko'rsatkichlarini aniqlash uchun mantiqiy va matematik operatsiyalarning ma'lum bir tizimi. Uning asosi baza sifatida qabul qilingan mahsulotlarning asosiy ko'rsatkichlari bilan taqqoslashdir. Sifat nazorati-bu ma'lum bir mahsulot sifat ko'rsatkichlarining standartlar va texnik shartlarda belgilangan talablarga muvofiqligini o'rganish.

Nazoratning maqsadi cheklangan miqdordagi ko'rsatkichlarni tekshirish va mahsulot turini aniqlashdir. Sifatni baholash sifat nazoratidan ko'ra kengroq tushunchadir. Sifatni baholashda ko'proq sifat ko'rsatkichlari hisobga olinadi. Sifat darajasi-bu baholanayotgan mahsulot yoki xizmatning sifat ko'rsatkichlari qiymatlarini standartning asosiy qiymatlari bilan taqqoslashga asoslangan mahsulot sifatining qiyosiy xarakteristikasi. Yuqori sifatli mahsulot iste'molchilar uchun past sifatli analoglardan ko'ra ko'proq jozibador deb taxmin qilish mantiqan to'g'ri. Sifatni kerakli darajada ushlab turish nafaqat sotishni rag'batlantiradi, balki ishlab chiqaruvchi kompaniyaga ijobiy obro'-e'tibor beradi. Har bir mahsulot bir qator xususiyatlarga ega. Ularning kombinatsiyasi mahsulot sifatini belgilaydi. Shunday qilib, sifat ko'rsatkichi ma'lum xususiyatlarning miqdoriy xususiyatlaridan iborat.

Mahsulot sifatini boshqarish zarur sifat darajasini belgilash va saqlash uchun mahsulotni yaratish, ishlatish yoki iste'mol qilishda amalga oshiriladigan harakatlarni o'z ichiga oladi. Mahsulot sifati darajasi deganda ko'rib chiqilayotgan mahsulot xususiyatlarining umumiyligini asosiy, ya'ni raqobatchilar mahsulotlari, istiqbolli namunalar, standartlar, yetakchi standartlar va boshqalar bilan taqqoslashga asoslangan sifatning nisbiy bahosi tushuniladi.

Baholangan mahsulotlarning sifat ko'rsatkichlari qiymatlarini bir xil ko'rsatkichlarning asosiy qiymatlari bilan taqqoslashga asoslangan mahsulot sifatining nisbiy tavsifi mahsulot sifati darajasini belgilaydi. Sifat darajasini baholash mahsulotlarning jahon, mintaqaviy, milliy yoki sanoat darajalariga muvofiqligini aniqlashdan iborat.

Baholash natijalari:

- yangi yoki modernizatsiya qilingan mahsulotlarni ishlab chiqishda;
- mahsulotlarni ishlab chiqarishga qo'yish to'g'risida qaror qabul qilishda;
- mahsulotni ishlab chiqarishdan olib tashlashning maqsadga muvofiqligini asoslashda;
- eksport va import bo'yicha takliflarni shakllantirishda.

Sifat darajasini baholash uchun zarur bo'lgan ma'lumotlar "texnik daraja va mahsulot sifati xaritasi"shaklida tuziladi.

Daraja xaritasi yangi o'zlashtirilayotgan va modernizatsiya qilinayotgan mahsulotlar uchun texnik hujjatlarning bir qismidir. Daraja xaritasi beshta shaklni o'z ichiga oladi.

1. Umumiy ma'lumotlar: mahsulotning maqsadi, ko'lami va xususiyatlari; bosh tashkilot; tashkilot tuzuvchi;

ishlab chiqaruvchi; mahsulotlar patent tozaligiga ega bo'lgan mamlakatlar; texnik darajani baholash natijalari va boshqalar.

2. Sifat darajasini aniqlash: ko'rsatkichlar nomi; baholanadigan mahsulotlar, asosiy, istiqbolli va almashtiriladigan namunalar, eng yaxshi mahalliy va xorijiy analoglar ko'rsatkichlarining qiymatlari.

3. Standart o'lchamdagi seriyalar, mahsulot guruhlari vakillari to'g'risidagi ma'lumotlar: mahsulot vakilining nomi, mahsulot sifati ko'rsatkichlarining nomi va qiymati.

4. Analoglar to'g'risidagi ma'lumotlar: mahsulot kodi; mamlakat va ishlab chiqaruvchi; mahsulotni ishlab chiqarish yili.

5. Mahsulot sifati to'g'risidagi ma'lumotlar: davlat sinovlari natijalari, sertifikatlash to'g'risidagi ma'lumotlar.

Mahsulot sifati darajasini baholash bosqichlariga quyidagilar kiradi:

1. Baholash uchun zarur bo'lgan ko'rsatkichlar nomenklaturasini aniqlash;



https://buxdu.uz

2. Analoglar guruhini shakllantirish va ularning ko'rsatkichlari qiymatlarini belgilash;

3. Analoglar guruhidan asosiy namunalarni ajratish;

4. Baholangan namunani asosiy namunalar bilan taqqoslash;

5. Tavsiyalarni asoslash va qaror qabul qilish.

**Qo‘llanilgan metodlar.** Ko'rsatkichlar nomenklaturasi barcha analoglar va baholangan obyektlar uchun baholash natijalarining taqqoslanishini ta'minlashi kerak. Ko'rsatkichlar nomenklaturasi xalqaro, milliy, xorijiy va mahalliy standartlarda, kataloglarda, prospektlarda, patent va kon'yunktura iqtisodiy hujjatlarida va boshqalarda ko'rsatilgan ko'rsatkichlarni hisobga olgan holda baholash maqsadlari asosida belgilanadi, ko'rsatkichlar nomenklaturasini aniqlash xususiyatlar daraxtini qurish orqali amalga oshirilishi kerak. Tasniflash, baholash va cheklovchi ko'rsatkichlar mavjud. Tasniflash ko'rsatkichlari ushbu turdagi mahsulotning maqsadi va ko'lamini tavsiflaydi.

Ushbu ko'rsatkichlarning qiymatlariga asoslanib, jahon bozorida mavjud bo'lgan namunalar baholangan mahsulotlarning analoglari guruhiga kiradi. Keyinchalik baholangan va asosiy namunalarni taqqoslash uchun ular ishlatilmaydi, chunki ular mahsulot sifatini tavsiflamaydi. Bularga quyidagilar kiradi: mahsulotning maqsadini yoki qo'shimcha qurilmalarning mavjudligini aniqlaydigan sifat belgilari, mahsulot hajmini yoki uning sinfini aniqlaydigan parametrlar. Baholash ko'rsatkichlari mahsulotning ma'lum ehtiyojlarni qondirish qobiliyati bilan bog'liq xususiyatlarini tavsiflaydi va sifatni baholashda mahsulot namunalarini taqqoslash uchun ishlatiladi. Har bir baholash ko'rsatkichi uning obyekt sifatiga ta'sirining yo'nalishi bilan tavsiflanadi: sifatning oshishi "ijobiy" deb ataladigan ko'rsatkichlarning ko'payishi va boshqalarning pasayishi – "salbiy"ga to'g'ri keladi. Cheklovchi ko'rsatkichlar hal qilinayotgan muammoning tabiati va baholash maqsadiga qarab ajratiladi va cheklovlar sifatida ishlatiladi.

Analoglar guruhini shakllantirish va ularning ko'rsatkichlari qiymatlarini belgilash.

Analog-baholangan obyektga o'xshash, funksional maqsad va foydalanish shartlariga o'xshash mahalliy yoki xorijiy ishlab chiqarish mahsulotlari. Guruhga kiritilgan barcha analoglar va baholangan mahsulotlar bir xil bo'lishi kerak yoki ularning bir guruhga mansubligini belgilaydigan tasniflash ko'rsatkichlarining taqqoslanadigan qiymatlari.

Analoglar guruhiga quyidagilar kiradi:

- ishlab chiqilayotgan mahsulotlarni baholashda - istiqbolli va eksperimental namunalar, ularning jahon bozoriga chiqishi baholanayotgan mahsulotlarni ishlab chiqarish davri uchun prognoz qilinadi;

- mahsulotlarni baholashda-jahon bozorida sotiladigan namunalar, mavjud hujjatlar asosida yoki sinov natijalari asosida belgilanadigan ko'rsatkichlarning qiymatlari. Analog ko'rsatkichlarning qiymatlari belgilanadi:

– xorijiy namunalar uchun-ma'lumotnomalar, kataloglar, prospektlar, xalqaro standartlar bo'yicha;

- mahalliy namunalar uchun-texnik topshiriqlar, ekspert va yuk komissiyalarining hujjatlari, yetkazib berish uchun texnik shartlar va boshqalar bo'yicha.

Analoglar guruhidan asosiy namunalarni ajratish.

**Olingan natijalar va ularning tahlili.** Asosiy namunalar sifatida barcha analoglarni baholash ko'rsatkichlari bo'yicha ketma-ket juft taqqoslash usuli asosida analoglar guruhining eng yaxshilari ajratiladi. Analoglarni juft-juft taqqoslash usuli asosida asosiy namunalarni ajratish quyidagicha amalga oshiriladi:

- analogni namuna sifatida tan olish mumkin emas va agar u baholash ko'rsatkichlari to'plami bo'yicha boshqa analogdan past bo'lsa, keyingi taqqoslashlardan chiqarib tashlanadi, ya'ni boshqa analogdan kamida bitta ko'rsatkich bo'yicha past, qolganlardan hech biri bilan ustun emas;

– ikkala analog ham boshqalar bilan taqqoslash uchun qoladi, agar bitta ko'rsatkich bo'yicha birinchi analog yaxshiroq bo'lsa, boshqalari uchun – ikkinchisi, analoglar uchun ba'zi ko'rsatkichlarning qiymatlari mos kelishi mumkin. Analoglarni juft-juft taqqoslash natijasida analoglar qoladi, ularning har biri jami bo'yicha qolgan baholash ko'rsatkichlaridan kam emas. Qolgan analoglar asosiy namunalardir.

Baholangan namunani asosiy namunalar bilan taqqoslash.

Birinchi bosqichda mahsulot va uning ko'rsatkichlari qiymatlarining xalqaro standartlarga muvofiqligi, shu jumladan, xavfsizlik, ekologiya va boshqalar bo'yicha cheklovlar tekshiriladi; standartlar, texnik shartlar va mahsulotlar uchun boshqa amaldagi me'yoriy hujjatlar. Ushbu talablarning birortasiga mos kelmaydigan mahsulotlar jahon darajasidan past deb tan olinadi. Ushbu talablar bajarilganda ular ikkinchi bosqichga o'tadilar. Ikkinchi bosqichda baholangan mahsulotlar har bir asosiy namuna bilan juft taqqoslash usuli asosida baholash ko'rsatkichlari qiymatlari bo'yicha taqqoslanadi. Bunday holda, xaritalash quyidagi natijalardan biriga olib kelishi mumkin:

- baholangan mahsulot, agar u kamida bitta ko'rsatkichdan past bo'lsa, qolgan ko'rsatkichlardan ustun bo'lmasa, asosiy namunadan past bo'ladi;



https://buxdu.uz

- baholangan mahsulot asosiy namunadan ustun turadi, agar u kamida bitta ko'rsatkichdan ustun bo'lsa, qolgan ko'rsatkichlarning hech biridan kam emas;

- baholangan mahsulot, agar uning barcha ko'rsatkichlarining qiymatlari asosiy namunaning ko'rsatkichlari bilan mos keladigan bo'lsa, asosiy namunaga tengdir.

Agar ba'zi ko'rsatkichlar bo'yicha baholangan mahsulotlar asosiy modeldan past bo'lsa, boshqalari esa undan yuqori bo'lsa, unda taqqoslash natijasi aniqlanmagan deb hisoblanadi. Ushbu bosqichda baholangan mahsulotlarni asosiy namunalar to'plami bilan taqqoslash natijasi quyidagicha shakllantiriladi:

- mahsulotlar har bir namunadan ustun bo'lsa, jahon darajasidan oshib ketadi;

- mahsulotlar jahon darajasiga mos keladi, agar u teng bo'lsa-kamida bitta asosiy model uchun qimmatlidir;

- mahsulotlar har bir asosiy modeldan past bo'lsa, jahon darajasidan past bo'ladi.

Baholangan mahsulotlarning analoglari mavjud bo'lmagan taqdirda, u mualliflik guvohnomalari yoki patentlar bilan himoyalangan tubdan yangi texnik yechimlar bilan tavsiflansa, u jahon darajasiga mos keladi deb hisoblanadi. Yakuniy bosqichda tavsiyalar asoslanadi va qarorlar qabul qilinadi, bu mahsulot sifati darajasini baholash natijasidir. Belgilangan maqsadlar va olingan natijalarga qarab, mahsulotlarni ishlab chiqish, ishlab chiqarish va takomillashtirish to'g'risida qaror qabul qilish uchun takliflar tayyorlanadi.

**Xulosa.** Zamonaviy bozor iqtisodiyoti mahsulot va xizmatlar sifatiga tubdan farq qiladi. Mahsulotlar (xizmatlar) sifati tashkilot faoliyatining eng muhim ko'rsatkichlaridan biridir. Sifatni oshirish tashkilotning bozor sharoitida omon qolishi va muvaffaqiyatini, texnologik taraqqiyot sur'atlarini, innovatsiyalarni joriy etishni, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishni, ishlab chiqarishda ishlatiladigan barcha turdagi resurslarni tejashni belgilaydi. GOST 15467-79 tomonidan taqdim etilgan va ilgari ko'rib chiqilgan mahsulot sifatini baholash usullari ma'lum samaradorlik va qo'llanilish sohalariga ega, ammo sifatni baholashda noaniqlikni to'liq bartaraf etmaydi. Bu boshqa bir xil turdagi mahsulotlarga nisbatan yuqori sifatga ega bo'lgan mahsulotni oqilona tanlashni qiyinlashtiradi.

## *ADABIYOTLAR:*

*1. Басовский, Л.Е. Управление качеством: учебник / Л.Е. Ба-совский, В.Б. Протасьев. – М.: ИНФРА-М, 2000. – 212 с.*

*2. Гисин, В.И. Управление качеством продукции: учеб. пособие / В.И. Гисин.– Ростов н/Д: Феникс, 2000. – 256 с.*

*3. Квалиметрия в машиностроении: учебник / Р. М. Хвастунов [и др.]. – М.: Экзамен, 2009. – 288 с.*

*4. Мишин, В.М. Управление качеством: учеб. пособие / В.М. Мишин. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – 303 с.*

*5. Стандартизация и управление качеством продукции: учеб-ник / В.А.Швандар [и др.]; под ред. проф. В.А. Швандара. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – 487 с.*

*6. Федюкин, В.К. Основы квалиметрии. Управление качеством продукции: учеб. пособие / В.К. Федюкин. – М: Филинъ, 2004. – 296 с.*

*7. Федюкин, В.К. Квалиметрия. Измерение качества промышленной продукции: учеб. пособие / В.К. Федюкин. – М: Кнорус, 2009. – 316 с.*

*8. Фомин, В.Н. Квалиметрия. Управление качеством. Сертификация: курс лекций / В.Н. Фомин. – М.: Изд-во ЭКМОС, 2000. – 320 с.*



https://buxdu.uz

2030 UZBEKISTAN RESEARCH ONLINE
uzjournals.edu.uz

doi® digital object identifier

Google scholar

ROAD DIRECTORY OF OPEN ACCESS SCHOLARLY RESOURCES

ADVANCED SCIENCES INDEX

**"SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY"**

The journal was composed in the Editorial and Publishing Department of Bukhara State University.

**Editorial address:**
Bukhara, 200117
Bukhara State University, main building, 2nd floor, room 219.
Editorial and Publishing Department.
https://buxdu.uz/32-buxoro-davlat-universiteti-ilmiy-axboroti/131/131-buxoro-davlat-universiteti-ilmiy-axboroti/
e-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Printing was permitted 27.12.2024 y. Paper format 60x84,1/8. Printed in express printing method. Conditional printing plate – 35,30. Circulation 70. Order № 30. Price is negotiable.

Published in the printing house "BUKHARAHAMD PRINT" LLC
Address: Bukhara, K.Murtazayev street, 344